

Абдулла
Орипов



АБДУЛЛА ОРИПОВ

Сайланма

*Шеърлар ва
драматик достон*



Абдулла Орипов

САЙЛАНМА

*Шөгрелар, түркүмләр
ва достон*



«ИАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИҢ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ
1996

Мусаввир
Н. ҲАҚИМОВ

Тартиб берувчи
Чори АВАЗ

Жамоатчи мұхаррир
М. САФАРОВ

Орипов, Абдулла.

Сайланма: Шеърлар ва драматик достон.— Т.: Шарқ,
1996.— 464 б.

Абдиј түйгудар ва Иисон қалби мұаммоларинн үз шеърләрида комил равища да акс эттира олтас Абдулла Орипов иссырғыттымизда ва миллий тафаккуримизда юқсак мавқеге молиқдір. Чүнкі шоир Иисон ва Ватан тақдиридагы юқсак қадриятларин күйинчаклик ва хассослик билан құйлайды. Шеърсөвар халқымыз унинг бу фәзилаттаниң зерттеулерде әздігінен зерттегендегі шеърларының ұлттық мағынасын анықтауда маңызды.


Уз2

42442

© «Шарқ» националь-метабад
концернининг Баш таҳририни.
1996.

Қаршиимда Ер шарин суврати гүрар,
 Салмоги Құваккынг анорича бор.
 Тім қора осмонда порлаб күрінар.
 Шу жақжы сайерға күркам, үлдівор.
 Үнга білжаман үшінайман ән.
 Нахоі шу көркемнің рост бұлса, нахоі?
 Нахотки ерілең бир қызик соққа?
 Нахотки біз шұша жо ойласақ, ҳайтқот.
 Үммекілар күрінар қатра өш мисол,
 Чигит увогича келмас тоглар ҳам.
 Қитъалар, денгизлар ағтода бир ҳол,
 Бари бир нұқтага бұлиб алмиш жам.
 Набылар, расуллар, доғийлар үнда,
 Қабрлар, қасрлар түргандыр қатор.
 Балқи ұхв, күринган мовий тұлқинда
 Сув ичган гүдакнинг нафаси ҳам бор.
 Қулоққа чалинар отлар дупури,
 Сор бургут үзини үлжага ураг.
 Шарқда чүпон әккән гулханнинг нури
 Шимол сайеңхита күрініб турар.
 Ана, Ҳимолайнинг бағрида бир қыз,
 Елқада күзаси — борар булоққа.
 Соқилда учрашди иккі қалб әлтиз,
 Шивир-шивирлари келар қулоққа.
 О, она сайерға, курраи қутлуг,
 Самодан сувратинг илк бора күрдим.
 Ҳавойи бир хаёл сеҳри әмас, йүк
 Фарзанд мәхри билан мен боқиб турдим.
 Күн кечә әмасми, хислатинг санаб,
 Шеър әзіб юрардим сенға парвона,
 Бу күн сувратингга сүзсиз босдым лаб,
 Шу сенми, әлтизим, шу сенми, она...
 Фалақда бир үзинг турибсан ҳайрон,
 Наҳот сен бұлмасанғ бунчалар танқо,
 Сийнанғта әпишган фарзандинг — инсон
 Бева бағридаги етимдай гүе...
 Қайта кетмоқдасан бунчалар шошиб?
 Ором истайсанми құқда овора?

*Балки фарзандынгни құксиніта босиб
Йиглаб кетмоқдасан, она сайғра...
Фарзандларинг бордир сонсиз-саноқсиз.
Во ажаб, қадрингни ғоҳида билмас.
Улар-ку қошишгда чангдай салмоқсиз,
Лекин бағрингта ҳам сиққувси келмас.
Осмон торлик қылған гала үчүнүүдек.
Макон талашиади ғоҳо бетартиб.
Сен-чи меҳварингда айланасан тек.
Яхши-ю, өмнин елканта ортиб.
Сенинг юрагингда лахта-лахта қон,
Сийнанг нималардан бүлмаган пора.
Қайту ҳасратларинг барчаси аёң,
О, бунча дардкашсан, она сайғра.
Сен ҳозир сұвратсан құзим үнгіда,
Эшита билмассан сұзимни балким?!
Бир зумлик безовта үйлар сұнгыда
Яна рухсорингта тикиламай жим.
Бир ёнда ложувард Баҳри Мұхит бор,
Бир ёнда заъфарон Саҳрои Кабир.
Бир ёнда оқ сочли толлар пурвиқор,
Сенинг толеиніта үқииди тақбир.
Эллар түзгіб ұтар гул япрогидек
Бир ён шоху гадо, бир ён дүст, ганим.
Бир ёнда хаєттій Эрам богидек
Буюк ва бетимсол менинг Ватаним.
Ииллар ұтар, балким құп ұтар замон.
Ер юзи چулғанар бахтга, ҹаманга.
Агар дардларингта бүлолса дармон,
Рұхим фидо бүлсин шундай Ватанга.
Мен ҳам бир үтлингман, она сайғра,
Багринг мен утун ҳам хоки пок бүлсин.
Толеинг то абад бүлмасин қора,
Манглайнинг оқ бүлсин, ярқироқ бүлсин.*



ЯНГЫ НЕБРЛАР



Энг аввал тиң бүлсек күксінде виждан,
Тиң бүлсек эл үрті, Вайнақ жонаған.

ВАТАН

Агар дўстлар эрур содиқ бир-бирин қайратиб бўлмас,
Агар қилгил неча фитна аларни айратиб бўлмас.
Демишлар: мору қушни бир қафасда асратиб бўлмас,
Ватандан айри қўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан деб мен баён қилдим, аё дўстлар, мухаммасни,
Ватанин ким улуг билди, азиз билдим мен ул касни
Ватан деб жўш урар эрса кўтаргум бошима хасни,
Ватандан айри қўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Надомат бирла бўқтайдан ватансизларга ҳар доим,
Эгиб бошини зор йиглар, агарчи давлати қойим,
Фақир бўлсан-да бор юртим — тожу тахтим борар жойим.
Ватандан айри қўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Боболар кечмишин ҳаргиз фаромуш айламанг дўстлар,
Ҳақиқат тоғиги отганда ани туш айламанг дўстлар,
Агар ким эътиқодсизур ани хуш айламанг дўстлар,
Ватандан айри қўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Диёрим Ўзбекистондур, ки андин ифтихорим бор,
Демакким, ҳур адолатлиг давлати барқарорим бор,
Онамдек меҳрибон, муnis Ватан бор, гамгузорим бор,
Ватандан айри қўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан сен ҳур, йўлинг шонли, қадамни ташлагин шахдам,
Фаҳр-ла бўқтай Абдулло қўзида шодлигидан нам
Паноҳингни тилаб Ҳақдин дилида илтижо ҳар дам,
Ватандан айри қўнгилни билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ҳамма нарса ўтади, мансаб, шону шавкат ҳам,
Шириндан ширин қолур, талхдан эса қолур талх.
Бир куни тупроқ бұлур, тенгсиз шамси таңыт ҳам,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Гоҳида күзда ёшугоҳида хандон бұлдик,
Гоҳида болға бұлсак, гоҳида сандон бұлдик,
Ахийри қулиб толе, соҳиби даврон бұлдик
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Номингни қаро деган пахтагинам, сенмисан,
Лұпши дея ютганим — лахтагинам, сенмисан,
Авахтада бош урган тахтагинам, сенмисан?!
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Үзбекнинг пешонасин пұлатдан яратмишдир,
Юмушини маломат, захматдан яратмишдир.
Бир сұз билан айтганда — меҳнатдан яратмишдир,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Тингласанғ тутанмаслик афсонаси бор бу әл,
Саркардаси, шоири, таронаси бор бу әл,
Минг оқиғалға арзирлик девонаси бор бу әл,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Фаришта әмасдирмиз, ушбу гапим сир әмас,
Ҳар учраган эшону, ҳар саллалик пир әмас,
Лекин дастурхон ҳаққи, күнглиминиз ҳеч кир әмас,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Жангөхларда жон берган боболарни унутманг,
Мошоқ териб нон берган момоларни унутманг.
Эттиқод, иймон берган дуоларни унутманг,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ.

Амалпааст, лұттибоз бұлмаган қачон ахир,
Сак бир нени емаса оғзи бұлармиш тахир,
Бизнинг барчамиз шоҳмиз, бизнинг барчамиз фақир!
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолтур халқ.

Үтганларни ёд этмоқ қолғандыр шариатдан,
Инсон шарафи юқсак миссату тариқатдан
Ўзбекка бул фазилат юқмишдир табиатдан.
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолтур халқ.

Олимми є пахтакор ким бұлмасин — одамдир,
Яъни Оллоҳ бандаси — ҳар бири бир оламдир,
Ўзбегим ўз волидам, ўзбегим ўз отамдир,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолтур халқ.

Лөн гапки, адолат элнинг күз, қоши бұлтур,
Ургани ун оши-ю, сұкса сұк оши бұлтур.
Юрги оғириң тортолған асли юрг боши бұлтур,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолтур халқ.

Каттакон йўлга чиқдинг, йўлдошинг бўлай халқим,
Фарзандингман, қўллайсан, қўлдошинг бўлай халқим.
Ҳасратинг кўп дилингда, дилдошинг бўлай халқим,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолтур халқ.

Хар қанча фаҳр этсанг арзийди үзбес,
 Балқибсан бир жоткинг юксак шоңида.
 Темурбек юлдузи Олтин Қозенқедеъ
 Чарақтар буюклар Қаҳқашониди.

Во ажаб, ёлғиз бир Занжир Саройниң
 Үчини Ўрдадан өла билган зот.
 Туран деб аталмиш каттакон жойнинг
 Багрига шунча йил сигмабди наҳот?!

Жаҳонни мұгуллар исканжасидан
 Құтқарыб қололган барлосий ботир —
 Қополмай тақдирнинг тақозосидан
 Фотиқ деб ном олмиш үзи ҳам охир.

Энг улуг бинолар мужассам бұлмиш,
 Оламда тенги йүқ Самарқанд-ку бор.
 Темурбек жанг-жадал шавқига тұлмиш,
 Қулида шамширу тагида тулпор.

Хүкми олий билан этмиш намоән
 «Куч бу — адолатда», деган сұзларни
 Қон тұкмиш Жаҳонгир тоҳо беомон,
 Евлари тикмасдан қонли күзларин.

Отани боладан тирик айириб,
 Тожи таҳт талоши қизирқан барҳо
 Султон не зотларнинг құлин қайириб,
 Мұхташам салтанат айламиш барпо.

Оллоҳим баҳш этмиш шүңчалар шұқұх,
 Комилу етуқдир шажара, зоти.
 Бир ён Бибихоним, бир ёнда Шоҳруҳ,
 Бир ёнда Улугбек — синмас қаноти.

Не баҳтким, туққан юрт бұлғанда озод
Муборак Ватанға қайтиб келмишсиз.
Қулоқ тутгайми деб ноахил авлод,
Ташаккур, бизларни күзга илмишсиз.

Хамон ер юзида Шайтон тутғени
Тилларда дуою, дилларда зарда.
Күриб бу ноқису нотинч дунёни
Қайта босардингиз балки, Саркарда.

Саъйи ниятларга рухингиз Сардор,
Ёвузлик чекингач, үчтай ёмонлик.
Дастингиз шамширга бормасин зинҳор,
Ҳазрат, барчамизга тиланг омонлик.

ЎЗБЕК ҚОМУСИ

Мен бечора бир одамман,
Эртанин куним,
Не булишин билмайдиган ожиз бандаман.
Еру осмон ўртасида топмаган қўним,
Ботинимда ботмон тошу, зоҳир хандаман.

Ёлғизаликнинг рутубатли кўчаларида,
Не-не олтин фаслларим ўтди жунжикиб.
Шеъриятнинг тунд қоронгу кўчаларида
Йироқ-йироқ юлдузларга боқдим энтикиб.

Игво, ҳасад, фитна билан тўлган бу ҳаёт,
Ҳар онимда мингта этди бир ҳаератимни.
Хира туман орасида буткул коинот,
Ғира-шира илгар эдим мамлакатимни.

Эслар эдим Бухорийни, Яссавийни ҳам,
Ҳа, ҳа айри тушмаганди хотиротимдан,
Фақат улар чалинарди кўзимга мубҳам,
Лекин сира кетмас эди хаёлотимдан.

Ҳам Темурбек, ҳам Улугбек, Алишер, Бобур,
Сизлар тузган ул салтанат — Салтанат бўлди.
Улуғ тарих Туркистонга чўнг гувоҳ эрур,
Давлат эдик, Давлат эдик, у давлат бўлди!

Эмуқдошим, ай, қардошим, қулоқ тут менга,
Ушбу қўхна қаҳкашонда магрур тутгин бош.
Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга,
Сеникидир энди бу ер, сеники қуёш.

Қўлингда эрк, бошда ялов, тилингда суруд
Ватанинг бор, бола-богчанг, ор-номусинг бор.
Ўзбекистон деб аталган муқаддас ҳудуд,
Ўз Давлатинг, Мамлакатинг, ўз Қомусинг бор.

В И Ж Д О Н

Жаҳон шоирлари виждон ҳақида
Аввалдан минг-минглаб байтлар ёзмишлар.
Виждон-ку аслида собит ақида,
Кимлардир бу йўлдан гоҳ озмишлар.

Балки виждон дея тинмай чекиб оҳ
Ҳайқириб юрмайди ҳар қандай одам.
Топилгай боболар ҳикматларин гоҳ,
Шунчаки насиҳат дегувчилар ҳам.

Қай битта нарсага муҳтоҷ бўлса гар,
Энг аввал ўшанга топингай инсон.
Майли уммон қадар ё зарра қадар,
Ҳар нечук қалбларда бор бўлсин, виждон.

Магар кетар бўлса виждон бош олиб,
Иймон ҳам у билан бирга кўчгайдир.
Бутқул марду номард таянчиз қолиб
Чоҳ узра чирпирак бўлиб утгайдир.

Девлар қутулгандек Сулаймон ўлиб
Бетизгин туйгулар ҳар ён юрграй,
Қалб деган истеҳком пособонсиз булиб,
Энг аввал нафс унга ўзини ургай.

Ҳақиқат аталмиш равшан қуёшни,
Очиқ дийдаларки илгамас кўриб.
Авлиё дегайлар сўқир авбошни,
Адолат ўрнини эгаллар фириб.

Иложин топсалар ҳар қандай онда
Эл-юргни чалгитиб қўярлар осон.
Гар ҳакам бўлсалар бирор майдонда,
Маглубни голиб деб этарлар эълон.

Күпіпа-кундуз қуни киприк қоқмасдан
Елғон сұзлай бошлар даҳолар ҳатто.
Кимлардир умрида бир шам әқмасдан
Машъал бўлмоқлиқни қилгайлар даъво.

Виждан кетган жойда адолат бир кун,
Илондек қўзголур бўхтон ва тұхмат.
Бу ёргуламда одамзод учун
Бормикан улардан ортиқроқ кулфат.

Виждонсиз кимсага дуч келган нафас
Коғир ҳам дод солгай: Асрагил, ё Рабб!
Оддий бисмиллони билмайдиган кас
Илтижо қилгайдир қиблага қараб.

Виждондан айрилиб қолган фурсатда
Бошланар тож-тахтга ружу дағыатан.
Не-не зукко халқлар қолиб гафлатда,
Тузигиб кетажакдир бутун бир Ватан.

Ха, ўзинг ёрлақа яратган эгам,
Иблис юракларга қутқу солмасин.
Виждондан мосуво этмагин ҳеч ҳам,
Токи у хотирот бўлиб қолмасин.

МЕХРУ ОҚИБАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Дема құтарилди меҳру оқибат,
Биргина чора бор бундай чог фақат.

Токи тананғда жон, оғзингда сұзинг,
Әнди хабар олгин үзингдан үзинг.

Хотин ионуштага олиб кирса чой,
Үзингни тәклиф қыл: — Ич, фалончибой!

Тонғда ишхонанға құйсанғ гар қадам,
Жұмладан, салом бер үз-үзингга ҳам.

Илгакка палтонғни ҳұрмат билан ос,
Күрсат үзингга ҳам садоқат, ихлос.

Одатда бир кимса ишга бұлар ғов,
Хайфсан эълон қылғын үзингга дарров.

Балки йұл оларсан узоқ сафарга,
Йироқ қишлоққами, олис шаҳарға,

Хол сұраб даданғдан, туққан онанғдан,
Үзингга мактуб ёз борған жойингдан.

Дема, құтарилди меҳру оқибат,
Бунинг чораси бор, изла, топ фақат.

Түгілған кунингни балки биларсан,
Үзингіт нимадир совға қиласан.

Ногоҳ тушиб қолсанғ касатхонаға,
Күз тикма, на дұсту на бегонага.

Яхиси, үғлингта теэлиқда сим қоқ,
Дегіл: Келмасанғ гар. оқ қиласан, оқ!

Магар шоир бұлсанғ газал ёз, ёз фард,
Лекин топылмайди үқийдиган мард.

Ижро әт шеърингни ўзинг баралла,
Дегил: қотирибман, уҳ, баракалла!

Набиранг қўнглига изласанг қалит,
Бир жуфт ҷақич беру ўзингни танит.

Улфат изламагин кўча юзидан,
Ҳозир ҳамма кетган пулнинг изидан.

Ниҳоят қартайиб, ҳориб толгайсан,
Барча ташаббусни қўлга олгайсан.

Бир кун трамвайга чиқсанг ҳойнаҳоӣ,
Сенга бирор кимса бӯштмагай жоӣ.

Холи ўриндиққа тушса гар қўзинг,
Ўтиринг, домла! — де ўзингга ўзинг.

Кимлардир тортмасин, ташвиш, жабрингни,
Албатта, қаздириб қўйгин қабрингни.

Бир жуфт сўз ўйдиргин мармар тошга ҳам:
«Бу ерда ётибди Энг Яхши Одам!»

Ахир тиригингда йўқлашмади, бас,
Ўлганпингдан сўнг ҳам ҳеч ким эсламас.

Хуллас, йўқолмагай меҳру оқибат,
Бунинг чорасини изла, топ фақат.

ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИГА

(Мустақиллигимизнинг бир йиллиги муносабати билан)

Туркистоннинг болалари мақтовимга қулоқ тутманг,
Гина қилсан чиданг, аммо, гапларимни ҳеч унутманг.

Энг аввало шажарангиз қайдан чиққан билиб олинг,
Сиз ҳам башар фарзандисиз, Ҳақни байроқ қилиб олинг.

Мен Темурдан сўзлайнми, сўзлайнми Навоийдан,
Барчасини ўқигансиз, эшигтгансиз ё ровийдан.

Тарихингиз шундоқ узоқ, жангу жадал деса ҳам бор,
Босқин ҳам бор, тошқин ҳам бор, касбу амал деса ҳам бор.

Бобур булиб сўрадингиз қўни-қўшни дунёларни,
Машраб булиб кездингиз тоҳ, қашқир юрмас саҳроларни.

Ўт кетсин у қора кунга — бирвларга қул бўлдингиз,
Шарқу Фарбнинг ўртасида оёқ ости йўл бўлдингиз.

Бироқ, иймон нури доим оқиб турган қонингизда,
Ўзингиз ҳам сезмагайсиз, бир гавҳар бор жонингизда.

Минг-минг шукур, замон келиб истиқболга эришдингиз,
Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдингиз.

Хурликниу саодатни муборақбод этгум, лекин
Айтиб қўяй, қулогингиз биттан экан секин-секин.

Назарингиз тушар аввал зеби-зийнат дастурхонга,
Ҳануз таъзим қилмоқдасиз мол-дунёси бор инсонга.

Бўй бастини қўрсатгувчи урфони зўр миллат қани,
Сизнинг учун обру — олтин, арzonгаров шуҳрат — маъни.

Юрагида жавҳари бор кимсаларни кўрмагайсиз,
Карнайи йўқ бечоранинг тўйига йўл бурмагайсиз.

Хар қадамда хушомадни ўз ўрнига қўёлсайдим,
Пешволарнинг пойларига ҳафтада қўй сўёлсайдим,

Бўлмас эди мендан улуг, мендан азиз бирор инсон,
Оҳ, ҳалқимни не кўйларга солдинг замон, солдинг замон.

Туркистоннинг боғларида булбуллари бор, ҳолбуки,
Хор бўлса ҳам тогдай баланд кўнгиллари бор, ҳолбуки.

Бирор у ён тортар бўлса, бирор бу ён тортаётир,
Қонсираган жаллодларинг шодликлари ортаётир.

Билиб бўлмас рост гап қайдга, билиб бўлмас қайдга ёлгон,
Маломатга йўлиқади, элга: «Бирлаш» деган инсон.

Туркистоннинг болалари, Туркистоннинг болалари,
«Пуф» деганда тўзгигудек мўъжазгина лолалари.

Чинор бўлиб илдиз отинг, қоя бўлиб тиклангиз қад,
Улуг-улуг аждодларнинг хавотири Сиздан беҳад.

Соянгизда паноҳ топсин хориб толган қондошингиз,
Унутмангкиси, бул чаманда ҳар бир япроқ жондошингиз.

Тўқайзори бўлмаса гар шеру арслон қайдан унар,
Бир манзили бор эканки бургутлар ҳам келиб қўнар.

Олдиндадир ҳали заҳмат, олдиндадир имконингиз,
Осилмаган не-не Машраб, отилмаган Чўлпонингиз.

Ўтингч ила ҳасратимни насиҳат деб юзга солманг,
Худо инсоф берган куни бармоғингиз тишлаб қолманг.

Муруввату маърифатдир буюкликнинг нишонаси,
Қадам қўйинг, мана сизга донгил йўлнинг остонаси.

Туркистоннинг болалари, Туркистоннинг болалари,
«Пуф» деганда тўзгигудек мўъжазгина лолалари...

ШАРҚ ҲИҚМАТИ

(Жириновскийға)

Тахтга талпинасан газабға тұлиб,
Чиқармоқ бұласан оламшумул chanғ.
Хар сіна күтарғап ыскандар бўлиб,
Темур санаалмагай ҳар қандайин лаңг

Ўзбекнинг давлати қарор топған чоғ,
Маймунжон терарди қайси бир наслинг.
Ўз юргинг шаънига туширмагин доғ,
Ахир одам эрур сенинг ҳам аслинг.

Ҳар ким шоҳ бўлай дер иложин топса,
Урингай, тарихга келса ҳам малол.
Фалак чаппа кетиб, омадинг чопса,
Шарқнинг бир ҳикматин яхши англаб ол:

Подшоҳ деганлари куну тун бедор,
Халқининг меҳрибон дояси бўлур.
Бежиз айтмаганлар, асл ҳукмдор,
Худонинг ердаги сояси бўлур.

ШАРОФ РАШИДОВ ХОТИРАСИГА

Марҳумлар ҳаётдан эрурлар йироқ,
Демакки, йироқлар хушомаддан ҳам.
Макру найрангларин қўймайди бироқ,
Токи ҳаёт экан Нобакор Одам.

Уларниң турға хил одатлари бор,
Аввал ганижларини қўмгай тупроққа.
Сўнг бирдан ўзларин ҳис этиб ноchor,
Гавҳарим қайда деб тушгай тупроққа.

Дунёда ҳам кимга қисмат ёр эмиш,
Кимдир тож кийгайдир, кимлардир кулоҳ.
Гуёки Алишер сизга ҳам демиш:
«Сийратинг дарвешу сувратингдир шоҳ».

Эзгулик никобин юзига тортган
Манфур бир майдонда сургандингиз от.
Кимдир ўз падарин бир пулга сотган,
Қўл-оёқ кишаңда, талангтан бисот.

Ўйчан қўзингизда не гам бор эди,
Келажакмиди ё мозийнинг шони?
Ўзбек-ку бир эркка интизор эди,
Сизни адо қылди минг бир армони.

Эрксевар элларнинг орзусин ёқлаб,
Хаёл дентизизда тунлар сузгансиз.
Истиқлол сўзини юрақда сақлаб,
Сиз қафас ичида гуллар тузгансиз.

Шоирман, бўйнимда шеърнинг гуноҳи,
Соҳибин асрайди Салтанат маккор.
Очкўз, амалипараст кимсалар гоҳи
Адолат менман деб топгай эътибор.

Уларнинг дастидан нотинч әл, замон,
Танимай қолурсан оқ-корани ҳам.

Чалғитиб келғанлар топғанда имкон,
Хаттоқи Темуру Бойқарони ҳам.

Одилдир — ким әлни бошлаган бахтга,
Үзи үтда ёниб, йўлни очғанлар.
Лекин интиларкан тож ила таҳтга,
Воажаб, кўпинча дордан қочғанлар.

Қултуқ Шароф ота, минг бора қултуқ,
Боқий Ўзбекистон сизга ҳам ёдгор.
Бугун у истиқлол шавқига тўлиқ,
Хизматингиз эслар тақрор ва тақрор.

Илоҳи, ҳар кимга берсину тўзим,
Бут бўлсин Ватанинг метин қўргони.
Сизни қўллаб турар Ўзбегим — ўзим,
Ва, юртнинг посбони — жасур ўғлони!

Султон бўлмасангиз, Шароф ота, гар,
Яшардингиз қалам қўлдоши бўлиб.
Покликка, вафога тимсол муқаррар,
Хурсаной аянинг йўлдоши бўлиб.

БИР КУН ТҮҚЧИЛІККЕ ЮЗНИ БУРГАЙСАН

Түйни ортга сурди қай қун хотининг,
Деди: — Қуёв томон сабр этиб турсин.
Сабаби нимадир — сезар ботининг,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Үгілт үлгаймоқда, тор келмиш бошмоқ,
Янгисин олишга имкон йүқ бироқ.
Дейсан: Маошгача чидатин, үртоқ
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Гап-гаштак хос қадим қишлоқ, шаҳарға,
Ұлфатлар йигилар норин ошарға.
Навбатинг келганда қоңдинг сафарға,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Номинг гар оламни құяр гангитиб,
Үзини билганин ҳолин танг этиб.
Кабобпаз йұлингни үтди chanгитиб,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Құшнинг құнтагида йұқдир ҳеч вақо,
Үй қураман дейди, сир бермай аммо.
Суврати подшо-ю, сийрати гадо,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Хатто Каъбада ҳам құрганман бир бор,
Бойга чой таширди машхұр саңыткор.
Раббим, бундай кундан асрагин зинхор,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Бошига түшса гар мушкул фурсаллар,
Элим деб өнгайдир соҳиб журъатлар.
Бир-бирин құллагай ҳатто давлатлар,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

Толеда борини сен ҳам құргайсан,
Бир кун түқчилікка юзни бургайсан.
Үшанда шеъримни эслаб юргайсан,
Йұқчилік әмондир, йұқчилік қурсин.

ШУКУР БУРҲОН

Азамат бир чинор,
Айқирган дарё.
Үндан нарироқда салобатли тог.
Тепада поёнсиз ҳайбатли само,
Атрофда уфққа туташ дала, боғ.

Чинор соясида улуг мўйсафид
Сокин кузатади еру осмонни.
У Шукур Бурхондир, гоҳо шу тахлит
Тасаввур қиласман Ўзбекистонни.

М У Л О Қ О Т

— Бахтсизман, толеим қулмайды,
Онажон, қошиніта кетайин.

— Кеттаплар ҳеч қайтиб келмайды,
Бардош қыл дейман, ох нетайин.

— Не учун дунёда туғилдим,
Бу қадар омадсиз, бечора.

— Үзим ҳам бир умр бүтілдім,
Болажон, ноилож, начора.

— Не учун ёвуздір одамлар,
Бирови топтайди бирини?

— Мени ҳам еди-ку шу ғамлар,
Билмадым бу ҳолнинг сирини.

— Инсонга ишондим — хор бұлдим,
Сен дединг — бир ишонч сабрдір.

— Үзим ҳам ишончға зор бұлдим,
Оқибат топганим қабрдір.

— Бош уриб борарга йүқдір жой,
Онажон қошиңгага кетайин.

— Болажон, ҳорибсан ҳойнақой,
Бардош қыл дейман, ох нетайин.

— Чорласанг, мададкор бұлолсанг,
Висолинг руҳимни шод этар.

— Сен ҳам гар йүқликка йўл олсанг,
Борлиқда ким мени ёд этар?!

МЕН КИМГА СУЯНГУМ

Бир күн савол берди ёшгина үглон:
— Нечун Аллоҳим деб йиглайсиз иолон.
Дедим, жавобимдан бўлмагин ҳайрон,
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Тинимсиз алдаса муҳит, маконинг,
Тортса оёғингдан дўсту ёронинг.
Шундай ўтар бўлса ҳар зум, ҳар оининг,
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Ношукур эмасман дунёда гарчанд,
Қайдадир менга ҳам бор балки дилбанд
Ва лекин тириклай кўйдирса фарзанд,
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Инсофу ишонг ҳам ширин сўз бари,
Тириклик тошқинидир ёки қўпкари.
То ҳаёт экансан қочгайдир нари,
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Шунчалар каж эрур дунёи гардун,
Ундан диёнатни ахтармоқ нечун,
Падар шод ўз ўғелин бағрин этса хўн,
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Мингта кўз пойлайди битта жонингни,
Жонингмас, мартабанг, балки шонингни,
Ўт қўймай ёқарлар хонумонингни,
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Бу қўхна дунёда яшадим мен ҳам,
Яйдоқ от мисоли бўлдим беэга.
Маломат қилурман оломон сенга:
Мен кимга суюнгум Аллоҳдан бошқа.

Мендеңгә раңжымасын бүлеа дүст ағар,
Балың уларыннан ҳам дилиде наадар,
Хойнақоң мәндайлар дегей мұқаррар;
Мен күнгә суяңгум Аллохдан боянда

Умр ҳам охирлаб бормоқда секин,
Әйді сарғаймоқда мен әзкан әкин.
Мағлай, сен үзингә суяңгил, лекин,
Мен күнгә суяңгум Аллохдан бошқа.

ЛҮТТИБОЗ

Не-не балоларга гоҳ тутылдим,
Күпидан, иншооллох, энди қутулдим.

Бошимга түшди гоҳ мұхтожлик, күлфат,
Барига күникиб кетдим оқибат.

Түткін эта олди на шуҳрат, на ғам.
Қутулдим беҳуда орзулардан ҳам.

Бир замон қолганда чорасиз якка,
Дард хуруж қилганди үксик юракка.

Нече ой йұл қараб, тұшакбанд бўлдим,
Шукрим, дардан ҳам охир қутулдим.

Токи, голиб экан босқинчи зоти,
Қафасда утгайдир халқнинг ҳаёти.

Ватан озод бўлди, нашъага тўлдим,
Демак, кишанлардан мен ҳам қутулдим.

Аммо бир касофат қийнайди ҳамон,
Унга бас келолур на вағт, на замон.

Уни дафъатан-да тутиб ҳам бўлмас,
Ва лекин айланиб, ўтиб ҳам бўлмас.

Қутулдим неча қиш, неча ёзлардан,
Фақат қутулмадим лўттибозлардан.

Даргоҳинг бунча кенг, оҳ, Парвардигор,
Сенинг марҳаматинг бисёрдан-бисёр.

Мушрик бандаларинг наҳот оз сенга,
Нечун зарур булди лўттибоз сенга.

Унинг ҳам одамдек бор юзи, күзи,
Лекин алдаб кетар күппа-күндузи.

Манфаат бұлса бас, қайтмас балодан,
Құруқ чиқаберар өткеса, дарәдан.

Унинг дүниесини бунга кийгизар,
Қисир сигирни ҳам ҳатто ийгизар.

Унинг жинси йұқыдир, йұқыдир миңлати,
Үмумбашарийдир, яъни иллати.

Қарайсан, бир гүзал турар, айлаб ноз,
Ботинига боқсанг, ағсус, лұттибоз.

Мана бу жаноб-чи жилмаяр мамнун,
Аслида лиbosга үралған маймун.

Ризқинг бут бұлсın деб чеккаңдим нола,
Қай күн алдаб кетди бир өтілөң бола.

Лұттибоз ошнодир иши биттүнча,
Эшаги кечувдан токи ўттүнча.

Илоҳо, оламда ўзингсан энг соғ,
Бергил уларга ҳам диённат, инсоғ.

Қанча синовинг бор солғин бошимга,
Уларни юборма ҳарғыз қошимга.

Майли, дұзахингда қийна, ўтда ёқ,
Мени лұттибозга дүч қылма бирок.

МУЖОХИД

Бурунни сассиқ деб кесиб бўлмайди,
Сиз мени тушунинг, Абдулло ака.
Ўзбекман, ва лекин дарбадар дайди,
Тасалли беролса қанийди Макка.

Ўзбек деб ажратар Афғонга борсам,
Менга келгинди деб қарайди Араб.
Тингловчи кимса йўқ дардими ёрсам,
Фақат ззилтаман онамга қараб.

Гарчи камим йўқдир молу дунёдан,
Ошёни омонат қушман аслида.
Йироқман юрган мөхри гиёдан,
Гарифман умримнинг қайноқ фаслида.

Қўлда қурол билан жанг қўлдим мен ҳам,
Афғон тупрогини босганида ёв.
Ҳеч қурса бир нафас, ҳеч қурса бир дам,
Босқинчи йўлига бўла олдим гов.

Жангда иниларим бўлдилар шаҳид,
Ёлгиз онам билан қолдик икковлон.
Мени атадилар манфур мужоҳид
Шимол галалари маккор, беомон.

Жайхуннинг ортидан келган ўзбегим,
Қурол кўтармишdir ўрганиб жони.
Бутун мен оламга ошкора дегум,
У ҳам шўроларнинг бўлди қурбони.

Менга қўли қон деб боқманг, ақажон
Озодлик қадрини мен ҳам билганман,
Жангларда қай ўзбек берган бўлса жон,
Унинг қаторида мен ҳам ўлганман.

ДҮНӘ

Бир кимса умрининг сүнгига қадар,
Йигди молу дунә, йигди сийму зар.

Уни қизиқтири на дүстнинг ҳоли
Ва на қўшисининг ўксик аҳволи.

У чиндан мол-мулкнинг жиловин тутди,
Фақат нафс ортидан от суріб ўтди.

Бир қуни ба ҳукми тақдирি азал,
Шамирин кўтариб келди-ку ажал.

Энди на сийму зат қутқара олур,
На билтур, на гавҳар қутқара олур.

Рози ё норизо — фақат йўқ мутлоқ,
Бундай чоғ чорасиз ҳатто дўст-ўртоқ.

Бешафқат ажалга берар экан тан,
У деди: «Шу экан, дунә шу экан».

Марҳумга марҳумлик кўрилгай лойиқ,
Уни қабристонга элтди халойиқ.

Уюм тупроқ бўлди қувончи-ғами,
Кимдир боқиб деди: «Шунта шунчами...»

М У Х А Б Б А Т

Хар мүмин дилида бир орзу фақат,
Хар дамда үйида Махшарнинг куни.
Оллоҳ гуноҳларин қилиб мағфират,
Зора ноил этса жаннатга уни.

Тунлари мени ҳам тұлғайды хаёл,
Үзинг ёрлақатын мени ҳам, ё Рабб.
Сенинг васлинг гарчи эңг олий висол,
Раҳм эттил ва лекин ҳолимга қараб.

Менинг ҳам тилагим ол инобатта,
Қовуштыр орзулар олами билан.
Расулыллоҳ демиш: Қиши жаннатта
Киргайдыр севикли одами билан.

ҲАЖ САВОБИ

(Ҳазил)

Мұхбір:

Ҳаж құлдінгиз бориб Макка тарафларға,
Күмілдінгиз ногоҳоний шарафларға.
Бундайин баҳт түшингизга кирғанмиди?
Ҳожи бобо, нима дейсиз бу галларға?

Ҳожи бобо:

Иншиооллоҳ, ҳурлық келди гулдир-гулдир,
Қолаберса, ҳар бир ишнинг боши пулдир.
Ҳовли жойни саксон мингта сотиб кетдим —
Мұхбір болам саволингта жавоб шулдир.

Мұхбір:

Халқ айтади, چұварадан гүштдір маъни,
Сиз күрдингиз Макка билан Мадинани.
Каъбату:лоҳ дарвозаси қандоқ экан?
Ҳожи бобо, үшалардан сұзланг, қани.

Ҳожи бобо:

Каъбатуллоҳ жамолига йүқтір тараф,
Аммо, лекин: бозори ҳам мақтов талаб.
Харидорлар, дурбин борми, — деб сұрашар,
Мұхбір болам, ҳайрон бўлдим шунга қараб.

Мұхбір:

Ү еңларда хаёлга ҳам ботдингизми,
Арофатнинг мاشаққатин тортдингизми.
Мино деган тоққа чиқиб, гайрат қилиб,
Ҳожи бобо, Шайтонга тош отдингизми?

Ҳожи бобо:

Энди билдим, Шайтон асли қайдан экан,
Бир томон тог, бир томони майдон экан.
Бозорчиси соддагина араб десам,
Мұхбір болам, ўзбекдан ҳам шайтон экан.

М у х б и р :

Сўрайберсам саволларим ҳали талай,
Майды-чўйда, икир-чикир, алай-балай.
Мадинада Пайгамбарнинг даҳмаси бор,
Ҳожи бобо кўрдингизми. уши, қалай?

Ҳ о ж и б о б о :

Мадина ҳам шаҳар экан олий ҳикмат,
Аёллари юришибди юзда чиммат.
Атлас олиб борган эдим арzon кетди,
Мухбир болам, у жойларда асал қиммат.

М у х б и р :

Саволимни қулоққа ҳеч илдингизми,
Қайта бориб келганингиз билдингизми?
Мен савобдан гапираман, сиз саводдан,
Ҳожи бобо, аслида ҳаж қиёдингизми?

Ҳ о ж и б о б о :

Тайшранинг патталари қўлимдадир.
Гувоҳларим мана ўнгу сўлимдадир.
Бундай макруҳ саволларни ким ўргатди,
Мухбир болам, ҳаж савоби дилимдадир.

Э Ч К И

Хаммага маълумдир эчкининг феъли,
Қозонга тушгунча тинч тура олмас.
Доим эгри бўлгай танлаган йўли,
Хунар кўрсатмаса жим тура олмас.

Гоҳо ниҳолларни гажийди обдон.
Чўпон таёғига тегинар гоҳо.
Үюрни жарликка бошлар ногоҳон,
Ўзи четлаб утар хатарни аммо.

Бир куни эчкининг гайрати қўзиб,
Баланд бир қоянинг учига чиқди.
Боқди булутларга қўзини сузиб,
Юксаклик завқини сурди, мириқди.

Тогларга тўшалди қорайиб оқшом,
Энди қайтди, тушмоқ керак-ку ахир.
Изгирин бошланди, йўқолди ором,
На гиёҳ, на сув бор, қоя тап-тақир.

Қандоқ чиқди у ён — ўзи ҳам билмас,
Қайтиб тушмоқликка топмади чора.
Энг юксак қоянинг устида хулас,
Мунгайиб бир ўзи қолди бечора.

Энди мадад сўраб маърай бошлади,
Осмону фалакни кўтариб бошга.
Бизнинг тилда айтсак қўзин ёшлади,
Омад бошқа деди, фалокат бошқа.

Тонгда назар солди қояга чўпон,
Эчки ҳайкал янглиг қотганча туар.
Юракни эзгудек маърайди полон,
Ўзига бетўхтов ҳимоя сўрар.

Чўпон ҳам чиқолмас бундоқ қояга,
У ҳам ноилождан бошин қашлади.

Фурсатни кетказмай дея зоега,
Құтқазиш йулини излай башлади.

Бир бора қайнайды ҳар ҳолда қозон,
Үюр рүйхатидан уни үчирди,
Дархол үқлади-ю мілтігін тұпон,
Әчкіни қоядан уриб туширди.

М А Й Н А

Богнинг қий-чувига құюқ тутамал,
Бу ерда турфа хил қүшлар айланар.
Саъваю қалдирғоч — ўзи бир жаҳон
Ва лекин күпайиб кетмиш майналар.

Бундай олгир қүшни күрмаганман ҳеч,
Бир чўқиб ўн қарап — тегар жопинита
Унга фарқи йўқдир: кундузми ё кеч,
Дангл шерик бўлар дастурхонингта.

Юришини қўрсанг олифта, сатанг,
Балки сепиб олган фаранг атрини.
Мусича ўзини эшлайди аранг,
У-чи, ерга урмас сира қалрини.

Айни пишган чоги богингда кишиши,
Эгалик қитади эккандай ўзи.
Яхшиям йўқ унга ўттиз икки тиш,
Яхшиям ҳамённи пойламас кўзи.

Улгурса ер юзин айларди тақири,
Сўнгра бир-бирин еб, толарди барҳам.
Дунёда инсофли қүшлар кўп ахир,
Улар соясида яшар майна ҳам.

Д И Л О З О Р

Бунчалар дилозор бўлмасант, кимса,
Мақоминг бандай мўмин-ку ахир?!
Кимдир жигарини тупроққа кўмса
Ҳолин сурасанг, тошми бу багир?

Тепангда порлайди офтоб чарогон,
Сен эса атрофни буткул тун дейсан.
Кимнингдир дилига тўкса зимистон,
Сен унинг ҳолини ёргуғ кун дейсан.

Бир маҳал дуч келиб сенек балога,
Пайғамбар оҳ чекмиш, қалби тўла зор.
Расуллуллоҳ демиш: ҳатто Мусога
Уммати бунчалик бермаган озор.

Д И Л О Ф Р И Г И

Құл оғриги босилса
Дил оғриги бошланар.
Олис хотиралардан
Күнгіл тагин ғашланар.

Сокин үттан бир дамни,
Эслолмайман ё Раббим.
Тақдир құлда өйдек
Әтилиб борар қаддим

Яхши билан ёмонни
Етолмайин фарқига,
Фақат йұл излаб үтдим,
Мұхаббатнинг арқига.

Бир қарасам, пайкондек
Үмр үчиб кетмишдір.
Билмадим, у чақпн — үк
Қай мәнзилге етмишдір.

Қайдадир интилганим —
Мұхаббатим қаєнда,
Балки мен бу әнда-ю
Қалбим эса у әнда.

Инсон умри шул әкан —
Йұлы тұла надомат.
Гар васлингга етқазса
Келақолгил, қиёмат.

Хаётимнинг маъносин
Бир нафасга қайтиб бер.
Майти, сұнгра барчасин
Достон қилиб айтиб бер.

Мұшқұл әкан бу қадар
Эзгуликка етишмоқ.

**Хаёт-ку бир чистондир,
Мұхаббат ҳам топишмоқ.**

**Құл оғриғи босилса
Дил оғриғи бошланар.
Оліс хотиралардан
Күнгіл тагин ғашланар.**

ТЕЛЕФОН Дафтари

Сира ажаб эмас,
Шомдан то саҳар
Ўнлаб дафтарларга кўмилиб қолсам.
Телефон дафтари —
Лекин, бу дафтар...
Юрагим безиллар, қўлимга олсам.

Унда қанча-қанча дўсту қадрдон,
Таниш нотанишнинг номлари бордир.
Бири Инсон эди, то ҳануз Инсон,
Бошқаси, афсуски иблисига ёрдир.

Бири бойиб кетган, қув, иззатталаб
Балки ўзгартирган эски рақамин.
Бирови, кўзимнинг ёгини ялаб,
Мендан аллақачон узган қадамин.

Бировига эса-ёқмабди мансаб,
Атрофин ялтоқи зотлар ўрабди.
Кай куни қирқ йиллик дўстига қараб,
Исминг нима эди, — дея сўрабди.

Манов камтар, йўқсил танишим,
Кўнгли ўсмасмиди битта сўзимдан.
Мен ҳам ўзгардимми? Мўлми ё ишим?
Бир бор йўқламабман. Гина ўзимдан...

Фожиа эмасдир бу гаплар зинҳор,
Балки қай бирини тузатса бўлар.
Лекин дафтар ичра қатор ва қатор,
Марҳум дўстларимнинг номлари туар.

О, менинг қалби пок биродарларим,
Қонингиз не учун бемаҳал тинди.
Сиз йўқсиз — мен утун давралар ярим,
Куним кимларгадир қолмишдир энди.

Ха, номард бұлса ҳам ширин шу ҳаңт,
Ха, заққым бұлса ҳам ганимат зумлар.
Биламан, ортига қайтмас көнінот,
Биламан, тирилиб келмас мархұмлар.

Балки үчирамми номларин? Асло!
Чүчийман, үзімдан даққи еғандай
Үлар, рақамларин терсам мабодо,
Юлдузлар ортидан «Лаббай» дегандай.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК

Эл аро юради бир нақұл.
Халқ уни тақрорлаб айтади.
Кимсага ёмонлик қылмагил,
Бир күни ўзингта қайтади.

Дарвоңе, панд берсанг бир жонга,
У ҳам тинч турарми ҳеч замон.
Дейдилар, туфласант осмонга
Юзингта туштайдыр бегумон.

Яхшилик қылсанг-чи сен бироқ.
Қайтарми у сенга? Бу мұбхам...
Бошини силасанг гоҳи тоқ
Құлингни тиіслайди итинг ҳам.

АДОЛАТ

Йұқсулға дедилар: Даъвойнгдан кеч,
Мана ол, сийму-зар сенга кафолат.
Йұқсул улар гапин тингламади ҳеч,
Адолат, деди у фақат, адолат!

Бадавлат кимсага бердилар савол,
Дедилар: Нима бор күчлироқ пулдан?
У жавоб қайтарди: — Құрқаман алжол,
Адолат ахтарған ўша йұқсулдан.

Б О Ш П А Н А

То ҳаёт экансан бу олам аро
Бошингга саволлар тушгай ранг-баранг.
Гоҳида шукр айлаб севинсанг, тоҳо
Жӯда кўп нарсадан совир ҳафсаланг.

Юрагингни сиқар минг битта савол,
Дўст деб билганингнинг адоварлари.
Қийнар унугилиш, мавхум истиқбол,
Ўтган йўлларингнинг надоматлари.

Дейсан наҳот юлиб дунёда иблис,
Наҳот яхшиликнинг боши доим ҳам.
Чулғаб олганида шундайин бир ҳис,
Қайга қочар эдинг бечора одам.

Фақат табиат бор — илоҳий маскан,
Фақат ӯшанга сен беписанд боқма.
Лоақал уни сен танигин, Инсон,
Ёлғиз бошпаннангни ўт қўйиб ёқма.

Б У Р Г У Т Қ И С М А Т И

Күлоққа чалинар гоҳи-гоҳида
Шундай бир ривоят, шундай бир ўгит:
Ночору-ноилож қолган чогида
Ўзини тошларга уармиш бургут.

Мен сенга илтижо қылтурман эгам,
Агарчи тилимда шукронанг бисёр.
Меҳрингдан мосуво этма мени ҳам,
Дўстларга зор этма, душманларга хор.

Оқил бўлса ҳамки, бўлеа-да нодон,
Розиман, берисан фарзанд яратиб.
Қартайлан чоғимда, тиланчисимон
Сен улар қўлига қўйма қаратиб.

Кулбаи вайронам етар менга, бас,
Яшайман сабриниг кошонасида.
Илоғ, бош эгиг юрмайин бесас
Такаббур зотларниг остонасида.

Қарайман саргайган тунд қуёшимга,
Секин огиб борар умрнинг туни.
Магар раҳм этмасанг, тушсин бошимга,
Майли, уша ночор бургутнинг куни.

Б А Й Р А М

Инсонга тириклик доим муаммо,
Үнга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлик, гоҳ гам.
Эртанг не бўлишин билмасман аммо.
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Ердан айри кечса — ҳар лаҳза абас,
Вафосиз дўстни ҳам дўстим дема, бас.
Кенг жаҳон сен учун бўлмасдан қафас,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Демагил, чопқирдир омадим маним,
Ҳеч қачон беланмас лойларга шаъним.
Устингдан ёзмасдан бир номард ганим,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Оддий нарсаларни қўзга илмай гоҳ,
Олис юлдузлар деб чекамиз оҳ-воҳ.
Бошингни қотирмай ёнингдаги моҳ,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Оlamда базму айш учрар аломат,
Беморга бормикан ундан ҳаловат.
Майлига ёвгон ич, лекин саломат,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Энг аввал тинч бўлсин кўксингда виждон.
Тинч бўлсин элу юрт, Ватан жонаижон.
Губорга чулғанмай шу еру осмон,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Яшашнинг шавқин сур, сира толмасдан.
Шеъринг ёз, пайсалга энди солмасдан.
Фақат қартайганда севиб қолмасдан,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

ҚАЙСАР БОЛА

(*Кизиңчилар бисотидан*)

Бор экану йүқ экан,
Бир бола бүлгән экан.
Хаммани сенсирашни
Ү одат қылган экан.
Отани ҳам сен дермиш,
Онани ҳам сен дермиш.
Бир күн мұаллим унға
Шундай деб таңбәх бермиш:
«Сенсирайсан ҳаммани,
Шу жумладан, мени ҳам.
Бундай хүнүк одатни
Ташлагин энди, укам.
Менинг бир маслаҳатим
Натижа берар балким.
Сиз дейман деб барчани,
Юз марта өзіб келгин».
Эртасига болакай
Вазифани бажармиш.
Айтганини юз әмас,
Икки юз бор қайтармиш.
Мұаллим шод: «Мен сенга
Ха, ишонган әдим-да»
Бола дермиш: «Сени бир
Хурсанд қиласай дедим-да».

ТҮРТЛИКЛАР

1

Пайдо бўлганида замин ва замон,
Аввал яралгандир дарахт ва ҳайвон.
Бул икки соддани алдамоқ учун,
Ақлини пеш қилиб чиқсан сўнг Инсон.

2

Одатда улфатлар бўлишганида жам,
Қизишиб дейдилар: Дунё — бири кам.
Лажиб бир зиддият: охирги қадаҳ
Ортиқ бўлганини ўйламас ҳеч ҳам.

3

Бир йўл чеккасида ётибман нолон,
Чорасиз бўлсам-да мен ҳам тирик жон.
Устимга отингни сояси тушди,
Жиловини нари тортсанг-чи, нодон.

4

Апинма, шоирга хорлиги учун,
Ёки парча нонга зорлиги учун.
Билиб қўй, аслида яшайди шоир,
Дунёда муҳаббат борлиги учун.

5

Балки чаман бўлар дашти Карбало,
Балки беҳишт мавжуд — юлдузлар аро.
Менинг Ўзбекистон — Ватаним бордир,
Уларнинг баридан аълороқ, аъло!

Паймоналар ўз-ўзидан тұлған әмас,
Мангалик ҳам бир лаңзада бұлған әмас.
Хой рақибим, алай-балай дема менга,
Мен үлмайман, чунки бобом үлған әмас.

Шеърим, айтган сүзим, ба ҳукми замон
Тарқалиб кетдилар ҳаммаси ҳар өн.
Қалбларда тинч-тотув яшарми улар,
Бозор иқтисоди билан өнма-өн.

Оlamда ҳеч кимса әмас ягона,
Беш панжанғ мисоли турға замона.
Агар бир оқылни учратсанғ, билки,
Үнға тұғри келгай юзта девона.

Кимdir фарзандига деди: — Эй, құзим,
Жони дилинг билан әшит болу сүзим.
Қачондир саломға олмасдым алик,
Энди бир алилка зордирман, үзим.

Ишлари игвою, туҳмат ва риे,
Алдамғи, ҳаромхұр, иймонсиз бало.
Агар уларни ҳам яратған бұлсанг
Кимдан гина қилай энди, эй худо.

Дүстим, Ҳақ дегани құллагин фақат,
Парвоз қылар бұлса — осмони бұлғил.
Ёвузликка қарши құдратинг күрсат,
Мудом әзгуликнинг посбони бұлғил.

Э Р К И Н Л И К

Әгаси йүқ тулпорман,
Дала-даштда кезгувчи.
Үчиб юрган шунқорман,
Хар шарпани сезгувчи.

Құлға түшсам тулпор деб
Күпкарига солурлар,
Е, бос, қани, шунқор деб
Үлжасини олурлар.

ШОИРНИНГ ЪҒЛИ

Дейсан, молу мүлк йүқ сизда зиёда
Холбуки, шоирсиз, Ватаңда номдор.
Ох, үглим, бу құхна, бир кам дунёда,
Кимдир қамтарроқ ҳам яшаши даркор.

Номимиз эшитса кимдир уғунгай,
Арзайды бадавлат, түглиман десант.
Балки, дүстларинг ҳам тұгри тушунгай,
Абдулла Орифнинг үглиман десант.

ШОИРА ЗУЛФИЯ ОПАМИЗГА

Үтгап йиллар учун чекманг ҳижолат,
Үзр сўрайберманг юрагингиздан.
Ҳижолатин тортсин ўзи табиат,
Табиат узрини сўрасин сиздан.

Заҳматкаш, меҳнаткаш шу қалам билан,
Буюк асримизнинг сиз ҳам нақлисиз.
Даврга гоҳ қувонғи, гоҳ алам билан,
Баҳо бермоқлийка сиз ҳам ҳақлисиз.

Табаррук бир ёшга стибсиз омон,
Аллоҳим кун берса адоги бўлмас.
Агар юрақларни забт этса инсон,
Ундайин умрнинг саноги бўлмас.

Қоронгу тунларда оловли сўзни,
Кимки машъял қисса толе унга ёр.
Бахтили аёлман деб атабсиз ўзни,
Сиздай шоири бор халқ ҳам баҳтиёр.

АРМОН ЭМАСМИ?

Лолазор қирларда чопа билмасман,
Ахир у мен учун армон эмасми?
Болалик йилларим топа билмасман,
Ахир у мен учун армон эмасми?

Хаёл гулшанидан терсам чечаклар,
Жажжи набирамга бўлдим эрмаклар,
Энди онам айтмас менга эртаклар,
Ахир у мен учун армон эмасми?

Қоронгу туналарда оловлар ёқиб,
Илк шеърим ўзгандим юлдузга боқиб,
Энди ахтараман кўзойнак тақиб,
Ахир у мен учун армон эмасми?

Қанча зот дунёга келдио кетди,
Бирин душман этса, бирин дўст этди,
Бирининг бошига шон-шуҳрат етди,
Ахир у мен учун армон эмасми?

Мени алдаб кетди луттибоз олчиқ,
Ишонган кишим ҳам қўрсатди яроқ,
Уларни худога топширдим бироқ,
Ахир у мен учун армон эмасми?

Шукронга айтаман, дўстларим бордир,
Бири балки қўрқоқ, бириси ботир,
Яхшилик қилимми уларга ахир,
Ахир у мен учун армон эмасми?

Гоҳо эш бўлсан-да сиёсатларга,
Қалбимни баҳш этдим малоҳатларга,

Улар деб қолдим мен маломатларга,
Ахир у мен утун армои эмасми?

Огоҳман ишқ деган кўҳна шевадан,
Мұхаббат аталмиш тансиқ мевадан,
Ортга қарай-қарай қайтдим Хевадан,
Ахир у мен утун армон амасми?



ХАЙС ДАФЛАРИ



"Хайс деган юртимнин баҳтини сүраб,
Келдик, наадаң бергил, ё Қазбатчылар".

КАЪБАТУЛЛОХ

Хануз бири икки бўлмаган эддан
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ
Багри хун, толеи қулмаган эддан
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Бир замон унинг ҳам бўлган қудрати,
Дунёни ёритган зеҳни, фикрати.
Ҳатто қиргоқларни бузган шиддати,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Тегирмон тошидек айланди тақдир,
Карвонлар тўзгиди, сарбонлар басир.
Банди бўлган эди улут юрт, ахир,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Авж олди игвою фириб, разолат,
Йиглади бир четда етимadolat, адолат,
Борми саодатга, ахир, кафолат,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Хор бўлди Ватанда кимки илми бор,
Бирорлар зар билан тоғди эътибор.
Хийлагар қупайди, қўпайди маккор,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Дуч келган санамга сигиндик гоҳи,
Бизга кенг очилди Шайтон даргоҳи.
Ахир, нима эди элнинг гуноҳи,
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Магар бўри экан одамга одам,
Бир-бирии бошини егай дамодам,
Инсоф, диёнатни унутдик биз ҳам
Келдим, мадад бергил, ё Каъбатуллоҳ.

Ҳаргиз айнимасин томирдаги қон,
Мудом таъзим қилгай асли қул Инсон.

Хақиқат йүң жойда яшнагай Әлғон
Келдим, мадад бергил, ә Каъбатуллоҳ.

Қай замои одамлар бад феълин сездим,
Вафоли дұст излаб дунёни кездим.
Топмадим, топмадим, баридан бездим,
Келдим, мадад бергил, ә Каъбатуллоҳ.

Қошингда тиз чўкиб турибман шу дам,
Дилимда иттижо, қўлимда қалам.
Шафқатинг аяма мендан ҳам, Эгам,
Келдим, мадад бергил, ә Каъбатуллоҳ.

Шукронга айтурман ўзинига, ә Рабб,
Юз бурдик ҳидоят йўлига қараб.
Ҳақ деган юртимнинг баҳтини сўраб
Келдим, мадад бергил, ә Каъбатуллоҳ.

АЛЛОХ ДАРГОХИ

Неча минг мусулмон туну кун бедор,
Каъба атрофини тинмай айланар.
Барчасин муроди илоҳий дийдор,
Саждага ҳар бири ҳар зум шайланар.

Олам уммон бўлса — гирдоби шу жой,
Олам осмон бўлса — меҳвари бунда.
Милярд мартабали жаҳон ҳойнаҳой.
Кемадек қалқади битта тўлқинда.

Ер узра тариқдай сочиған инсон
Бир қушнинг олдига келиб тизилмиш.
Абасдир бу жойда миллат, ирқ, лисон,
Замин йўриқлари бунда бузилмиш.

Бу жойнинг бор эрур на Қорабоги,
На Ўзган, на Ўшу Фарғонаси бор.
Аллоҳнинг ўзиҳир ёлгиз чароги,
Чароғнинг ҳисобсиз парвонаси бор.

Ҳатто нафрат мушти бунда тутилгай,
Ахир ягонадир бу ерда мақсад.
Сигинсанг — гуноҳинг дув-дув тўкилгай,
Иймонсиз бандага йўқ лекин шафқат.

Шунчалик мукаммал Аллоҳ даргоҳи,
Магфират қил, дея дилни тигладим.
Ҳар ёндан таралар мўминлар оҳи,
То тонгга қадарли юм-юм йигладим.

ПАЙГАМБАР

Сиз башар фарзанди, Абдуллоҳ ўғли,
Араб саҳросидек оташин, чўғли,
Пайгамбар бўлдингиз, музофтар туғли,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Ё, Аллоҳ Расули, тенги йўқ Иисон,
Сизнинг йўлингизни ёриттай Қуръон,
Сиз — Олам Сарвари, Сиз — Нури Жаҳон,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Қиёмат айёми, Маҳшар айёми,
Сизга иасиб этмиш Маҳмуд мақоми.
Мудом тилингизда умматлар номи,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Сиз билан олишди мушриклар аввал,
Бир нафас тинмади жанг ила жадал,
Раббано қўллади Сизни ҳар маҳал,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Сизнинг муродингиз ҳидоят эрур,
Шўрлик бандаларга иноят эрур,
Сизга уммат бўлмоқ саодат эрур,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Сизнинг зиёратга келмишидир жаҳон,
Сиз боис Мадина тун-кун чароғон,
Қуёш кетмас бундан, ой боқар шодон,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.

Қабрингиз қошида турфа умматлар,
Сувратлар боишқа-ю, ўзга сийратлар,
Ахир, хос Иисонга алвон сифатлар,

Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Бир өнда иймони бутуулар турар,
Бир өнда тақаббур, манманлар юрар,
Бари ҳам Аллоҳдан күшойиши сұрап,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Раҳмдил Инсонсиз, бағри кенг Расул,
Барчага яхшилик тиляйсиз нұқул,
Лекин күфр билан кимлардир машгул,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Кимдир пок бұлғали ичади қасам,
Лекин ичи қора, Шайтонга ҳамдам,
Улар Сизга фақат ортиради ғам,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Ҳазрат, сұранг бизнинг гуноҳимизни,
Бошланғ тұрги йүлга гумроҳимизни,
Әтамга етказинг оқ-воҳимизни,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Дунёда яхшилар күп ҳали, шукур,
Улар бор, ёғилар замин узра нур.
Умматсиз йұқ сизга ҳаловат, ҳузур,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Келдім зиёрратта, озурда жонман,
Ранжу балолардан түйган Инсонман.
Сизнинг пойингиздә гардман, тұзонман,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

Хақ деб нина билан тогларни қаздим,
Бандаман, Рост Йұлдан гоҳида оздим.
Тавбамнинг изҳори — шу шеърни ёздим,
Ассалому алайка, ё Мұхаммад,
Ассалому алайка, ё Ахмад.

O H A

Каъба қопқасида турган эй, посбон,
Аввал оналарнинг отгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавооф қил, кўзга сурт, ўпгин қўлларин.
Хожар онамиззинг нидоси сабаб
Каъбада кўз очган оби зам-зам ҳам.
Бир умр талпинмиш онага қараб
Не-не пайгамбарлар, кўзларида нам.
Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо
Тобут ясад келган эр зоти доим.
Оналар бағрига фақат бешик жо,
Ҳаётбахш аллалар айтган, мулоинм.
Шўрлик одамзоднинг толеи учун
Энг аввал оналар ҳиссин ибодат.
Зора, гуноҳлардан пок бўлгай очун,
Оналар ўтигчи топиб ижобат.
Каъба қопқасида турган эй, посбон,
Аввал оналарнинг отгин йўлларин.
Оналар пойига тиз чўк ўшал он,
Тавооф қил. кўзга сурт, ўпгин қўлларин.

Арофат тогининг этакларида
Кўрдим қиёматнинг аломатларин.
Ҳамма бир хил либос — эҳром сарида,
Қайтадан варақлар умр дафтарин.

Йўқдир бирор билан бирорнинг иши,
Айқаш-уйқаш бўлмиш ер билан осмон.
Ҳар кимнинг ичида дарди, ташвиши,
Шукронга айтмасанг осийсан шу он.

Мажруҳ боладан то мункиллаган чол,
Лаббайка. Аллоҳим деб қилар илтижо.
Кимдир ташналиқдан интрайди беҳол,
Кимнингдир ҳаётни шул ерда адо.

Намоз вақти келар, тумонат муслим,
Саждага эгилар, кўзда жиққа ёш,
Мен ҳам сағим билан тиз чўкаман жим,
Балки мен ҳам қайта қўтармасман бош...

Қиёмат нима деб сўрама энди,
Унинг бир саҳнасин қўрсатди Аллоҳ.
Зўр денгиз тонггача қайнади, тинди,
Синовдан ўтганим рост бўлсин, валлоҳ!

ТИЛАНЧИ БОЛА

Катъбанинг мұқаддас намозгоҳида
Минг-минглаб мұғыннан күнмөкқа шай.
Сафлар орасида гоҳи-гоҳида
Күриниб қоларди биттә болакай.

Кимдир узатарди садақа — риёл,
Бироқ әхсонга у қылмасди ружу.
Қоп-қора күзида чексиз мунг, хаёл,
Лабларида эса ҳазил, ним кулгу.

Жим боқар, ишлари гүе саришта,
Фақат нигоҳида ўтиңч порларди.
Менинг назаримда, у бир фаришта
Мехру саховатта унсиз чорларди.

ХАЁТ ҲАҚИҚАТИ

Умрнинг ярмини ўтдик амаллаб,
Қолган ярмига ҳам подшодир худо.
Фақат айрилиқдаи асрагин, ё Рабб
Дўсту ёроилардан қилмагин жудо.

Ганимлар макриини ўйласанг агар
Дунёдан яшамай кетган яхшироқ.
Баъзан дил ўйингни айлар мунаввар
Етти ёт бегона Ҷекан бир чироқ.

Муҳтоҷ бўлганингда силайди бошинг
Ўзи муҳтоҷ бўлган танти мардумлар.
Ўлим тилаганда тирик сафдошинг
Ҳаётга қайтарар сени марҳумлар.

Х О Ж И Л А Р

Ҳалоллик Исломда энг олий матлаб,
Тұғрилик Мұслимнинг асл гүлтожи.
Бир куни ўргада Шайтон оралаб,
Ҳожининг ҳамёнин урди-ку ҳожи.

Қайсибир үлкадан келган кекса чол,
Бор-йұқ бисотидан бұлды мосуво.
Не қылсын? Чорасиз тұра берди лол,
Дилида шукронға, тилица дуо.

Үгри ҳожи эса мамнун ишидан,
Тинмайин саждага әгилар боши.
Нобакор банданинг бу қылмишидан
Баттарроқ қорайди Каъбанинг тоши!

* * *

Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.
Адаша-адаша Маккани топдинг,
Энди адашсант гар қайга боргайсан.

* * *

Эҳром кийиб олган икки мусулмон
Бир-бирин сўқишиб чой талашарди.
Асли билмасдилар, шу зум икковлон
Дўзахнинг тубидан жой талашарди.

ҲОЖИ УКАЛАРИМ АНВАР ВА ХУРШИДГА

Дўст бўлурми бунчалар ҳамдам, иноқ,
Бир пиликдан қут олар икки чироқ.
Оҳ, аҳиллик бор экан ўзбекда ҳам,
Улгайинг, турли ёмон кўздин йироқ.

ШАЙТОН

Лаънатлаб бўлса ҳам, қаргаб бўлса ҳам,
Ҳар кун тиловатда айтилар номи.
Унинг бош сукмаган жойи камдаш-кам,
Ичилиган ҳар қадаҳ унинг ҳам жомни...

Дейдилар, нораста гўдакни ҳатто
Уйқуда қитиқлаб қулицирап эмиш.
Салгина гафлатда қолсанг, мабодо,
Қизмаган ишпингни қилдирап эмиш.

Шайтоннинг ҳунари чиндан ранг-баранг,
Саллани пайтава қилиб уратгай.
Агар сидқидилдан курсатса найранг,
Нодончи шоҳ қилиб юртни суратгай.

Минода Шайтонни қилдик тошбурон,
Лаънатга қўмилди бадбаҳт у лайн.
Дедик, шунча юкнинг остидан Шайтон
Минг йиллаб чиқолмай ётмоги тайин.

Шодумон йўл олдик Ватанга қараб,
Шайтон қолди, дея чуқурда — чоҳда.
Манзилга қайтгандик, Шайтон во ажаб,
Бизни қутнуб олди тайғрагоҳда.

А С Л И Я Т


Бу ерга ўгри ҳам, тұгри ҳам келар,
Покланиш ҳар кимнинг муддаосидир.
Гуноҳу савобни ҳар банда билар,
Эллинг у шоҳидир ё гадосидир.

Ҳаёттинг оқимин тұхтатиши қийин,
Хеч ким айри тушмас қорған лойидан.
Бир карра покланиб олғандан кейин
Ишларин боппәлайди келган жойидан...

X A C P A T

Қочган ҳам, қувган ҳам Аллоҳим дейди,
Қочган ҳам, қувган ҳам эмасман дўстим,
Менинг изтиробим шул Инсон эди,
Инсондан ўзгани демасман, дўстим.

Инсон-чи, то ҳануз ёвуз ва гаддор,
Бир-бирин тинимсиз тортади чоҳга.
Бундайин қисматга қўникоқ душвор,
Нетай, ҳасратимни дейман Аллоҳга.



ҲИКМАТ САДОЛАРИ



Бұ дүнің даражатының соғаси ше.
Мен үндакт әт тиңиб ўтаётірмак.

И Б О Д А Т

Дунёдан розиман дема ҳеч қачон,
Десанг ҳам, сүйлагил сахрота, тоққа.
Чунки сени тинглаб, кимдир ўша он,
Нега розисан, деб тутгай суроққа.

Дунёдан норизо бўлсанг ҳам агар,
Суз дема, бардош қуил азоб, фироққа.
Чунки сени тинглаб, кимлардир баъзан
Нега, деб, албатта, тутгай суроққа.

Дунё ишларига боқма ҳеч ҳайрон,
Жимгина назар сол кўхна бу корга,
Олис кечалари ёлгиз қолган он,
Дилингни оч фақат Парвардигорга.

Ж А Б Р О И Л

Ул куни Мұхаммад — хокисор банда,
Оллоҳ назарига бўлғанди ноил.
Сокин ҳужрасида ўйчан турганда
Тушди ҳузурига Ҳазрат Жаброил.

Аввал Мұхаммаднинг кўксини ёриб,
Шайтоний ҳисларни юлиб ташлади.
Сўнг Иймон нурига ҳикматни қориб,
Мұхаммад кўксига жойлай боплади.

Деди: — Қалқ ўрнингдан энди, Мұхаммад,
Расулсан, йўл кўреат жамъи инсонга.
Ноқис ақдларни ҳикматга қарат,
Бошли осийларни динга, иймонга.

МЕРРОЖ

Аршнинг сулув оти — нурқанот Буроқ,
Этгди Мұхаммадни олий даргоҳга.
Тасвири жоизмас бу ҳолни, бироқ
Висол насиб этди Расулулоҳга.

Не-не пайғамбарлар жам бўлиб бирён
Расулни ўзларин қавми деб билди.
Миннатдор Мұхаммад шод бўлиб чунон
Оллоҳдан шафқатни илтимос қилди.

Аршдан жавоб келди: — Ағ, Мұхаммад,
Аввал бир гапимни фаҳм этиб қўргил.
Дўстликда илтимос бўлмагай минбаъд,
Мен ҳам буюргайман, сен ҳам буюргил.

«ҚУМ ФА АНЗИР!»

Қум фа анзир! — Тур ва огоҳ эт,
Ёта берма мисоли танбал.
Қум фа анзир! — Тур ва огоҳ эт,
Зиммангга ол курашни дангал.

Қум фа анзир! — Тур ва огоҳ эт,
Олдиндадир ҳали машаққат.
Қум фа анзир! — Тур ва огоҳ эт,
Ўтда ёнгай мушриклар албат.

Қум фа анзир! — Тур ва огоҳ эт,
Айт, мұғынндар бұлсингилар қоим.
Қум фа анзир! — Тур ва огоҳ эт,
Улуглагин Раббингни доим.

ВАХИЙ

Манман кимсалардан рашында Расул,
Күнгли қолтандайин ҳатто дүст-срдан.
Форларга бекинай деганда буткул,
Ваҳий туша келди Парвардигордан:

— Айтгил, эй Мұхаммад, манман кимсалар
Ваҳмкор бұлса ҳам нечог сиёғи.
Қанча депсин масин чирапиб магар,
Тешіш үтдімікан ерни оғи?

Айтгил, эй Мұхаммад, манман кимсалар
Ваҳмкор бұлса ҳам нечог сиёғи.
Қанча керілмасин чирапиб магар,
Тогларга етдімікінан димоги?

ХОРДИҚ

Араб саҳросида йұл юриб карвон,
Топди бир манзилда құним ва қарор.
Хорғин Расулуллоҳ — озурда ул жон,
Хордиқ тиқармоқни қылды ихтиёр.

Тұшаксиз, тақырда ётди ёнбошлаб,
Бамисли очундан күнгли қолган қул.
Келди саҳобалар күзларин ўшлаб:
— Ҳеч құрса бүйрада ётингиз, Расул.

Расулуллоҳ деди: — Ыйламант, асло
Фанодан мен роҳат кутаётірман.
Бу дүнө даражатнинг сояси гүе,
Мен ундан от миниб ўтаётірман.

И Б Р А Т

Ружу қытмадилар Ҳазрат Пайгамбар
На юксак саройга, на олтин тахтта.
Қайгадир толиқиб этганда сафар
Суяниб дам олди бир туи дарахтга.

Ким айтар, дунёда кибр устивор,
Ким айтар, умрнинг маъноси шуҳрат.
Расул камтарликни қилиб ихтиёр,
То Маҳшар бизларга қолдирди ибрат.

Расул амр қилди: — Кесинг дарахтни,
Ўйламанг, борлиққа йўқдир ҳимматим.
Пайгамбар дарахти бергай деб баҳтни,
Сигиниб юрмасин унга умматим.

Р Ў З А

Рамазон ойида, ҳайит чогида,
Сумалак пиширди аҳли мусулмон.
Унни қовурдилар зайдун ёгида,
Ҳалим тайёрлади — кимда бор имкон.

Баҳор келди мана, қишидан чиқолдик,
Берган ризқ-рӯзига, неъматга шараф.
Тоғдайин заҳматни ахир йиқолдик,
Табиатга шараф, ҳимматга шараф.

Рўзданан чиққанлар, сизга ҳам раҳмат
Фарзингиз синовли саодат эрур,
Расулгулюҳ демиши: — Сабр қил уммат,
Мўминлик белгиси қаноат эрур.

Ҳ А Й И Т

Ҳайит күнларида жанглар ҳам тұхтаб,
Қиличлар қинига қайтиб киргувсі.
Мұмиллар әгизак жонларға үхшаб,
Үзгага боққан чоқ үзни күргувсі.

Умидвор ҳар кимса топиб күшойиш,
Қоронгу дилларға ёғиб турғай нур.
Үйқуда фарогат, юртда осойиши,
Дуолар ижобат, ниятлар манзур.

Адоват, ҳасадни қасб этган инсон,
Майли шоқ ё гадо, ё сайид бұлсин.
Илоғ, барига бағш әтсин иймон,
Үтар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бұлсин.

Ҳ А Ж

Нече үйлар ошиб, дарәлар ошиб,
Бир күн кириб келди Маккага қарвон.
Денгизга етишган жылғадек шошиб,
Умматлар йұл олди Каъбага томон.

Уларнинг барчаси мўйсафид эди,
Асога таянған нуроний бошлар.
Кимдир ҳайрат билан уларга деди:
— Ҳажга келмайдими сиаларнинг ёшлар?

Умматлар дейиши: — Ҳақ йўли мушкул,
Азият чеккан-ку Пайгамбаримиз.
Қутлуг бу сафарга олган чоги йўл,
Ёш-ёш йигит эдик бизнинг баримиз.

О Й И Ш А

Ойиша, Ойиша, Ойиша она,
Нечун күзларингдан оқар маржон ёш.
Сенга Расулуллоҳ ўзи парвона,
Бир мұхринг Ой бұлса, бириси Құёш.

Тонгларни оттирдинг жұфтынгга қараб,
Шони шон көлтирди, ҳасрати — адо...
Пайғамбар завжаси бұлмоқ-ку шараф,
Иисонга йұлдошлиқ оғирир, аммо.

Ойиша, Ойиша, манғу сабот топ,
Сеніга термулармиз бизнинг баримиз.
Шамолтаб қолмасин, устларини ёп,
Ором олаётір Пайғамбарамиз.

ҲАЗРАТИ ОДАМ

Жойлари осмонда бұлса ҳам магар
Ҳазрати Одамга қийиндір ғоят.
Үнг ёнга боққанда руҳлари яйрап,
Чап ёнга боққанда ўрганар фақат.

Бир томон — жаиннатнинг фусункор боги,
У — роҳат гүшаси, ям-яшил макон.
Бир томон дұзахдир, йүкдір адоги,
У ерда абадиј азоб ва фигон.

Құвнар, үнгга боқиб Ҳазрати Одам.
Чап ёнга боққанда ошар ноласи.
Бир насли жаиннатта иоил бұлса ҳам,
Дұзахда ёнмоқда битта боласи.

Б И Л О Л Ҳ А Б А Ш

Пайгамбар уммати — қора тан Билол
Расулга ҳамиша камарбастадир.
Сидқ ила вафога бўлди у тимсол,
Қайтмади рост йўлдан, сог ё хастадир.

Билол айтар эди азонни яккаш.
Сазовор бўлмишиди ишончга андоқ.
Расулдан сўрашди: — Бу қора ҳабаш
Жаннат чеҳрасига ярашгай қандоқ?

Жавоб шундай бўлди: — Сўйлангиз билиб,
Унинг оқ дилida иймон оҳанти.
Жаннат ҳурларига қора хол қилиб,
Бўлиб берилгандир Билолнинг ранги.

И Н С О Н

Олдига келганни қайтармай емоқ
Аслида, ақли йўқ ҳайвоннинг иши,
Оғизга келганни қайтармай демоқ
Ноқису бефаҳм, нодоннинг иши.

Таважжӯҳ айлади Тангри таоло,
Муқаддас саналди Инсон деган ном.
Инсонни эътироф этмаган асно
Иблис ҳам қувилди Аршдан батамом.

Қўзингнинг ўнгидаги ўсгандек экин
Раббим ҳам огоҳдир ҳар зум, ҳар ишдан.
Рўза-ю парҳезда муддат бор, лекин
Ҳамиша ҳазар қил ҳаром-ҳаришдан.

О Т А

Ота-ю онанинг қазоси мерос,
Олдин келган одам олдинроқ кетсин.
Фарзанд фарзанд бўлсин фарзандларга хос,
Аввали тириклар қадрига етсин.

Бир кун сўрадилар Расууллоҳдан,
— Тақдир ҳужми экан, бўлгани бўлди.
Зарра фойда йўқдир гарчи оҳ-воҳдан,
Айтинг, мен нетайин, падарим ўлди.

Расууллоҳ деди: — Ўлим муқаррар,
Энди иродангни бардош томон бур.
Отантнинг тинчини ўйласанг агар,
Унинг дўстларидан хабар олиб тур.

О Н А

Кимдир савол берди: — Айтгил, Мұхаммад,
Ёлгиз сен Расулсан буткул оламга.
Кимга қўп яхшилик айлай, ўзинг айт,
Ота онамгами ёхуд боламга?

Расул жавоб қилди: — Тингла биродар,
Галимни уч бора қулоққа илгил.
Имкон топа олсанг дунёда агар,
Энг аввал онангта яхшилик қилтил.

Бу ҳикмат шарҳини ўйладим узоқ —
Ростдан она эрур қиблай олам.
Гарчи барчамиз ҳам падармиз, бироқ
Онадан туғилган пайгамбарлар ҳам.

Ф А Р З А И Д

Бир қуни раижитди отани фарзанд,
Ота үз уйидан бош олиб кетди.
Лекин Олтоҳ меҳри бўлиб сарбаланд,
Ота Маккатуллоҳ васлига етди.

Ота фигон чекди Каъба қошида,
Гуё унут булгай аламлар бари.
Нажот чарх урса ҳам гарчанд бошида,
Сира кетолмади бир гапдан нари.

Каъбага сигинар экан кекса чол
Армонин ошкора айтди оламга.
Деди: — Ибодатим бўлса ҳам увол,
Фақат саодат бер ўша боламга.

Д Ў З А Х И Й Л А Р

Ёвлашди бир қуни икки мусулмон,
Орадан адолат тамоман кўчди,
Улар олинидилар узоқ, беомон,
Оқибат бирининг қалласи учди.

Кимдир пайгамбардан сўради келиб:
— Аё, Расулуллоҳ, айлагил жавоб.
Хойнаҳой, рақибиң қонга гарқ қилиб,
Ул кас жаҳннамда тортгайдир азоб?

Расулуллоҳ деди: — У ҳам ва бу ҳам
Маҳкум бўлгувсидир дўзах тўрига.
Икков ҳам майдонга тушганлари дам
Ўлим тилаганлар бири бирига.

Б А Х С

Бир күн баҳсга түшди Дұзах ва Жаннат,
Тортиша бошлади қар икки томон.
Бири азобини уәдірса фақат,
Бирн роҳатини мақтарди чунон.

Дұзах гердаярды: — Жамъики юэсиз,
Фосиқ баңдаларни йигиб олтайман.
Жаннат кериларды: — Мен эса, сүэсиз,
Яхшиларни түплас, доврут согтайман.

Аршдан нидо келди лекин ўшал дам:
— Баҳсни тұхтатингиз, тингланғыс сүзим.
Шуны унұтманғы, иккінғизге ҳам
Лойиқ баңдаларни жұнатгум ўзим.

С А В О Б

Дасти қисқаларни қамситма зинҳор,
Савобнинг каттаю кичиги бұлмас.
Кимнингдир давлати беҳаду бисёр,
Ва лекин баҳилдир, толеи күлмас.

Оч қолған гұдақка саховатли зот,
Яримта хурмона дилдан илинди.
Билгилки, бу ҳиммат шу зүм, шу заҳот,
Бүс-бүтун савоб деб қабул қилинди.

Демишлиар, савоб иш оғатни түсіб,
Эзгулик йұлиға шайлангусидир.
Әнг кичик ҳиммат ҳам тойчоқдек ўсиб,
Тулпордек савобға айлангусидир.

Д У О

Расул бир умматни алқаб доимо,
Шаънига дуолар айтгувчи эрди.
Құлинг баланд бұлсиян десалар, илло,
Құлинг паст түшмасин сира ҳам, дерди.

Расулға у хитоб қылды бир сафар:
— Гарчи, мен Тангрининг отган тошиман,
Сиз менга доимо тилайсиз зафар,
Гүе мен қандайдыр лашқарбошиман.

Расулұлтоқ деди: — Тингла, эй уммат,
Еңған чирогингта дуо пилиқдир,
Құлинг баланд бұлса, билки, бу — неъмат,
Құлинг паст түшмоги тиylanчилиқдир.

БАНДАГА СИГИНМА

Ҳеч қачон бандага сигинма, банда,
Зулм қылса агар, золимга лаънат.
Битта рұх яшайды ҳар битта танда,
Инсоннинг авлиә бұлмоги галат.

Гарчи бу дунёда бордир нодонлик,
Тафаккүр, Ақәлнинг кошонаси бор,
Қисматдан ҳеч кимса топмас омонлик,
Олдинда ажалнинг остонаси бор.

Сеҳрга нечоглик қаломинг бурма,
Лазизроқ сүз йүқдир Сүзидан ортиқ.
Дунёда дүст излаб қанча югурма,
Азизроқ дүст йүқдир Ўзидан ортиқ.

Х А З И Н А

Улуг бир аллома ўтди оламдан,
Элу юрт қузатди бағрини тиғлаб,
Шоғирдлар бүкчайиб сұнгсиз аламдан,
Олимни туроққа қўйдилар йиғлаб.

Дедилар: — У эди нодири даврон,
Тафаккур қасрига бўлолган зина.
Дедилар: — Бир келди бундайин Инсон,
Кетди унинг билан тенгсиз хазина.

Кимдир охир деди: — Дунёда, ёҳу,
Беҳикмат ҳодиса йўқ экан рости.
Нечоглик шағфқатсиз ҳақиқатдир бу,
Хазинанинг жойи чиндан ер ости.

МАРҲУМЛАР ШАЬНИ

Марҳумлар шаънига ёмон сўз демоқ
Макруҳлик саналмиш азалдан-азал.
Эй, Инсон, танангга бир зум ўйлаб боқ,
Кимларни забтига олмабди ажал.

Тошқин сел ваҳмини сой қўтаргайдир,
Ҳаётнинг зарбасин қўтаргай ҳаёт.
Мисли той тепкисини той қўтаргайдир,
Отнинг тепкисини қўтаргаңдай от.

Расулуллоҳ демиш: — Ким Ҳаққа йўлдош.
Тириклик қадрини у азиз этди.
Марҳумнинг ортидан ота қўрманг тош,
Марҳум кетадиган жойига кетди.

ҚИЁМАТ

Бир кун Мұхаммадға бердилар савол:
— Ае, Расулуллоҳ, айтиб бер буни.
Қачон фоний дүнё топгайдыр завол,
Қачон содир бұлгай Қиёмат куни?

Гарчанд Биру Борга комедир Инсон,
Иблис құтқуси ҳам ҳар қайда бордир.
Кимнингдир дилида событдыр иймон,
Кимгайдыр шайтоний васваса ёрдир.

Расулуллоҳ деди: — Умид құл, банда,
Құчмасин дүнәдан инсоф, диёнат,
Нопок одамларға күнинг қолғанда,
Билгилки, уша кун келгай Қиёмат!

ХИДОЯТ ЙҰЛИ

У сенға құрсағатди хидоят йұлин,
Юргил ә юрмассан, үзинг бил, Инсон.
Балки сен тутгайсан Иблиснинг құлин,
Яратған Холиққа барчаси аән.

Пиширған дарәннинг соҳилида гар
Ташна-ю, зор қолсанг, айбдорсан үзинг.
Бошиніта ногақон балолар ёгар
Лабингдан утган чог жақолат сүзинг.

Гойибдан баҳт кутиб үлтирмоқ нечун,
Дастингта кор берди қалбингдаги ёр.
Заминде құргазған құлмишинг үтүн
Осмонни маломат құлмогинг бекор.

Ш А Ф Қ А Т

Қабристон ёнидан үтаркан Расул,
Кетгандар ёдига фотиқа тортди.
Енгиллик сезгайдир бундай чог құнгул,
Бироқ пайғамбарнинг гуссаси ортди.

Ғарчи боқий әмас дүнёда инсон,
Ғарчи у айланғай бир күн тупроққа.
Расул англаса ҳам бу ҳолни обдон,
Оддий баңда янглиг түшди титроққа.

Саҳобалар деди: Қандайин зугум
Қандай гам бағрингиз тигламоқдадир?
Расул жавоб қылди: — Бир осий шу зум
Қабрида қон қақшаб йигламоқдадир.

ЖОН АЧЧИГИ

Булоқдан сув ичди ҳазрати Исо,
Фоят тотли эди бу оби ҳаёт.
Сұвни бир құзага қўйғанда аммо
Заққумга айланди у ұша заҳот.

Ҳайратта түшгайдир пайғамбарлар ҳам,
Бу қандай сир эрур? Аён қил, ё Рабб!
Масиҳо нафаси етишгани дам
Құздан бир овоз чиқди-ку титраб:

— Аё, шириң сувинг бұлдими тахир,
Дема, бу тұз таъми, қон аччиғидир.
Мен ҳам Инсон әдим, Құзаман ҳозир,
Сувни аччиқ қилған— жон аччиғидир!

ШАЙТОН

Шайтоннинг сувратин чизмоқтик душвор,
Унинг асл юзин кўрмоқтик мушкул.
У гоҳи хожадир, гоҳида дастёр,
У гоҳо паридур — сочлари сұмбұл.

Гоҳи у дўстман деб сўз бошлар секин,
Лутфи гоят ширин, тотли забони.
Захмат етказолмас Шайтон ва лекин
Кимнинг бўтун бўлса агар иймони.

Тушингда Расулни қўрдингми — қувон,
Демак, ибодатинг ерда қолмайди.
Расултўлоҳ демиши: — Шайтон ҳеч қачои
Менинг қиёфамга кира олмайди.

ЖИНЛАР

Жинлар базм қиласди овлоқда, тунда,
Гулхан атрофида хуррам, шодумон.
Бир ботир суворий ўтаркан, шунда
Базмга назари түшди ногаҳон.

Ботирни қоплади лаҳзалик титроқ,
Сунг гулхан устига от солди бирдан,
Жинлар тўзгиб кетди, биттаси бироқ,
Суз қотди, ҳайиқмай сира ботирдан:

— Бундоқ зугум қилма бизга, эй ботир,
Кимсага билмасдан бермагил озор.
Жинлар ичида ҳам кофири бордир,
Жинлар ичида ҳам мусулмони бор.

ТАВА

Сен гуноҳ қилдингми, бечора банда,
Сен шайтон мақрига учдингми ногоҳ.
Тинчинг қолмадими руҳ ила таңда,
Энди надоматлар бўлдими ҳамроҳ.

Энди чора излаб, ахтариб најжот
Кезурсан, дастингда на имкон, на эрк.
Гуноҳкор кимсанинг қошида наҳот
Қопқалар ёпилган, остоналар берк.

Йуқ, ҳали оламда мавжуддир шафқат,
Йуқ, ҳали тебранар меҳр бешиги.
Тавба қил, тавба қил, тавба қил фақат,
Сенга очиқ фақат тавба эшиги.

ШОҲ ВА ГАДО

Ногоҳ пайдо бўлди даврада гадо,
Давра аҳли эса шоҳлар эдилар.
Улар таажжубда қолиб шу асно,
Гадога боқишиб: — Кимсан? — дедилар.

Бир қун пайдо бўлди даврада подшоҳ,
Давра аҳли эса гадолар эди.
Улар ҳам таажжуб ичра бандоҳ: —
Подшоҳга боқишиб: — Сен кимсан? — деди.

Гайдан садо келди: — Тингла эй, банда,
Барчангга яратгум ягона макон.
Бир-биринг камситиб қилма шарманда,
Сийланган жойида азиздир инсон.

ХОЖА ВА ШОИР

Қабила Ҳожаси Шоирга бир қун
Оқ түя мингизди, күргизиб ҳурмат.
Ҳожа үз ишидан бўлди қўп мамнун,
Бамисли Расулга йўлиқкан уммат.

Ҳожадан сўрашди: — Айтингиз, жаноб.
Улуг бу эҳсондан недур муддао?
Шоир-ку бир дарвиш — фақир ва хароб,
Шеърига шу қадар мафтуҳмисиз ё?

Ҳожа жавоб қилди: — Бўлмангиз ҳайрон,
Ким ҳам айри тушар ахир элидан.
Шоирнинг шеъри-ку ёқар бегумон,
Мен қўпроқ қўрқаман унинг тилидан.

ПАҲЛАВОН

Бир сұхбат чогида Ҳазрат пайғамбар
Үртага ташлади савол ногоҳон.
Айтдилар: — Зарурат туғилса магар
Кимни атардингиз асл паҳлавон?

Саҳобалар деди: — Ҳар ким доимо
Чекига тушғанини келгандир олиб.
Қуран майдонига чиққанда аммо,
Паҳлавон саналгай ким бўлса голиб.

Расулуллоҳ деди: — Қўҳнадир жаҳон,
Турфа хил қўчи-қудрат бордир одамда.
Лекин ўз жаҳлини енголган инсон
Ҳақиқий паҳлавон эрур оламда.

Р И О Я

Агар сен қиблага бурмасанг юзни,
Беш маҳал сақда-ю намозинг бекор.
Жаннатга ҳеч қатон тикмагил қўзни,
Агар бир мўъминга етказсанг озор.

Ҳижратинг шунчаки саёҳат эрур
Унтар бўлсанг гар зарра иймонни,
Маккага етти қат борганча бўлур
Бошини силласанг ўксик инсонни.

Оллоҳнинг номига қасаминг абас,
Дилингда бор эса ҳасад ҳам риё.
Нуқсингни беҳуда яширгагил, бас,
Баридан воқифдир Тангри таоло.

Э З Г У Л И К

Бандани хилламоқ нокаснинг иши,
Атойи Ҳақ әрур тус билан забон.
Инсонни танитгай фақат қилмиши,
Насорон бўлсин у ва ё мусулмон.

Бир бурда ион сўраб йигласа гўдак,
Дийдангга келмаса агар қатра ёш.
Масжиду черковинг энди не керак,
Яхиси, йўқликка олиб кетгил бош.

Ахир Расулуллоҳ демиши-ку ул дам:
— Ҳамиша саховат йўлидан юргил.
Майиздай қоп-қора бошли ҳабаш ҳам
Яхши иш қилганда ёнида турғил!

К А М О Л О Т

Гоят гарип эди Расул ҳужраси,
Қамиш уй эди у, оддий ва фақир.
Умматлар сұрашы: — Галнинг сираси,
Сизга ярашмайди бу күлба, ахир.

Улар тағин деди: — Сиз-ку пайғамбар,
Томингиз не учун бу қадар пастир?
Расул жавоб қилди: — Тинглангиз, магар
Баланднин истаган баландпарастидир.

Сиз салом бердингиз — олгайман алик,
Аллоҳнинг үзидир юксак бегумон.
Баңдага жоиздир фақат камтарлик,
Йўл пастандан бошлиланар камолот томон.

Ҳ А С А Д

Дунёга келганда Инсон мұкаррам,
Қавмлар шодлиқданчуввос солдилар.
Бахтиёр гўдакка айлашиб карам,
Албатта момиққа ўраб олдилар.

Ойлар, йиллар ўтди, ўтди кўп сана,
Гўдак ҳам мўйсафиид ёшига етди.
Куни битганида ул баңда яна
Бир парча момиққа ўралиб кетди.

Ҳасадгўй кимсалар — Иблисга ҳамкор,
Момиққа чўздилар фақат қўлларин.
Эгасин кафанга айладилар зор,
Дузахга бурмоқчи бўлди йўлларин.

Ф И Й Б А Т

Дұзах йұлларидан үтаркан Расул,
Атрофға күз ташлар эди дамодам.
Кимдир фарәд солиб йигларди нуқул,
Оташда ёнарди үзга бир одам.

Йұлнинг канорида — шундоқ сарҳадда
Үлимтиқ ер эди аллақандай зот.
Ногоҳ Расулұллох боқиб ҳайратда,
Жаброилта деди: — Бу кимдир, ҳайҳот!

Жаброил айтдиким: — Бунда ҳар кимса,
Жазосин олгайдир қылмишига хос.
Үлимтиқ егувчи бул банда эса,
Умрин гийбат билан үтқаған холос.

Ш А М О :

Шамоллар, шамоллар, дайди шамоллар,
Қайдан әсганингиз билолмай дөғман.
Сиз билан үзілгандар не-не хәєллар,
Сизнинг қаршингизда шам ө чарогман.

Араб саҳросидан әсган эй самум.
Совурдинг кимларнинг түйгүларини.
Шаҳидлар учун тоҳ бүлдинг таяммум,
Құмларга дағы этдинг орзуларини.

Шамол әсганида ҳазрат Найгамбар
Мудом түлганарди дилгир, бетоқат.
Дер эди: — Ҳар қандай шамол мұқаррап.
Е ҳаёт келтиргай ёки фалокат.

Т Е Н Г Л И К

Бошини ҳар қанча тебратган билан
Оқыл бүлиб қолмас учраган жонзот.
Йұқса, ҳинд морбози үйнаган илон
Жәмъи доноларни айлар әди мот.

Менга тариқатни үргатманг, қори,
Менинг ҳам жисимінг жон берган үша.
Менга ҳам дүнёда Сизнинг қатори
Ризқ-рұз берган үша, шон берган үша.

Ёнма-ён битикмиз тақдир тошида,
Биримиз ёқа-ю, биримиз еңгмиз.
Расулуллох демиш: — Ҳақнинг қошида
Тароқ тишиларидек барчамиз тенгмиз.

МАВХУМ ЗОТ

Юртга подшоқ бұлды бир күн мусулмон,
Бир осий үша күн мусулмон бұлды.
Юртга подшоқ бұлды бир күн насорон,
Ул банда үша күн насорон бұлды.

Тожу тахт дунёда айланар пайваст,
Шоқлар гоҳ дарвешу худпараст бұлды.
Подшоқ бұлғанида юртда бутпараст
Ул банда үша чөг бутпараст бұлды.

Шундоқ яшади у фоний ҳаётни,
У найранг күргазди қатто Холиққа.
Охират кунида, мавхұм бұл зотни
Үтқизиб қүйдилар утта қозиққа.

КИБР

Ғалати зотлар бор ёргуғ оламда,
Дейлик, саломингта алиқ олмайди.
Саломин аликсиз қолдирған дамда,
Бу ҳолни маломат қылмай қолмайди.

Улар бу дүнёнинг гүёки нақши,
Жым боқар, савлати құрқувга солар.
Уларнинг гапирмай юргани яхши,
Чунки нодонлиги билиниб қолар.

Улар ташлаб юрар елкага түнни,
Кибр белгисидир бу ҳам бегумон.
Демишлиар: — Ҳой банды, кийиб ол уни,
Йұқса, түйнугидан киргайдир Шайтон.

СЕН ҚАБИ

Онангни отанғта хатлаб берганда,
Гувоҳ бұлмаганман ишонғыл, ахир.
Боқурсан, юзингда құв зақарханда,
Дүйәни гүёки мен этдим тахир.

Босған қадамидан чақнамас олов,
Даъво қылмасман ҳеч абадиятга.
На құргон қурдиму на тутдим ялов,
Доим йүлдош бұлдим оддий пиятта.

Бошни күп қотирма сен кимсан дебон,
Кимнинг хеш, кимнингдир андасидирман.
Үткинчи дүнәда мен ҳам бир меҳмон,
Худонинг сен қаби бандасидирман.

Ч О Р А

(*вариант*)

Ганим бўлиб қолди кимдир кимгадир,
Улар иккиси ҳам оқсоқол эди.
Ўртага тушганди гина негадир,
Иккиси ҳам йўё безавол эди.

Узоқ вақт олиши иккита йигит,
Мен ҳақман дер эди иккаласи ҳам.
Сира кор қилмасди насиҳат, ўғит,
Чорасин тополмай ҳакамлар мулзам.

Охир сўрадилар Расулуллоҳдан: —
— Аё, ўзинг айтгиз энг одил сўзни.
Расулуллоҳ деди: — «Қўрқинг гуноҳдаи,
Сиз улар ўриида ҳис қилинг ўзни».

ЛАЙЛИ ВА МАЖКНУН

Хар кимга ҳамроҳдир ҳамиша қисмат
Кимдир бошин эгар, ким кўксин кергай.
Расууллоҳ демиш: — Аллоҳдан фақат
Ким нима сўраса, ўшани бергай.

Оёқ-қўлин boglab Лайлини бир қун
Олиб келишдилар Каъбага томон.
Лайли хитоб қилди: — Таъба не учун,
Мажнуним бўлмаса тийрадир жаҳон.

Ибодат Мажнуннинг навбати эди,
У ҳам ошкор этди қўнгил майлини.
Каъбага бош уриб тураркан, деди:
Мен сендан сурайтман фақат Лайлини.

АЗРОИЛ

Бадавий шаклида келиб Азроил
Муҳаммадга деди: — Жонингни олгум.
Ва лекин ҳурматга экансан ноил,
Тила тилагингни, дўст бўлиб қолгум.

Муҳаммад тўлгонди ўнгга-ю сўлга,
Деди: — Ишинг экан — ола қол жонни.
Розиман, илтифот айлаб Расулга
Бахш этиб турибсан сўнгги имконни.

Ёлғиз ўтгичимни қайтарма минбаъд,
Майли сўнг тепамда кўксингни кергил.
Умматим жонини осон ол фақат,
Унинг азобин ҳам ўзимга бергил.

Ҳ А Д И С


Бу улут даргоҳда мөхмоман мен ҳам.
Менинг ҳам дилимда ошиқтар оҳи.
Ҳадисчи боболар дегандек у дам,
Тавбамни қабул эт. ўзинг, Илоҳи.

Үлгайдик ва лекин олдда қўп гап бор.
Давр шамоллари эсиб ўтгайдир.
Илонгум, эътиқод ўзи бўлиб ёр.
Бизнинг ҳам қўлимиз бир кун тутгайдир.

Ибодат бор эди, у эттай давом,
Қирқ билан ёпмасмиз бу уйнинг томин.
Бизни тинглаганга ҳамиша салом,
Яна кўришгунча соғ бўлинг! Омин!

ҚҰЛ ВА ҚҮЁШ

Демасман, Зулматда мудом фарәд қил,
Химмат нури билан дилни обод қил.
Расууллоқ демиш: — Ошма ҳаддингдан,
Қүёш тутилғанда құлни озод қил!



ОНА БЫЛА КОЛЫМ МЕНЯ, ТАБИАТ



Кайтмын келди, ошам, ёнина,
Жорашында ишесиз дарзлар.

ОНА ДЕГАН НОМ...

Дейдилар, қаҳрли баҳодирлар ҳам
Жангларда жон берар чоги мардана,
Беҳад азобларга чидаб сүнгти дам,
Битта сўз дермишлар шивирлаб: Она.
Улуг бир донишманд оламни шарҳлаб,
Ахийри танибди туққан элинини.
Забон баҳш этганга эҳтиром сақлаб,
Она, деб атабди илк бор тилини.
Дунё шоирлари Ватан шаънига
Сифат ахтармишлар қатор ва қатор.
Ниҳоят, келмишлар битта маънига:
Она Ватан дея битмишлар ашъор.
Бисёр бўлса агар бол ҳам бекадр,
Такрор айтилганда рангизизdir қалом.
Бу ёруг оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном!

ОНАМГА ХАТ

Қайтгим келди, онам, ёиингга,
Юрагимда исмисиз дардлар.
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,
Ташқарида хазонрез болгар,
Емириңнинг жим хониш қилиши...
Бариси ҳам нетундир бу дам
Туширмоқда сени ёдимга...
Қайтгим келди, онам, ёнингга.
Юрагимни очиб гапирсам,
Кам-кам бўлар менида бундай ҳол.
Шодмон юрсам, менинг ёдимга
Сен тушмайсан ростдан, онажон.
Ногаҳоний бундай ҳолда-чи,
Шундай қўргим келади сени.
Айтсан сенга бор гапларимни
Орзуларим, ҳасратларимни,
Йиглаб, кулиб айтгим келар, ҳа,
Одамларнинг қадру қимматин,
Англамаймиз бирга бўлганда,
Аммо ногоҳ узоқда тушсак,
Ё танҳолик ҳасратин чексак.
Баъзан шундоқ,
Одам зотининг
Тирногига зор бўламиш, ҳа!
Тушунмайман бул ҳақиқатни,
Сен-ку ахир онасан, она...
Она, ранжимагил хатимдан,
Мен ростини ёзим, шод дамим
Сен тушмайсан асло эсимга.
Аммо умр ўзи, биламан,
Солар сени ёдимга бот-бот,
Яъни, бошимизни доим ҳам
Она бўлиб силамас ҳаёт.

СЕНИ ОНА ДЕДИМ...

Сени она дедим,
Құзим үнгіда
Мұшғиқ у қиёғанғ бұлды намоён.
Парча эт қошида бедор бир дийда,
Садоқати чексиз, мәхри бепоён.

Йұлбарсдай йигитни үстириб, жаңтта
Күзаттан ҳам үзинг, күтган ҳам үзинг.
Қаро сочларингда оптоқ алана,
Хижрон заққұмларин ютган ҳам үзинг.

Нечогли құдратли бұлмасин фурсат,
Үчириб бұларми дилдан бу ғамни.
Она жон, қолғанлар баҳтига фақат
Олов چулғамаса басдир оламни.

Сени синглим дедим,
Қаршимда шу он
Мунис ва жағоқааш чеҳранғ күрінди.
Самбитдай вұжудинг тонғларда гирән
Музқоттан далалар итре уринди.

Қандоқ азиз әди бир дона бошоқ,
Топғанда ранг инган ёноқтарингга.
Насибанг нинадай санчилди у өзөқ
Палак тикадиган бармоқтарингта.

Асло унугылтас у күнлар ёди,
Хар бири бамисли тош қотган маржон.
Қора сағарларнинг машъум фарәди
Такрор бұлмаса бас энди, сингильжон.

Сени ёрим дедим,
Түрдінг қошимда
Мехру муҳаббатнинг тимсоли бұлиб.
Гоҳи она қаби бедор бошимда,
Гоҳида бир сингіл мисоли бұлиб.

Улут тириклика сен давом этдинг
Тан олмай умрлар ниҳоясини.
Болангни бағрингга босиб эшиздинг
Қонли жанггоҳларнинг ҳикоясини.

Сен десам, минг йиллар саждага келиб
Пойингга чечакдай тұшалмоги чин.
Алпомиш ёнида Ойбарчин бұлыб,
Сен — Фарход қошида яшнаган Шириң.

Сен — Нурхон, сен — Сора, турибсан шоён,
Улут мамлакатнинг сардаftарида.
Меҳнат шижиоатнинг оламга аён,
Сен баҳор чақини замон қаърида.

Ҳеч вақт унугилмас, ўша қирғин чоқ
Зафарга чорлаган нүрли тимсолинг.
Рейхстаг устига қадалган байроқ —
Асли сен силкитиб қолған рұмолинг.

Мен шарқылк одамман,
Аәл деган сұз
Менга ҳаёт билан баробар қалом.
Оҳ, аәл хұрлигин құрсатма ҳаргиз,
Ҳаргиз бад бұлмагай аәл деган ном.

Инсон аatab бұлmas ҳеч бир, ҳеч маҳал
Аәлни танимас такаббур бошни.
Үндайин юлдузнинг сұнгани афзал,
Агар тан олмаса сендай қүёшни.

Аәл чехрасида күрсанг табассум
Билки, замона тинч, осойиш олам.
Аәлға тиласанг гар толе маъсум,
Дунёни оловдан аспа, эй, Одам!

О И Л А

Каттаси кетғанғы өалиқ овита,
Чүміліб-негмасин,
иинқильтіб.
Тұрлы тасаввурлар олар довига,
Кампирнинг нафаси келар тиқильтіб.
— Ҳой, сиз ҳам болани үйланғда бундоқ...
Кампир әрк берганча пуч хаёліга
Кағырниң қайғадыр илиб үша чоқ
Тапбек бера бошкылар өзінің.
Чол-чи,
Күзойнагини артғанча бот-бот
Китоб варақтайды:
Бедилми, Машраб...
— Мошиңда кетувді кеңжаси шаддод,
Юрсін-да, ишқильтіб, құзига қараб...
Күп ҳам әрта ботди, билмадим, құзми,
Биттаси кечкінде үқиіді.
— Сен ҳам үйлагин-да анови қизни?
Чол ҳам кампирини нұтқиіді.
Хет жойда ҳеч ган йүқ, шундоқ иккөвлөн
Бир-бириң бесабаб қойир, тұртқылар.
Лекин иккиси ҳам билади пінхон:
Болаларни үйлайды улар.
Сұнгра
Бир маҳалда
узын-қисқа бўлиб
Болалар ҳам келар
галма-гал.
Дастурхон атрофи боради тұлиб,
Хайрият, ҳаммаси жам, тугал.

Кампир: — Шукур, — дейди.
қимтинар лаби,
Чол ҳам жилмаяді:
Тушунар...
Дүнёда ҳеч бир гап бўлмаган каби
Болалар овқатни туширап.

АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

(Болаларга

Билмам, қандай аёл бўлган
Алишернинг онаси.
Балки унинг ақлига ҳам
Лол қолган замонаси.
Балки унинг қўзларида
Бўлган оғир бир хаёл.
Балки гамгин бир зотдир у,
Балки шўхчан бир аёл.
Балки буюк фарзандига
Териб келган чечаклар.
Балки тунлар унга бедор
Айтиб берган эртаклар.
Майлига, у ким бўлмасин,
Ёлғиз бир сўз маъноси:
Алишернинг онаси у,
Навоийнинг онаси.

ОНАМ ВАФОТИГА

Маконда ломаконсан, энди қайдан излагайдурман.
Фигоним кимга айтиб, кимга сендан сўзлагайдурман.
Бировлар мотамида оҳу фарёд айлаган эрдим,
Сенинг-чун, эй гарибим, ич-ичимдан бўзлагайдурман.

О Н А Ж О Н

Онам Турди Каравон қизи хотирасига

1

Нече қунки йүк оромим,
Келолмайман ҳушимга.
Она жоним кечалари
Кириб чиқар тушимга.
Құлларыда оқ елігүйіч
Ой нүрида ялтирап.
Она жоним имлаб мени
Қошларига чақырап.
Келтирарлар гоҳо бешік
Құзларыда ҳаяжон.
Ётар пайтинг бұлды-ку дер,
Кела қол, дер болажон.
Қайларгадир югурман,
Фигонимдан чиқар дуд,
Йиглама деб құлларимга
Тутқазарлар сұнг тобут,
Тонғда рұхсиз күз очаман,
Қовурилар таңда жон.
Она жоним, бундай қылма,
Бундай қылма, она жон.
Ахыр үзинг дер әдинг-ку,
Силаң үксук бошимни:
— Энди сенға берсін умр,
Сенға берсін ёшимни.
Афсус, үзинг әрта кетдинг,
Әрта кетдинг оламдан.
Укаларим бағрим әзар,
Ажралдик, деб, она мдан.
Бевақт ҳазон бұлмай ҳар ким
Яшаб үтсін дунёда.
Она жоним, ҳар ким ошин
Ошаб үтсін дунёда.
Гарчи фано ҳар кимсага
Азалий бир қисметдир.
Лекин, она, тириклиқ ҳам

Билсаиг, ярим ҳикматдир.
Тушларимда, майли, бошим
Силааб түргин, онажон
Қолғаңларга энди умр
Тиляб түргин, онажон.

II

Ү күн четда ох чекардим
Гуссаларниң дастидан.
Сен отамга пул берисан
Еститингнинг остидан.
Айтибсанки, онасизлик
Келмасин ҳеч ўйига.
Сарф қилингиз, менга эмас,
Абдулланинг тўйига,
О, ўглинига сен шафқатни
Билардинг-ку, онажон.
Бундан кўра бағрим ўйсанг
Бўларди-ку, онажон.
Заррагина раҳм этгали
Сабринг менга йўқмиди?
Онажоним, бундан ўзга
Жабринг менга йўқмиди?
Йўқмиди ҳеч ўзга ганинг, —
Нола қилиб сўйласанг.
Наҳот, ахир сўнгти дам ҳам
Фараандингни ўйласанг.
Ахир орзу қочиб кетмас,
Битказар-ку тириклар.
Онажоним, бир кунини
Ўтказар-ку тириклар.
Унутилар гуссалар ҳам,
Орзулар ҳам чўзар бўй.
Онажоним, балки бир күн
Айтганингдай бўлар тўй.
Балки сенинг қабринг узра
Кўкарганда гул чечак,
Остошамга қадам қўяр,
Сен истаган келинчак.
Кимdir унинг йўллариға
Балки гул ҳам сочади.
Балки мунис опажоним
Кел, деб қўчоқ очади.

Балки дүстлар даврасида
Камим бўлмас ҳеч қачон.
Лекин сени ўша дамда
Қайдан топай, онажон.

III

Эсимдадир, титрар эдим —
Ғамгин, болиш пастида.
Китобимни кўрдим ногоҳ
Бошгинангнинг остида.
Тошдай қотдим ўшал они
Бор тоқатдан айрилиб.
— Шоир ўғлим, — дединг менга
Секининга қайрилиб.
Онажоним, сўнг бор менга
Нафас қилдинг у замон.
Шоир бўлгин, дея балки
Ҳавас қилдинг у замон.
Онажоним, балки мен ҳам
Бу кун шавққа тўларман.
Балки мен ҳам айтганингдай
Бир кун шоир бўларман.
Кўйлай десам ҳурматингни
Ушбу кунда тилим лол.
Балки фақат шу сабабли
Шоир бўлсам эҳтимол.
Балки сарсон — аросатда
Қолиб кетмас бу таним,
Камолимни кўтар балким,
Юртим, она Ватаним.
Пайти келиб тўлар бир кун
Наймона ҳам беомон.
Кузатарлар мени ҳам сўнг
Сенга томон, сен томон.
Балки у кун бошим узра
Дустлар бош ҳам эгадир,
Ўша дамги иқболим ҳам,
Онажоним, сенгадир.
Дилда неки журъатим бор,
Дилда неки ҳаяжон —
Бари, бари сенга бўлсин,
Сенга бўлсин, онажон.
Сенга бўлсин бор ҳаётим,

Номим, шоним бир йўла,
Хотирангта ушбу шеърни
Ёзди ўғлинг Абдулла.

О Н А

Күкда юлдуз учса ногаçon,
Битди, дерлар қайси бир тақдир.
Бундай гамни құттармак осон,
Бу эҳтимол, бизлар ҳақдадир.

Баъзи тунлар күкка тикиб күз,
Эслаб дейман онамни шу он:
Она кетса, юлдуз-ку юлдуз
Құлаб тушса арзийди осмон.

ОНАМНИ ЭСЛАБ

Шамол увиғлайди,
Қор, бүрон тошиб,
Тепалик тұшига үзни уради.
У ерда тупроққа багрини босиб
Танқо бир сағана маъюс туради.
Қошига чиқай деб бұзладаб йұл юрдим,
Күкрагимни тилди изгирин, тикан.
... Нестай, онажоним, қанча одам қўрдим,
Сендан яқин кишим йўқ экан...

ТА БИАТ

Узоқтарда қолди түгилган уйим,
Ажыб болалигим қолди узоқда.
Қолди ҳоммопишга күмилган уйим.
Қолди сингилларим бари йироқда.
Энди мен эслайман құзларимда нам,
Үша йилларимнинг оташ сеҳрини.
Құмсағ талпинаман гоҳи-гоҳи дам
Мунис сингилларим маъюс меҳрини.
Шундай пайтда үзинг айлагил шафқат,
Сингил бұла қолгил менга, табиат.

Ақлим танидиму қошимда шу кун,
Жасур акаларим сафини күрдим.
Уларнинг бари ҳам ботир ва дуркун,
Мен улар сафиға шеър билан кирдим.
Энди мен эслайман құзларимда нам,
Үша давраларнинг оташ сеҳрини.
Құмсағ талпинаман гоҳи-гоҳи дам
Жасур акаларим ажыб меҳрини.
Шундай пайтда үзинг айлагил шафқат,
Ақа бұла қолгил менга, табиат.

Үттан күнларимга боқиб мунтазир,
Согингчдан ёнади ёнган бу жоним,
Афсуски, ёнимда әмассиз ҳозир,
Донишманд устозим-сиз, отажоним.
Энди мен эслайман құзларимда нам,
Хикматли сұзларнинг оташ сеҳрини.
Құмсағ талпинаман гоҳи-гоҳи дам,
Донишманд отамнинг шафқат, меҳрини.
Шундай пайтда үзинг айлагил шафқат,
Ота бұла қолгил менга, табиат.

Мен азиз онамни тупроққа қўйдим,
Ҳали тинган эмас қўздаги ёшим.
Олис кечалари ҳижронда кўйдим.
Энди қай сийнага қўяман бошим.
Энди мен эслайман құзларимда нам,

Она деган сүзининг қайтмас есҳрини.
Құмсағ таснинаман ҳар зұм, ҳар қадам
Онам огушини, онам меҳрини.
Шундай пайт ҳам ўзинг айлагыл шафқат,
Она бұла қолтыл менга, табиат.

* * *

Хат ёзмадим,
Хабар қылмадим,
Боролмадим, солиб галга гал.
Қандай экан онам, билмадим,
Йұлларимға турғандир маҳтал.
Хат ёзарми ўғлим деб зора
Ү-кү мени түрибди күтиб.
Мен-чи, ношуд, бұлиб овора
Авлодларға ёзаман мактуб.

ОФТОБШУВОҚ

Баҳор күнларида,
Офтобшувоқда,
Хордик олар эди күпинчә онам.
Найкамалак балқса Құнғиртов Әқда,
Нечеғ ёшаради бу күхна олам.

Хасталик қийнарди онамни бироқ,
У четта термулиб ух тортар эди.
Баҳор Әқса ҳамки оламга чароқ,
Менинг юрагимда гам ортар эди.

Мен онам Әнида ивирсиб беүн,
Күн бүйін юрардым дилгир, бетоқат,
Йироқ-йироқлардан мунғли ва узун
Турналар товушин тинглардим фақат.

Шу-шу ұнгланмади онам раҳматлик,
Менинг ҳам йилларим тоңдилар тұзим.
Бутун онам каби Әлгиз, тоқатлик,
Баҳор қүёшига боқаман ұзим.

Энди мени эзар минг битта хаёл,
Улар үткінчи дүст, вафосиз өрлар.
Энди ұзим дардкаш, ұзим жим ва лол,
Энди ұзим учун тийра баҳорлар.

Илиқ томчилаган ёмгир ҳам гоҳо
Түюлар онамнинг күз өши бұлиб.
Онам турганидай теппамда гүе
Баҳорнинг меҳрибон қүёши бұлиб...



ЎЗБЕКИСТОН - ВАЛАНИМ МАНИМ



Ҳорим, факат сенинг кўлингдан тұтасб,
Боланғай эргашив кейта олсан бас.
Сен иши кописан, мен сенга тұхив,
Сени танимадан мени ҳам билмас.

ЎЗБЕКИСТОН

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртим бутун —
Оlam аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри,
Бир ўлка бор дунёда бироқ,
Битилмаган достондир бори:
Фақат оқиз қаламим маним,
Ўзбекистон, ватаним маним.

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб,
Тополмасам чекмасман алам.
Ўтирмасман эртаклар сўзлаб,
Мусалю деб йўнмасман қалам.
Кўкламингдан олиб сурурни,
Довруг солди устоз Олимжон,
Гафур Гулом туйган гуурини
Қилмоқ мумкин дунёга достон.
Олис тарих қадамим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,
Илгай олмас барчасин қўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чиқди магрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.
Демам, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўз кетса зиндор,
Бир қалом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.

Қотил құли қилич солди маст,
Құыш бўлиб учди тиљла бош.
Дўстлар, қўқда юлдузлар эмас,
У, Улуғбек қўзидағи ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним!

Кўз олдимдан кечар асрлар,
Куз-кўз этиб нуқсу чиройин.
Сарсон ўтган неча наеллар,
Тополмасдан туғилган жойин.
Америка — сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали.
Колумбда бор аламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ — ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар, рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.
Темур тиги стмаган жойни
Қалам билан олди Алишер,
Дунё бўлди чаманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Боболардан сўзладим, аммо
Бир зот борким, баридан суюк:
Буюкларга бахш этган даҳо,
Она халқим, ўзингсан буюк.
Сен ўзингсан, энг сўнгги нонин
Ўзи емай ўғлига тутган.
Сен ўзингсан, фарзандлар шонин
Асрлардан опичлаб ўтган.
Она халқим, жон-таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди Будда, ўтди Зардуши.
Ҳар ураган нокасу нодон,
Она халқим, ёқангдан тутди.
Сени Чингиз газабга тўлиб

Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб
Сақраб ўтдинг Амударъдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Толеингда бор экан яшаш,
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб.
Бўлмай туриб, юртим, хомталаш,
Бош устингта келди инқилоб.
Чора истаб жанг майдонидан
Самоларга учди унларинг,
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан
Алвон бўлди қора тунларинг.
Алвон бўлди кафаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Лекин офтоб поймол ўлмас,
Кавакларда қолмас ой нури,
Қўлин чўзи доҳий бегараз —
Мазлумларнинг буюк гамхўри.
Қилич серпаб толе тонгида
Ўзлигингни таниб қолдинг сен
Ва Ҳамзанинг қатра қонида
Ўзбекистон номин олдинг сен.
Номи қутлуг гулшаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Тинч турарми бу кўҳна олам,
Тинч турарми докули замон.
Оромингни бузди сенинг ҳам
Фашист детан ваҳший оломон.
Қоним оқди Данцизга маним,
Собир Раҳим йиқилган чогда.
Лекин, юртим, қезолмас ганим
Ўзбекистон атаплан бодга.
Сен-ку номус ва шаъним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, дехқон юртим,
Турар эдинг яланитуш, яёв.
— Ташқарида изиллар ёмғир,
Кир, бобожон, яйрагил бир оз.

Дединг: — Пахтам қолди-ку ахир,
Йигиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним...
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Сен кетарсан балки йироққа,
Фарғонада балки, балқарсан.
Балки чиқиб оқарган тоққа,
Чўпон булиб гулхан ёқарсан.
Балки устоз Ойбекдек тўлиб
Ёзажаксан янги бир достон.
Балки Ҳабиб Абдулла булиб,
Саҳроларда очажаксан кон.
Тупроги зар, маъданим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Майли, юртим, кезсанг ҳам дунё,
Фазоларга қўйсанг ҳам қадам,
Ўзлигинги унутма асло,
Унутма ҳеч, онажон ўлкам.
Бир ўглингдек мен ҳам бу замон
Кечмишингни қилдим томоша.
Иқболингни кўролдим аён
Эркин ва ҳур кенгликлар оша.
Иқболи ҳур, шўх-шаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Завол кўрма, ҳеч қачон, ўлкам,
Завол билмас шу ёшинг билан.
Музаффар бўл, голиб бўл, ўқтам,
Дўсту ёринг, қардошинг билан.
Асрларнинг силсиласида
Боқий тургай кошонанг сенинг.
Улуг башар оиласида
Мангу ёргу пешонанг сенинг
Мангу ёргу пешонам маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

ҚАРШИ ҚҰШИФИ

(*Отамға бағишилайман*)

Мен бу ұйлаар құйніда туғилиб тоңдым камол,
Күхна сардобаларда құмиліб қолди дардим.
Лекин нар асрлондан сут талаб қылған мисол,
Олис шаҳар, тоглардан илхомимни ахтардим.

Гоҳо тоңдим мен уни, гоҳида қолдим почор,
Оғир үйлар ҳам сурдим Сирдарға бүйларида.
Неърлар битдим гоҳида ұжар ва мақиуишиор.
Сарғашта булбулларнинг беусул қуйшарида.

Дүстлар орттирудим бунда турфа хил, турфа одат.
Гоҳо бирисин тоңсам, бирисини йүқтедим.
Мәхмөн бұлды бу ерда қалбимга илк муҳаббат,
Олис кечалар унинг гүссасини ҳам тортдим.

Мана бу күн, эй юртим, гоз турибман қошингда,
От айлапиб жойини тоңар, деганлар доим.
Сен ҳақнингда шेър битиш шарафи бор бошимда.
Эй, сен саҳрои халқым, эй сен, туғилған жойим.

Ким айтади құйнингда илхом бор деб доимо.
Хүсусан саратоннинг ёниб турған палласи?
Бир нафас тақлиғинга ташриф этса мабодо,
Ҳар қандай шоирнинг ҳам пир бұлар ҳафсаласи.

Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил саҳро бари,
Фақат сароб жимирлаб чорлар сирли базмға.
Үнча ҳам сулув әмас саҳроннинг жонзодлари,
Насрға ярашмаса, ярашмайди назмға.

Лекин унинг баҳори, о, сен, чүллар баҳори,
Согигтирган онамнинг дийдори сенәдай, ширин.
Әрта күн қовжирашдан бұлса ҳам дилдә зори,
Лола каби хандону түбдә дөгі яширии.

Орқланған құзидай довдирар елда майса,
Күм-күк мовий осмонда кезиб юрар оқ булут.
Түрт тараф қисиб келиб, ногаҳон жала қыйса.
Оlamга аңқиб кетар минг хил құқат, минг хил үт.

Лекин офтоб забтидаң қочиб боради баҳор,
Ношуд сайдәд дастидак қалби қон оху қаби.
Хайр энди, баҳорим, күришгунча то дийдор,
Маҳшар келмай юмилди баҳорнинг қақроқ лаби.

Шундайин шитоб билан үтди-ю, кетди кўклам,
Зальфарон адирларда тентирар энди қуюн.
Бамисоли шаддод қиз бир бора айлаб қарам,
Сўнгра лабин чўччайтириб қилгани қаби ўйин.

Қайноқ бир тўзон ичра гуркирар энди осмон,
Бош устингда ўт пуркар самонинг аждарҳоси.
Аста-секин кун қайтар, босилар қайноқ тўзон,
Елар оқшом нафаси — салқин тун ибтиноси.

Ҳар недан гўзалроқдир балки чўл кечалари,
Уфқулар кафтдек равон, кўк сочган бор бисотин,
Термулсанг кўрингайдир жанинатнинг гўшалари,
Юлдузлар чугурлашиб сўйлашар тафсилотин.

Сизни жондан севаман, о, юлдузли кечалар,
Кўйинингизда ниҳондир сирли ва дилбар хаёл.
Сизни суронли кунлар қўмсаганман нечалар,
Сиз билан танҳоликда сўзлашсам, деб бемалол.

Лекин шаддод ҳаётнинг юлдузда борми иши,
Инсонлар бор — юлдуздан юлдузлар қадар йироқ.
Инсонлар бор — ўзидан бўлак йўқдир ташвиши,
«Савдоий» — деб атайди шоирни улар қўпроқ.

Гина қилиши эпди бас, гапни ҳар ёққа бурсанг,
Хилма-хил кудуратлар чиқа берар қатма-қат.
Хуллас, гул ва юлдузни бир четга қўйиб турсанг.
Бу ерларнинг бори шу — қип-қизил саҳро фақат.

Йўл юрсанг — ҳар жойларда работлар вайронаси,
Искандар, Қутайбадан қолган сонсиз даҳмалар...
Бу ерларда илк бора янграган Темур саси,
Чингизийлар бошига солиб қўрқув, ваҳмалар.

О, улардан не қолди? Турфа ривоят фақат...
Бирори қурганини бошқаси қилди вайрон.
Вақтинг бемалол бўлиб, суйлай берсанг ҳикоят,
Хаттоқи Фирдавсий ҳам боқарди сенга ҳайрон.

Ва лекин шу фурсатда қалбимда ҳасрат билан,
Ўзбегим диёрининг кечмишини ўйлайман.
Мен бу кун дўстларимга афсус-надомат билан,
Ерга чўп қадамаган амирлардаи сўйлайман.

Шу боисдан саҳронинг қалбида бир гўр ётар,
Ў менинг бобом қабри, қизимнинг бобожони.
Ҳар ўтганда руҳимга туганмас қайгу ботар,
Қултум сув ҳасратида узиғлан йигит жони.

Ў бир замон қудуқнинг тубида қолган экан,
Сув кўзни очай деса — босиб қолибди тупроқ.
Шум ажал бояқишининг пойидан чалган экан,
Тўгрироги, муҳтоҷлик дастини қирққан қўпроқ.

Мен бу кун саҳар чоги, заррин қуёшга боқиб,
Шу шўрлик аждодимнинг номини шеърга солдим.
Масканин ёритмоққа қалбимда шуъла ёқиб,
Лавҳи ёдин битмоққа тунлардан сиёҳ олдим.

Мен унинг набираси қўлимда қалам билан,
Қалбимда алам билан пойига қўйдим қадам.
Унинг-ку иши йўқdir бу тирик олам билан,
Лекин орзузи бор-ку, ният тоғмас-ку барҳам.

Ҳа, қудуқлар тубида кўмилиб кетмас армон,
Ҳар қандай заволнинг ҳам бордир сўнгти, ҳудуди.
Қабрлар тепасида ёнган ўт ҳам бегумон
Биронга уксик қалбнинг чақнаётган умиди.

Бу жойлар обод бўлар албатта эрта-индин,
Гўристон гулистондир, Муқимий айтган мисол.
Лекин ўтган боболар бу ишни билармикан,
Билармикан, теграсин қуршаб турганин иқбол?

Биз ҳам бир кун ўтармиз бу дунёни қадимдан,
Бизнинг ҳам қалбимизда кетгуси балки армон.
Балки кимдир бизни ҳам хотирлаб қўйса зимдан,
Парчалаб қабр тошин келурмиз ўша замон.

Мана бу күн боболар арвоҳи чаппіар уярар.
Менинг азamat юртим — ўзбекининг саҳросида.
Ҳазрати Хизр эмас, Жайхуннинг саси юрар.
Саксовул босиб ўтган чўлларнинг маъвосида.

Мен-ку шеър ёзмасам ҳам саҳроларига сув чиқиб.
Шу буюк мамлакатим обод бўлиши тайин.
Лекин она ҳалқимнинг ўтмишига кўз тикиб,
Келажаги ҳақида ўй сургум келар майин.

Иложин тонса агар, кетмошинг дастасин ҳам
Ерга қадаб, термулиб, кўкартиргувчи бу ҳалқ.
Жазм этса кўкка бўяр жаҳон харитасин ҳам,
Бугун чўлга чиқиби, пияти тонсин барҳақ.

Бугун у Жайхун сувин келмоқчи чўлга бошлаб,
Жайхун бу — ўз ҳалқимнинг ўз армони, дунёси.
Яраимас, бу дарёга ўтиреанг қармоқ ташлаб,
Жайхун бу — кўнгига тўлган Ватанимнинг дарёси.

Мен унинг бўйларида ўйларга толдим узоқ,
Қирговул хониш қилган тўқайларга бурдим юз.
Бир томон Туркман эди, бир томон Қорақалиоқ,
Ёнасиб, деб Жайхунга чўкка тушиб тиккан кўз.

Дарё-чи, шамшир каби ялтираб ўтар дарё,
Тушовидан бўналгани от каби чопар сарсон,
О, сен, дарбадар дарё, о, сен серхатар дарё,
Бунчалар вазминсану бунчалар қув, ўжарсан!

Сен қайга ҳовлиқасан, эрта-кеч билмай тишим,
Сен қайга ҳовлиқасан, беканору кўр, басир?
Азизим, бу дунёда йўл юрсанг йўқдир қўним,
Азизим, ўжарликки ўқтирумас бизнинг аср.

Мен сенинг висолингни қўргани келдим атай,
Мавжларингга қўшилиб жўша билмадим бироқ.
Сен билан сұхбат қуриш қўлимдан келмас, нетай,
Сен буюк бир наҳрсан, мен бўлсан оғий ирмоқ.

Ҳа, дайр денгизида якка ишон — зарра қум,
Замонлар соатидан ўтар у қатор-қатор.
Лекин сен борсан, Аму, дениздай теран руҳим.
Лекин сен борсан, ҳалқим, кўкрагим Помирча бор.

Номирдай юксакликдан теграмга боқсам агар, —
Күзимгә құрингайдыр Ватаним, она халқым,
Унинг-ку құчогида чұллардан қолмас асар,
Абадий музаликлар ҳам гул очиб кетар балким.

Чунки дастуриң берди халқымға буюк замон,
Буюклиқдан буюклиқ тұғылиб келған доим.
Сен ҳам шу буюк әлда яшинай бер доим шодон,
Эй, сен азамат халқым, эй, сен тұғылған жойим!

ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ

Юргил, далаларга кетайлик, дўстим,
Диққинафас ўйда ётмоқ пайтимас.
Олтин Ўзбекистон тупроги бу кун,
Бир нари фаслиниг огушида масти.
Шабнам шовултайди бοглар қўйнида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар,
Қўчшинг эринчак ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар.
Ҳар ёнда тўкинилк,
Куздан иниона.
Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин.
Сониз эгатларга сочилимиш, ана,
Менинг шоддикларим, эзгу дардларим, —
Менинг она халқим...
Эй, қадим ҳалој,
Ризқи она ерга сепилган халқим,
Увоқ чигитни ҳам этмай деб увол.
Миллион эгатларга эгилган халқим,
Бир нафас бошингни қўттаргину боқ:
Ер юзида ажаб виқор ва нуфуз.
Сенинг ўзинг каби ўйчан ва қувноқ,
Хушфөъл бўлиб келмиш тунрогингга куз.
Улуг Алишернинг соч оқин кўриб,
Оғир хаёлларга чўмган бу фасл.
Қайрагоч ёнида гамгин ўлтириб,
Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл,
Азалий кўркини қиласди қўз-қўз...
Наҳотки шунча тез айланар дунё?!
Бахтли кексаликни ёдга солар куз,
Сокин хилватларга чорлайди, аммо,
Дўстгинам, пайтимас, айлаб сайрибог,
Хилватда ўй сурин ярашмас бутун.
Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?
Кўзнинг фалсафаси шудир биз учун.
Улуг меҳнат кезар шан далаларда,
Ҳар ёнда ҳоким бир ташвишли итҳом.
Қуёш бота бошлар... гавжум қирларга

Қорая-қорая түшалар оқшом.
Эх, күзги оқшомлар...
Дилимда менинг.
Теран түйгүларим құзғолар жұшиб.
Құзғолару шу дам қалбимдан секін
Түкила бошлайди ойдин бир құшиқ.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупрогин кўзимга айлаб тўтиё?
Нетун Ватан дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Нахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшлими севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларни жаннат деб кўз-кўз этаман,
Нетун ардоқларкан тупрогини мен,
Ўпаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан»
Аслида тупроқни одил табиат
Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг.
Нетун бу тупроқ деб йиглади Фурқат,
О, Қашқар тупроги, қашлоқмидинг сен?!
Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин, десалар менга,
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиласман она халқимга.
Халқим, тариҳ ҳукми сени агарда
Мангуд музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Мехрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар,
Майли гулласин,
Боғ унсин мангалик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

ЎЗБЕКИСТОНИМ, СЕИГА

Айтайин қалбимни тортиқ нурли бўстоним сенга,
Сен ватандирсан, фидодир танда бу жоним сенга.

Бебаҳоссан, асрагайман гавҳарим, деб мен сени,
Сен қарог бўлсанг агарда, садқа мужгоним сенга.

Сендан айру дам узундир, лаҳзалар ҳам йилга teng,
Бир умрга лек баробардир керак опим сенга.

Ҳар бир аҳлинг битта юлдуз, кавқабистонсан ўзинг,
То ҳаётдирман, чарогим, шуғулаи шоним сенга.

Ёру дўстлар жам бўлибодир, тўй қитур ўзбек элим,
Мен дегайман хуш келибсан, дўсту меҳмоним, сенга.

Хизматингга шай эрурман, хизматингда ҳам ўзим,
Бахтиёрман, сарф этолсам борки имконим сенга.

Дилда борим сен учундир, қўлда торим сен учун,
Қайда бўлмай талинпурман, Ўзбекистоним, сенга.

ЮРТИМ ШАМОЛИ

Йўлларда елдирим мисоли елдим,
Еллар водийсига бошладим ҳавас.
Еъвагай Ҳисорнинг бағрига келдим,
Сен эсдинг — тарағди сийм танда атлас,
Сен эсдинг — очилди ёрниңг жамоли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Мен-ку бу дунёда бир зори висол,
Карбalo даштида Мажнун сифатман.
Шамоллар ичидан мен ҳам бир шамол,
Чечаклар атридан мен ҳам сарастман.
Ленин сен руҳимнинг мангу хаёли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Қанча шамолларга юзимни бурдим,
Улардан эслилар турфә хил нафас.
Уларда гоҳ қайғу, гоҳ шодлик қўрдим,
Тўхтамай ўтдилар бари ҳам бирпас.
Фақат қайғулардан сен ўзинг холи,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Шамоллар эсгандир ушбу дунёда,
Шамоллар гоҳ қуюн, гоҳида довул.
Улар гоҳ ошкора, гоҳо рӯёда
Қанча бўстонларни совурган буткул,
Лекин сен бўлмагин боғлар заволи,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Эсгин, эй, боғларнинг жамоли кулсин,
Мовий нафас билан тўлсин этаклар.
Учқур қўшиқларга бу олам тўлсин,
Шаъннингга шоирлар айтсин эртаклар.
Эсгин, Ватанимнинг тарағсан боли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Мени чорлаётир олий бир жамол,
Билмасман, оҳ унга қачон етурман.

Бу гулшан водийда мен ҳам бир шамол,
Шамол қаби келдим, шундоқ кетурман.
Лекин Абдулланинг боқий камоли —
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

КЕНГЛИК НУҚТАСИ

Ҳисор тоғларининг нақ этагида
Макон бор ҳүшқаво, сарбаланд, юксак.
Ажаб бир осмон бу, осмон тагида,
Юлдузлар қўл чўзсанг шундоқ етгудек.
Она табиятнинг хуш санъати бу,
Инсон ва юлдузлар салтанати бу.

Бу ердан ўтибди ернинг белбоги,
Беқасам тўй демак бу рангин диёр.
Фалакда юлдузлар чақнаган чоги
Нишондор ўзбекнинг суврати тайёр.
Утубек номида зўр кошона бу,
Дунёда бешдан бир расадхона бу.

Бу ерга термулиб паришон дунё
Тўғрилаб олади қўлда соатин.
Не ажаб, пайт келиб айтолсак ҳатто
Жумлаи жаҳоннинг хуш саодатин.
Шундоқ қутлуг жой бу, қутлуг макон бу.
Не қутлуг, жонажон Ўзбекистон бу.

Атрофда водийлар товланар ҳал-ҳал,
Минг йилик чинорлар қўкка боққан тек.
Бу ерда, во ажаб, юз йиллар аввал
Дунёга келибди султон Утубек.
Ажаб тасодиф ё шаҳри Ҳумой бу,
Ҳойнаҳой, даҳоси тұганмае жой бу.

Оқшом тушмасидан бунда бесабр,
Ўилаб кўз термулар осмон-фалакка.
Бу Зуҳал, мана бу Дубби Ақбардир,
Зухраой пиқирлар бир четда якка.
Юлдузлар васли бу, асли жаҳон бу,
Ониқ мунажжимга айши ниҳон бу.

Тонг отиб чиқар-ку ишбоши офтоб,
Қошида бош эгиг қолма тагин жим.
Замон шиддатини қилолмай ҳисоб
Ер чизиб турибди ёш бир мунажжим.
Азизим, ғам чекма, ваҳмум гумон бу,
Охир тизгинингга келгай, замон бу.

Хар зумда дунёнинг бурчакларига
Хабарлар жўнайди қатор ва қатор.
Хоҳласанг, учавер Марсдан нарига,
Хоҳласанг фалакнинг у бурчига бор.
Қўлингда тап-тайёр ҳадди ҳисоб бу,
Ҳадди ҳисоб берган шаҳри Китоб бу.

Қутлуг жой кўп эрур ушбу дунёда,
Юлдузни кўзлаган лочин ҳам талай.
Хар нечук, шу соат, шу сонияда,
Она юрт, мен сени созимга солай.
На мақтов, на олқиши, на пуч занах бу,
Она юрт қалбимга солган фараҳ бу.

Кездим бу ерларда танҳо шодумон,
Юлдузларга яқин кўзлардан йироқ.
Қалқиб турган каби тешпамда осмон
Англаб етармидим матьносин бироқ.
Хар нечук, билганим, юлдуз фишон бу,
Порлоқ Ватанимдан битта нишон бу.

Бор бўл, тафаккурга ёр бўлган диёр,
Бор бўл, юлдузли тун, оқшомлар майин.
Битта мунажжиминг мисоли бедор,
Она юрт, мен сенга мафтун ўтайин.
Балки шоирлик ҳам яхши отdir бу,
Улугбек ютидан хотиротдир бу.

ҚҮЁШ ШАҲРИ

Энг теран чашмадек тиниб, сизилиб,
Асрлар қаъридан келади хабар:
Икки минг йил бурун чайла бузилиб,
Қўргон барпо бўлди, яралди шаҳар.

Турон юлдузларин силсиласида
Чақнади яна бир қўлбола қўёш.
Улуг шаҳарларнинг бўйсирасида
Абадий ўрнини топа олган Шош.

Тошкентим, офтобсан, Шарққа нур сочга
Қўёшдек тутилдинг неча боралар.
Тош магзинг чақолмай тамшаниб қочган
Неча Қутайба-ю, неча Доролар...

Ўзбекка мақтаниш одатмас, гарчанд,
Багримни тўлгазар ушбу кун гурур:
Тошкенту Бухоро, Хевақ, Самарқанд,
Ҳар бири жаҳоннинг безаги бўлтур.

Қалбинг қўзи билан назар сол, Йисон,
Мана бу Минигурик, манов Қўқалдош.
Мозийга битсайди забон ногоҳон,
Эрк деб қўзгаларди бунда ҳар бир тош.

Қадимий Насафда топдим тавалтуд,
Танишдир Қушоннинг биёбонлари.
Не баҳтким, дилимга солди шеърий ўт
Тошкентпинг сеҳрли хиёбонлари.

Фарзандман, бағрингда кезурман мен ҳам
Сенсан менинг учун маскан мўътабар.
Тошкентдан бошланур менга ҳам олам,
Денгизлардан нари, қитъалар қадар.

Не-не зилзиладан чиқолган омон
Манглайи ярқироқ маконсан буюк.

Байналмилал маъво, асл қаҳрамон,
Жаҳон тарихида номинг бор суюк.

Ишчисан, олимсан, арбобсан, меъмор,
Сенга ҳам мунтазир боқар ер юзи.
Тинчлик деган жойда Тошкент руҳи бор,
Тошкент деган жойда осойиш сўзи.

Не улуг тарихлар кечди бошингдан,
Хислатинг не эрур — олам билади:
Бутун ҳар буржингдан, ҳар бир тошингдан
Фақат дўстлик деган садо келади.

Йироқ африкалик саргашта адид,
Бомбай газалхони шошар сен томон.
Эзгу ниятларнинг байроқдори деб,
Сени шарафлайди замину замон.

Тошкентим, порлаган пойтахтсан бу кун,
Юксалди қўксингда не-не қасрлар.
Сир эмас, бунчалик камолат учун
Керак бўлар эди неча асрлар.

Сен қуёш шаҳрисан, фахримсан азал,
Омон бўл ҳамиша ўзбеки ерим.
Сенсан мунис, мушфик Шарқимга ҳайкал,
Туҳфа бўла қолсин сенга бу шеърим!

МЕНИ ОЛИБ КЕТИНГ...

Тинч эди ҳамма ёқ, тинч эди ҳар ён,
Титради гўёки ер билан осмон.
Бошимга хасталик тушди ногоҳон,
Мени олиб кетинг ўз диёримга.
Иссиқ жон дейдилар, жон бўлса бўлар.
Пайт келса чечак ҳам саргаяр, сўлар.
Ким билгай паймонанг қай ерда тўлар,
Мени олиб кетинг ўз диёримга.
Гинам йўқ бу юртнинг на ҳавосидан,
Меҳрибон докторнинг на давосидан.
Қайтарманг хастани муддаосидан,
Мени олиб кетинг ўз диёримга.
Шаънимга гаюрлар бир сўз демасин,
Ҳар ким ўзи тортар умр кемасин.
Ҳеч кимни муштоқлик дарди емасин,
Мени олиб кетинг ўз диёримга.
Талпинган диёrim, у — Ўзбекистон,
Сехрини айтишга борми ҳеч имкон,
Йўқ, ўзга юртларда беролмасман жон,
Мени олиб кетинг ўз диёримга.

И З Х О Р

Қаича диәрларда сайр этиб юрдим,
Қаңча манзилларда түздим ошін.
Ва буюк ҳикматта ахир іюз бурдим,
Сийланган жойида азиздир инсон.

Юртим сеңіда әкан иасибам тугал.
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен синглим, өримсан, азал,
Әй, жоним, жаҳоним-Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,
Иста, яхши күнде номим қылғыл ёд.
Менсиз ҳам мұкабмал әкан бу олам,
Менсиз ҳам баҳтга ёр әкан одамзод.

Юртим, фақат сенинг қўлингдан тутиб,
Болангдай эргашиб кета олсам, бас.
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.

С Е Н Г А

Ваташим деб сени уйғондим.
(Ҳамид Олимжон)

Менинг ҳам бор дүсту қарогим,
Шаънларига шеърлар қўйладим.
Лекин танҳо қувонган чогим,
Сирдошим деб сени уйладим.

Бедард эмас умр ҳам асло,
Хасратлардан тоҳо сўйладим.
Шубҳа ичра қолганда танҳо,
Ғамдошим деб сени уйладим.

Қучолмасман мен сени ҳаргиз
Сен осмонсан, мен-чи зарра тан.
Қиблагоҳим, юпантим ёлгиз
Сен барҳаёт онамсан, Ватан...

АДОЛАТ ОФТОБИ

Адолатнинг ҳаётбахш шамоллари елдими,
Ҳақ ниҳоят халқимнинг арзин қабул қилдими,
Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.

Ўтди қанча талатўп, ўтди қанча гавголар,
Ўтди қанча маломат, гийбату кин, игволар,
Оқартирди соchlарни неча қора савдолар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.

Сафга тизил набирам, отажоним, тур энди,
Мустақиллик нашъасин, ҳаққинг бордир, сур энди.
Қўлинг бериб қўлларга, бир тан бўлиб юр энди,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.

Унутмагин ва лекин олдда бор ҳали ётлар,
Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо не зотлар,
Шоҳ суриссан, инжима, гингшиса агар мотлар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин.

Ўз қўлингга олганинг — Ялов сенга муборак,
Юрагингда сўнмаган — олов сенга муборак,
Ёндиролдинг қорларни — қалов сенга муборак,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз ниҳолинг экканлиги рост бўлсин.

ЭРК ҲАҚҚИ

Қадимий бобо юртим,
Құтлуг бұлсın яловинг,
Үйлай-үйлай ташланган
Қадам муборак бұлсın.
Тагин гуриллаң әңгай
Үчмаган қалб оловинг,
Эрк ҳаққига ичилған
Қасам муборак бұлсın.
Кимсага ёмонликни
Күрмагансан ҳеч раво,
Лекин шум қутқулардан
Чиқмади шүрлик бошиңг
Энди сени құлласин
Зафар үзи доимо,
Сафаринг бехатару
Хизр бұлсın йұлдошинг.

Тиниқ чашмалар бор ҳаддан зиёда,
 Мовийдир Балхашниң суви ҳам бироқ,
 Бироқ, қозоқ халқын қалби дүнәда
 Барча чашмалардан күра тиниқроқ.
 Нұр билән چулганиб ётибди шоён,
 Буюқ Олатовнинг күркам келбати.
 Олатов қўркамдир лекин бу замон
 Ундан ҳам қўркамроқ қозоқ савлати.
 Қозоқ саҳроси — бу беадад саҳро,
 Хаёлдай бепоён, чсқиз ва йироқ.
 Чиндан ҳам буюқдир бу саҳро, аммо
 Қозоқ бағри эса ундан ҳам кенгроқ.
 Шундоқ ажыб юртсан, жон Қозогистон
 Қардошим, қурдошим, бовурим азал!
 Буюқ Шарқ қўйнида баҳти нурафшон
 Ўзбек диёридан саломим бу гал!
 Бирдир элимизнинг оташ қаломи,
 Бирдир бошимизда порлаган байроқ.
 Бирдир элимизнинг насаби, номи,
 Бирдир қўқимизни ёритган чақмоқ!
 Абай ҳикматию Навоий сози
 Кўркам хонадоним мұаттар этган.
 Буюқ яратганга бўлсин тавозе,
 Удир баҳтимизни баробар биттган.
 Дийдор боппаб келди, қани, узат қўл!
 Үлжасим, жўлдасим, дўстим, қарогим!
 Таъзим, эҳтиромим айлагил қабул,
 Эй, улкан қозогим, улкан қозогим...

ҚОЗОГИСТОН ОҲУСИ

Күкчаторда кўк камзулли бир оҳу кўрдим,
Таажжубки, оғида қизил этикча.
Куз узолмай узоқ маҳал термулиб турдим,
Сунг изидан кетавердим бошим эгикча.
Шуҳ, чиройли сўқмоқларда қадам бақадам
Үқ етмасга қадар чиқдим изидан бориб.
Оҳу эмас, афсонага дут келдим шу дам,
Во дариго, қайтиб тушдим чарчаб ва ҳориб.
Ойнакўла бориб қолдим айлаб мен шитоб,
Кўк камзулли у оҳуни излаб сар-сари.
Ойнакўлнинг тувида ҳам кўринди шу тоб
Оҳу эмас, Ўлжас шеърин тоза мавжлари.
Сайеҳликнинг ўжар қалби тутиб қўлимдан
Кетавердим, кетавердим сарсон-саргардон.
Мовий қўллар, чўнг ўрмонлар чиқди йўлимдан.
Оҳ, бунчалар кенг экансан, жон Қозогистон,
Излайвериб, ҳориб бўлгач, оқибат бир тун
Кўк тепага чиқиб олиб ўй сурдим узоқ.
Олмаота чарх уради теграмда бутун,
Сўзласанг-чи, бу қандай ҳол, муҳтарам қозоқ.
У мен кўрган оҳу қани, қайда у жайрон,
Қайси жойни макон этган у нозик ниҳол?
Дедиларки, қозоқ элин кезабер ҳайрон,
Ҳар қайдада ҳам у бир карра кўргазгай жамол.
У Абайнинг армонидир нозланиб турган,
У Олатов сулувининг мақоми эрур.
Кечагина нортуюяни қувалаб юрган
Қозоқларнинг карашмали илҳоми эрур.

ОЗАРБАЙЖОН

Хаёл оти билан кезгил ҳар ённи,
Топмассан бундайин қутлуг замонни.

Мухр этди дилларга замон инчунун,
Дўстлик деб ататмиш олий эҳсонни.

Эъзозиаб турибди кўтариб бошга,
Бу кун озар эли Ўзекистонни.

Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих,
Бу дўстлик билганми шубҳа гумонни?

Ўзбекман, англамай қаёққа бордим,
Шу инжа озарий тилни, забонни.

Дўстлик, бу — муҳаббат янглиғ фараҳким,
Билгай у на ҳадни ва на довонни.

Асли Муқаннага қиёс этгулик
Бобакнинг қалбидан тошган тутғонни.

Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.

Азизим, дилимда асраб юрибман,
Насимий қолдирган собит имонни.

Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,
Озар ҳам аярми Гофурдан жонни.

Сен билан озодлик жанггоҳларида
Бирга таниганимиз яхши-ёмонни.

Тарих-ку муҳташам ёдгордир олий,
Сүйлайин шу күнни, айни шу онни.

Қардошлиқ яловин құтариб қүшод
Тавоб этмоқдамиз гулгун маконни.

Хаазар коса бұлсın, яъни жоми Жам,
Сипқоргил, шарафла давру давронни.


Мен сендей мезбонни топмогим гумон,
Сен ҳам тополмассан мендай меҳмонни.

Мавжуд бұлмасайди оламда агар,
Үйлаб тонар эдим Озарбайжонни.

ҚИРГИЗ ДИЁРИ

Чингиз Айтматовға

Азамат Манас юрти, Тұқтагулнинг ватани,
Алномиш ва Навоий юртидан сенга салом.
Юксак тоглар үлкаси, мовий құллар маскани —
Қирғизлар диёрига үзбеклардан әхтиром.
Манғу оппоқ қор билан ялтирайди Олатов,
Бамисоли қирғизнинг бошидаги оқ қалпоқ.
Ям-яшил водийларда сон-саноқсиз оқ үтөв
Қирғиз халқын қалбидай бегубору тоза, пок.
Әй, қадим Осиёнинг абадий өш үлкаси,
Ялангтуш ва меҳнаткаш үзбек билан инисан.
Қирғизларда женгайдир үзбекларнинг бекаси,
Шону-шараф осмонин чақнаган чақнисан.
Бутун дунғ билади ижодкор Чингиз номин,
Азамат халқ, шұхратинг бундан ҳам бұлсın зиәд.
Не ажабки, барxaёт Гафур Гулом қаломин
Қирғизлар ҳам унұттай, айлаб турған бұлса Әд.
Чөрвадорсан, ботирсан — құлда құбизинг билан.
Пахтакорсан, ишгисан, дарғани бурувчисан.
Роса термулиб боксанғ шу қийиқ күзинг билан,
Күпта-күндүз күнда ҳам қолдузни күргувчисан.
Шу бепоғын ватанинг бағрида тент фарзандмиз.
Завқ олурмиз баробар замона күйларидан.
Азал-абад ҳамдаммиз, азал-абад дилбандмиз,
Салом көлтирик сенға Сирдарx бүйларидан.
Кетмасин бошимиздан асло баҳт беланчаги,
Янграсин дүстлик күйи, янграсин шеър, тарона.
Бор бұл, эй Қирғизистон — қүёшнинг келинчаги,
Бор бұлсın мангуликка Дүстлик түзган замона.



ДИЛАДИ ОХИМ

МЕНИНГ...



Теппапдан түк каби қүнделди сог.
Кора түк ёнағы сітапи өзларда.
Негүй үзгеларға нұр согынан күйін.
Бизнинде оралында бүлағи парда?!

«ХАДДИМ БОРМИ СИЗГА...»

Хаддим борми сизга бир сүз демакка,
Хатто узр айтмоққа сигарми ҳаддим?..
Сизнинг ҳуснингизга боққали якка,
Қанча савдоларни бошдан ўткардим.
Сизга икки олам борича нисор,
Сиз икки оламдан баландсиз мутлоқ.
Сизга фақатгина термулмоқ даркор.
Сизга фақатгина лозим сигинмоқ.

Қорғаның шеъри

Сира құз үнгімдан кетмас ушбу ҳол:
Қоя теппасида ёнарди ялов.
Харир либосини етди-ю, дархол
Денгизга ташланды бир парча олов!

Бу не қисмат әрүр? Бу не фалокат?
Бундайни висолға борми ҳеч чора?
Білмай не қиласын, тұлғаниб фақат,
Уұ тортиб юборди денгиз бечора...

«СЕН БОРСАН»

Сен борсан — мен утун бу ҳаёт гүзәл,
Сен борсан — мен утун дилбар коинот.
Сенсиз қолар әдим зулматда тугал,
Сенсиз қолар әдим бутқұл bemурод.

Сенинг висолингда умрим яширин,
Чечаксан, мен учун асло сұлмассан.
Шу қадар дилбарсан, шу қадар ширин,
Ағесүс, шүндайлигинг үзинг билмассан.

Құпдан күтган әдім орзиқиб, мана,
 Булутлар тарқалды тұқишиб күз ёш.
 Ҳаёлим осмондай ёриши қана,
 Ергү күнтарымдай порлади қүёш.
 Шошқын дарәларнинг зангордир лаби,
 Шамоллар үйнайди йироқ-йироқда.
 Юрғил, сайр этайлик юргил, малагим,
 Дунё ташвишлари қосын узоқда.
 Құрятсанми, қандай яшармиш олам
 Бепарво гұдақдай жилмаяди жим.
 Гұдагим, бу чирой қайтмайди ҳечам,
 Қайтмагани каби менинг ёшлигим.
 Бугун бош устингда яшинган япроқ
 Шовуллаб тұқилар эрта пойинингта.
 Бу учқұр йұловчи солмайди қулоқ
 Сенинг илтимосинг, сенинг раъйингта.
 Хазонли августнинг бирор оқшоми
 Уни құрарсанми, тушингда тақрор?
 Майлита, үзгадир құзнинг илхоми,
 Бугун-чи, күз ташла, атрофда баҳор!
 Қани, құлғианғни бергил жимгина,
 Шу маъсум йұлчига құяйлик ихлос.
 Шоирлар алдайды бизни, жонгинам,
 Баҳор доим әмас, уч ойдир холос...

Келдим қошингизга чопиб, энтикиб,
 Майсага бурканган төг этаклари.
 Уч ой йүлингизда ётдим күз тикиб,
 Эй, баҳор бекачи — май чечаклари.
 Гарчанд юрагимга гул рухсоридан
 Хазон япроқлари энді яқинроқ.
 Ҳар нечук қиши фаслини тунд дийдорисын
 Жәкжи капалакнинг васли ширина
 Қалдироқ гумбурлар юксак төгларда.
 Чилтор қылларидай тараалар ёмгир.
 Шамол шовуллайди қадим болларда,
 Буюқ, күхна дүнө күпчийди оғир.
 Мен унинг қўйнида кездим сабодай,
 Қорлардан лоларанг оловлар ёқдим.
 Бир зум шаҳаншоҳлик теккан ғадодай.
 Умр ўтар ледим, дунёга боқдим.
 Қулоқ оч, дилбарим, шу гул наҳорга.
 Туманли туйгулар босмасин оғир.
 Илтифот қилмасак жажжи баҳорга.
 Шуроний куз бизни сийламас ахир.

\

МЕН СЕНИ КҮЙЛАМОҚ ИСТАЙМАН

Мен сени күйламоқ истайман,
Сенинг юзларингни күйламоқ истайман.
Сенинг кўзларингни күйламоқ истайман,
Юзларким, малагу афсонада йўқ,
Кўзларким, жаннату ризвонада йўқ,
Мен сени күйламоқ истайман,
Аммо шундай кўйласамки,
Йиртилиб кетса овоз пардаларим...
Мен сендан бўсалар олмоқ истайман;
Аммо шундай бўсаларким, —
Тирқираб қон оқса лабиларимиздан.
Зотан, одамлар севгисини ҳам
Алами, нафрати, қувончи қаби
Хайқириб, ҳайқириб очиб ташласин.
Истайманки, наъра тортсин чақалоқлар ҳам,
Ўликтар ҳам тинг ғтмасин қабрларида.
Мен ҳамма нарсани буюклигича кўрмоқ истайман
Йигирманчи аср одамларида.
Зотан, бу аср
Ҳар қандай чекланиш, ҳар қандай қулликни
Итқитиб ташламоқда ўз елкасидан.
Бу асрнинг талаби оддий ва содҳа:
Юрагинг буюрган ҳар қандай гапни,
Тилагинг буюрган ҳар қандай гапни,
Ҳеч кимдан тортиимай ўртага ташла,
Бўғзингда қолмасин овозинг асло!
Мен шу асрнинг бир митти фарзаандиман,
Мен упинг бутун қўполлигини,
Бутун нозиклигини,
Бутун совуқлигини,
Бутун ҳароратини
Сенинг шу гунчадек нозик лабларинигта
Жо қилмоқ истайман, севгилим...

БАХОР КУНЛАРИДА

Ҳазилт

Баҳор чоги эди,
Шод эдик жуда.
Богда дилдор билан айладик висол,
Жілмайиб юрардик ҳуда-бекұда,
Худди китобларда ёзилған мисол.

Бирдан гүмбурлади момақалдироқ,
Хавонинг авзойи бузилди, не ҳол?
Емғир ҳам шарыллаң құйди-ку шу чоқ,
Худди китобларда ёзилған мисол.

Бир зум ёмғир ичра қолдик иккимиз,
Ү менинг құксимга бош құйди беҳол.
Чұмдик аллақандай ҳисларга ҳам биз,
Худди китобларда ёзилған мисол.

Йұқ, энди китобға үхшамади ҳеч,
Құргур ёмғир биздан кетибди қулиб.
Иккөв иккі ёнга тарқалдик шу кеч,
Менинг белим оғриб, у тумов бұлиб...

Деразангни қоплар оқшом зулмати,
 Изин қора айлааб ботади ой ҳам.
 Нечун мени фақат шу зулмат пайти
 Қучиб ардоқтайсан, нозик фариштам?
 Самовий құзларинг саэрлатиб үңқун.
 Нечун тикилади фақат үшанды?
 О, наҳот шу құлар өтдир мен учун
 Құпдуз машъаласи порлааб турғанда.
 Тейнамдан түн каби қуолади соч,
 Қора түн ғнади оташ юзларда.
 Нечун үзгаларга иур сочған қүеш
 Бизнинг орамизда бұлади парда?
 Нечун иккимизни қолдириб әлиз,
 Қоинот тубида қуені чекар ох?
 Ҳавоб бер, қошингда чўкмоқдаман тиз,
 Ҳавоб бер, макрингдан мени қил огоҳ.

* * *

Үтінаман,
Йироқтардан мен
Хузурингта согиниб елсам,
Толеимга кулиб чиққин сен,
Кувончингни яширма ҳеч ҳам.

Узоқдарга отлансан яна,
Сафар түнин кийсам эрта-кеч.
Үтінаман, әркам, үшанды
Дариг тутма күз ёшингни ҳеч!

* * *

Кузак шамоллари эсдилар яна,
Сокин юрагимда түйгулар құзғаб.
Келгил, паривашим, келгил жимгина.
Келгил самолардан мезонга үхшаб
Оқшом тұманида кезайлік хұшқол,
Тұнган юлдузларға боқайлық түйиб.
Шивалаган ёмғир, дайдиган шамол,
Майли, изимизни кетсінлар ювиб.
Богларда хазонлар шовуллар қулоқ,
Улар соялардир, жонгинам, фақат,
Улар билмайдылар, билолмаслар йұқ.
Нақадар буюқдир бизнинг мұҳабbat.
Пөнсиз оламга боқайлық сұзсиз,
На ҳасрат, на сұзнинг бордир кераги.
Бизнинг теграмизда ёнаёттан куз
Қайси бир ошиқнинг сұнган юраги...

СЕН БАҲОРНИ СОГИНМАДИНГМИ

Үйғонгуучи бөгларни кездим,
Топай дедим қырдан изингни.
Ёногингдан ранг олган дедим —
Лолазорга бурдим юзимии,
Учратмадим аммо үзингни,
— Сен баҳорни согинмадингми?

Узоқлардан залворли тоглар
Хағлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
— Сен баҳорни согинмадингми?

Ўнгурларда сакрайди оху,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан сипкорилган сув.
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳидан фақат сен пинҷон,
— Сен баҳорни согинмадингми?

Мана, бугун наврӯзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман,
Қайтардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман:
— Сен баҳорни согинмадингми?

* * *

Сен Пушкиннинг севган малаги,
Сен Гёте орзу этган қиз.
Сен Байроннинг ўтли юраги,
Сен Гейнени ёндирган юлдуз,
Алишернинг Гулисисан сен,
Сен Лутфийнинг сўлим газали.
Булбулисан Ҳофиз гулшанин
Ва Ҳайёмнинг ширин асали.
Толеимда нозланиб турган,
Эй, сен менинг эрка гўзалим!

* * *

Юлдузлар утига бардош берурман.
Фазолар тафтига қилурман тоқат,
Ёнингга сог-омон қайтиб келтурман,
Оташ нилоҳингда ёнгали, фақат.
Тўлқинлар қутурсин, майли беомон.
Менинг қисматимни кўмолимагай у.
Бари бир, ёнингта қайтаман омон.
Мовий кўзларингта чўмгали мангу.

* * *

Бунчалик камолот, айт-чи, кимда бор.
Кимда бор бунчалик латофат, ҳусн.
Шу чирой, шу ишва, шу ноз, шу виқор.
Бахтиёр жүфтингта муборак бұлсин.

Севганинг қалбіда билмам қай ният,
Демасман, шаъннингга шеърлар битсин деб.
Сени яратгандыр асли табиат
Бир шоир ҳажрингда күйіб ўтсин деб...

Жұнар бұлдым мен бундан дилтанг.
 Йұлларимға қараб қолдинг сен.
 Сочгинангни тараб қолдинг сен,
 О, биламан баджақұл отанг.
 Остонангта йұлатмас мени.
 Ишонмайди сен севган ёрга,
 Ұзоқтарға жұнатмас сени,
 Кетар бұлсак иккимиз бирга.
 Билагузук тақибди отанг
 Құлгинангни болғаб бир йұла.
 Билагузук, бандинг узилсип,
 Ер құлини қисғандан күра.
 Сен дедигки: «Бұлсайдым юлдуз.
 Осмонлардан боқсам-да сизга,
 Тушишга йұл топардим, эсиз,
 Отам оқ йұл берсайди бизга».
 Тұхта, етар, бир күн отангнинг
 Ҳузурига қайтиб келармиз.
 Кечир, дермиз, етмаса агар,
 Үчта бұлиб узр сұрармиз.
 Бизни ҳеч ким айб этмас, жоним,
 Ғамгин бұлмас биздан хотира.
 Севгисидан баҳт топғанларнинг
 Бұлғанми ҳеч номлари қора?..

* * *

Ендиму ва лекин ҳижрон тунида
Сенга аҳволимни этмадим баён.
Сокин кечаларим кўзим ўнгида
Мунис қарашларинг бўлди намоён.

На сен назар қилдинг ҳолимга бир бор,
На мен айта билдим сенга бирор сўз.
Шундай ўтиб борар умримиз бекор...
Орамизда сарсон бир жуфт қора кўз.

Оилада түгилса гүлдак
 Унга суюб құярлар исем.
 Гар болғанса иеккита юрак
 Дүстлик дейнш бүлгандир расм.
 Волицалар гүдәти учуни
 Бешик олиб, тортадилар ош.
 Худди шуңдай, дүстлар ҳам у күн
 Біп-биридан айлайди маош.
 Иисон яшар, пайти ҳам келар
 Тұхтаб қолар умр-югурик.
 Лекин, дүстлар, айтинг не бұлар
 Дүст дүстидан айрілса тирик?
 Тобут ұтар сүнгі түпприкни,
 Қаро ерга уни құярлар.
 Дүстлар, айтинг, сүнган дүстликни
 Қайға олиб бориб құмарлар?
 Мархұмларға очишиб аза
 Либосларни құкка бұярлар.
 Дүстлар, айтинг, дүстлик сүнгана
 Қаңдай йиглаб, қаңдай киярлар?
 Азалилар құрса ёмон туш
 Мозор узра сукут этарлар.
 Тирик туриб, қайта келсанг дуч.
 Уида, ахир, қайға кетарлар?
 Ҳайхот, илк бор ингради күнгілим,
 Бир барғайин титрадим, толдим.
 Мен дүстімдан айрылдым бутун,
 Тирик туриб, айрылғы қолдим.
 Ізармидим йиглоқи байтни,
 Чекармидим мен ахир иола,
 Дүстлар, агар бошланмасайди
 — Икки қалбдан буюқ оила.
 Ізармидим йиглоқи байтни,
 Титрагидим күзде өш билан,
 Дүстлар, агар бошланмасайди
 Тог қулаши икки тош билан.
 Дүстлар, айтинг, дил ёнмагаңда
 Чекармидим шұнчалар ох-зор.
 Агар, агар... Ҳеч бүлмагаңда
 Топилсайди күмгали мозор.

БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Кечаки оқшом фалакда ой бўзарид ботганда,
Зуҳро юлдуз миътираб, хира ханда отганда,
Рӯҳимда бир маъюслик сокинтик уйғотганда,
Мен сени эсга оддим, бирингчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, бирингчи муҳаббатим.

Ўтди ёшлик завқ билан, тоҳи тўполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,
Лекин сени йўқотдим, бирингчи муҳаббатим,
Мангу гафлатда қотдим, бирингчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан...
Нечун билмовдим аввал, бирингчи муҳаббатим,
Парво қилмовдим аввал, бирингчи муҳаббатим.

Ҳолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,
Юлдуздай қулганим йўқ, ой қаби тўлганим йўқ.
Эрта ҳазон гул қаби саргайиб сўлганим йўқ,
Сени эслаб йиглайман, бирингчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тиглайман, бирингчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,
Гуссага ботса одам — муҳаббатга суянгай.
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,
Мен кимга суянгайман, бирингчи муҳаббатим,
Фақат эслаб ёнгайман, бирингчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпангта қулоқ тутдим,
Сирли тупшлар кўриб мен бор дунёни унутдим.
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,
Дилдаги оҳим менинг, бирингчи муҳаббатим,
Елгиз оллоҳим менинг, бирингчи муҳаббатим.

— Хайр энди:

Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оҳу.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!
Сени кеч топғандим, эрта йўқотдим,
Қарғагин, лойиқман сенинг қаҳрингга.
Ўзгалар қалбида қадр уйғотдим,
Бироқ етолмадим ўзим қадрингга.
О, инсон қисмати, бунчалар чигал,
Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.
Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал,
Наҳот, гуноҳкорга қўшиқдир жазо?!

— Хайр энди...

Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оҳу.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Сен бугун кимларнинг маъсум ҳамроҳи?!
Қайси бир одамнинг баҳтига ёрсан,
Очилдими сенга толе дарчаси?!
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан,
Менинг юрагимнинг маъкруҳ парчаси.

Йұлым бошлар,
 Кетарман бир қун
 Сендан йироқ, үзға томонга.
 Үй ёнидан үтаркан, секин
 Құз ташларсан бүм-бүш маконга.
 Балки у кун бу жойда яқка
 Тұрган бұлар үзігә бир одам.
 Балки у ҳам ётиб тұшакка
 Хаёл сурар әхтимол у дам.
 Балки уни үхшатиб менга
 Җақырарсан номимни айтиб.
 Ишонмассан балки құзингіта,
 Балки сұнгра боймассан қайтиб.
 Ерілмаган ярадай севги
 Үнда бизни қийнамас тұлиб.
 Құчаларда ёр эмас энди
 Тұқнашамиз бегона бұлиб.
 Наҳот биздан қолмас ҳатто мунг,
 Наҳот бұлмас бирор хотирот?
 Ишонмайман, мұхаббатдан сұнг
 Бегоналик бошланса наҳот?!

* * *

Чувалади үйларим сенсиз,
Хаёлимга тароқ ургайман.
Менинг құлым етмаган юлдуз,
Тушларимда сени күргайман.

Баландасан тоглар қоридан,
Чақырасан мени изгари.
Елбораман арвоҳ ортидан
Интилүвчи Ҳамлет сингари.

Маҳшаргача майлига кетай,
Кетай, майли бўлиб овора.
Сени сураб қўймаса нетай,
Ерда қолган севги бечора.

Ёмгири күн эди,
Атроф жим, сокит,
Маъюс кўзларинига боқардим сармаст.
Секин шивирладинг: — Боқмагил, йигит,
Севгинг менга янгилик эмас...

Ёмғир ҳам тинмади ўша куни ҳеч,
У ҳам қуволмади кўздан хобингни.
Совуқ, рутубатли хонамга шу кеч
Олиб қайтдим изтиробингни.

Тунда ҳам жимгина ёш тўқди осмон,
У менинг ҳолимга йиглар эди, бас!
Бас, дўстим, мени деб чекмагил фигон,
Сенинг кўз ёшинг ҳам янгилик эмас.

Қўйгил, у қунларни эслатма менга,
 Қалбимни ёқмасин бу хазон фаслинг.
 Энди бегонаман, жонгинам, сенга,
 Энди бегонадир менга ҳам васлинг.
 Гоҳида севиниб, гоҳи ғамдадир,
 Ишқ узра ёзардим мен эркин қанот.
 Бислайман қайси кун, қайси дамдадир.
 Менинг қисматимга чанг солди сайёд.
 Унинг қўлидадир бу қун имконим,
 Бу кун ҳамроҳимдир гўзал изтироб.
 Қўйгил, у қунларни эслатма, жоним,
 Қўйгил юрагимга сен берма азоб.
 Ўзгалар юзимга боқса ҳам ҳайрон,
 Фақат сен томоша қилма ҳолимни.
 Фақат сен шеъримни севма ҳеч қачон,
 Фақат сен ҳимоя қилма номимни.
 Йариг тут ишваю назокатларинг,
 Фақат сен юзимга боқмагил қулиб.
 Ҳайҳот, энди барча илтифотларинг
 Менга туюладн масхара бўлиб.

Севгидан сүйлардинг у кун энтикиб,
Сүйлардинг висолнинг яқин келишин.
Мен бўлсам кузимни қайгадир тикиб,
Ўйлардим дунёнинг савдоли ишин.

Бугун-чи, бир ўзим, юрибман танҳо,
Севги ҳам, висол ҳам бўлдилар абас.
Барчаси мангута тарк этди, аммо
Фақат ўша ўйлар тарк этган эмас.

СЕВГИ ЎЛИМИ

Ёмгир тинмай ёғди кун бўйи,
Ёмгирли кун каби эзилди дардим.
Яйдоқ кўчаларда жим юрган қўйи
Сенинг изларингни ахтардим.
Уфқларда эса аччиқ бир туман
Менинг кўзларимга қуярди заҳар.
Увушган қалбимни сокицлик билан
Эзар эди бўм-бўш бу шаҳар.
Энди сен тутмассан асло қўлимни,
Ўтган севгим утун очмассан аза,
Оҳ, қандай ўлим бу, севги ўлими,
Үнга на қабр бор ва на жаноза.

МАКТУБ

Ғазаллар тұқырдим сеига бир замон,
Құшиқтар айтадым туңлар бошингда.
На чора, ушбу күн үзға бир инсон,
Үзға бир мұхаббат турар қошингда.
Әшітдім, хазонли болгарда танқо
Үтказар әмишсан сокиі пайтларни.
Саргайған дафтаринг варақлаңағоҳо,
Такрорлар әмишсан маҳзун байтларни.
Мен ҳам тонилар бағзан йүлға қарайман,
Мұнааввар қүёшга құксимни очиб.
Сенинг хәеллингдан мадад сұрайман,
Сенинг хәеллингта бораман қочиб.
Лекин құтулмоқ йўқ ҳижрон дастидан,
Фақат қалбимизда бардош ва сабот.
Дүніда жамики ҳислар устидан
Қаҳқаҳа уради қадим бу ҳаёт.
Надомат пимага ва афесе нечүп?
Оламда неки бор үчар бешафқат.
Бизнинг вазифамиз күникмоқ беүн,
Бизнинг вазифамиз унугмоқ фақат.
Йиғлар үтиб кетар такрор ва такрор,
Еңгілік ҳам үтади бенишон, бессас.
Лекин үша чоқ ҳам хүрсииң, бир бор
Севгандым, набираң, дея олсак бас....

Ҳаёт мендан аямади неъматларини.
 Не истасам берди доим, ҳеч бир тоңмайман.
 Фақатгина бир гам ўртар юракларимни,
 Мен муҳаббат тақдиримдан мақтанолмайман.
 Болаликдан ўтиб мен ҳам, бўй етиб секин
 Гоҳо пинҳон, гоҳо асов дарёдай тошиб,
 Бир ёш йигит севганчалик севдиму, лекин
 Бошқалардай толе менга бўлмади насиб.
 Қўнгил шишам бир сўз билан қолганда дарз ёб
 Қаламимдан итк мартаба тўкилди гамлар.
 Сен бўлмасанг дунё ўзи менга надир, деб
 Ичдим ҳатто талай-талай шеърий қасамлар.
 Ўтар экан ҳамма нарса, йўқ экан тургун,
 Ҳатто севги неларгадир бўларкан таслим.
 Бугун ҳаёт нималиги, севги йўриғи
 Бари маътум, ҳаммасига етади ақлим.
 Юрагимда севги изи топилмас асло.
 На бир афсус, на бир алам чиқмайди ундан.
 Шоир сатрин тақрорлайман секин, бепарво:
 «Қайтмас энди, умид қилма, кетган тўлқиндан...»
 Сокингина булиб қолган юрагим шундоқ,
 Ўтирмайман у кунларни сўкиб, қоралаб.
 Энди менга бари бирдир, дейману шу чоқ
 Ўзга оташ ахтараман ҳаёт оралаб.
 Елғиз туриб юлдузларга боқаман гоҳи,
 Е ўзимча туш кўришнинг сирин ўйлайман.
 Кайфиятим кўтаргандা, тушса нигоҳим,
 Тўгри келган ҳар нарсани шеър деб куйлайман.
 Баъзан узоқ қишлоқдаги кекса онамга
 Юбораман маъниси йўқ, пала-партиш хат.
 Ҳамма нарса гоҳо эрмак туюлар менга,
 Ҳамма нарса гоҳо осон кўринар фақат.
 Баъзан эса ўз-ўзимдан кетаман тўлиб,
 Титрайман ҳам оҳангларни тинглаб жимгина,
 Ўртоқларим ўраб олар юпатмоқ булиб:
 — Айтгин, ахир, нима сенга етишмас, нима?!

Йўқ, йўқ, ҳаёт аямади неъматин мендан
 Тўрт мучам сог, дўстларим бор ҳавас қилгулик.

Нолимайман на келајак, на ўтмишимдаң,
Иродам бор, келса агар бирор күргулик.
Фақатгина бир күч бордир, фақат угина
Зор йиглатар, қиылмайман мен унга тоқат.
Хаётимда чаңнамайсан фақат сенгина,
Толеимда сен бұлмадинг, баҳтли муҳаббат.
Кимга шошай, кимни құмсаң, кимга сигинай,
Фариштам, деб оқ ювибу оқ тарай кимни?
Кимни Лайлым, Шириним деб, баҳтим деб атай,
Хаётим, деб тұққылтарға құтарай кимни?!
Йұқ, йұқ, үтган муҳаббатни құмсамайман ҳеп,
Нима керак кулни титиш, бұлмаса утқун!
Наҳот қайта севолмасам! Наҳот энді кеч!
Наҳот энді қүнгил узсам севгидан бутун!
О, қалбимға сен ҳам ошно бұлсайдинг, севгим,
Айрилиқмас, висол күйлаб қолсайдим ғамда.
Ҳар қандайин аяңчы ҳам улуғлар әдим,
Мен үзимни баҳтли, дердим ҳар қандай дамда.
Йигласам-да кулар әдим магрур ва осон,
Севгим билан зарб берардим ҳар қандай ғамга.
Яна қайта севарманми? О, гар севолсам,
Майли, ҳаёт, бор-йүгингни ташла елкамга.
Ромеодай үлемға ҳам тайёрман у кез,
Қотиүлпик ҳам қиляй майли Отеллю монаңд,
Фақат сен кел, юрагимда армон бұлған ҳис,
Сенсиз ҳаёт пуч бир нарса, әрмак, омонат...

И Л Т И Ж О

Юлларишгни майлига яшир.
Керак эмас, нозлар, имолар.
Гўзаликнинг қошида ахир,
Чўкка тушган ҳатто худолар.

Кимга фойда беҳуда жунуни
Ва душёга ғавғо солицдан
Айрилиқдан қўрқмасман бу кун,
Мен қўрқаман севиб қолицдан.

ИЛК СЕВГИ

Оддий машинани қўрса болалар
Ҳайратга тушишини канда қилмайди.
Олис юлдузларга улкан кемалар
Учиб юрганини улар билмайди.

Биз-чи, дунё ишин биламиз андак.
Оила қурамиз, бола қўрамиз.
Лекин машинага боққандай гўдак,
Ҳамон ilk севгини эслаб юрамиз.

Йигитлар мактубин битганды қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёху,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Үн түккиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму умрдан ярим,
Куриган кўксидаги ёлғиз беланчак.
Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим,
Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир,
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.

Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,
Мунгайиб термулар ботгувчи қунга,
Эй, номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан баҳт берсанг бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.

Сиз-чи эй, садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар, айтинг.
Ўзини минг битта бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу тўлпон қўзларнинг буюк ҳурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!

Баъзида тириоқлар безаги учун,
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.
Бироқ өрингизни күттали исчүн
Топылмас тириоқча сабру қаноат.

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг.
Буюк зот қошида айланғиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланғ әхтиром.

Хатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Хайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда.
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

У құшиқ күйлади ёр шаънига маст,
Шұхчан шеърлар айтди севги номидан.
Хаммани күлдирди, қиз әса фақат
Бепарво жилтмайыб үтди ёнидан.

У құшиқ күйлади ёр шаънига маст,
Йиглаб, фарәд чекди севги номидан.
Хаммани йиглатди, қиз әса фақат
Бепарво жилтмайыб үтди ўнидан.

У құшиқ күйлади ёр шаънига маст,
На қулди, на қатра түқди ёшини.
У күйлади магрур, қиз бүлса шу вақт
Хузурига келди әгіб бошини.

Аброр Ҳидоятов хотирасига багишлайман

Чигатой құчасин сүл томонида —
 Ўтсангиз муқаддас хилхона тараф,
 Саноқсиз қабрлар галадонида
 Әтибди Отелло — у Буюк Араб.
 Мен баъзан шу йўлдан уйга қайтаман
 Сайр этиб ҳовлиқма сойнинг қошини.
 Отелло шаънига салом айтаман,
 Зиёрат қиласман мозор бошини.
 Арабий кулонкир — Гарбнинг хўжаси,
 Майлига, гапимга қиласма эътироуз.
 Менман, бу ўзбекнинг даҳрий жўжаси,
 Уйқашга ўхшайди исмимиз бир оз.
 Бир замон оллодан сенинг волиданг
 Тиланиб олибди, мен-чи, садақа.
 Савдомиз бир экан, номлар ҳамоҳанг
 Ва лекин ўхшамас қалблар, шунақа...
 Мен орзу қиласдим сендай севишни —
 Қулимда ханжару қонимда олов.
 Уддалай билмадим лекин бу ишни,
 «Телбадай севарди» дёёлмас, бирор.
 Истардим сендаги рашикни ҳам, илло,
 Булбулга дард қайда гул йўқса агар.
 Ҳам бунинг устига, билсанг, Отелло,
 Қизларнинг қўлида у қонли ханжар.
 Сендаги нафратни хоҳлардим асти,
 Разиллар қўзига боқолсам хунхор.
 Чунки ҳалигача, Отелло, рости,
 Ягони ўқитиб қўйгувчилар бор.
 Ортиқча нафрат ҳам керакмас, аммо
 Лақаб ҳам тақмасман кимса отига,
 Чунки бу асрда, азиз Отелло,
 Ҳурмат кўп буюкдир инсон зотига...
 Баъзан қўз ўнгимга тизилиб келар
 Севгига гадолар айқаш ва уйқаш.
 Гадо деб атама сен бизни дерлар,
 Дейдилар, дунёда Отелло яккаш.

Шунда сен келасан күзингни ёилаб:
— Қайда иниң, қайда рашик, қайдадир улар?!
Шу шүрлек заминни кетмангиз таңлаб,
Муқаддас түйгулар, олий түйгулар.
Бизнинг рухимизга ҳокимдир баъзан
Қапоат атальмиш ожиз бир сезги.
Отелло, Отелло, сенинг ишқингдан
Ҳайратга тулишининг ўзи бир севги...
Ӣӯқ, тақлид қилмасман сенга росмана,
Ҳар киминиг ҳаётда бор ўзга ўрни.
Ролингни ўйнаса, рашик қилиб мана,
Қабрга тиқибсан буюк актёрни.

Күзнинг рутубатли оқшоми эди.
Боглар секингина чекар эди оҳ.
Рұхимда бир хазон айёми эди,
Ажыб гүзалликка дүч келдим ногоҳ.
Мисли хаёл эди у малак сиймо,
Чирой оламининг тенгсиз сайқали.
Күзлар олдида турарди гүе
Навоий газалин тирик ҳайкали.
Бир зум күзларимдан йүқолди уйқу,
Бир зум баҳор каби ёришди олам.
Бир зум хаёлимдан чекинди қайгу,
Бир зум юрагимдан кетди гам-алам.
Бир зум гүзалликнинг ҳузурида жим
Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.
О, доно табиат, о буюк ҳаким,
Ҳикмат кўрмадим ҳеч мен сенга монанд.
Ўзинг юракларга чўктириб кадар,
Халос ҳам қилурсан раҳм этган дамда.
Шундай гүзалларни яратмасанг гар,
Қолиб кетармидик доимо гамда.

* * *


Сенга бу дунёнинг гули, пельмати,
Сенга, эй қайбир дам яралган санъат.
Сенга ошуфта бу дилнинг рағбати,
Сенга оҳиста бу арзи муҳаббат.

Йиллар ўтиб кетмиш, қаёқда эдинг,
Қайси гулшанларда яшардинг, армон.
Хазонли бу боққа нетун ҳам кирдинг,
Нечун ҳаста дилга солдинг галаёни.


Собит эсам-да, гар тополмасман эп,
Қаршимда осмонни паст қила қолдинг.
Сен ўтган дунёга қайдан йўл топиб,
Кечмиш бир инсонга қасд қила қолдинг.

СЕН ҚАЙДАН БИЛАСАН

Сен қайдан биласан,
Балки юлдузлар
Мента сирларини
Сүйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки бу күзтар
Үнсиз бир құшиқин
Күйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки кеңіг олам
Шу мұжаз қалбимга
Бүйлаётгандир.
Сен қайдан биласан,
Балки мени ҳам
Кимдир қайдадир жим
Үйлаётгандир...



ШҰНДАЙ ЯШАР ОДАПТА ОДАМ



Хүмөр бол, то фроний үлкөн кегади,
Тегіндең түрға хин тошылар үлади.

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

1

Қорайганды узоқ тогларнинг қори,
Боғларга чўкканда оқшомги туман,
Совуқ куз елидан жулжикиб, нари —
Очиқ айвон остин этганда маскан.
Дўсттинам, хаёлан қучаман сени,
Хазон даврасида кутаман сени.

2

Бунда бари гўзал: тим қора оқшом,
Юлдузлар боқади туид ва ёввойи.
Қамишзор, шовуллаб тургувчи сой ҳам
Совуқ ва ёқимли, шундоқ анвойи,
Уларга боқаман, тўнаман баъзан,
Ширин бир хаёлга чўмаман баъзан.

3

Нимани хоҳтайман? Истагим нима?
Чангалзор шовқинин тинглаб турман.
Япроқлар бандида кезган жимгина
Маъюс ва безовта кузни қўраман.
Унинг қўшигига, унинг оҳида
Сезаман одамзод қалбин тоҳида.

4

Унга бари бирдай ҳаёт ва ўлим;
Гўёки кекса чол сўнгини ўйлар.
Ва секин силкитиб қаҳрабо қўлин
Кўрганин-бильганин бирма-бир сўйлар.
Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен:
«Яшагин-у, бироқ япроқ бўлма сен».

Мангу яшилликнинг маскани қайда,
 Қайдадир хазонни билмаган баҳор?
 Нечун у ҳовлиқиб оққұвчи сойда
 Чавандоз умрнинг қайтмас сөхри бор?!
 Нечун уйғонади қайтадан баҳор;
 Нечун инсон умри бұлмагай тақрор?..

Мени саволларга құмар дафъатан;
 Хазоннинг тақдиди, сүнгги шовқини,
 Құзимға күринар умрим қайтадан,
 Гарчанд сурмақдаман баҳор шавқини,
 Гарчанд йигит ёшым яшнаб турса ҳам,
 Кексалик қисматин ўйлайман шу дам.

Шу дам түйгуларга тұлади құнглим,
 Титраб таращлайман қаламим учин.
 Тонг ҳам ёришади, эй, менинг умрим,
 Бунчалар тезлиқда чопасан нечун?
 Хазонлар шошади, шошаман мен ҳам,
 Дүстим, ҳузуримга шошиб кел сен ҳам!

О Д А М Л А Р

— Эй, йүловчи, бұла қол қүнөң,
Үйда борин күрармиз баҳам.
Тагин үзинг биласан, бироқ,
Қош қорайды, йироқдир йүл ҳам.
Йүткін қолар овулда, мезбон
Келтиради топған-тутғанни.
Отамлашар сүнгра иккөвітон
Едға олиб үтгап-кетғанни.
Хоргин йүткін мудрар ичиб чой,
Чүзилади мезбон ҳам аста.
Тонгда йүткін товуш қиласы: — Ҳой.
Мен кетдім. — Қол! — Раҳмат.
Шу бас-да!
Ажралишар, улар ҳаттоқи
Исемларин сұрашмаслар ҳам.
Улар қайта учрашар балки,
Балки қайта учрашмаслар ҳам...

ТЕМИР ОДАМ

Бир ҳайкал турибди,
У — Робот эмиш,
Темирдан ясалгаи, одам тимсоли.
Илмда энг сүнгги кашфиёт эмиш.
Ақдли зот эмиш, қусурдан холи.
Шахмат ҳам ўйнармиш,
Ер ҳам қазармиш,
Роемана ювармиш юзу қўлини,
Ҳадису ҳисобдан адашмас эмиш,
Ҳаттоқи санармиш Сомон йўлини.
Ёнида ҳалойик ҳайратда турар!
— Қарангиз, нақадар ақлли, мумтоз!
Хулласки, оламда кашфиёт дерлар.
Кашфиёт эмас бу, кечиринг, устоз,
Тилсимни билтмайман, аммо анчайин
Одатим тарк этиб, қўқрак кераман!..
Мен сизга темирнинг худди шундайин
Ажиб бир нусхасин топиб бераман.
У ҳам ишлай билар, унинг қошида
Сизнинг темирингиз ожиз бир буюм,
У ҳам санай билар, унинг бошида
Алжабр усули уюм ва уюм.
Балки у донодир бекиёс, якка,
Балки йўқ унинг-чун бирор муаммо,
Балки у ҳеч қандай темир-терсакка
Аъло вужудини әгмайди аммо,
Устоз, қалби йўқдир унинг ҳам, ҳайҳот,
На нафрат, на ишқни танламас у ҳам,
Унинг ҳам кўзида чақнамас ҳаёт,
Мунис боқиштарни англамас у ҳам,
У ҳам тўлганолмас, инграмас, кулмас,
Йиглаган гўдакни юпатолмас ул.
У ҳам юлдузларнинг ҳидини билмас,
Бағрини тирнамас сўлаётган гул.
Кимсанинг меҳридан, балки, о, балки
Сизнинг темирингиз бўлар миннатдор.
Азиз дўст меҳрини билмас бу ҳали,

Дүст күтиб, йўлларга чиқмас интизор.
Дунёю одамлар тақдирни зарра
Ташвишга солмагай, йўқ зўру зори.
Ташвишга солмагай на қўшиқ ва на
Менинг юрагимда нималар бори.
Балки темирлар ҳам йиглайди чиндан...
Бу-чи, йиглаёлмас, айланган тошга!
Кимдир у?
Кимдир у? Балки у менман?!
Балки у сиздирсиз?
Балки у бошқа...
Ҳаётнинг ноёнсиз уммони ичра
Бор шундай гариблар — темирлар ҳиссиз,
Ва лекин ўзларин темирмас сира
Мұхтарам инсон деб атарлар эсиз...
Шундайлар бўлмаса, азалдан тупроқ
Яшнарди тагин ҳам гўзал ва мумтоз.
Темир одам ясаб юргунча, қўпроқ,
«Йонли темир»ларни ўйлангиз, устоз.

«МУНОЖОТ»НИ ТИНГЛАБ

Қапи, айт, мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан багримни оҳанг,
Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, робоб, сенга шуича ғам!

Эшилиб, тўлғониб ингранади қуй,
Қайлардан келмоқда бу оҳу фарёд.
Ким у йиглаётган. Навоиймикин
Ва ё май қуйчиси Ҳайъуммикин, дод!

Бас, етар чолгучи, бас қил созингни,
Бас, етар, қўксимга урмагил ханжар,
Наҳотки дунёда шунча ғам бордир...
Агар иш «Муножот» рост бўлса агар.

Агар алдамаса шу совуқ симлар,
Гар шул эшилтганим бўлмаса рӯс.
Сен бешик эмассан, дорсан, табиат,
Сен она эмассан, жалюдсан дунё!

Эшилиб, тўлғониб ингранади қуй,
Асрлар ғамини сўйлар «Муножот».
Қуин ўнудай бўлеа, ғамнинг ўзига,
Қандай чидай олган экан одамзод!

Бола эдим,
 Менинг ҳам озроқ
 Бўлар эди ваҳима «дардим».
 Гулдураса ногоҳ момақалдироқ
 Онамнинг бағрига яширинардим.
 Бовлиқ эшар эдим бир кун пичанда,
 Ҳамла қилиб қолди чинқироқ илон.
 Серкесак шудгорга қочдим ўшанда,
 Онамнинг бағрига шошганимсизон.
 Ўша йиллар эди, қишлоқ кўчасида
 Қувлаганди мени бир ит қутуриб.
 Ўшанда осилиб чинор шохчасига
 Қутурган итдан ҳам қолдим қутуриб,
 Майли, дейман бугун бўрон турса ҳам,
 Майли, даҳшатларга тўлса ҳам дунё.
 Балки фазоларнинг қўйнида бир дам
 Бекина олурман улардан, аммо
 Гар гуноҳ орттиранг ўзингта оғир,
 Виждон азобида қоврилсанг бот-бот,
 Ҳайҳот! Кимга бориб дод дейсан, ахир,
 Қайга бекинасан ўзингдан, ҳайҳот!

АСРИМИЗ ОДАМИ

Менинг күз ўигимда жоопланар тарих,
Гамлардан тұқылған шу құхна олам.
Асрлар бирма-бір ұтар ва ахир,
Юксалар қаршымда әнг баҳтли одам.
Юксалару шу дам чонар, уринар,
Талшинар қайғадир билмаедан тиним.
Бахтиниң әнида ғами құринар,
Ғами құринади баҳтида унинг.
Билагида гарчанд етарлы кучи,
Бойлік әргашса-да гарчанд ортидан,
Уининг чеҳрасида ташвиш бор, нечун?
Нечуп у айрымши ҳаловатидан?
Гоҳ бемор бошида жарроҳ бўлиб у,
«Тақдир азал»га қурасатса кучин.
Гоҳо бир довюрак сайдә бўлиб у,
Совуқ Арктикага уради тўшин.
Дам отир хәёлга бўлур занжирбанд,
Дам қўшиқ тўқийди у әна-әна.
Интилар юлдузлар туманига дам,
Дам ойнинг әнида булар парвона.
У нима истайди? Шону шавкатми —
Юлдузлардан баланд, кундан шурзий?
У нима истайди? Тенгиз құдратми,
Оёти остида ўтсими дунё?!
У нима истайди? Балки, истаги,
Унинг теграсида айланисин олам?
О, дўстим, саволнинг йўқдир кераги,
У истайди, бунинг ҳаммасини ҳам!
Одамлар ұтдилар бир вақт, бир замон,
Ұтдилар әнг оддий баҳтдан ҳам йироқ.
Ягона орзуси эди парча нон,
Әнг буюк армони — озод яшамоқ!
Одамлар ұтдилар бир вақт, бир замон,
Ҳа, яшаб ұтдилар, энди-чи, мана:
Ўзи банди бўлган олам устидан
Ҳоким бўлмоқни у истар ягона!

Қасам дара гувиллайди масть,
 Гувиллайди туби йүқ макон.
 Құқдан упга құринар фақат
 Митти юлдұз ва нарча осмон.
 Атрофидаң қоқ қоя тошлар
 Жүрьят биләи термулади лол.
 Бир күрай, деб зина тарааштаб
 Қояларға тирмашар ҳијол.
 Бунда на қүш, на бир жонивор
 Ва на шамол құрсатар қора.
 Афсоналар сүйлайди такрор
 Менинг чанқоқ дилтимга дара:
 — Ана, овчи, оху қувади,
 Учадилар тошлар аро тик.
 Қочқин оху тоққа құнади,
 Сүнг дарага сакрайди, шүрлик!
 Қасам дара — даралтар шери
 Үлжак күтиб увларкан пастанда,
 — Ҳайт, — деди-ю (о, сен, ов меҳри!)
 Ташланади овчи ҳам пастанга.
 Ботирини сақтайды омон
 Тасодиғға тұла бу дуне...
 Овчи овин айлар саранжом,
 Овулиға өзгелапар, аммо,
 Аммо бирдан қотади қарахт...
 Асир этмиш уни бу макон.
 Атрофида тошлару фақат
 Тепасида юлдузлы осмон.
 Алғонларин ғайыб үфіқда
 Чиққунича зар кокил құғаш,
 Шүрлик овчи интилар құкка,
 Сүнг изложисиз тұқар юм-юм әши.
 Ботирини ахтариб шу зум
 Келар ёри, овулдошлари.
 — Айтинг, ота, не қылтмоқ лозим?! —
 Кекса өзінде қозланар бари.
 Болаларим, ов меҳри уни
 Түширибди дарага осон.

Хотин меҳри, ёр меҳри, қўринг,
Олиб чиқар жардан бегумон.
Шунда, ёвқур дадил бир йигит
Бажо айлаб чолнинг шиорин:
Дара узра кўтариб адил
Қутоқлайди овчининг ёрин.
Фарёд солар овчи хотини,
Йигит эса қучар яхшироқ.
Овчи, ҳайҳот, қутурар ёниб,
Қафасдаги шердан ваҳшийроқ.
Гүё тўқар даранинг зирхи,
Гүё тошлар кетар орадан:
— Ҳайт, — деди-ю, (о, сен, ёр меҳри!)
Овчи чиқиб кетар дарадан.
Қасам дара гувиллайди маст,
Гувиллайди туби йўқ макон.
Кўкка боқиб у қўру караҳт
Афсоналар сўйлайди ҳамон.
Қасам дара, кездим саҳнингда
Киприқдаги ёшдай омонат.
Қасам дара, сенинг бағрингта
Қасам итган тушармиш фақат.
Ҳайрат билан сенга боқурман,
Ҳали қасам ичмаганим рост.
На овчиман ва на ботирман,
Кезиб юрган ошиқман, холос.
Пайти келса, севгим, сен утун
Ёр олдида ичарман қасам.
Фазоларни айтаниб бутун,
Денгизларга қўярман қадам.
Амр этса гар ўшал дилбарим
Ташланаман дарага шу зум.
Бир итгимос фақат, дўстларим,
Қайтишида чиқаман ўзим.

Қани, най бер менга, дүстгинаам,
 Бергил майти, рубоб бұлса ҳам.
 Бер, бир нағас бўшатиб олай,
 Тўлиб кетган юрагимни ман.
 Қаламимнинг кути етмади,
 Ҳисларимни бутқул тўкмоққа,
 Дўстим, тингла япроқчаларнинг
 Шивирлаши эшитилмоқда...
 Гўзал, сокин оқиом чўкмоқда,
 Тебранади елда чироқлар.
 Даражтлар ҳам сокин солланар...
 Қандай маъсум, эрка бу чоқлар
 Қандай ширин дамлар... менинг ҳам
 Юрагимда бир ҳис тошмоқда,
 Юрагим ҳам даражтзор каби
 Ниманидир олқишиламоқда.
 Кўзларимга бу ёргуғ олам
 Кўринмоқда бирам суюмли.
 Қани, най бер менга, дүстгинаам,
 Тўкай тўлиб кетган қўнглимни.

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

Йүқ, керакмас, қўйинг, керакмас,
Менга ором истаманг, дўстлар.
Хилват соз деб қистаманг, дўстлар,
Қўйинг, бундай ором керакмас.
Ногаҳонда хаёлга ботсам,
Ё ухласам, уйғотинг дарров,
Номим тутиб, сўз қотинг дарров.
Беҳудага бир ёққа борсам,
Қулларимдан ушлаб ўшал дам,
Курашларнинг сафига қўшинг,
Қур, ярат дент,
 ҳайқир дент,
 жўш дент,
Шундай яшар одатда одам.

МИЛТИРАЙДИ МИТТИ ЮЛДУЗ

Күк гумбазин бир четида
Бүшлиқларга уриб бош.
Милтирайди митти юлдуз,
Танхоликдан түкиб ёш.
Атрофига на бир юлдуз,
На булут бор, на туман.
Юлдузларга термулиб у
Титраб турар шамсисон.
Эх, бечора яшаш нечун
Порламасанг, кулмасанг.
Үз түдангдан нега учдинг,
Қайтиш нима билмасанг?!
.

ДОРБОЗ

Булутларга ёндош,
осмон остида.
Киприқдаги ёшдай турибди дорбоз.
Қылчанинг дамидай ариғон устида,
Құзларипи юміб юрибди дорбоз.
Одамлар, одамлар, уни олқищланг.
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўқтам,
Биз-чи, эх... баъзи бир күзи очиқтар
Эплаб юролмаймиз катта йүлда ҳам.

Одамлар ухлагиди ўн йил, ўн беш йил,¹
 Сезмасдан, севмасдан, ҳиссиз ва мудроқ.
 Баъзида, очиқ гап, уртанса күнгил,
 Ухлагим келади менинг ҳам узоқ.
 Майлига, дўстларим унутсин секин,
 Умид ҳам узсинилар алвидо айта.
 Майлига, олис йил ухлайнин, лекин
 Энг қутлуг саҳарда кўз очсан қайта,
 Балки ер юзида қолмас эди гам,
 Бундан ҳам ёргугоқ бўларди дунё.
 Фақат табассумда яшнарди олам,
 Сержилд китобларда ёзгандай гүё.
 Ёмон туш қўрмасдик саҳарлар қалқиб,
 Бош эгиб қайтмасдик уйимизга кет.
 Дунёда ёвузлар қолмасди балки,
 Разиллар, пасткашлар бўлмас эди ҳеч.
 Балки тинчланарди нотинг асримиз —
 Кўксидан қон силққан ярадор оҳу.
 Унинг дардларини этяпсизми ҳис,
 Қандай аср ўзи, биродарлар бу?!
 Урушу фалокат, низою таъқиб
 Тинмайди, тинмайди, тинмайди сира.
 Қани, ким шодланар асрга боқиб?
 Қани, ким айтади уни бокира?!

Асрим, ўша олис ой қорасини
 Санаб бўлгунингча бир зум толмадинг.
 Бироқ одамзоднинг дил ярасини
 Санаб етолмадинг, йўқ, етолмадинг.
 Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,
 Юлдуз қилиб отдинг фазога ўзни.
 Қўзгата олмадинг ўрнидан бироқ
 Аскар елкасида турган юлдузни.
 Асрим изга солдинг, солдинг уммонлар кучин,
 Яратмак истадинг сўнмас бир чирой,
 Бироқ гулзорингни топтамоқ учун

¹ Летаргия ўйқуси қўшида тутилади.

Қайдадир разилга бериб қүйдинг жой.
Митти фарзанд бұлиб, бир дилбаңд бұлиб,
Асirim, сени баҳтда күрмоқ истайман
Ва лекин баъзида уйқуга чұміб
Сендан құзларимни юммоқ истайман.
Аммо борми имкон бундай уйқуга,
Курашга яралған жафокаш инсон.
Ҳар қандай кураш ҳам ҳаётдир унга.
Ҳар қандай уйқу ҳам — үлим ҳар қачон!

Ташқарыда ёмғир шивирлайди жим,
 Күрінмас на чироқ ва на бир зие.
 Гүе деразамни чертар аллаким,
 Босиб кела боштар қандайдир рүе.
 Ўзимни тұшакқа отаман шу он,
 Үраниб оламан ваҳима ичра.
 Қоронгу йұлақда шитирлар хазон,
 Кимдир деразамдан кетмайди сира.
 Чирокқиң әқаман бетоқат бориб,
 Гүе ваҳималар бұлади абас.
 Ёмғир ялтирайди нурда оқарыб,
 Тасалли үултади дилни бир нафас.
 Липислааб сұнади чироқ ҳам охир.
 Қайдадир шовуллааб әгилади тол,
 Кимдир ташқарыда энтикар оғир,
 Бирдан деразамни қоплайди хаёл.
 Кімсан, эй, туңлари мени пойлаган,
 Макрига бойлаган ёвуз дарбадар.
 Кімсан, эй, руҳимни маглуб айлаган.
 Магрүр юрагимга ташлаган назар.
 Ёлвора бошлайман кимгадир ёниб,
 Бир зұм иродамни этаман бекор.
 Бир зұм үзілгімдан қоламан тониб.
 Бир зұм ожизликка бұламан иқрор.
 Гуноқкор бандадай титраб-қалтираб
 Кимдандир сұрайман сұнғы ҳимоя.
 Шамол ҳам увиштар нимадир тиляб,
 Бирдан кела боштар у маштум соя.
 Тұлғаниб кетади ногоҳ юрагим,
 Нимани истайсан, сүйла, эй дайди!
 Секин гудурлайди шунда аллаким:
 — Наҳотки менга ҳеч раҳминг келмайди...
 Ёмғир ҳам савалар мени беомон,
 Шамол ҳам ҳолимдан құлгани-құлган.
 Бошпана бер менга, мен — ваҳимаман, —
 Ботирлар қалбидан құвғинди бұлған.

УЛГАЙИШ

Бебош эдим бир вақтлар мен ҳам,
Бұшамасди үйиндан құлым.
Күп насиҳат қиласында отам:
— Бир озгина оғириң бұл, үглим.
Катта бұлыб қолдинг ҳар қалай,
Тутиб олғын үзингни энди.
Йиллар үтди, санқидим талай,
Тутиб олдым үзимни энди.
Энди шұхлик қаёқда дейсиз,
Юришларим сипе ва үйчан.
Суронларга боқаман фарқсиз,
Бир маҳаллар чопардым шұхчан.
Минг үйлайман сұлар сұзимни,
Оқибатин құрар құзларим.
Авайлайман доим үзимни,
Еш әмасман, ахир, дүстларим,
Керак бұлыб қолар бир куни,
Хеч кимсапи ёмон демасман.
Құрқоқ деманг, дүстларим мени,
Энди ахир гұдак әмасман...
Энди диттада ҳокимдир тоқат,
Хұрматни ҳам үргандым, мана:
Мен онамни сен дердим бир вақт,
Энди бұлса сиз дейман, она...
Етакламас энди түйгулар,
Турмушимда қатый қоида.
Бир вақт мени бола дердилар,
Энди бұлса хурмат жойида,
Ишлар шундоқ юришса, қаранг,
Арбоб бұлыб қолгум эрта-кең,
Тутиб олдым үзимни аранг,
Энди құйиб юформасман ҳеч.

Яна баҳор келди. Яна оламда
 Ажиб бир гүзәллик, ажиб бир баёт.
 Мен сени құтлайман шу улуг дамда,
 Улуг елқадошим, музaffer ҳаёт!
 Ташибиқ ахтармандың ушбу газалдан,
 Нақд жойда насия не керак асли.
 Аен бир хислатинг бордир азалдан
 Сени атамишлар уйғониш фасли!
 Еллар ҳам уйғонды ишқалаб қафтин,
 Офтоб ҳам юксалди — тик келар қүёш.
 Төглар ҳам юқ ташлаб құтарди киғттин,
 Безавол майса ҳам силкитади бош.
 Тарновлар бұғзида лола ҳам күркем,
 Терек учларыда изгир мавжудот.
 Ҳаттоғи түйгүсиз, чирик ҳаюн ҳам
 Яшил пұпанақдан боғлады қанот.
 Ҳөвлиқма жилгалар чопар беэга.
 Құшлар қий-чүвига тұлмиш дала, бол.
 Сенинг висолингдан қувонмай нега,
 Баҳор, согинтиридинг ахир құп узоқ!
 Ялдо кечасидай рутубатлы қиши
 Солди рұхимизга оғир бир суур.

Сен келдинг, уйғонды яна шұх олқыш,
 Йиғлаган құзларга тушган каби нур.
 Ҳа, мангу заволлик бұлмас оламда.
 То сүйин сочаркан абри найсонлар.
 Мен сизни әслайман аммо шу дамда,
 Мангуға құз юмған азиз инсонлар.
 Азалий җүкмини үқиди ҳаёт, —
 Нече бор само ҳам күмди қүёшин.
 Иқболи саждагоқ бұлғанлар, ҳайхот.
 Үзлари тупроққа қўйдилар бошин.
 Ўн ойким, сұнмишdir у таниш наъра¹
 Ҳамон фирогида фиғон чекар Шош.
 Баҳор келаётir, бош күтар, қара,

¹ Е. Ғұлом құзда тутилған.

О, сурур қүйчиси, донгдор замондош.
Ҳамсұхбат бұлмадим (кім әдім зотан),
Тавоб ҳам құлмадим гулашан маконинг.
Лекин шеър баҳоси муҳлисгадир тан,
Қандай чексиз әди рұхай поғнинг!
Бутун-чи, не кезар үтли қопингда!
Эвоҳ, унда на шеър, на май, на сафо.
Бу қандай мулокот? Не ҳол? Еннингда
Жой олмиш үзға бир суюкли даҳо¹.
Бекиес әди у шеър лочини!
Хаёлы бамисти Күрагонийдек.
Гар тарих әврилса, шұхрат тожини
Үнга кийгизарди Султон Улугбек.
Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол
Энди тұлғизғанды тұккан довотин.
Кетди пок бир сиймо, теран бир хаёл,
Қолдириб дунёда ҳеч үчмас отин.
Бақо-ю бебақо аён буюклиқ
Үтди сүнгіті дамда бош әгіб қүйи.
Фақат билганидан қолмас тириқлик,
Мана, гулға чұммиш Чигатай бўйи.
Бу сокин элда ҳам ивиrsир баҳор,
Ўтган хотиралар чирогин ёқиб.
Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор,
Маъсум бинафшадан сиргалар тақиб.
Кимнингдир қўксига энгашғанча гул,
Мармар саганадан үқиб турар байт.
Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,
Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?!
Унинг оромгоҳи бундан олса жой,
Олисда ётиби менинг паноҳим.
Бутун кетганига тұлибди беш ой,
Беш ойким, қўксимда ёнади оҳим.
Фарәд чекканим йўқ эл игра тақир,
Ўч ҳам олғаним йўқ на қаламимдан
Онажон, онажон, кечиргил ахир,
Шодланмасин дедим бирор гамимдан.
Дунёдан кетмасин ҳеч ким бемаҳал,
Ҳеч кимни босмасин ногаҳон үкинч.
Аммо үз бошига келмагунча гал,
Онажон, тош қалблар туармиди тинч.
Қўйларман хотиранг балки вақт етиб,

¹ М. Шаіхсұда құжада тутынған.

Бир умр ўртандар лекин танда жон.
Суранлар йўлимда турибди кутиб,
Ўзинг қўйла энди мени, онажон.
Бутун атрофингда баҳордир балки,
Балки шабнам ичра гарқидир ҳазин тош.
Майсалар тегрангда қатордир балки,
Лекин сен ётасан кўтаролмай бош...
Бунчалар қаттолсан, о, сирли олам,
Бунчалар бедиссан, бепоён хилқат.
Сенинг ҳикматингнинг сўнги-ку одам,
Наҳотки шунга ҳам қўлмайсан шафқат.
Майса ҳам уйгонар қайта қиши ўтиб,
Заррача булса ҳам бир ҳиммат унга.
Наҳотки энг улуг фарзандинг кетиб,
Бошин кўтаролмай ётса мангута.
Онамни сўрайман сендан эрта-кеч,
Қайтар деб сўрайман чок этиб яқо.
Лекин менинг дардли саволимга ҳеч
Жавоб беролмассан, о соқов даҳ!
Жавоб ололмади ҳеч ким ҳам зотан:
На сulton, на гадо, на шоҳ, на фақир.
Ким қанча қувмасин сенинг ортингдан
Бир уюм тупроқни кўрсатдинг ахир.
Ҳаёт талвасаси тинмагай, аммо
Мангу боқий қолур Инсон ва Хаёл.
Мерос аталмагай барчага фано,
Қисмат аталмагай ҳар кимга завол.
Фақат ўтмиш билан яшамас инсон,
Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод...
Кечаги гамини ўйласа обдон
Букчайиб қоларди бутун одамзод.
Кетган азизларни хотирлаб гоҳо
Майлита чекайлик бир зумгина оҳ.
Ҳаёт тантанаси бошланмиш, аммо
Дўстлар, нур васлига ташлайлик нигоҳ.
Цу буюк офтобнинг мукофотини
Эъзозлаб қўйяйлик айтиб шукронга.
Дилдан ўчирмайтиқ гамнинг отини,
Баҳор ҳам баҳт каби ахир ягона.
Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё
Жизмайиб қўяди барчага масрур.
Темурланг гумбазин қўйинини гўё,
Ёритгани каби бир лаҳзалик нур.
Дилбар келинчакнинг қўксисда гулу.
Зардоли шохига ташлар қўз қирин.

Барг аро шуъалар, кафтлармикан у,
Баҳор тетапоя гӯдақдай ширин,
Юқсак аргувоннинг учида ҳилол
Пахмоқ булутларни этади нимта.
Қайдадир шоирига күйлайди беҳол:
— Кўнглим ҳам бу кечадай яримта...
Увада камзууда билтур тутмадай
Булутлар ортидан боқади юлдуз.
Қайдадир юртини эслаб инграп най,
Қайдадир қўзигул ёради илдиз.
Қайдадир гулшандан ахтариб висол
Ел кезар — тогларнинг гўзал арвоҳи.
Шоирнинг дилрабо байтлари мисол
Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.
Қизгайдоқ баргидек учар дилдан гам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.
Фақат сен қалбимга чўктирумай малол
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангур қолурсан.

С А Р О Б

Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,
Олти ойким, ўзгаларга тилайман омад.
Олти ойким, дўстларим ҳам пана-нанада
Истеъдодим сўнганидан қилтар қаромат.
Нимапидир ахтараман — шеърдан ҳам улуг,
Ниманидир ахтараман — нондан азизроқ.
Дунё ўзи беноён-ку, рангларга тўлуг,
Бироқ менинг кўзларимдан ранглар ҳам йироқ.
Инжиқ руҳим май истайди гоҳи-гоҳида,
Фақат унинг оғушида топаман ором.
Хаёлларим сархуш бўлиб қезган чогида
У беармон күнларимга қайтаман тамом.
Кўз олдимда киприқдайин тизилар йиллар,
Ҳар бирига маржон бўлар атчиқ унларим.
Хира туман орасида чўғдай миттиллар,
Жайрон қувиб жайрон янглиг ўтган кунларим.
Ўшанда ҳам бўлар эди осмону адир,
Ўшанды ҳам кезар эдик шундоқ яланг бош.
Билмас эдик китоб нима, шаҳар нимадир...
Энагамиз тунда ою, кундузи қуёш,
Қуюндайин чарх урадик доим тўзонда,
Чанг нелигин билмас эдик ўша маҳали.
Онамизни ўйлар эдик инсон деганда,
Аммо она танҳолигин билмасдик ҳали.
Балолардан асрар эди ўзи табиат,
Бошимизга сочар эди беминнат зиё.
Тўнкарилган осмон ости — шу сирли хилқат
Бизнинг учун ҳам кулба-ю ҳам буюк дунё.
Кунларимиз жигитлардай ўтдилар оқиб,
Мактаб бордик — оғир бўлиб қолдик дафъатан.
Девордаги арслон ёлли картага боқиб
Секингина шивирлашдик. Мана шу Ватан!
Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал,
Балки мен ҳам баҳш этурман унга жон-танни.
Лекин, дўстлар, ростин айтсан, мен ўша маҳал, —
Жондан ортиқ севар эдим она — Ватанин.
Дўстлик билан бир бутундир дердилар дунё,
Мен ҳам мангу дўстлик учун ичардим қасам.

Тайёр эдим Раҳимовдай бўлгали фидо,
Ўйлар эдим, дўстлар учун жангла ярасам.
Кўз олдимда шу қадарли пок эди олам,
Гуё нурдан яралганди инсон деган зот.
Ха, онамни ўйлар эдим инсон деган дам,
Йўқ, маймундан тарқамаган дердим одамзод.
Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фироқ
Даста-даста китоблардан ўқирдик таълим.
Равон йўллар қаршингизда турибди муштоқ,
Дерди бизга ҳарф ўргатган ёш бир муаллим.
Олис жануб тортганидай қушча юрагин,
Йироқларга етаклади мени бир сурон.
О, Абдулла, кўзларингни очиб қарагин,
Ким айтади бу дунёда йўқдир деб бўрон.
Йиллар она қучогидан олди-ку юлиб,
Савдоларга урди мени мургак ёшимдан.
Бир маҳаллар қуюндайин юрардим елиб,
Энди бўлса у айланар менинг бошимдан.
Шеър излайман бу кун Тошкент қўчаларида,
Секингина зирқирайди беором қалбим.
Мен умримнинг бу суронли кечаларида
На бир таскин топа олдим, на шеър тополдим.
Юрагимда бир маҳаллар кирган туйгулар
Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.
Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,
Қўймайдилар, ваъдаларинг чиқди деб сароб.
Кўз олдимда собит тураг фақат шу Ватан,
Кулбаси ҳам кенглик қадар чулгайди мени.
Туйгуларим фақатгина унга берар тан,
Юртим, мен ҳам умрим қадар севгайман сени.
Мен ҳам сенинг қўёшингда ўсиб-улгайдим,
Қарздорман, тупроғингда қолдиридим излар,
Аммо айтинг, қайда қолди у ёшлиқ пайтим,
Қайда қолди мен ишонган у ўзга ҳислар.
Таъна қилмай ахир севгим мукофотини
Инсон учун минг оташда куяр эдим мен.
О, қанчалар севар эдим инсон зотини,
Қандай буюк муҳаббат-ла севар эдим мен.
Бутун тўниб, атрофимга қарайман секин,
Ўт беролмас қалбга энди у ёшлиқ дамлар.
Мен инсонни бир инсондай севардим, лекин
Нечун қўпидир ҳалигача разил одамлар.
Қайлардадир ҳамон кезар зулмат тимсоли,
Қайлардадир ҳамон тинмай оқмөқда-ку қон.
Кўзларимга гоҳ кўринар телба мисоли

Мен бир вақтлар сажда қилиган ҳазрати инсон.
Қайлардадир фисқу фасод, ҳасад, ҳусумат,
Инсоният фарзандларни тортмоқда дорга.
Гар бор бўлсанг жавоб бер, эй илоҳий қудрат,
Наҳот гўдак ишонгчини ўзисан қорга?!
Олти ойким, руҳим шундай учмиш ташадан,
Олти ойким, менин хәёл эзар беомон,
Олти ойким, аллакимлар пана-панадан
Тои отади дарвозасиз қалбимга томон.
Шовқин тўла кўчаларда кезаман ташҳо,
Яна шеърим юға бошлар дилдан гамимни,
Хаётларнинг гирдобида қолганда аммо
Алам билан хотирлайман муаллимимни.
Хазон тўла боғчаларга бораман тагин,
Яна узни хәёл ила шеърга ташлайман.
Тўниб қолган юрагимга бериб бир таскин
Яна қувноқ қўшиқларни қўйлай бошлайман.
Не тонг, ахир фарзандмиз-ку шу замонга,
Ахир она сийнасидан фарзанд тонолмас.
Кўл қутариб бўлармиди ахир оиага,
Зотан, унга қўл қутарган — фарзанд саналмас.

АВЛОДЛАРГА МАКТУБ

Йўқ, яшай билмасман асримдан нари,
Даъво ҳам қитмасман мангулик изга.
Балки бир кимеанинг унут дафтари
Ногаҳон етказар шу шеърни сизга.
У замон менсиз ҳам билурғиз аён
Бизнинг асримизнинг буюк оғатин,
Балки туш кўргандай қолурсиз ҳайрон,
Эшитиб Тошкентнинг сабру тоқатин.
Китобдан санани излаб у нафас
Балки юрагингиз энтикиб урар.
Лекин қаршигизда фожия эмас,
Хушнуд одамларнинг сурати турар.
Тагида — саргайган сатрлар аро
Кимнингдир сўзлари жаранглар магур:
«Бундай жасоратни кўрмаган дунё,
Чунки у асримиз Тошкенти эрур».
Шу замон кўзингиз олдида бирдан
Помпея тарихи қолур бир чақа.
Дерсиз, ё Тошкентда ҳеч гап бўлмаган,
Ё эса боболар сирли, шунақа.
Бизнинг руҳимизни олис юлдуздай
Хаёл осмонида илгарсиз аранг.
Зилзила туюлар мавҳум бир сўздай,
Ўйларсиз, боболар қўрқмапти, қаранг.
Дўстлар, буюк эди чиқдан фожия,
Асаблар тупроққа чўқкан эди тиз.
Ва лекин ўйламанг сирлисиз дея,
Бизлар сирли эмас, одий эдик биз.
Бу чексиз, оламнинг ичу тошида
Нима бор? Илгарми одамзод кўзи?
Ким қўкрак керарди дунё қошида.
Уни яратмаган бўлса гар ўзи.
Одамзод хаёли етмаган фалак
Гар инсон бошида айлантиrsa тош,
Илож йўқ инсонига бардошдан бўлак,
Жасорат ататимас иложисиз бардош.
Дўстларим, ҳайратда қолманигиз фақат,
Сирлилик бизларнинг шеърларга мосдир,
Дунё қаршиенда ожиз жасорат
Инсон боласига ҳамиша хосдир.
Ботирни тан олмас сўқир фожия,
Чарчашиб ҳам мардликка келтирмагай шак.
Боболар меҳнатда ҳорғандир дея.

Азиз набиралар, ўйларсиз бешак.
Сержилд китобларни варақлаб яна
Рахмдил қалбингиз энтикиб урар.
Лекин қаршингизда тагин мардана
Паҳлавон кимсанинг сурати турар.
Тагида — саргайган сатрлар аро
Бизнинг услубимиз жаранглар мағрур:
«Бундай меҳнаткашни кўрмаган дунё,
Чунки у асrimиз фарзанди эрур».
Шу замон кўзингиз олдида бирдан
Китик чумоличта қолгуси Фарҳод.
Оддий жуссангизга қўз ташлаб зимдан,
Азиз набиралар, колурсиз фарҳд.
Ўйларсиз, Алномиш давридан буён
Паҳлавон ўтмаган булар сингари.
Ўйларсиз, мунча тез қарибди инсон.
Наҳот биз шуларнинг набиралари.
Йўқ, полвон эмасдик бизлар ҳам асло,
Жуссамиз оддий деб чекмасдик андуҳ.
Бир кун айтибдурки Навоий бобо:
«Доим ўзга бўлар суврат ила руҳ».
Дустларим, ҳайратда қолмангиз фақат,
Девқараш бизларнинг сувратга мосдир.
Дунё яралгандан буён шу меҳнат
Инсон боласига ҳамиша хосдир.
Сизга фалокатдан берганда хабар
Дустлик борасида ёзурлар албат.
Езурлар: «... биз бўлдик тенгсиз биродар,
Бу хислат бизларга хос эрур фақат»,
Шу замон кўзингиз олдида беҳол
Рум, Ромул номусдан солиб қолур дод.
Ўйларсиз, бундайин дўстликни алҳол
Кўрмаган экан-да қадим одамзод.
Дўстлик-ку инсоннинг азалий касби,
Дунёдай қадимдир оддий бир салом.
Агар дўстликни ҳам билмаса асли
Кимга керак ахир, инсон деган ном!
Дустларим, ҳайратда қолмангиз фақат,
Паҳлавон асрга шу гаплар мосдир.
Инсон боласига меҳр ила шафқат
Ҳаммага хос эди, бизга ҳам хосдир.
Дустлар, буюқ эди чиндан фожия,
Чиндан оғир эди машъум асорат.
Лекин ўйламангиз бадбинсиз дея,
Бизда ҳам бор эди меҳнат. жасорат.

Биз ҳам измимизни бергандик бутун
Дүстликнинг муқаддас қоидасига.
Чин дилдан раҳматлар айтурмиз бугун
Шу буюк Саховат оиласига.

Аммо қолмай дейман шеър гуноҳига,
То виждан қошида чўкмагайман тиз.
Дўстлар, жасоратни гоҳи-гоҳида
Бир оз қўпиртириб ёзар эдик биз.
Баъзан ўзимизга меҳримиз жўшиб,
Бир четда қоларди замину замон.
Ўзи ҳам билмаган хислатин ўқиб
Уялиб юрарди шўрлик қаҳрамон.
Етар, майдा-чўйда гина энди бас,
Кўкда юрибди-ку қуёш музaffer.
Авлодлар, сиз месни тингланг бир нафас.
Сизга бир сеҳрдан берурман хабар.
Юз йилда қайтиби бундай фалокат,
Юз йил-ку тарихда — қошининг ораси.
Азиз набиралар, унутманг фақат,
Ҳар бир фожианинг бордир чораси.
Тупроқ қўзгалмасдан ўрнидан баттар,
Солмасидан аввал даҳшат, қатагон, —
Ер ости тинг турсин десангиз агар,
Сизлар ер устида сўйламанг ёлғон!

ШОИРЛАР ҲАЁТИ

Ҳазил

Шоирлар сурати турибди қатор,
Мана бу — Лермонтов, мана бу — Фурқат,
Дунёга сигмаган буюклар иочор
Бугун рамкалардан боқишар фақат.
Нима ҳам қиласарды жонсиз бир бүек,
Парчалаб ташларди тирик бўлганда.
Шоирлар ҳаёти ҳамиша шундок,
Рамкага тушади фақат... ўлғанда.

СОЗИМ

Мен шоирман,
Истасангиз шу,
Үзимники эрур шу созим,
Биревлардан олмадим түйгу,
Үзгага ҳам бермам овозим.
Мен күйлайман гоҳ дилда кадар,
Гоҳ севиниб шеър түқийман мен.
Тингламаса үзгалар агар
Үз-үзимга шеър уқийман мен.
Мен күйлайман, ушбу оламда
Инсон бўлиб тугилганимни.
Мен күйлайман, баъзан аламда
Йиглаб-йиглаб бўтилганимни.
Мен күйлайман, бу олам аро
Собит турган халқимни фақат,
Унутмасман ўтмишни асло,
Талпинсам-да илгари фақат.
Алломалар оташ сафоси
Кириб келур менинг шеъримга.
Бу қун лазиз эркнинг садоси
Дастур бўлмиш она еримга.
Керак бўлса, амр этса юрак,
Келтуурман умримга имон.
Менинг учун на таъзим керак,
На ҳолвайтар каби шухрат-шон.
Шайдо бўлиб юрганда бирдан
Хаёлимга ташламанг каманд.
Мижков ва паст, гийбат гаплардан
Жаражи шеърим қўюрман баланд.
Хаёл каби кенг эрур олам,
Майда гапии кўтартмагай шеър.
Керак бўлса менинг учун ҳам
Жавоб берар бобом Алишер.

* * *

Үзимни мозийнинг бағрига урдим,
Ва шу он шукронда айтгіб қайтдим мен.
Кимдир күрмай кеттән бахтни мен күрдим,
Кимдир айтмай кеттән сұзни айтдим мен.
Мени кутастир ажыб келажак,
У менинг иқболим, менинг бахтимдир.
Мен күрмаган бахтни кимдир күражак.
Мен айтмаган сұзни айтажак кимдир.

* * *

Баҳор күнларида кузнинг ҳавоси,
Танимни жунижитар оқшомги шамол.
Нега бунча ғамғин найнинг навоси,
Нега қалбим тұла үкінчі ва малол?
Барглар орасига тинмасдан сира
Ошно юлдузлардан тұқилади нур.
Билмайман, қийнайди қайси хотира,
Титроқ юлдұз қаби мұзлаган шур.
Маглуб баҳодирнинг найзаси мисол
Матыюс әгилади терек учлари,
Барглар соясида үйнайди беҳол
Үйқудаги қизнинг бедор тушлари.
Атрофимда өттар ғарип бир виқор.
Билмам, нега учди қалбим сафоси.
Нима ҳам қылардым, на иложим бор.
Баҳор күнларида кузнинг ҳавоси.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҚАБРИ ҚОШИДА

Мадорсиз қўлимга қалам олганда,
Ё узоқ йўлларда ҳориб толганда,
Бир номард қошида ожиз қолганда,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Юлдуалар мисоли кулганда руҳим,
Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим,
Баъзан шеър устида сўлганда руҳим,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Куйладим, фазога нақлим етмади,
Ўйладим, дунёга ақтим етмади.
Қай ишга қўл урдим, шаҳдим етмади,
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.

Мен утун хилхона бўлганда олам,
Гумбазлар остидан чиқди бир алам:
— Ҳаётсан, бунчалар фарёд айлама,
Мен ўзим мададга зорман-ку, болам.

* * *

Оталар боладан раңжиса озроқ,
Гоҳида шундайин сұзни дейдилар:
— Болам, кексаларни қадрла күпроқ,
Боглаб құйғын әмас бизни, дейдилар.
Кекса дилингизга тушмасин титроқ,
Оталар, чайқалиб туриби олам.
Сиз ҳам болаларни қадрланг күпроқ,
Боглаб құйған әмас, болаларни ҳам.

* * *

Үмр ўтиб борар мисоли әртак,
Әрганинг кетидан келиб қолар шом.
Фақат гафлат ичра өтмагин, юрак
Қайтиб келмас сира бу ёштык айём.

Пайт келар, ваъданинг қиммати қолмас,
Мұхлат бермас у дам тұлған паймона.
Үттан бир опингни қайтара олмас
На құз өш, на ағесүс ва на баҳона...

Парво қылма, дүстим, әзилма сира,
 Гамгин құшиқтарни қуйласа шоир.
 Мисралари гарчанд маңыс ва хира
 Лекин барчаси ҳам қалбига доир.
 Буюк замонанинг оташин зарби
 Унинг қаламига ёт әмас асло.
 Агар керак бўлса Шарқни ва Фарбни
 Елгиз бир шеърига эта олур жо.
 Лекин у юрагин қасдан ўқмагай,
 Қалбига оламдан оқар оҳанглар.
 Айтинг, ҳилол бунча маңыс боқмагай,
 Айтинг, бунча сулув бўлмагай тонглар.
 Айтинг, Боботогнинг силсиласида
 Сакраб кезмасинлар мунис оҳулар,
 Улар акс этади шеър мисрасида.
 Ажид ўйчап қилиб қўяди улар.
 Парво қылма, дүстим, әзилма сира,
 Гамгин құшиқтарни қуйласа шоир.
 Мисралари гарчанд маңыс ва хира,
 Барчаси ҳам шайдо қалбига доир.

Жаҳонки муқаддас нени қўрибди
Барига оиласан, эй қодир ҳаёт.
Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўтгингни ардоқлаб дилдан,
Халқим, таъзим этсанг арзигай тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

Бойқаро иргишлаб истак отида
Жаҳонга боққанда мисли бола шер —
Ҳирот дарвозасин бир қанотида
Шеърий аскарларни тизган Алишер.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун
Юрт бузиш шарт эмас, деган гал-ку, рост.
Кимидир пеш қилганда найзанинг кучин,
Алишер қаламни қўрсатган, холос:

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум,
Мисоли заҳру май, ҳажру шакар лаб.
Кимнидир қўёшдай эсласа мардум,
Кимнидир зулматдай юаралар қаргаб.

Нидо тингла, бу кун, юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда маскан топган эр!
Огоҳ бўл, Алишер, сен ушбу гапдан:
Ҳар икки набиранг — бири Алишер!

Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб
Тақрорлаб кетгуси Маҳшаргача то.
Қаратиб турибсан бу ён, не ажаб,
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.

Бирорлар наздида жохил Осиё
Фақат завол күриб, күрмаган камол.
Мусо илтижоси етди-ю гүё,
Хақ Тур тоги узра күргазди жамол —

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй, қуёш!
Беш юз йил унга ҳам нима гап ахир,
Мингта қадам қўйди йигирма беш ёш.

Х А Т О Л А Р

Ватерлоода хато қилди Наполеон —
Жаҳонгирнинг қайтди шу кун омади.
Мана, ўтса ҳамки неча бир замон,
У ҳақда гапирмаган одам қолмади.

Темур пайғамбарлар қасоси учун
Етмиш минг инсоннинг олди бошипи.
Уни қарғадилар хатоси учун,
Ҳамон отмоқдалар таъна тошини.

...Хато қилган бўлсам кечиргин, болам,
Юз йил давомида чўзаверма, бас.
Кўриб турибсан-ку мен — оддий одам,
Наполеон эмасман, Темур ҳам эмас!

Х О Т И Р О Т

Үйдан кетганимга ўн йил бўлибди,
Ўн йил қишлоғимдан юрибман узоқ.
Мен юрган йўлтарда ўтлар унибди,
Кўмилиб бўлибди мен кезган сўқмоқ.

Ёшлик чогим эди, шуҳлигим тутиб
Исмим ўйган эдим битта теракка.
У ҳам жароҳатдай кетибди битиб,
У ҳам юксалибди менсиз юксакка.

Бузилиб бўлибди аллақайси дам
Ховли ортидаги омонат қўприк.
Бу ерда мен билган одамларнинг ҳам
Баъзиси энди йўқ, баъзиси тирик.

Ҳайратга тушмасин бу ҳолдан сира,
Дунё бу — қувғинди оҳудай елар.
Дунё бу — энг оддий ҳукмига кўра —
Кимдир тугилади ва кимдир ўлар.

Лекин қалбни босди ногоҳ бир сукут,
Ногоҳ бир ҳаяжон ээди дилимни.
Умрим йўлларин босмаганми ўт?
Хазон кўммаганми ҳаёт йўлимни?

Қўксидан номимни бешафқат, баттар,
Ўчиргани каби оқ бадан терак,
Багрига исимимни ёзган бўлса гар,
Ўчирадимикан бирорта юрак?

Ёштигим беҳуда ўтмадимикин?
Гўзал туйгуларим бормикин тирик?
Ногаҳон бузилиб кетмадимикин
Биронта юракка мен солган қўприк?

Йиллар умримизга қиласми шафқат?
Бирор иш бормикан айлагали ёд?
Қайта тиклаш мумкин барчасин, фақат
Қайта тикланмагай ўчса хотирот!..

С А Р А Т О Н

Саратон өгүн бу — зарра шамол йүк,
Тутлар кавагида мудрар гурраклар.
Ногаҳон фалакка урган каби дүк,
Сүзсиз қотиб турар бүйчан тераклар.

Осмон лов-лов ёнар офтоб қўридан,
Уғида саробдан оташин балдоқ.
Чинқираб юборар қуннинг зўридан
Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ.

Бирдан тиниб қолар шу бетинг дунё,
Ҳатто шаршаракнинг учгандай саси.
Борлиқ сув тагига тўккандай гўё
Қанчалик термулма — чиқмас нафаси.

Гўдак ўҳича ҳам шамол топилмас,
Бутанинг тагида бўзтургай ҳайрон,
Деҳқон тол тагига чўзилди бирпас,
Тинди шохчадаги қушча ҳам бийрон.

Менинг деҳқон бобом, андак ором ол,
Күёш буровига олган палла бу.
Саратон ўзи ҳам мудрайди беҳол,
Оҳангиз ялла бу, сўзсиз алла бу!

Ҳали тонг гунчаси очмасидан лаб.
Наҳор фарогатин ўйламай тақир,
Кимсасиз далага қўзни уқалаб,
Чиқиб келганингни кўрдим-ку ахир.

Кўрдим-ку манглайинг тер билан қотиб.
Бераҳим оташга берганингни тоб.
Кўрдим-ку тепангда ўзин йўқотиб,
Ҳайратдан лол қотиб қолганин офтоб.

Азму шижаатинг мен ахир кўрдим,
Кўрдим қўзларингда чарчоқ бир нулгу.
Майли, ором олгин, эй, бобо юртим,
Саратон жунбушга келган пайт-ку бу.

Бутун олам гўё улкан дошқозон,
Қайдадир — кўринмас унинг нарёги.
Бу қайноқ қозонни қузатмоқ осон,
Ичига тушмоқлик осонмас чоги.

Чўнтақдан тўкилган тангаларап мисол
Шуълалар ўйнайди супа учидা.
Бирордан хижолат бўлган каби тол
Ер чизиб туради — дами ичида.

Офтоб қайта бошлар, кўланка майдон,
Яна бош кўтарар номозшомгуллар.
Секин мовийлашар қизарган осмон,
Оқариб кўринар кумуш ранг йўллар.

Яна елканини кўтарар шамол,
Яна чугурчиқлар уйгонар боғда.
Бобо ёнидаги боладай хушҳол,
Тўргайлар чарх урар сўнгсиз самода.

Яна ела бошлар оқшом нафаси,
Шеър они, ишқ они, меҳнат они бу.
Бу қуёш ўлласин оташин саси,
Ўзбек диёрининг саратони бу.

БИЗНИКИЛАР

Чапай аскарлари келдилар босиб,
Босиб кеди оқлар устига.
Томошабин йигит юраги тошиб,
— Бизникилар, — деди дүстига.

Раҳимов фашистларнинг кўзича
«Миссершмит»ларнинг кўзини ўйди.
Кимдир маминуният билан ўзича,
— Бизникилар, — деб қўйди.

Йироқ ўлкаларда кезарди сайёх,
Кезарди юргига қўзини тикиб.
Юргимиз номини эшитиб ногоҳ,
— Бизникилар, — деди энтикиб.

Ҳеч ким мангуда эмас ушбу оламда,
Агар бир кун таним кўмсалар,
Кошкийди, аҳли юрт туриб тепамда,
— У бизники эди, десалар...

ЧЕКСИЗЛИК

Дейдилар, фазонинг чегараси йўқ,
Миллиард юлдузларнинг сўнгти ҳам фазо.
У шу қадар чексиз, шу қадар буюк.
Хаёнига сигдирис бўтмайди ҳатто.

Баъзан фазоларга боқаман узоқ,
Рухимга иш туйгу сигмас гупуриб.
Чексизлик юракни қисгаида, шу чоқ,
Торгина уйимга кетаман кириб.

Ү Р М О Н

Ялангоч, саргайган кимсасиз ўрмон,
Бошиңда чарх урап күзги довуллар.
Сенинг япроқларинг эса беармон,
Баҳор құшыгини айтиб шовуллар.

Арчазор ортидан сайрап бўтиқ қуш,
Уфқлар сўнгига қора бир рӯё.
Узоқ-узоқларда гамгин ва беҳуш
Чўзилиб ётибди улкан бир дарё.

Ўрмон қўйинидадир сехр ила жоду,
Бундадир хаётнинг сокин онлари.
Нақадар сулувсан, нақадар инжу,
Эй, сен шимол юртин чўнг ўрмонлари.

Сенинг қучогингда оқшомлар майин —
Тўйдим туйгуларнинг соз нашъасини,
Заяғарон зулфингта тақиб кетайин
Олис чўлларимнинг бинафшасини.

МҮМИН МИРЗО

Ҳазрат Навойнинг назари тушган,
Юрагида балки шеър қони жўшган,
Ғунчадек қалбида оҳи увшган,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Қўлингга солмишлар тилладан занжир,
Шаҳзода йигитга ҳурмат бу, ахир!
Бу нечук қабоҳат, бу нечук таҳқир,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Гурингда ўт ёпгур амирлар худбии.
Билғанлар на номус, на виждан, на дин,
Майпараст бобонг ҳам букибди қаддин.
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Сенга салтанатнинг қандай даҳли бор,
Сен-ку маъсум гўдак, покиза дилдор,
Олим бўлармидинг, балки сангъаткор,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Укам, ёвузларнинг топғанлари шу,
Ўз ўғлини ит бўлиб қопғанлари шу,
Ўз қалбин кафандаб ёнғашлари шу,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Топғанлари зоҳар, тўқканлари қоп,
Қандай замон экаи, дўстлар, у замон.
Болам деб, оҳ чекар Бадиuzzамон,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Сен-ку йўқсан, аммо қотиллар яшар,
Ҳамон гўдакларга қилич қайрашар.
Қачон пок бўларкан булардан башар,
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

Беш юз йил берида эсладим бирпас,
Лекин бу беҳуда мотаминг эмас,
Қалбимни ургади аллақандай сас...
Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирилар.

НОМАЪЛУМ ОДАМ

У на шоир эди ва на машхур зот,
Лекин дунё билан бир эди дарди.
У ҳам бошқалардек кечириб ҳаёт,
Шошиб ишга бориб, секин қайтарди.
Англарди дүнёни у ҳам кўп теран,
Маъюс боқар эди ботгувчи кунга,
Баъзида юраги ёнгани билан
Парво қилмас эди ҳеч қачон бунга.
У қабр устида сўзламади нутқ,
Табриқ ҳам айтмади тўйларда хацдон,
Ўлим бу — нишонга бориб теккан ўқ,
Тугилиш — шиддат-ла тортилган камон.
Шон-шуҳрат талашган турфа хил гарib,
Шўрлик кимсаларга кулиб боқарди.
Юрмасди ҳар қайда илинж ахтариб,
Қалбиди бир дарё гувлаб оқарди.
Бироннинг у билан бўлмади иши,
У ҳам дут келганга очмади юрак.
Насаб, икир-чикир, мол-мулк ташвиши
Уни этолмади зарра жонсарак.
Лоқайдни дўппоста, деса эҳтимол
Унга ёпишарди нокасининг бари.
Унинг кўзларида ёнарди беҳол
Йироқ юлдузларнинг сирли нурлари.
Оламнинг бу майдада галваси нетун?
Бари утадиган, бари нокерак.
Тариқдай заминнинг устида беун
Яшаб ўтди шундоқ буюк бир юрак.
Қайдан келганди у? Билмади кимса,
Қабрга ҳам жимжит кириб кетди у.
Менимча, дунёнинг устидан роса
Мириқиб қаҳқаҳа уриб кетди у.

НЕКРАСОВ ҲАСРАТИ

Шоирни ўқиб

Пушкин шеъри ҳали янграрди магур,
Лермонтов чарақлар назм осмонида.
Шоир бўлиш қийин,
Шоир бўлиш оғир.
Бундай буюкларнинг Каҳкашонида.

Шоир хаёлларга берилади, бас,
Ерёмушка йигелар саҳар чогида.
Фақат шоир бўлиш...
Бу ҳали етмас —
То киshan бор экан юрт оёғида.

Нечун кулфатларга тўла бу ҳаёт,
Нечун мужик ҳолин бўлмайди куйлаб.
Сўнгсиз ҳасратларга кўмилган бу зот,
Кезади кимсасиз Петербург бўйлаб.

Некрасов ҳасрати, о, рус ҳасрати,
Поёнинг бормикан, ҳаддинг бормикан?
Сенсан — бу аёвсиз Сибирь даҳшати
Ва мужик қалбига санчилган тикан.

Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат,
Шоирни чулгайди ўйлар дафъатан.
Яшаб қолармикан шеърим оқибат?
Озод бўлармикан нотавон Ватан?

Пушкин шеъри ҳали янграрди магур,
Лермонтов чарақлар назм осмонида.
Шоир бўлиш қийин,
Шоир бўлиш оғир
Бундай буюкларнинг Каҳкашонида.

Ч О Р Л А Ш

Дүстүри гариб, кел құлингни түт,
Юрагингда өкай алана.
Кел, бир зумга дүнәни унут,
Күтәрайин сени балаидга.
Пастда қолсиян нобакор хилқат,
Пастда қолсиян танбал булулар.
Юрагингда чақнасан фақат
Ерүг хәєл, самовий ўтлар.
Юксакларда чарх уриб айлан,
Рухинг мангу турсин үришиб,
Үлганды ҳам вужудинг билан
Кетмагайсан ерга қоришиб.

ЕЛГИЗЛИК

Күкда ой кезади бесару сомон,
Йироқ замин узра ташлаб ҳоргин из.
Мана, ўтса ҳамки неча минг замон,
Күкда ой танходир, күкда ой әлгиз.
Одамлар моҳтобга яйраб қарашар,
Елгизлик негадир ойга ярашар.

Күкда қуёш кезар — у мунис она,
Миллиард юлдузларнинг шамси таъти.
Юлдузлар бўлса ҳам гарчи парвона
Елгизлик бўлибди лекин қисмати.
Ҳар нечук офтобнинг йўриги бошқа,
Елгизлик ярашар она қуёшга.

Боболар гоҳида ўқинчда қолиб,
Шоҳларнинг номига нома биттганлар.
Инсонлик шарафин хотирга олиб,
Тангрининг ёдини зикр этганлар.
Деганлар боқишиб сирли самога:
— Елгизлик ярашар фақат худога.

Мен на ой, на қуёш, на ер, на само,
Шуълага интизор гиёҳдай ўсдим.
Елгизлик ҳасратин тортмайлик асло,
Бор бўлсанг, ёдга ол мени ҳам, дўстим.
Елгизлик ҳасратин кўрсатма, тақдир,
Елгизлик инсонга ўлим-ку, ахир...

Құшиқ үчар эди құқда беармон,
 Үчарди янгратиб осмон, уфқни.
 Бадқирдор одамлар бир күн беомон
 Ярадор қылдилар құшиқни.
 Мажрух тұрана мисол құлаб түшди у,
 Шодлик құлаб түшди арши аъюдан.
 Мана, минғ үйліларким құшиқ серқайғу,
 Ҳамон ҳасрат чекар ұша балодан
 Шикаста юрак бу чекмасин озор,
 Жаҳон шоирлари туарар қошида.
 Чоллар дуо қылса, оналар бедор
 Алла айтіб чиқар, унинг бошида
 Ҳамманинг армони — согайсін құшиқ
 Заррин қанотидан чеврилсін осмон,
 Шодлик билан тұлсін тұртала уфқ.
 Құлғи билан балқсін бу қадим жаҳон.
 Бедор термуламан құшиққа мен ҳам,
 Майли, ҳасратида раигім сарғайсін.
 Балқи қүролмасмиз биз уни хуррам,
 Болалар баҳтига құшиқ согайсін...

С О Ф И Н Ч

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлгизоёқ йүл,
Барча ташвишларни унугиб, шодон
Қайтгим келаётгир қошингга буткул.
Қисмат майин ичдим — атчиқ ва тахир,
Түйдим эхтироснинг самовий кучин.
Дунёда одамзод яшамас, ахир,
Фақат иродасин синамоқ утун.
Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлгизоёқ йүл,
Барча ташвишларни унугиб, шодон,
Қайта олсам эди қошингга буткул.

ҚАСОСКОР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Саҳро оташида қоврилар гуллар,
Чарх урар бошида маҳзун бүлбүллар,
Гулшанга қаҳрингиз сочманг, эй чүллар,
Сизнинг үзингизни ёндирап қасос.
Кон йиглар яралы оху боласи,
Фалакка чирмашар гамгин воласи,
Ҳаққа етганида унинг ноласи,
Сайёдни қонига қондирап қасос.
Шамширга қўлинг чўз, титрама эй, жон,
Рақиблар устига от сол беомон.
Номусу ор учун жангта кир углон,
Тоғларни ўзидан тоңдирап қасос.
Қулида гамгин соз — кўйлайди баҳши,
Ҳасратга тўлмасин бу эллар дашти,
Адолат йўлида кимки адашди,
Сойларни қон билан тўлдирап қасос.
Қисмати хору зор ўтди боболар,
Ажал шамширини тутди боболар,
Бир-бирин қонини тўқди боболар,
Муҳаббат гулларин сўлдирап қасос.
Бу мунгли қиссага шулдир интиҳо,
Қасос деб оламни босмасин бало,
Бўлса гар дунёда адолат, вафо,
Хайру саховатга йўл берар қасос.

ГЕНЕТИКА

Мен ҳам яшайпман ўз замонимда,
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ.
Ва лекин билмадим, менинг қонимда
Қайси бир бобомнинг хислати кўпроқ.

Барчага баробар мерое бу башар,
Отадан қоши-кўзни олган ўғилдек,
Билмадим қонимда қай аждод яшар,
Балки Бобо Кайфий, балки Утубек.

Тунлар қулогумга чалишар элас,
Тулпорлар кишинапи, отлар гурроси.
Балки Мұқания бу — тишиб-тигнимас,
Балки Панинатда Бобур урхоси.

Балки танглайимни кўтариб кетган,
Дарбадар бир ошиқ ва ё сарбадор.
Балки бирор бобом шаҳанишоҳ ўтган,
Балки вужудимда дарниш қони бор.

Мен яхши англайман, мозий не демак,
Тарихда ҳар кимнинг бор ўз замони.
Лекин танамиизда кезар-ку бешак
Олис боболарнинг минг йиллик қони.

Нечоғли сабот бор ёвқур Широқда,
Эрйигитов тўпга кўксин босар жим.
Раҳимов ганимуга ташланган тоқда
Атномиши шиддатин пайқамагаи ким?!

Оҳу боласи бу — оҳудай боққан,
Шерватчада эса шернинг шиддати.
Авлодлар қонида минг йиллаб оқкан
Буюк боболарнинг турфа хислати.

Неки эзгулик бор жаҳонда нойдор
Жойлаб ола билдик барчасин қонга.
Асрлар сўнгидаги толе келиб ёр.
Фарзанд бўла билдик буюк замонга.

Сингди руҳимизга, мангу барҳаёт,
Алишер шеърию Пушкин баёти.
Сингди руҳимизга голиб ҳиссиёт —
Жасур боболарнинг тенгсиз саботи.

Сингди қонимизга шу оташ дунё,
Сингди қонимизга муҳаббат, газаб.
Йироқ авлодларга бизлардан аммо
Қай бир хислатимиз қоларкин, ажаб?

Нима қолар экан? Қай эзгу тилак,
Қай ҳис — юракларда тополган камол?
Йироқ авлодларга бизлардан бешак
Қолар курашларда тобланган хаёл.

Шу ёвқур асрда яшадик рўй-рост,
Ранжу балолардан ҳайиқмай тақир.
Йироқ авлодларга бизлардан мерос,
Буюк бардошимиз қолгуси ахир.

Яшадик шу рангин дунёда масъул,
То эллар кўз ёши бўлмасип чашма.
Ўзни багишладик курашга бутқул,
Демакки, яшадик оромга ташна.

Ташна яшадик биз меҳрга мутлоқ,
Ишққа, муҳаббатга ташна ўтдик биз,
Гоҳ эса қуёшдек порлоқ ва йироқ
Ҳаққа, ҳақиқатга ташна ўтдик биз.

Ташна яшадик биз нурга, зиёга,
Қаён кетмоқдасан, эй узқур замон?!
Оқибат бел боғлаб келди дунёга
Бизнинг асримизда валломат инсон.

Тўфон, қасиргалар кечар-ку ҳали,
Кечади авлодлар қатор, гайма-гал.
Балки аро топиб башар сайқали,
Тугилар энг олий инсон, мукаммал.

У ўзин танигай шунда даъфатан,
Түфон, қасиргалар босириқ бир туш!
Шу буюк сайёра — ягона Ватан.
Инсон ўз баҳтидан ўзи ҳам сархуш.

Мунис нигохини қадаб қуёшга
Турар у нурдай пок, ишқдай безавол.
Кечмиш камолотин күтариб бошга,
Йироқ асрларга күз тикиб хушқол.

Турар у гұдакдай бегубор кулиб,
Балки қулғиси ҳам биздан мерос бу.
Риштаи жонида бир зарра бўлиб
Бизнинг ҳам қонимиз гупургай, рост бу...

Боболар дунёдан ўтдилар шундоқ,
Биз ҳам етукликка бўлмадик тимсол.
Лекин сен бўларсан бокира мутлоқ,
Лекин сен яшарсан фаришта мисол.

Қаҳқашон сайрида ҳур қуёш билан
Кезарсан то абад шодумон, хуррам.
Лабда табассуму қўзда ёш билан
Сенга талпинаман, буюк набирам...

Д Е Н Г И З Г А

Йўлим бошлади то, кездим дала-тоғ,
Кездим не юргларни — чиройи тенгсиз.
Насиб этган экан сен билан бу чоғ,
Илк бора рўбарў келдим, эй денгиз.
Саҳройи ўзбекман, толеим қулиб,
Муқиммап, ўз юртим билан ҳаётман.
Ва лекин, дунёда шамолдай елиб,
Денгиздай кенг қалбни ахтарган зотман.
Қалбим очай дейман сенга ушбу тоқ,
Лекин тинглармидинг, баҳри беомон.
Менман бу — қошингда зарра бир ушоқ,
Сен — кўкка шаъаша ташлаган уммон
Нени англар эдинг, сен-ку бир хилқат,
Мислиард туйгулардан қотган шарора.
Сенга дил очмоқ ҳам фол кўрмоқ фақат,
Инсон ўз қалбини англаса зора.
У соҳир ҳислардан кечди беомон,
Афсунгар туйгулар бўлганлар юйиб.
Бешафқат тафаққур асири бу замон,
Фарид дейми уни ва ё гаройиб.
Унинг пойидадир замин — зироат,
Унинг пойидадир ҳаттоқи само.
Қайда шеър? Қайда сир? Қайда синоат?
Қайда Мажнун учун дашти Карбало?
Денгиз, таниб олгин уни бир карра.
Ҳазрати инсондир — ўзи қўйган от.
Денгиз, шеър эмассан энди сен зарра,
Сен — пўлат занжирлар забтидаги зот.
Ҳа, буюқ шоирлар қадами ўчган,
Ҳеч ким мавжларингдан ўқимас туйгу.
Хитобмас тўлқинлар бағриға тушган,
Қайси бир балиқчи ташлаган тўр-ку.
Фарзандман шу буюқ асримга бешак,
Мен ҳам унинг учун дилни ўртарман.
Оҳ, лекин кўксимда ёнган шу юрак,
Бир кун тош қотмаса дея қўрқарман.
Олис уфқларда ёнган бу маёқ,

Афсус, мен учун ҳам хаёлмас асло,
Бүрөнлар қалбимга солмагай титроқ,
Йүқдири мени учун ҳам сеҳр ила рүе.
Түплар гумбурлаши, ваҳшат садоси,
Қутқуларга тұлған ушбу күн замон.
Ташландик ушоқнинг бўлиб гадоси
Түп-түп чагалайлар оҳ чекар нолон.
Юлдузлар ёнади, офтоб чарақлар,
Кукунга айланур вужуд ҳам, аммо
Яралган эканки Инсон бир вақтлар,
Наҳот туйгудан у бўлгай мосуво?!
Сарсон, соҳилларда тентираб яна
Ўйга ботармикан беруҳ ошиқлар?
Денгизлар уфқига боқиб мардона
Куйлармикан ҳеч ким ўтли қўшиқлар?
Мовий далаларда ўзни унугиб,
Шабнам икра кезса малла ранг тойчоқ,
Фазогир Миррихнинг меҳридан кечиб
Боқармикан унга энтиқиб, муштоқ?
Улуг илоҳасин — тилсиз жамолин
Унугиб қўймасми бир күн одамзод?
Буюк насибасин — тенгсиз хаёлин
Шу буюк тафаккур этмасми барбод.
Илҳоминг дилимда, хайр, эй денгиз,
Гарчанд висолингдан асло қонмасман.
Лекин ёшлигим ҳам ўтар-ку эсиз,
Бир вақт ёнганимдай балки ёнмасман.
Балки сайр этгали мавжларинг бўйлаб,
Тагин қайта жакман, эй, ошно уммон.
Сен-чи куйлайвергин ҳамиша гувлаб,
Инсонлар қалбига солиб галаён.

А Л Л О М А

Бирор жойда топилса ногоҳ гавҳар донаси,
Чүнтаги тешик хар ким даъво қылган ҳамиша.
Мен ҳам орзу этардим, яхши ном баҳонаси
Мени ҳам ёдга олса гайри эл, шуҳратиеша.

Қанча буюк зотларга макон бўлган Хоразм,
Ўтган, кетган тарихинг барчага қундай аён.
Сира ажаб эмасдир Машҳад ҳам айлаб базм,
Бир Қиёт фарзандига таъзимда бўлса жаҳон.

Қайтди буюк аллома ўз юртиң қучогнга,
У боис қалбим яна гурур билан тўлибди.
Во ажаб, шундай бир зот ўз қадрин топмоғига
Үнча-муичамас, роса минг йил керак бўлибди.

Ҳолини билмаганга рўбарӯ келсанг агар,
Қалбингдаги арслоннинг мўйловига чўзгай қўл.
Мен-ку оддий инсонман, лекин шундай дам баттар
Ўн минг йиллик гурурим қўзгалиб кетгай бутқул.

Халқим, тенгиз фарзандлар бергансану дунёта,
Зар қоғозга ишқибоз мургдай устин ёпгансан.
Сўнг юз йиллаб фаромуш кўзинг тикиб самога,
Дафинаи ганжингни эслатиша топгансан.

Беруний бобомиз шу, иеми ҳам Абу Райҳон,
Ба форси гуфтаам гар аз замони пур Сино.
Бу зотни етиштирган қадим Шарқ, кўхна жаҳон,
Кумуш соқол, тилла бош, асл қомусий даҳо.

Шарафай замондан боқади у беписанд,
Буюк шарқ тафаккурин беназир хазинаси.
Мустабид Маҳмуд эмас хаёлинни этган банд,
Билгисиз эллар шавқи, юлдузлар нашидаси.

Шўнчалик бўлар ахир аллома деганлари,
Агарчи, қисмат чигал, ношукур ул замона.

Жақохир истеъоднинг меваси бушиг бари:
«Осор-ул боқия»ю «Хиндистон»у «Сайдона».

Ушоққина одамман, жуссам отамдан ҳадя,
Лекин майда ҳисларни ёқтирмас асло жиним.
О, буюк Шарқ, буюк Шарқ, сенинг шавкатинг дея
Не буюк фарзандларинг заҳмат чеккан бетиним.

Қайда улар? Қайси бир пурмоқларда бенишон...
Ағесуски, ўз қадрини билмас доим одамзод.
Бу кун Абу Райхонга таъзимда экан жаҳон,
Бу — буюк бобомизга замонадан бир имдод.

Давотим қўримади, мудом фахрия битай,
Энг улут ажодлардан хаёлимга ёғсин нур.
Шундай зотларни берган халқимга таъзим этай,
Гуруримга гуурдош замонга минг ташаккур.

ТУРМУШ ТАШВИШЛАРИ

Ҳазил

Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари,
Биз сендан баландроқ тура олсайдик,
Биз сендей баландроқ юра олсайдик,
Балки ўнгаярди дунғи ишлари,
Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари.

Хотин иш буторар,
Бола йиглайди.
Богча деб қайгадир югурмоқ даркор.
Балки шу ташвишлар бўлмаса эди,
Шоир бўлармидим анча улутвор,
Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари.

Қассоб оғайним бор —
Қароқчи — «пират».
Суякни қўшимаса кўнгли тўлмайди.
Ахир, қофияни еб бўлмаса «брат».
Наҳот сен бўлмасанг турмуш бўлмайди,
Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари.

Улуг режалар бор менда ҳам ахир,
Хусусан, бир ишни битказмоқ даркор.
Ўнда қаҳрамоним ёвқур фазогир.
Кошкийди, сен шуни билсанг, нобакор.
Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари.

Шириндир шу ҳаёт,
Холи фироқдан.
Майли битмасин ҳеч унинг ишлари.
Ҳаволаб кетсак гоҳ
Тортсин оёқдан,
Турмуш ташвишлари,
Турмуш ташвишлари.

Хазылт

Шоирларнинг азал танишлари қўп
Улар ўтгаидан сўнг яна қўпаяр.
Хар хил ниҳаҳарларда яшашар тўп-тўп,
Баъзан гай йигишар, баъзан гап ёяр.

Балки бирга ичган бир пиёла чой,
Ҳамсуҳбат бўлгандир замона талааб.
Гар шундай бўлдими, аҳволинггавой,
Тириклай устинпта ташлар гап қалаб.

Бошга тушганда-чи ногаҳон савдо,
Уларнинг бирорин, қани, топиб кўр.
Шоир, бундайларга қилмагин парво,
Танишсиз қолсанг ҳам шоир бўлиб юр.

Қалбимда гоҳ гурур, гоҳида фараҳ,
Шу учқур дунёни турфа қўрибман.
Юртма-юрт, элма-эл, фарсаҳ-бафарсаҳ
Умрим довонларин ўтчаб юрибман.

Умр-ку ўтади гулдурос солиб,
Унинг қайтганини ким ҳам қўрибди?
Во ажаб, қай бир зот, ўз умри қолиб,
Менинг қадамимни ўтчаб юрибди...

И Р О Д А

Ошга етганида йигитнинг дасти.
Тошларга тегмасин боши ҳеч қачон.
Сен инсон таянчи, сен башар баҳти,
Эй, буюк ирода, тұзим билмас жон.

Фарзандин қабрида она жигархун,
Унинг фарәдидан дүнә гамхона.
Бу гамдан төглар ҳам лол қотмиш бутун
Ва лекин оғыда тик турди она.

Қирқ йил заҳмат чекди қай бир закий зот,
Бир күн этмоқ утун фикрин ифода.
Унинг бүткүл умри кетарди барбод
Агар сен бўлмасанг, событ ирода.

Сен борсан — топталиб кетмас заковат,
Сен борсан — одамзод етгай шарафга.
Йўқ эса қалбидা тогдай матонат
Яшашдан не маъно эди Машрабга.

Атиқ қўз ёш бўлиб оғди у бавзан
Муҳаббат ўтига дуч келгани он.
Лекин ирода бу — ёни қайтадан,
Ўтли қўшиқларга айланди ҳижрон.

Не бир буюк зотлар бош эгди ноҷор
Томуғдан йўл тоғмай нурли ҳаётга.
Лекин ирода бу — енголди такрор
Таянч бўлганида Бобурдай зотга

Неларни қўрмагай инсоннинг боши;
Неча бор қоврилиб, тирилган жаҳон.
Барига етаркан сабру бардоши,
Демак, иродадан яралган инсон.

Баҳор осмонида чақнаса чақин
 Күксингдан отилар олоюли нағас.
 Эй, сен жавон шоир, ўспирин оқин,
 Ўтли юрагингга құлтурман ҳавас.

Күкда юлдуз әмас, у сирли құшиқ,
 Нитизор йигитниң чашмига сингтан.
 Мұхаббат дардига мұбтало ошиқ
 Сенға ҳавас билан бөқурман чиндан.

Белапчак бошида ўйнар парча нур,
 Жақжы чақалоққа бор дүнә аbas.
 Шу парча шуылзада күрдинг не сеҳр?!
 Гұдагим, мен сенға құлтурман ҳавас.

Лочин юракидир бу — яшиндей шаҳди,
 Раддор қояларға үргувти қанот.
 Сенға ҳавас билан бөқурман, рости,
 Үлимга тик күкесин тұта олган зот.

Бахтлидир қай қалбда ёниқ нур, зиә,
 Бахтлидир қай қалбда ёниқ ҳаяжон.
 Шу сабаб дастида бұлса ҳам дүнә,
 Ўтли қылғаның құмсаиди инсон.

* * *

Ганим бўлолмасмиз иккимиз сира,
Дўст ҳам бўлолмасмиз балки ҳеч қатон.
Балки эмасдирсан сен ҳам бокира,
Балки эмасдирман мен ҳам покдомон.

Иккимиз утун ҳам ёлгиз шу офтоб,
Иккимиз утун ҳам ягона замин.
Мен ҳам сенинг утун битмадим китоб,
Сен ҳам шуҳратимни этмассан таъмин.

Кимга нима керак? Нечун сохта шон?
Нечун мангаликдан беҳуда талааб?
Ахир иккимиз ҳам сўнг манзил томон
Кетмасмиз дунёнинг юкин орқалаб.

Р А Й Х О Н

Фурсат-фурсат инсонга қўринганда тор жаҳон,
Яхшилар дийдорини қўмсайди доим кўнгил.
Боболарим юртига тутқаздинг даста райҳон,
Бошим кўкларга етди, Шамсиқамар, жон сингил.
Хонанишин қўнлардан безиб келгандим асли,
Чексиз чўллар гардини айласам девдим тавоб.
Руҳ менда тийра фасли, айни жазира фасли
Йаннатмакон гўшангдан гул тутқаздинг босавоб.
Бу жойларда кезгандим тентираб йиллар бўрун,
Саҳро узра ташнаҳол тўргай каби уриб чарх.
Кўйлагандим гоҳ тўлиб боболар орзуларин
Гоҳ майин истиқболнинг ўйларига эдим гарқ,
Саҳрода сарбонларнинг оқарган сўнгақлари,
Йаҳапнамий даشت узра яттираб турган сароб...
Абадпий орзулардан сўйларди бунинг бари,
Йаҳоний дилларга ҳам солгудай зарб, изтироб.
Мен-ку бу юрт ўғлиман, жон ипим унга пайваст,
Нъ боли пъболимдир, армони бўлса — армон.
Ота юрт вайрон эса, фарзандга жаҳон авас,
Иччундир менга у чоқ танҳо шуҳрат, ёлгиз шон?
Шул сабаб, арқонга ҳам қил қувват, деган мисол.
Қадимий Жайхун сари келдим айлаб шитоблар,
Гоҳида йироқларда согинсам, қўмсаб висол.
Йўлладим қасам тўла турли шеърий китоблар.
Қалбида турфа ният қайнаган зотлар аро
Согинмас ким ҳам ахир каттакон дунё юзин.
Қўкка боқсам ўйимни чулгайди чексиз само,
Ерга боқсам дилқаш деб тингладим Жайхун сўзин.
Мана бу қун тураг у қаршимда виқор тўкиб,
Йўқ, йўқ, у дарё эмас, у — армон, у — бир ҳаёт.
Кечиб не-не асрлар, қанчалар замон ўтиб,
Шу қондош парча ер ҳам тонар бўлмишdir најжот,
Бугун ота юртимга келмишdir улуг Жайхун.
Ҳайратдадир бўзтурғай: «Ахир бу нетук сайдон».
Саҳрода қарор топмиш, ҳаттоки, дилбар жунун:
Бўй сочиб тураг, мана, бир даста сада райҳон.
Синглим, шу райҳонингда бир армоним парчаси,

Үмримнинг бир гүссаси барҳам тоиди мұқаррар,
Үндадир ҳали чексиз чаманзорларнинг саси,
Назар сол көңгіліктарга, жон сингілім, Шамсиқамар,
Құлларингда жон тоғмиш минг йылдык орзу ҳали.
Зангори уфқуларга узанган чаман бұлгай.
Иисон буюқлигидан нишона ушбу ҳали
Буюқ Ватан итре сен яратған гүлшан бұлгай.
Дүнёда тариқ қаби бедаиабоп гап ҳам мұл,
Дүнёда ташвиш ҳам мұл қисгудек юракларни,
Лекин бу кенг оламда баҳтиёр үшал құнгил —
Сигдиролса үзиге энг олий тиляқтарни.
Замину замон яшнаб, үчганды тамом сахро.
Пешкаш бұлурман мен ҳам тұганмас меҳри билан.
Турфа раңг чаман аро, Сиз тұзған гүлшан аро
Етиб келтурман мен ҳам райхондек шеърим билан.

Музаффар зотларга мотам ножоиз,
Уларнинг ҳаққидир фақат ифтихор.
Биз магрур бош эгсак ўшалар боис,
Уларга лойиқдир энг олий ашъор.

Жасур нажоткорлар саф-қаторида
Ўзбек йигитининг номи ҳам кушод.
Ғалаба айёмин бу наҳорида
Собир оғамизни этмоқдамиз ёд.

Ватан деган чогда оддий ошён,
Ўлан тўшагини англаганилар мўл.
Мадад сўраганда чорасиз жаҳон,
Сиз Тошкент бағридан узатгансиз қўл.

Қайси бир мамлакат, қайси сарҳадда
Нажоткор дўстларни зор кутган тупроқ.
Мурғак хаёлимда шундоқ ҳолатда
Тасаввур этолдим мен Сизни кўпроқ.

Бани одам учун нажот ахтариб,
Жон берган шаҳидлар руҳига қасам.
Одамзот яловдай юргай кўтариб,
Ўзбекнинг шу қатра, тоза қонин ҳам.

Билмадим у соат, у сўнгги фурсат,
Нелар кечган экан Сизнинг хаёлдан.
Балки, она-Диёр кўкида қат-қат,
Варраклар кўргансиз ўзгир шамолдан.

Балки, қаршингизга келгандир мунис—
Бева келинчакнинг сўник руҳсори.
Балки кўрингандир Москвада тигиз,
Музаффар лашкарнинг галиб сардори.

Балки, сўнгти дам ҳам умидга тўлиқ,
Ёруғ бу кўнларни этгансиз хаёл.

Менинг бешигимга отилган ул ўқ,
Сизнинг умрингизни узган эҳтимол.

Буюк Ватан бермиш бус-бутун гуур
Ва қийиқ кўзларда мерос жасорат.
Жасур сафлар аро от суриб магур,
Энг гаддор ёъларин эттансиз горат.

Сиздек фарзандларга шарафдир пеша.
Сизга мангаликнинг хуш таронаси.
Сиздек ўғлонларни ёслар ҳамиша,
Мунис Ўзбекистон — мардлар онаси.

АВЛОДЛАР ҲИКОЯСИ

Ярим тун.
Овулдан йұлғи үтмоқда,
Тулпор туғиғидан чақнайды тошлоқ.
Ногоҳ от дупури кириб қулоққа
Чүшиб уйғонады кекса чол мудроқ.
— Кексалик қурсин-да.....
Үф тортар узун,
Хотирада Бойсун,
Чақнаган үқлар...
Чол то сағаргача юммайды құзин,
Набираси эса донг қотиб ухлар.

ИККИ СОНЯ

Үйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал,
Сўнгра бутун бўлсин дўстнинг имони.
Инсон юрагини тилкалар азал
Шу икки нарсанинг буюк армони.
Биридан бошланар шу ёргу олам,
Дунёга қўйилгай остонаядан от.
Үйдан боши эгик чиқдими одам,
Уша кун тор унга буткул коинот.
Йигитнинг бир умри дўст билан бутун,
Дўст билан шириндир заққум ҳаёти.
Дўстдан панд еган чоғ не бор унинг-тун!
Бад унга ҳаттоқи бор инсон зоти.
Буюк шиддат билан жўшаркан ҳаёт,
Шу икки нарсага биз гоҳ бепарво,
Шу икки сония ҳамдам бўлган зот,
Менинг назаримда, энг азиз сиймо.

ШУКРОНА

Шукронна айт аввал парча ион учун,
Сүнг құлтум сув утун шукронна тақрор.
Чүнки бу оламда, яширмоқ нечун,
Сенға шуларни ҳам күп күрганшар бор.
Буюклар баҳтига ҳавас қыл, аммо,
Инсектикалықтегінде шукур айттың зинхор.
Чүнки бу оламда сен утун ҳатто
Оддий инсектикалықтегінде шукур айттың зинхор.

ТАРБИЯ

Көнти көнг дүнө,
Торғы тор дүнө.
Халқ маколы

БИРИНЧИ МАҢГУЛОТ

Жиндақкина феълингизни
Кенгроқ, қылнг, домлајон.
Шунда сизга құрингайдир
Күп галати бир жақон.
Дүплингизни олиб аввал
Қаранг у ён-бу ёнга,
Дүт келгайсиз эңг аввало
Хаёт деган уммонга.
Үнда сиздан бұлак яна
Яшайди құп одамлар.
Елкасида ва ё шодлик,
Ва ё ташвиш, ё ғамлар.
Дунёи хос деб аталған
Бир макон бу, ҳар қалай,
Ғам-ташвишлар қаторида
Шодлик ҳам бор бир талай.
Билмам, нечун сизнинг нигоҳ
Бир нұқтада қотмишдир,
Чекиз гұзал дунё сиздан
Юз үтириб ётмишдир.
Кенг бұлсанғиз у тоқ сизга
Очиғайдир күп сирлар.
Қурингайдир құхна мозий
Ва келажак асрлар.
Ҳиммат нури құзингизни
Еритолса бирон он,
Рұхингизга ҳимматлар ҳам
Ёгілгайдир бегумон.
Хұжа Ҳофиз девонида
Булбул сайрар сиз уғун,
Ох, нақадар гұзал әрур,
Бу тириклиқ, бу очун,
Мусиқа бор бу дунёда,
Шеърият бор, сафо бор,
Худи гұдак құлғусидек
Мұхаббат бор, бегубор.

Мовий құкқа боқиб тингланғ
Түрфа құшлар воласин,
Субҳидамда ошиқтарынг
Чеккан чексиз ноласин.
Энди азиз калланғизни
Буриб бу ён бир қаранг,
Токланади тегранғизда
Яироқчалар тилла ранг,
Сиз уларнинг ҳолига ҳам,
Боқинг холис ниятдан,
Яироқ умри битса ҳамики,
Сұзлар абадиятдан.
Қаранг, нечог гүзәл әрүр
Қир-адирлар зангори,
Шундай пайтда ділни үртар
Машу яшаш хумори.
Жылдираган ариқчага
Бир зұм қараб тургайсиз,
Ишонаман, сиз үнда тог,
Қорликларни құргайсиз,
Очиғтайдир қаршингизда
Юксак юртлар жамоли
Чүккіларга тирмашгайсиз,
Тог серкаси мисоли.
Оқшом чүкар ва құзгалар
Тұрт томондан шамоллар,
Огушига олгай сизни
Күп ажойиб хаёллар.
Юлдузларга термулгайсиз
Ұчгайсиз ҳам самога,
Құз ташларсиз кенгликларга,
Ұфқуларга, дүнёга.
Қалбингизда на адовар,
На ҳасад бор, на қадар,
Рұхингизда улутворлық
Хис құлтгайсиз бир қадар.
Энди ерни фахм этгайсиз,
Ү нок каби йүқ баиди,
Домла, мұжаз шу нок узра
Яшар одам фарзанди.
Одам эса сизге қавмдир,
Замондошдир, ұлқадош,
Бирор йильтқич даф қылғанда
Ёнингизда елқадош.

Аниқ шариф шажарангиз
Қаршингизга келсин сал,
Сиз ҳам одам фарзандисиз,
Унутмангиз ҳеч маҳал.
Рұхингизни чулғамаса
Ногаҳоний бир бало,
Миянгизнинг тархи энди
Очилгайдур, иншоолло.

ИККИНЧИ МАШГУЛОТ

Баъдаз, мавжуд аҳволингиз
Тавсиф этиб атайин,
Бошқаларга ибрат учун,
Майли айтиб ўтайн.
Тирик жонсиз тонгми-пешин
Ўрнингиздан турасиз,
Одамсиз-ку балки аввал
Туш таъбирлаб қурасиз.
Ўнгингизда тунов кечган
Турли бадбин ўй-хаёл
Тушингизда дўзах булиб
Акс этгандир, эҳтимол.
Қийин сизга, қандоқ қилиб
Бу ҳолатдан қочасиз.
Заҳрингизни энг аввало
Болаларга сочасиз.
Қурбон булар балки илк бор
Шўрпешона бир чивин,
Тугиб олиб эзгилайсиз,
Тополсангиз гар эвин.
Болалар-чи, оҳ, болалар,
Тарбиясиз, қув, суюқ,
Шоҳ билан дум битса агар
Шайтондан ҳеч фарқи йўқ.
Хотин-чи, у хотин эмас,
Дам сўзлаб, дам тўхтаиди,
Супургини миниб чопган
Атвастига ухшайди.
Қовоқ уйиб, ижирганиб
Энди ишга жўнайсиз,
На бирор гап чиқар сиздан
Ва на гапга унайсиз.
Кутукчангиз дуч келади

Бир тепасиз, «ванг» дейди,
«Ванг» дегани ким билади,
Балки «феълинг танг» дейди.
Остонадан бошланади
Ана энди кенг ҳаёт,
Сиз-чи, ишга йўл оласиз
Гоят-гоят эҳтиёт.
Мусофирдек кўча-кўйда
Жавидрайсиз аланглаб,
Бамисоли ўтри мушук
Тўрт томонга жаланглаб:
Ана, Тошмат ўтиб кетди,
Пайқамади муттаҳам!
Пайқаса ҳам сўрашмайди,
Демак, душман ўша ҳам!
Чойхонада уч-тўртга чол,
Чақ-чақ сухбат қилади,
Сухбат қайда, айнаганлар,
Сизни гийбат қилади.
Жой бермади трамвайдা
Аллақандай бир башанг,
Касофатнинг касри уриб
Яна тагин сиз тажанг.
Ишхонангиз қарши олар
Пештоқлари ялтираб
Гул тувакда чечаклар ҳам
Нозиккина қалтираб.
Сиз-чи, дилгир, маҳкамага
Уввос тортиб кирасиз,
Ўзингизни ўргимчакдек
Бир бурчакка урасиз,
Варақлайсиз газетани
Дуч келасиз оловга:
Мукофотни беришибди
Падарлаънат ановга.
Ахир қандоқ бедодлик бу,
Миянгизга ураг қон,
Қолмаётир бу дунёда
На инсофу на виждан!
Бошланади яна қайта
Игво, фитна, ур-сурлар!
Одам эмас бу юрганлар,
Худо ҳаққи унсурлар.
Қўлингиздан келса агар
Тўкиб тимсоҳ ёшини,

Айлантириб ташлайсиз ҳам
Ҳатто дүстлар бошини.
Ташқарыда эса ҳаёт
Уммон каби тошади,
Қитъалардан қитъаларга
Чүнг булутлар ошади.
Қайлардадир ҳал бұлади
Буткул эллар тақдиди,
Юз йилларға арзигай гоҳ
Соңиялар ҳар бири.
Буюк тарих чархпалаги
Гүвлар бетинч ҳар қаңон,
Коинотта саңраб кетар
Учқунлари, алъамон.
Бизга насиб бўлмиш яшаш
Шундог улуг дунёда,
Буюк инсон қадамидан
Гурсиллар ер зиёда.
Энди гапни очиқ айтсам
Кўрсичонга ухтайсиз,
Бароқ мошни кўрмагунча
Ҳеч бир гапни уқмайсиз.
Холбуки, эл ҳиммат, меҳри
Пешкаш эрур сизга ҳам,
Дил очсангиз жаъми одам
Дилкаш эрур сизга ҳам.
Холбуки, эл заҳмат чекар
Сиз учун ҳам кун-бақун.
Сиз-чи фақат ўйлагайсиз
Ўзингизни, хўш нечун?
Не бир зотлар умрин тикиб
Кезади кўк бағрини,
Сиз бўлсангиз кўрмагайсиз
Бўрнишгиздан нарини.
Тушунаман, умр қисқа
Ҳақ дасти ҳам қисқароқ.
Аммо нечун шу умрда
Бунгча бадбин яшамоқ?
Бир қараашда закий зотсиз,
Бир қараашда доносиз,
Аммо, билмам қай жин урмиш,
Яшолмайсиз иғвосиз!
Одам ўели, завол қўрма.
Бўлма одам заволи,
Тушунтирдим ҳамма гапни

Күрга ҳасса мисоли.
Эндиги сүз...хуллас феълни
Кенгроқ қилинг, домлажон,
Сизнинг кўрган бу кун эса
Кун эмасдир ҳеч қачон.

* * *

Дунёда ҳар ишнинг бордир ўз гали.
Олис хотиралар ҳамроҳ ишимга.
Шоирлик ёдимдан чиққан маҳали
Чўпонлик йилларим тушар эсимга.

Қўйлар сурувини ҳайдайман борҳо,
Сибизга чаламан баъзида бегам.
Сурувим ичида кўраман тоҳо
Мени чўпон деган кимсаларни ҳам.

ҚИШ КЕЧАСИ

Тақиллайди әшик ногаңон,
Кимсан? — дейман, тугаб саботим.
— Очгил, — дейди. — Мен сенга меҳмон,
Билмоқ бұлсанг — Ташвишdir отим.

Тақиллайди әшик ногаңон,
Кимсан? — дейман, тугаб саботим.
— Очгил, — дейди. Бу — мен, қадрдон.
Билмоқ бұлсанг — Бардоңdir отим.

Ташқарыда шамол увиштар,
Туни бүйи юммайман күзим.
Туни бүйи баҳс қылар улар,
Тун әса-чи, жуда ҳам узун.

СЕНИНГ ОВОЗИНГ

Ёмгир ёгаёттир күйда, отажон,
Жилгалар күчада дарёдай тошар.
Жажжи опаларим эса бу замон,
Жилгалар бўйида жилгадай шошар.

Менга сизнинг кўз ёш ёмгирдаӣ абад,
Масканимга сингтай оҳанг сингари.
Менинг қулогимга етгайдир фақат,
Сизнинг қалбингизнинг согинч унлари.

ТАФАККУР МОНОЛОГИ

I

Билмасман, қайдадир менга ибтидо,
Билмасман, қайдадир менга интиҳо.

Асрлар қаъридан ўтаман сокин,
Менга бари бирдир — ким құл, ким ҳоким.

Сизнинг құтқы билан зарра ишим йүқ,
Шундоқ салобатли карвонман улуг.

Менинг құнғириғим әшитолған зот,
Үзин баҳтли деса арзир умрбод.

II

Мени атадилар худо деб аввал,
Пайғамбар дедилар ва даҳо тутал.

Буюкман баридан минг-минглаб карра,
Худо ҳам, даҳо ҳам мендан бир зарра.

Мен асли ҳосила әрурман гарчанд,
Ленин бутун ота — кепаги фарзанд.

Теграмда чарх урсын майли замон, вақт,
Мен-чи, ўз-ўзимга масъулман фақат.

Қаршиңда гердаяр тоглар ҳам бекор,
Улар менинг учун шүнчаки сангзор.

Баҳри Мұхит нима? Нима у деңгиз?
Чайқалған сувлардир, рангсиз ва нурсиз.

Офтоб, сайёralар чарақладаб ётар,
Мен учун оддий ҳол: борлық мухтасар.

Ҳайрат нималигин билмасман асло,
Ҳатто чексизлик ҳам идрокимга жо.

Ҳа, менга ҳеч әрур койнот, жақон,
Лекин мени қийнар фақат бир армоп.

Мени қачонлардир яратган зотдан
Қарздорман яңиким, одамизоддан.

У гоҳ буюк әрур, гоҳ забун барбод,
Сира тушунмадим мен уни, ҳайхот.

Фақат идрокимга занжирдир шу ғам,
Сени әплолмадим, жувонмарғ одам.

БИР ТАНИШИМ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Эслайман, болалик чогимда бир кун
Безори тош отди менга бесабаб.
Йигладим бир четда бағрим бұлиб хүн,
Атрофга құз тиқдим ночор, мұлтираб.
Албатта, бирор-бир мадад истардим,
Ахир, тушунарлы бундақа ҳолат.
(Бола бұлғансиз-ку сизалар ҳам қадим,
Демак-ки, әсласам тортмам хижолат).
Хуллас, кимдир келиб йүл канорида
Саёқ рақибимни ушлади маңкам:
— Қутуриб қолдингми күчинг борида,
Бошингта тушганда биларсан, бұтам...
Анча мұлзам қилиб жұнатди уни,
Сүңг келди мен томон жилмайиб, ёввош:
— Сен ҳам торғаверма ҳа деб бурунни,
Керак бұлар, ука, ҳали күп құз ёш...
Хүшөр торғиб қолдым шунда, албатта,
Ҳатто дадиллашиб қолғандим бир оз.
Унинг-чи құзлари порларди катта,
Мард ва майин эди ундаги овоз.
Дедим: — Хизрмисиз, бобом айтғандеңек,
Мадад берасизми шундай өгіларда?
У маъюс жилмайиб, қош чимирди тек:
— Боласан, хаөлинг күп узоқтарда.
Майли, Хизрманми ё Хиэр эмас,
Ҳар нечук турибман қошингда ағын.
Бирор ножұя иш рүй бердими, бас,
Кимдир ажрим қылса — үша мен, үглон.
Болага, албатта, ҳикмат бир чақа,
Чиллак үйин каби аниқ тасаввур.
У исмин айтди-ю, кетди бир өқіза,
Мен ҳам ҳайе-ҳайт деб кетдим ҳайтовур,
Ким күп бу дүнеда — ҳар хил бола күп,
Бишимиз бесарроқ, бишимиз ёввош.
Мен ҳам қанғасига озор бердим, хұб,
Қанғасин дастидан тұқдим сүңг ҳам ёш.
Бироқ, йиллар үтиб үлгайған сайин

Үйга келар экан бошқача гаплар.
Үйга солар экан, тайин-нотайин,
Хар хил нарсадаги ҳар хил тарафлар.
Қуршай бошлар экан миянгни ров-ров,
Нега? Нечун? — деган саволлар ўжар,
Дейлик фалончининг ўгли-ку, меъров,
Нега имтиҳондан қатнашмай утар?
Бунақа гапларни тафтиш қилиши
Үргатмаган эди агарчи отам.
Лекин кўра беरиб шул каби ишни,
Лол қота бошладим энди чинакам.
Бутқул ҳодисотнинг сабабин аммо
Англаб етмоқдикка ўтмасди тишим.
Шундай маҳалларда кўзимга гўё,
Қўриниб кетарди ўша танишим.
Бир кун гузарда денг, Тўхта лапашанг
Сув тўла кўзасин чил-чил синдириди.
Үйга келлач эса айбор, деб қаранг,
У угай акасин тутиб урдириди.
Тавба, демоққа-ку, — ёш эдим ҳали,
Бовужуд қайга ҳам етарди арзим.
Ўша танишимга ўша маҳали,
Ҳагто, хат ёзмоққа этгандим жазм.
Қайга жўнатардим мактубни аммо,
Қайларда юрибди гаройиб ул зот.
Олис кечалари у билан танҳо
Суҳбат қурар бўлдим хаёлан бот-бот.
Васваса дейсизми, рўё дейсизми,
Доно фикрингизга ҳавола бу ҳол.
Бир кун забтга олиб тасаввур изми,
Тушда кўрдим уни аниқ ва яққол.
Арзим баён этдим биратуласи,
Нега келмайсиз, деб тутдим суроққа.
Тўхта лапашангнинг ўгай акаси
Кетиб қолганини айтдим узоққа.
У маъюс жилмайди: — Биламан барин,
Ахир, юмушим кўп оламда, укам.
Бирини эпласам, эплолмам бирин,
Қаңдай улгурайнин, ёлгизман мен ҳам...
Шундай деб танишим кўздан йуқолди,
Яъни, тўтириғи, бузилди уйқум.
Унинг шаҳди аммо ёдимда қолди,
Мардана эди у ҳамда камсуқум.
Йиллар ўтиб кетди, озми-кўп, мана,
Оlam ишларидан бўлдим хабардор,

Биламан, Хизр ким ва бидъят нима,
Биламан, ёштик ҳам кетди бетакрор.
Бари ўтиб кетди бир туш мисоли,
Эслайман гоҳ маҳзун, гоҳида қувноқ.
Фақат ўша сиймо, унинг хаёли
Менинг шууримга ўрнашди мутлоқ.
Дунё ишларига бўлиб юзма-юз,
Гоҳо келолмасам ўзим-ўзимга,
Унинг дийдорини қўмсайман ҳануз,
Кўринсайди дейман бир зум қўзимга,
Балки кўришимакка энди фурсат йўқ,
Балки кута бериб ўзим ҳам толдим.
Ва лекин дунёда у зотнинг аниқ
Иши кўплигига ишониб қолдим.
Меҳрибон устоzlар назарида гоҳ
Унинг нигоҳини пайқаб қоламан.
Кимдир ҳушёр бўл, деб айласа огоҳ,
Ўша учрашувни ёдга оламан.
Наби ҳам, расул ҳам эмас эди у,
Лекин у мен учун бекиёс, порлоқ.
Балки келмагайман энди рўбарӯ,
Лекин у йўлимни ёритган чароқ!
Унинг ёди билан умрим сарафroz,
Усиз ҳаёт менга машаққат эди.
Эслайман, қомати лол эди бир оз,
Номи эса унинг Ҳақиқат эди.

МАЛОМАТ ТОШЛАРИ

Хушёр боқ, то фоний умр кечади,
Тегрангда турфа хил тошлар учади.
Бири қора ҳасад ё гараз тоши,
Бири ёвуз туҳмат, ё мараз тоши.
Майлига қай бири келмасин қачон,
Улардан муддао ҳамиша аён.
Улар сабр косанг тўлдирмоқ булар,
Улар умринг гулинг сўлдирмоқ булар.
Бошимдан ўтганин этсам гар баён,
Хушёр боқ уларга ҳамниша ўғлон,
Ва лекин дунёда ўзга тош ҳам бор,
У сенга етказмас беҳуда озор,
У асло кўксингта ўқ каби ботмас.
Танинг зирқиратиб, бурнинг қонатмас.
Умринг йўлларига бўлмагай у банд,
Ё кўнгил шишиасин этмагай парканд.
Сен томон нолакор, қай он етар у.
Гафлат фариштасин бедор этар у.
Идрокинг мавжига теккани замон,
У мудроқ руҳингта согтай галәён,
У виждан тамали, диёнат тоши,
Маломат тоши бу, маломат тоши!
У балки аликсиз қолтан бир салом.
У балки авжида бўлинган қалом.
У балки дўстингта очиб дил-юрак,
Тўйида айтилмай қолган бир тилак.
Фарзанди дуч келгай балки аломат,
Жажжи қўлларида санги маломат.
Қабр тепасидан тош ҳайкал бокур,
Олис хотиралар гулханин ёкур.
Сен унга сўнгти дам эгганмидинг бош,
Оҳ, нечог шафқатсиз тош эрур бу тош.
Инсоннинг то фазлу фалокати бор,
Унинг бир-бирига маломати бор.
Ташрифга кўз тиккан беморлардан то,
Шоҳлар дилигача маломатдир жо.
Бахтсиз кимсаларнинг қўздаги ёши,
Асли, Яратганга маломат тоши.

Жанглардан қайтмаган фарзанди учун,
Оналар дилида маломат тутун.
Қадим одамзодга неча минг замои,
Маломат тошлари ҳамроҳ ҳар қачон.
Асерий кошонага то офат келур,
Нолакор мозийдан маломат келур.
Минг йиллаб самога боқди одамзод,
Фалақдан тилади мадад ва имдоғ.
Ва лекин топгани фалокат бўлди,
Шул сабаб ҳар сўзи маломат бўлди.
Чорасиз Машрабнинг қиёмати бу.
Инсоннинг худога маломати бу!
«Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди!»
Бу — етим Гофурнинг маломат банди.
Ҳануз сарҳадлардан гамгин сас келур,
Маломат тошлари басма-бас келур, —
Одамни маҳв этур фарзанди одам,
Одам эрур аммо томошабин ҳам.
Етим гўдакларнинг қўздаги ёши,
Бу — жумла жаҳонга маломат тоши.
Гар буюк замонга фарзанд эрурмиз,
Адолат бирла гар пайванд эрурмиз.
Одам қадри магар буюқдан буюк,
Лекин қай дилларда маломат тутук.
Не деб сўзлаганкин, боқиб биз сари,
Безабон Ойбекнинг ҳоргин қўзлари?!
Сағрайган саҳифалар аро қараб тек,
Қодирий қабрини сўрап Отабек.
Йироқ соҳиъларда таралиб охи,
Кезаз Эркпаратнинг қонли арвоҳи.
Ҳа, қону тер билан йўғрилиб кам-кам,
Шундоқ барпо бўлди даврон муҳташам.
Ҳар лаҳза мозийга гарчанд кетажак,
Лекин олдда бизни кутар келаjak.
Гар қолур биздан ҳам эзгулик, карам
Лекин дегайларми бизни мухаррам?!
Мудроқ виждан учун, сохта шон учун,
Беҳуда тўқилган қанчага қон учун
Заминнинг тузалмас жароҳати деб,
Мовий дунёларнинг ҳалокати деб,
Бир кун эгилмасми одамзод боши,
Бизга ҳам ёғмасми маломат тоши?
О, буюк мавжудот, ҳазрати инсон,
Сенинг аслинг гаҳи гафлати инсон.
Гаҳи сен баркамол бўлиб қўриндинг,

Гаҳи бечораҳол бўлиб кўриндинг.
Юлдузин бошингдан сочса ҳам само,
Гоҳо ўз қадрингни билмадинг, аммо.
Эзгулик йўлида ҳар битта қадам.
Раҳмат муҳри эрур сенга, эй одам!
Оlam узра буқун кўтармишсан қад,
Унутма, буюксан, буюксан беҳад.
То кезар бошингда ҳиммат қуёши,
Сенга ёғмаса бас, маломат тоши!..

Х О Т И Р А

Билмадим, сен қандай йүлчи қүш эдинг,
Бир зум құниб үтдинг ошиёнимга.
Билмадим, сен қандай сирли туш эдинг,
Күз очсам, ҳасратлар солдинг жонимга.
Менга-ку ариқда оққан сувни ҳам,
Гоҳо миннат билан узатди дунё.
Нетай палопоним, бу зиқна олам,
Сенға үшани ҳам күрмабди раво.
Яшамоқ сенинг ҳам ҳаққынг эди-ку,
Ажал құнғирогин не утун чалдинг.
Сен онанг дилтида тирик бир қайғу,
Отанғ юрагида чақындай қолдинг.
Келиш-кетишингдан не эди матлаң,
Не учун бошимга солдинг бүнча гам?!
Анор донасадек қаторинг ўргаб,
Багримдан сиғилиб кетдинг-ку, болам!..

ОМАД ҲАҚИДА

Омад деган нарса дунёда бор гал,
Бу ерда ҳар қандай хурофот бекор.
Ҳозир сен шеъримни турибсан тинглаб,
Демак, сен — ҳаётсан, омад сенга ёр!

Бошқача қисмат ҳам мавжуд-ку, ахир,
Балойи қазодан асрасин зинҳор.
Мен сенга шеър ўқиб турибман ҳозир,
Демак, мен — ҳаётман, омад менга ёр!

Қолған ўртадаги гапларни энди
Нима деб атасанг сенда ихтиёр.
Фалакда ҳаттоқи қуёш бекинди,
Бизлар барҳаётмиз, омад бизга ёр!

СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Майли, сувратимга боққылу құвон,
Лекин сийратимга ташлама назар.
Бир ёқдан туганмас баҳт берді жаҳон,
Бир ёқдан туганмас үкінч ва қадар.

Чароғон умримни ёритған қуёш,
Торгина күлбамга боқмади гоҳо.
Заминдең айланған савдоли бу бош
Қолди қисмат ичра заминдең танҳо.

Ох, нечоқ рангларга тұлық бу жаҳон,
Ох, нечоқ шириң шу тириклиқ қадар.
Майли, сувратимга боққылу құвон,
Фақат сийратимга ташлама назар!

МОМО ОФТОБ

Онг кичик заррдан Юнитергача
Ҳанинг мураббийисан!
Гафур Гулом.

Эй, сен момо қүёш, эй, биби офтоб,
Ёлгиз сен чарогон, ёрсан бошимда.
Зардуштий мисоли юкиниб шу тоб,
Үтиниб турурман йигит ёшимда.
Сунгги дам чорасиз Мұқанна сифат,
Дил сүзим үзингга айтай саросар.
Офтобим, шу келар йилда ҳам фақат,
Шоддиклар таратыгин әлга баробар.
Зулмат гүшаларни тундан эт фориг,
Бахт томсин шұъланғнинг зар қанотидан.
Офтобим, ҳимматинг тутмагил дариг,
Дунёда ҳеч битта инсон зотидан.
Ойдин дерааздан кириб бор аввал,
Умидвор беморнинг хонаси томон.
Бахш этгин унга ҳам умри мукаммал,
У ҳам баҳорларга етолсин омон.
Тонгти шуғыланғ каби тарат табассум
Масъум гүдәкларнинг дудоқларига.
Қатра ёш томмасин асло, бирор зум
Мүнис оналарнинг яноқларига.
Балқи саҳар ноги құз очиб үқин,
Мүйсағид сен томон бокқай интизор.
Балқи у тилагай умридан бир күн
Офтобим, унга ҳам раҳм этгил зинхор.
Офтобим, гарчи бу койнот аро
Мұл сенға айтгулик орзу ҳам тиляк,
Мангу бир армонаға бовар эт аммо,
Ҳануз құп дүнида муз қоттан юрак.
Офтобим, майлиға бир тонг, бирор зум
Тафтингта чулгама даға-тұзларни,
Үша зотларга ҳам қылғыл тараҳдум —
Эрит диллардаги қотган мұзларни.
О, қанчашоракни этмишди асир,
Ҳасад деб аталаған қора бир баю.
Офтобим, шүлар ҳам күн күрсек ахир,
Зулмат қалбларига юбор шур — зиң.
Сенинг-ку, даргоҳнинг беҳаң, бепоғн,
Мана, бу — Farb бұлса, мана бу — Mashrik.

Пойингда бу жаҳон мисли бир ошён,
Инсон бамисоли сочилган тариқ.
Устоз лутф этгандек, оламда не бор —
Барига мураббий сенсан доимо.
Офтобим, шу мунис заминни зинҳор,
Меҳру шафқатингдан этма мосуво.
Дўстлар сафида шод тарона айтиб,
Мен ҳам дилдан сенга қитурман хитоб.
Ҳар ўтган зум учун шукронга айтиб,
Сенга топинурман, эй, Момо офтоб!

* * *

Асқад Мұхторға

Туман тушағынан қирларға сокин,
Дүрмөн болларыда билүүр қаҳратон.
Мажнунтот уватда ҳоргин олар тин,
Оппиң сочларини ёйған паришон.
Ногоҳ уйқу итре қарсиллаар эман.
Атрофда сукутнинг ҳоргин нафаси.
Балки далааларга чўккан бу туман,
Йироқ юлдузларнинг сирли шарнаси.

ЙИЛЛАР АРМОНИ

Кимгадир яхши гап айтдик, биродар,
Кимдир бир умрга раникіб ҳам кетди.
Күн кече ёш дердик үзни бир қадар,
Бутун-чи, балогат пайти ҳам етди.

Инсон үз умрини үйлеса күп вақт
Қийнайди үзидап үтган қусурлар.
Кимгадир айттымай қолған бир раҳмат,
Кимданыр сұралмай қолған узрлар.

Муқаммал құрмоқчи бұлдық дүлгөни,
Етук бұлолмадик үзимиз бироқ.
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон құрмадым мен сиздан буокроқ.

Инсонга тобемас замон, инғұнун,
Инсон юрагида аламлар қат-қат.
Фақат бир таскын бор, барчаси үтүн
Ағсус чекабилсанг — шу ҳам бир давлат.

Талабаларга

Фазога илк бора қанот қоққанни
Икар, деб атамиш ха॑лан инсон.
Үзини беаёв ўтда ёққанни
Унутмай юради абадий жаҳон.

Икар битта эмас, йўқ, битта эмас
Саноги юлдузлар мисоли катта.
Кимки илк савобга из очдими, бас.
Шу йўлнинг Икари бўлгай, албатта.

Ярогим йўқ дея илк бора қўлин
Саломга чўзган ҳам Икар аталгай.
Тарк этиб гордаги асрий манзилин
Илк чайла тузган ҳам Икар аталгай.

Икардир — Прометей номини олиб,
Ўт излаб худолар қошига борган.
Икардир илк севги домида қолиб
«Яллама ёрим»ни куйлаб юборган.

Одамзод бошидан ўтиб не кунлар
Икарсиз қолмаган лекин ҳеч қачон.
Биронни жигарин чўқиб қузгулар,
Бирори ўтларда ёнган беомон.

Гуллар майдонида анқийди ҳануз
Жасур Брунонинг жизганак дуди.
Ёвқур Спартакка бурайми ё юз,
Ё Рабб, Икар зотин борми худуди.

Нурга, рўшноликка баҳш этиб ўзни
Не зотлар ўтмади қадимдан-қадим.
Не ажаб, ҳаттоқи Гулсара қизни
Икар деб аташга айласам жазм.

Жасорат тимсоли Икардир абад,
Жисми гар ўтларда кетгандир ёниб.
Музаффар фазогир учаркан баланд
Замона Икари деймиз қувониб.

Эй, менинг давроним, ўзинг босабот
Күкда ҳам күкрагинг кериб турибсан
Ҳар қадам, ҳар зумда битта қашфиёт,
Бесаноқ Икарлар бериб турибсан.

Инсон даҳосига борми ҳад-худуд,
Соат чиқ-чиқидек тин билмас дунё
Одамзод гор ичра қоларди маҳдуд,
Ўша — бир Икари бўлмаса, аммо.

Замину замонда ўзингсан голиб,
Эй, менинг диловар, оловқалб укам,
Сен ўзинг устозсан, сен ўзинг толиб,
Сен ўзинг армоним, умидларим ҳам.

Сен борсан — бу даврон дастурхонида
Офтоб ҳам бамисли қўрдан чиққан нон.
Сен борсан — нур порлар юрт осмонида,
Сен борсан — событдир бу қадим жаҳон.

Замон қўлларидан тутмишдир бир кун,
Ўлмас боболарнинг руҳи бўлсин ёр.
Арслон жуфтгарчиси ¹ каби ва лекин
Обрў юки билан яшама зинҳор.

Ҳаққинг бор, дилингда аждод гурури,
Устозлар қошида майли эггин бош.
Унутма ва лекин, улар ҳар бири
Икар бўла олган — асрига йўлдош.

Фахру гуурингга келмасин малол,
Оқмаган дарёнинг номидир тақир,
Синмас қанот билан — буюклар мисол
Икар бўла олгин ўзинг ҳам ахир!

¹ Жуфтгарчи — шер ва арслонларнинг емиш тонишида воентачилик қўлчунчи ҳайвон.

УМР ЎРТАСИ

Эсган бу илк баҳор шамолими ё
Қайдадир адашган кеч кузнинг саси.
Ранги ҳам, тузи ҳам ноаён дунә,
Қирқми ё эллик бу, умр ўртаси.

Хипчинин «чүх-чүх»лаб, этаги боғлиқ,
Болакай шовқини келар у ёқдан.
Ўнгирин қоққанча кўж соқол отлиқ
Чиқиб кетаётир ҳозир бу ёқдан.

Сокин муюлишида кокилин ўйнаб
Ёр кутган дилбарга тушдими қўзинг.
Ўтабер фалакнинг чархини ўйлаб,
У, сенинг эҳтимол, қизинг — юлдузинг.

Курган бир тушингга топмадинг таъбир,
Ям-яшил тог эмиш, теппаси-чи қор.
Қай кун қабр узра ҳам дўстинг учун бир,
Ва узинг учун ҳам йигладинг бир бор.

Ажиб сукут ичра миљтирас олам,
Офтоб ҳам қиздирар, тик келиб бу чоқ.
Самода камолнинг авжими, қайдам,
Ё завол палласин алами қўпроқ.

Қайга шошаётир умри равонинг,
Не топдинг ва недан бўлдинг мосуво?
Бир зум гулурса ҳам вужудда қонинг,
Бир зум барчасидан сукунатраво.

Ўтмишу келажак бир зум ёнма-ён,
Гоҳи паст, гоҳ баланд бўлиб сурингай.
Етти оғайни ҳам қўқда ногаҳон
Савол аломати бўлиб қўрингай.

Қарайсан, йироқда бир йўлчи танҳо,
На орта бурилар, на чиқар саси.
Бошда тож, дилда ут ва қўлда асо,
Ўша кетаётган умринг ўртаси.

ХАЙРИХОҲ

Ҳамдам ахтаради ҳар қандай одам,
Дустим деб атайди топса бегумон.
Дуст излаб беҳуда кезгунча олам,
Оёгинг остига боқсанг-чи, инсон!
Мунис қўзларини тикиб, мўлтираб,
Болакай юзингдан узмайди нигоҳ.
Унда не мурод бор? Унда не талаб?
У сенга сомеъдир, сенга хайриҳоҳ.
Изингдан термулиб қолди кекса чол,
Қўзда таважжӯҳи, дуоси тилда
У сенга тилади барака, иқбол,
Яна бир хайриҳоҳ топибсан элда.
Сен ганим атаган қай битта инсон
Сен утун қайдадир чекди танҳо оҳ.
Ўша ҳасрат ҳаққи келтургум имон,
У сенга хайриҳоҳ, чиндан хайриҳоҳ.
Хайриҳоҳ одамлар бетаъма, ҳамдам,
Олам бир бутундир шу иноқликдан.
Ахир муҳаббат ҳам, ахир дўстлик ҳам
Бошланган эмасми хайриҳоҳликдан?
Улар бор — руҳингга гам келмас голиб,
Майли, гадо бўлгил, майли, бўлгил шоҳ.
Гар дўст йиқитса ҳам оёгинг чалиб,
Бошингни силайди ўша хайриҳоҳ.

Ҳ О Л А Т

Бир нафас қүёшни ўз ҳолига қўй,
Оташин дилингга этмагил қиёс.
Бир нафас қүёшдай кўрсатсан у рўй,
Бир нафас қүёшдай порласин қўёш.

Бир зум денигизга ҳам боққил бетуйғу,
Дема, ўйларимдай у теран, тенгсиз,
Бир зум балиқларга ватан бўлсин у.
Бир зум денигиз бўлиб гувласин денигиз.

Шамолнинг бўйнита осилма бир дам,
Елмасин майли у хаёлинг мисол.
Бир зум ўз ҳолича яйрасин у ҳам,
Бир зум шамол бўлиб тентисин шамол.

Бир зум сен заминни қўйгил бекутқу.
У ахир кўп туди туйгулар таъмин.
Бир зум майсаларга она бўлсин у,
Бир зум замин бўлиб яшасин замин.

Бир зум ўз ҳолимга қўй сен ҳам, болам,
Аён-ку менга ҳам Инсон матлаби.
Бир зум одам каби яшайин мен ҳам,
Мен ҳам яшай бир зум бир одам каби.

БАХОР ХОСИЯТИ

Қарангки, баҳорнинг вазифаси йўқ,
Бирор маҳкамадан маош олмас у.
Унга кор қилади на араз, на дўқ,
Сафарга чиқдими, келмай қолмас у.

Юкса : қасрларни буркар чечакка,
Ғадо кулбасини безар саросар!
Эзгулик бобида фақат у якка,
Фақат у барчага тенг ва баробар.

Кўнгил даричасин очиб қўйинг ланг,
Ғуссали дилда ҳам кулади баҳор,
Умидвор инсонлар, уни олқишланг,
Фақат хосиятли бўлади баҳор.

ОНАЖОНИМ ШЕЬРИЯТ

Ҳамдам бўлдинг мен билан
Ҳар қандайин кунларда,
Юлдуз бўлдинг чарогон
Энг қоронги тунларда,
Суҳбат қурдик гоҳ шодон,
Гоҳо ҳазин унларда, —
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тоҷ-таҳтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Сен билан баҳамти то
Бу оламда юрдим мен,
Турфа хил инсонларни
Ҳам танидим, қўрдим мен,
Дўстлар билан гоҳ шодон
Давронимни сурдим мен,
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тоҷ-таҳтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Эсингдами, азизам,
Ўтди қанча довонлар,
Ўтди қанча тӯфонлар,
Ўтди қанча ёбонлар.
Яхшиликдан сўз очдик
Гоҳ дут келса ёмонлар,
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тоҷ-таҳтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Ҳамдам бўлиб сен билан
«Ҳамса»дан сабоқ олдим,
Йироқ-йироқ юлдузлар
Сеҳрини дилга солдим
Меҳмон эмас, қасрингда

Балки бир умр қолдим,
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонаажоним шеърият,

Ҳар қисматга ҳар кимнинг
Даврони сабаб бўлгай,
Шеър ун чекса шоирнинг
Армони сабаб бўлгай,
Мен фаҳр этсам умримнинг
Ҳар они сабаб бўлгай,
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Гарчи мушиқул қўп бўлди
Муъжаз менинг муҳитда,
Зуҳур этдим барчасин
Ҳасратли бир сукутда,
Ҳақ йўлин топдим лекии
Сен билан ёнган утда,
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Англадимки, оламда
Юрт танҳо, Ватан танҳо,
Банд этган ҳаёлимни
Тенгиз ўгул чаман танҳо,
Нокаслар эмас, йўқ, йўқ,
Ёлиз сен балаңд, танҳо,
Энг олий баҳтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Умид ёрким, етгаймиз
Сен бирлан йироқларга,
Мақсадим ёқиб турған
У нурли чироқларга,
Дуч келмасак бас энди
Турфа хил фироқларга,

Энг олий бахтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Ҳақ сенга мурод ўлсин,
Шавкатинг на зар, тилло,
Ҳақ деганинг умри ҳам
Ҳақ каби узун, илло,
Бошин эгтай ҳамиша
Остонангда Абдулло,
Энг олий бахтим менинг,
Онаажоним шеърият,
Топган тож-тахтим менинг,
Жонаажоним шеърият.

Устоз Миртемир хотирасига

Сизга ташланмади оҳ не-не зотлар,
 Улар ҳар мўминга ташланар эди,
 Ташлиянаса дили гашланар эди,
 Улар пучак жонлар, аҳли бедодлар.

Жиндеккина нозик феълингиз билан
 Сокин бир қўнгироқ ҷалиб ўтдингиз.
 Еруғлик кунларни бедор қутдингиз,
 Дардлашдингиз фақат элингиз билан.

Нечоғлик хокисор эдингиз, устоз,
 Ялангтӯш, меҳнаткаш, қалам деҳқони.
 Қадим Туркистоннинг танти ўғлони,
 Покиза эдингиз мисли оқ қоғоз.

Не-не ўлкаларнинг не даҳолари
 Сиз боис ўзбекча сўйлаган эди.
 Сизнинг лафзингизда қўйлаган эди,
 Кошгаридан қолгаи тил садолари.

Шеърингиз учқуру ўзингиз карвон,
 Манзилга шошилмай келар эдингиз.
 Оҳ, устоз, ҳолбуки билар эдингиз —
 Югурек даврондир асли бу даврон.

Сизнинг армонингиз яшар қарогда
 Балки у бўйлагай асрларни ҳам,
 Во дариг, мана шу сатрларни ҳам
 Ёсам бўлмасмиди сиз тирик чогда.

ЕШ РАССОМЛАРГА

Ж'авлон Умарбековига

Бамисли Бойеунда бойчечак гуллаб,
Тошкент томларида ёнди қизғалдоқ
Е товус патларин әйтандай хиллаб,
Намоён бўлдингиз айни кутган чоқ.

Даврада ўрнингиз, ўтинг, марҳабо,
Юртимнинг гаройиб углонлари Сиз.
Қайда юргандингиз ўйчан ва шайдо,
Ўзбек санъатининг имконлари Сиз.

Хозирча номингиз билмайди жаҳон,
Хозирча келинни чизмоқдан сиз инод.
Билмайсиз, елкангиз оша шодумон,
Кузатиб турганин Музаҳҳиб, Беҳзод.

Сизга муштоқ ҳали турфа оҳанглар,
Устоз Чингиз Аҳмар бор бу бўстонда.
Билмайсиз сиз четдан ахтарган ранглар
Кўмилиб ётапин Чаганиёнда.

Сизни кутиб тураг ҳали кўп маъни
Деҳқоннинг киприги узра қўнган чанг.
Сизни кутиб тураг опиоқ пахтанинг
Багрида яширин қанча сирли ранг.

Бугунча аслига ўхиласа сурат,
Заррии рамкаларга қувиаб солгайсиз.
Юз рангда товланиб келганда шуҳрат,
Сувратин чизолмай шошиб қолгайсиз.

Узун сочинигизга бир қун оқ тушиар,
Сезмай ҳам қоларсиз умр ўтганин,
Чизган расминингизга ўзлингиз бесар
Нотаниш бўёқни чашлаб кетганин.

Майли юрсангиз ҳам дарвешдай кезиб,
Бўяб чиқсангиз ҳам майли жаҳонни,
Фақат бир ўтинг бор, бергайсиз чизиб,
Онамиз суврати — Ўзбекистони.

ИНСОН ҚАЛБИ

Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз.
Үнда мислат яшар, үнда тил яшар.
Үнда аждод фахри яшайди сүэсиз,
Үнда истиқомат қиласы башар.

Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,
Үнда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жүн нарса деб үйламанг ҳарғиз,
Хайхот! Құзғалмасин бу Қалб дағыятан!!.

* * *

Ҳикматли гапларга қулоқ солмоқ даркор,
Қулоқ солмоқ даркор ҳалқнинг сүзига,
Лекин одамларнинг бир одати бор,
Мақол тұқиіділар мослаң үзига.
Масалан, ит — вафо, демишилар, ҳайхот,
Ит әгалари буни тұқиганлар заб.
Бирорлар итидан бұлғыл әхтиёт,
Үзингники бұлса бошқа гап...

ИНСОН МАНЗАРАСИ

Баъзан ўйлаб деймаи, не бўларди тар
Құдратин кўргазса табиат ҳассос.
Ва инсон сувратин унинг муқаррар
Феълу авторига айлаб қўйса мос.

Бунёд бўлар эди ажид бир ҳолат,
Не-не инсонларниң абаे ор, шарми.
Намоён бўларди аввал хушомад.
Эмаклаб юрарди бу қавмнинг бари.

Бешак яшишарди турфа қилмиши
Издиҳом ичида бадкор мунофиқ,
Таниб бўлмас эди лекин юришин,
Яъни, ўз феълига мос ва мувофиқ.

Қанчалар ранг-баранг инсон ҳаётси,
Бари очиқ-ойдин шундоқ түрарди.
Оғти осмонда иғвогар зоти
Лайри тили билан изгиб юрарди.

Ҳа, магар чеврилса олам шу тахлит,
Имон келтириардим бир ҳолга бешак:
Оғти заминга қадаган событ,
Комил Инсон зоти не чоғлик юксак.

Фақат у мавжудки, олам файзиёб,
Фақат инсонликка унинг ҳаққи бор.
Үстивор инсонлар, сиз ичог ишб,
Сизни утратган қалб ичог бахтиёр...

ҚҰРИҚХОНА

Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,
Асраймиз ҳайвонлар камәб зотини,
Хатто атрофларин ўраб атайин
Қуриқхона деймиз сұнгра отини.

Саёқ овчиларга уён йұл бұлсин.
Жарима соламиз, қамаймиз ҳатто.
То у жонзодларни тинчига құйсін,
Қирилиб битмасин тирик дүнө то.

Мунис мавжудотга меҳру шафқат бу,
Бу инсон қалбіда балқан ҳамият.
То яшар қайдадир бу янглиғ түйғу,
Ҳар нечук қирилиб кетмас табиат.

Оlamda құп нарса камәб бир қадар,
Не-не түйгулар ҳам камәбдір, алқол,
Мен дердім соғ қалбни учратған сафар,
Дархол ураб олинг атрофин, дархол.

Инсоғ йүқолмасин, үранг мустаҳкам,
То уни юзсизлик этмасин хароб.
Эзгуликни асранг, оламда у ҳам
Тождор турна каби бұлмасин камәб.

Оқибатни асранг, оқибат гүе.
Айиқдай қайдадир толмасин завол.
Ҳаёни асрангиз, күймасин ҳаё,
Оташға дүч келған полопон мисол.

Имонни асрангиз, у доим танқо,
Үпладир мужассам инсон матлаби,
Авлодлар ахтарыб юрмасынлар то,
Уни аллақандай Қор одам каби.

Вижданни асрангиз, ҳар недан ортиқ,
Ягона заминни асрагансимон.
Боболардан қолган ноөб бу тортиқ
Токи авлодларга етолсин омон.

Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир,
Булбулни бойқунга топширманг зинҳор.
Худбин ва дилозор кимсанинг ахир
Оғзи қон йиртқигчдан қандай фарқи бор?!

Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун,
Адолат борлиқда ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун
Ёвузындан зада Қўриқхонадир.

ДҮСТЛАРИМГА АЙТГАНИМ

Дүниёда күп нарса унугтилади:
Қашшоқлик, мартаба, қувонч, қайгулар.
Унугтилиб борар мұхаббат дарди,
Унугтилар йиллар, йұллар, түйгүлар.

Қырқ йиллик адөват унугтилар секин,
Унугтилар ҳатто юракдаги дарз.
Яхшиларнинг меҳри унугтилмас лекин,
Унугтилмас улар олдидаги қарз.

УЧИНЧИ ОДАМ

Инсонлар бир-бирин юрса ардоқлаб
Үргада восита асли зиёда.
Хар икки одамни тургувчи болграб
Учинчи Одам бор лекин дунёда.

Учинчи Одам бу — үзи бир хилқат,
Үшадир дунёга илк құйған қадам.
Икковлон үлжани келтирған фурсат,
Үчоққа үт өңған учинчи Одам.

Пайғамбар шаклида у соғиб құтқы
Бандага худони далолат этган.
Не үжар шоҳлардан әлти бўлиб у
Ғоҳо бош келтирған, гоҳ боши кетган.

Муҳаббат бобида у-ку бир маҳрам,
Унингиз висол ҳам йўқдир аслида.
Шоирингт ёр учун биттан сатрин ҳам,
Ёд олган үшадир — шеърхон шаклида.

Унинг бир унвони — ҳакамдир азал,
Шунчалар мұхтарам учинчи бу зот.
Токи бу оламда меҳр нотугал,
Мен фақат үшандан құрқаман, ҳайҳот!

Ахир у эмасми дўстни ғаниму
Ғанимни дўст қилиб қўйгувчи одам,
Магар у бешафқат бошлиса гулу
Дунёга гавғолар солгай чинакам.

Рўёни рост деса, миттини кабир,
Жанубни Шарқ деса айлаб имолар.
Қуфрли дунёда оз эмас ахир
Ўшанинг измидан юрган сиймолар.

Учинчи бу одам тирикдир токи,
Дүнөнинг чайқалиб түрмоги аён.
Сергалва асрда бу зот ҳаттоки,
Салтанат шаклида бўлур намоён.

Оlamда, аслида, бордир дўст ва ёв!
Орзум шул: покиза кўрсам вижданни.
Кимсанинг номидан кимсага бирор
Сотиб юбормаса, дейман, имонни.

Қўлларим қўксимда, бетинч, бетоқат,
Таъзимлар қитурман сенга ушибу дам.
У — менми, у — сенми, ким бўлма, фақат,
Сенга инсоф берсин, учинги Одам!

И Л Т И М О С

Сенга балки аён, балки ноаён
Бир ҳаёт ҳадисин айлайин баён.
Майлар, сувлар кечгин, майлар, ўтда ён,
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.

Саргардон, йўлларда қолсанг ҳамки оч,
Сабру қаноатни қылгил бошга тож,
Нотанти йўлдошга бўлма ҳеч муҳтож,
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.

Таънадир дунёда ёмондан ёмон,
Нон бериб рангингни этгайдир сомон.
Ақлинг бутун бўлса, тўрт мұчанг омон,
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.

Бўри эмас дейсан одам одамга,
Кўзинг каттароқ оч, боққил оламга.
Бирор отамга дер, бирор онамга,
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.

-
Саховат аҳлига гарчи юз бурдим,
Гоҳи дам ҳайратда лол қотиб турдим.
Норнинг ит олдида чўкканин кўрдим,
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.

Оҳ, дўстим, демагил қайдан бу туйгу,
Шеърим сен учун ҳам бўлолсин кўзгу.
Менинг бир жайдари фалсафамдир шу:
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.

ДУНЁНИ ҚИЗГАНМА

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Мен сенинг күчанғдан ўтмасман зинҳор.
Менинг бу оламда ўз айттар сұзим
Ва ўзим сигинар мозорларим бор.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Сен ичган булоқдан ичмасман асло.
Сен юрган тогларда қолмагай изим,
Сен кечтан дарёдан кечмасман асло.

Дунёни қизғанма мендан, азизим,
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сұроқ,
Мен ўзга манзилга тикканман құзим,
Ү сенинг күлбанғдан жуда ҳам йироқ.

БОБО ВА НАБИРА

Пимилаб боради йўлда мўйсафид,
Ўттан асрларнинг хаёли боцда.
Ёнида типирлар набираси хит,
Қўйвореа етгудай шахди қуёшга!

Чол-чи, тутмиш упинг қўлидан маҳкам,
Набира кўзида андишаю зор.
Ота, набирангни озод қўй бир дам,
У ҳали узоққа кетмоги даркор.

У ҳали номингни қўксига жойлаб,
Самолар қўйнида ургусидир барқ.
Уни қадамингта ташлама бойлаб,
Қўйвор набирангни, отажоним, Шарқ...

И Ш О И Ч

Табиат, ишончдан айирма сира,
Айирма, учмасин дилдаи шукухинг.
Бенишон йўқолиб кетгандан қўра,
Яхши-ку, тентираб юрса гар руҳинг.

Тимқора осмонга ой чиқса дилбар,
Заминга тўқилса нури сар-сари.
Булутлар ортидан боқолсанг агар,
Абадий йўқликтан афзал-ку бари.

Сен юрган бояларни бахтга тўғдириб,
Сайр этса шомларда дўст ила ёрон.
Уларни ўргулсанг шаббода бўлиб,
Ахир бу толенинг нимаси ёмон.

Бир куни фарзандинг ўксик дилида
Ўйғонса гамларии енгтан муҳаббат.
Капалак мисоли учиб йўлида,
Сени уни қутласанг, ахир бу не бахт.

Ғамгин ва беиқбол ғринг оҳ уриб,
Болишга бош қўяр, қўз ёши тахир.
Сен унинг тушига бисидирмай қириб
Тасалло беролсанг, саодат ахир.

Сен-ки, хор вужудни бир кун, табиат,
Юлқиб оларкансан дилбар ҳаётдан,
Мени шу ишончдан айирма фақат,
Айирма сен мени шул бир бисотдан.

* * *

Умр қисқа эди,
Қисқартырдың яна.
Озгина баҳтни ҳам бұлиб ташладик.
Күлфат оқибатда қылды тантана,
Шундагина күзни өшладик.
Жаҳлдор табиат әнди юз үтири.
Боқмади, чопсаң ҳам йиглаб ортидан.
Тирик от үрнига ёғоч отни берди,
Үйни эса берди ернинг остидан.

Мұаллақ ғаыларни сүйлама менге,
Энди мен ер узра тонғанман құним.
Инсон деб фалакқа ҳайқирмоқ нега.
Инсон әннингда-ку, у менинг құшним.

Иқбол деб беҳуда чекасан ёху,
Оқинг бу — фолбиппинң даражаларидір.
Асрим, асрим дейсан, асриң нима у!
У — тұзғоқ календарь варақдаридір.

Богингда бир ниҳол гүллабди бу кеч.
Эрта қийтес бұлар олма на пармоп.
Илк баҳор захрини үйладынмы ҳеч,
Замиңда не армоп, сезда не армоп.

Бир вақтлар итхомнинг ўтли тигида,
Фалакни құзларды менинг ҳам созим.
Лекин иккі дарә оралигида,
Қолиб кетди менинг ўша овозим.

ШОИР УМРИ

Дарахтни ҳамиша ўрайди шамол,
Шоирни ташвишлар чулгар ҳамиша.
Сен шоир умрини дема безавол,
Унинг ҳам ҳар они ташвишга пеша.

Қара-я, ўтибди қирқ йил муттасил,
Яшабман юлдузлар остида караҳт.
Оҳ, шоир умрига ҳавас қилмагил,
Ү қуон ичида унган бир дарахт.

ХАЙРЛАШУВ

Хайр, эй, беармон кезган қирларим,
Хайр, эй, йироқда қочган сұқмоқтар.
Хайр, эй, масканим — туқдан ерларим,
Хайр, эй, саҳролар, хайр, эй, тоғлар,
Энди сизни қайта құча билмасман,
Инжә дийдорингиз энди үзгадир.
Шамоллар, сиз билан уча билмасман,
Чечаклар, энди сиз меніңга бекадр.
Ошын кейнгилегерге таштаб жим назар,
Тирқираб келади күзларимдан ёши.
Шамоллар ҳолимдан олғандай хабар,
Бир лаңза теншамда тингаңдай қуёш,
Улардан ногаңон тинглайман хитоб:
— Шоирим, сен қайта қайтмоқ бұлибсан?
Кім сени бадарга қолмиш, бер жавоб;
Сен нечун альвидо айтмоқ бұлибсан?
Олтін болалигиг үтгап түпроқда
Нақот топылмаса сенға бир мадад?
Нақот онанг рухи қолмиш йироқда,
Нақот боболаринг құлламас минбаъд?
Гұзал бу дүнега келиб кетмоқтык,
Нақотки шүнча жүн, шүнчалар осоп?!

Юлдузлар шивирлар, диллари дөглик:
— Ё үзга сир борми? Айттыл, қадрдон!
Қырқ құзғу келади қаршимға бот-бот.
Дилбар құнларимни бир-бир илгайман,
Миесли оинага боққандай Фарҳод.
Эңди қайтиб келмас у дамлар сира,
Шул сабаб дилда гам, құзларимда ёши,
Қолди қайлардадир өштік — бокира
Құдуқ тұбларига чүккандай қуёши.
Мен құрап әндиги бу гұзал олам,
Сирли у дамларнинг мавхұм сояси.
Шул сабаб қалбимни үртайди алам,
Шул сабаб ғамимшінг йұқ ниҳояси.
Хаяжон бу — ұлим, күлфатдир — құшиқ.
Қылт этган шамолдан титрамас юрак.

Үнга энди на дард, на қувонч, на ишқ,
Балким түнгіб қолган бир ором керак.
Бир ҳовуң құл әмиш оташ қысмати,
Мен ҳам ғана-ғана тиңдім ногақон.
Әнди тиссларимда видо ҳасрати,
Әнди құхларимга тийрадир жақон.
Олам тин олади, тинурман мен ҳам,
Әнди у сирларин сүйлемас ортиқ.
Фақат деразамда бир қүшча бегам
Менга құшиқларин этади тортиқ.
Хаёт деб атаптан хуш тиляқ билан
Кечалар беҳудуд үйга толурман.
Тош қотган, ногирон шу юрак билан
Мүйсафид қүёшни қарши олурман.

ҚИРҚ ЁШ

Қирқ ёш ҳам келди-ю, құлымдан тутди.
Борман на әртакда, на афсонада.
Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди,
Ярми эса ўтди беморхонада.
Шу мўъжаз уйимда ёисин деб чироқ,
Не азиз зотларга ёndoшдим гоҳи.
Бирини ака дедим, бирини ўртоқ,
Баъзан ном чиқардим: даврон маддоҳи!
Ким алам чекмабди умрида бир бор —
У мени англамас, англамас асло!
Ким ҳаққа ташнадир, ким меҳрга зор,
Мен унга умримни этгумдир фидо.
Минг бора розиман она юртимдан,
Кўрди у эркалик чоғларимни ҳам.
Кимдир тош отса ҳам гоҳо ортимдан
Қошимда бош эгди келиб сўнгги дам.
Қирқ йиллик умримнинг энг авж палласи
Келажак кунларга мунглиг қарайман.
Уқажон, навбатинг етди чамаси,
Энди мен сафларга қандай ярайман?!
Бир вағтлар жўр бўлиб ўтли ёшликка
Юрадим ҳеч сўнмас тилагим билан.
Бугун-чи, дардлашиб турибман якка
Шу мажруҳ, шу хаста юрагим билан.
Афросиёб каби вайрондир дилим,
Чўнг ларза юз берди унда ногаҳон,
Оҳ, фақат кўмилиб кетмасин йўлим,
Фақат ўтиб турсин кўчамдан замон!

ДҮНӨ ИШЛАРИ

Дүнөдан розиман дема, ҳеч қапон,
Десанг ҳам, сүйлагыл саҳрода, тоққа.
Чунки сени тинглаб, кимдир ўша он.
Нега, розисан, деб туттай сўроққа.

Дунёдан норизо бўлсанг ҳам агар,
Сўз дема, бардош қил изоб, фироққа.
Чунки, сени тинглаб, кимлардир баттар.
Нега, деб албатта туттай сўроққа.

Дунё ишларига боқма ҳеч ҳайрон,
Жимгина назар сол қўхна бу корга.
Олис кечалари ёлгиз қолган он.
Дилингни оч фақат парвардигорга.

ҲАЙРОНЛИК

Чиндан галат эрур дунე ишлари,
Миянг говлаб кетар ўйлаган сари.
Диёнат, хиёнат аралаш бари,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

Күрдик инсон феълин ўру қирини,
Баҳам қўришарлар аввал сирини.
Сўнгра нимта қилар бири бирини,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

Гоҳо сендан азиз остингда отинг,
Гоҳ бир галамусга боғлиқ ҳаётинг,
Яхшиям қаторда бордир баётинг,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

Сен дейсан, дилим пок, рашқдан йироқман,
Сен ундинг, мен эса ҳануз тупроқман.
Йўқ, дўстим, мен сендан бечорароқман,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

Не қиласай: ёмонга ўқийми лаънат,
Ё шодон қўшиқлар айтайин фақат.
Бирорда меҳр мўл, бирорда нафрат,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

Ҳар қалай баҳтлимиз — тирикмиз магар,
Қолған гаилтар эса ўтарда — кетар.
Бамисли карнайга ишқи тушган кар,
Боқиб бу савдога, ҳайрон ўтдик биз.

С А В О Б

Авжы саратонда ҳансираб, ёниб,
Қоврилиб оловли йўллар тафтида.
Муздайин булоқдан сув ичгач қониб,
Ҳордиқ олганмисан чинор тагида.

Рұхингда сафо-ю танингда мадор
Умидбаш құышықтар күйлаганмисан?
Ўша пайт, ўша он ҳеч қурса бир бор
Чииорни ким эккан — ўйлаганмисан?

Рұбарұ келдинг сен тошқин дарёга,
Қолдинг соҳил узра чорасиз, гирён,
Лекин йўлиққандай ажиб рўёга
Қаршингда бир қўпrik бўлди намоён.

Бамисли узала тушган хор вужуд,
Қутаргай у турфа инсонлар корин.
Ўтдинг сен дарёдан саломат ва бут,
Лекин ўйладингми қўпrik меъморин.

Ўрмонлар бағрида сайр этган сайёх,
Чангалзор қўйнида саргардон овчи,
Мұжаз бошпанани кўрдингми ногоҳ,
Уни қолдирмишдир қайбир йўловчи.

Қолдирмиш у сенга қаро қун учун,
Бир чимдим туз билан бир жуфт чақмоқ тош.
Ўйлаб кўрганмисан, бу ҳиммат нечун,
Ўйлаб кўрганмисан, кимдир у ғамдош?

Ҳа, Инсон умрининг кечмиши ажаб,
Гоҳ тўнгар, гоҳ у яшнар қулф уриб...
О, балки бир фидойи сабаб,
Юрибсан сен ҳаёт нашъасин суриб.

Айт, ахир ўзинг ҳам то борсан событ
Кимсага насиба узатганмисан?

Күчангдан лапанглаб ўтганда тобут
Сен уни тұрт қадам құзатғаимисан?

Чорасиз бир инсон утраган дамда
Үнсиз сұрғига қылдингми жавоб.
Лайт-чи, билармисан, өргүг оламда
Бүларнинг барчаси аталгай: савоб.

Йүқ, йүқ, үзга әрүр бидъят ва қарам,
Химмату саховат тирикларга хос.
Боболар бетаъма қурған дунә ҳам,
Асли савоб үтүи қолған бир мерос.

Кимдир тузар уни, кимдир бузади,
Кимдир борини ҳам қылади барбод.
Кимдир таъма билан дунә кезади,
Кимдир ўксук дилни этади обод.

Савоб деб инграйди дунёмиз беҳол,
Зордир у најкотбахш ҳислар сеҳрига.
Жаңгларда толиққан мажрух зот мисол,
Суяниб яшар у инсон меҳрига.

То ҳаёт экансан савобға зормиз,
Йылт этган шұылтадан диллар файзиәб.
Гоҳ ғамгин, гоҳ әса умидға ёрмиз,
Йүқолмаса деймиз дунёдан савоб.

Ахир унинг билан гуллагай очун,
Ахир унинг билан умрлар шоён.
Фақат савоб борки жаҳон бүс-бутун,
Фақат савоб борки, азиздир Иисон!

АРСЛОН ЧОРЛАГАНДИ...

Эркин ВОХШДОВГА

Биз ҳам юксакларга тиккандик күзни,
Бизда ҳам бор эди матонат, бардош.
Арслон чорлаганди қошига бизни,
Лекин қумурсқалар бўлди сафардош.

Жамъи тирикликка таниш шу хатар,
Кумурсқа яралган ёппа таларга.
Дустим, алам қилас, арслон бехабар,
Ем бўлиб кетсак бу қумурсқаларга.

* * *

Сен узоқ яшайсан,
Хаммадан зиёд.
Хали тойчоқтаринг ўйнаб юрибди.
Мени-чи, шум ажал эшикда ҳайҳот.
Эгарланган отдай кутиб турибди.

Сен балки баҳтлисан,
Умрингда кўклам,
Тунлар ранг олади ҳали сочингдан.
Мен-чи, назарингда ёвқур бўлсам ҳам
Бир қуида тўрт фасл кечар бошимдан.

Юз йил яшиаб ўтар дунёдан бирор,
Фурсат манглайига сололмас излар.
Йўқ, йўқ, йиллар эмас умрга эгов,
Уни емиради беомон ҳислар...

БАҲОР ТИЛАКЛАРИ

Нечун күклам мадҳи тушмас газаңдан,
Шоирлар баҳорни күйлар азалдан?

Ошиқлар зангори кенгеликка бокиб,
Құшиқлар айтади бағрини ёқиб,

Табаррук чолларнинг чаккасида гул,
Момолар уйда баҳордир нуқул.

Бир лаҳза яшарар қарри құргонлар,
Ажыб дилбар бўлиб қолар инсонлар.

Ха, баҳор мисраси менда ҳам талай,
Бу ҳолнинг боиси бордир ҳарқалай.

Азизим, гүйчага назар сол бир он,
Бағрида ҳозирча турфа ҳол пиҳон.

Ранглар яшар үнда балки пушти, оқ,
Ажаб, тикони ҳам ҳозирча юмшоқ.

Тонғ чоги шаббода күтаради бош,
Оҳ, нечоғ латифу исчоглик ёввош.

Асли қаҳрамоннинг набираси у,
Нашғыу намолари ҳозирча әзгу.

Инсон феъли қизиқ, яшагай ҳуркиб,
Шерваччани силаб, шердан-чи құрқиб.

Баҳор норасида гўдақдек шириң,
Қўйнида әзгулик армон яшириң.

Наштар бўлмасидан гүнчанинг хори,
Шириң туюлади унинг дийдори.

Бүрөнгө айланмай шаббода — гұдак,
Озурда дилларни яйратар бешак.

Одам боласига доим умид ёр,
Шул сабаб баҳорга тилаги бисер:

Оlamга қабоҳат заҳрин сочмаса,
Масъум юракларда яра очмаса.

Қопламаса басдир еру самони,
Мудхиш қирғинларнинг қора түзони.

Б О Б У Р

Мен-ку оддий одам,
Шундоқ бұлса ҳам,
Шукур, бас, деганча ганимларим бор.
Шарт әмас уларға таъриф чинакам.
Бири жүнүнсифат, бироры ҳушер.

Бирорига ёқмас жиндең жүръатим,
Бирорига ёқмас мен юрган йұлак.
Ногох бирор жойда чиқса сувратим.
Бири ухтай олмай қийиалса керак.

Биз шундай ұтамиз,
Яъни қун құриб...
Майдагина күчсиз, майдагина зұр.
Хаёттинг мана шу буржидан туриб
Мен Сизни үйладым ҳазрати Бобур.

Сиз — зобит, дастани үзгап дүнёға
Сиз — шоир, мангу бир аланға ёққан.
Наинки бандалар, Сизнинг сиймога
Не-не салтанаттар кек билан боққан.

Баҳодирлик итре ёр Сизга Ҳұмой
Сиз улуг зотларнинг изии бостан эр.
Назмий саждағоҳда Сизга, ҳойнаҳой.
Имомликка үтгай фақат Алишер.

Ҳа, өлгиз шеър қолди, бошқаси, аbas,
Етти иқтим аро достон нақтингиз.
Не баҳт, парчин бўлиб тоҳ деган қафас,
Бизга етиб келди олмос ақтингиз.

Айтинг, не топдингиз Сиз кезиб дунё,
Ҳануз боқишаарлар шўришга тўлиб.
Шоирсанз, яхшиси қолингиз Мирзо,
Мушфиқ юртингизда бир шоир бўлиб.

БИР СИРКИ...

Дедингки, мумкинмас сенга ҳаяжон,
Күлфатдан йироқ юр, май ҳам шарт әмас.
Магар ер юзини босса ҳам тұғон
Сенинг тұпигиніңта чиқмаса, шу бас!

Ҳа, дұстим, ҳаяжон әнді мұваққат.
Шодапту ғамни ҳам төттәнман бир оз.
Тұғон босғанда ҳам ер юзин, фақат,
Құтилиб қоларди үрдак ёки гоз.

Лекин огоҳ этай сени бир сирдан,
Балқи, таниш сенга бу ҳолнинг фоли.
Айт-чи, қай ахволға тушарднің, бирдан
Елқанғда үрмалаб қолса чумоли.

О, кибор туйғулар, әзгулик, виждон...
Булар ҳаётдаги мавжуд бир ишдір.
Үзингни осмонда санама, Инсон,
Сени енгадиган... майды ташвищір.

ДҮСТИМ МУРОД ҲАМРОЕВ ХОТИРАСИГА

Мен қўриб турибман,
Ер осмон парчин.
Фарзандинг фигони қўкларга ўрлар.
Бир ёнда ўзбеклар эгиби бошин,
Бир ёнда болам деб йиглар уйгурлар.
Нима қилиб қўйдинг,
О, дўстим Мурод,
Наҳот ўлимда ҳам сен бўлдинг пеша.
У аҳду паймонлар бўлди-ку барбод,
Якка ов қиларкан ажал ҳамиша.
Минглаб йил ўтса ҳам осмон қаърида
Туқнашмас фалакнинг икки тўзони,
Не баҳтким, Ўзбекнинг мунис багрида
Менга дўст бўлгандинг, уйғур ўғлони.

Нега яхшиларга нотанти ҳаёт,
Нега ганим қолиб, дўст кетар нега?!
Улут олим эдинг, ўзинг айт, Мурод,
Табиат ишига бормикан эга?!
Нетай, жанозангга кечикдим ўзим,
Ногоҳ бу зарбадан қолдим довдираб.
Кимга хитоб айлай, Мурод, азизим,
Боқурман қабрингта энди жовдираб.

СҮНГИ УРУШ

...*Наҳотки, инсоният ўз қашғын билан
үзини ўзи вайрон этади.
Жаңохарлағыл НЕРУ.*

Бир қадам қўйсанг бас — нарғети ўлим,
Бир қадам қўйсанг бас — шаксиз ҳалокат.
Одамзод бошида турибди шу зум
Қазоий муаллақ, мудҳиш фалокат.

Әнтикиб кетади ногоҳ юрагим,
Маңгъум бу сўзларни тинглаганим дам.
Бутун фақат тошлар бефарқидир балким,
Бутун балқи фақат бўлутлар бегам.

Асрлар сўнгида яралган инсон
Наҳот энди ўзин айласа барбод,
Наҳот охиратга юз бурса жаҳон,
Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот?

Навоий абасдир, Пушкин ҳам абас,
Рим йўқ, Самарқанд йўқ, даҳшат, алҳазар!
Мозийдан бирор ном қослармиди, бас,
Келажакнинг ўзи бўлмаса магар.

О, одам. Таигрига топиндинг нечун,
Айт, у ярадими бирор бир корга!
Фаллоҳ манглайидан ўқ сайди бутун,
Сигиниб турган чоғ парвардигорга.

Йўқ, бу иок диллардан йироқ маломат,
Бу — бани одамга кўргулик, шўриш.
Бу — шўрлик заминга чаңг солган офрат,
Бу — дўзах, бу — ўлим, бу — сўнгги уруш.

Алҳазар, оламда наинки одам,
Ҳаётнинг ўзи ҳам кирса қабрга.
Коинот қаърида заминдан у дам
Наҳот эшишилса сўнгги қасирга.

Наҳотки, тангри ҳам, иблик ҳам күр-кар,
Осий банда билан кетса жонжалак.
Айт-чи, событ қүчинг бор бўлса магар,
Бизни не муродда яратдинг, фалак?!

Бу бари — аеримиз қашф этган бало,
Бу — ёвуз сармоя, ҳамиша басир.
Бошимиз устида турибди гўё,
Бир соч толасига боғланган шамшир.

Уммои ортидаги митти қиз Смит
Жаҳон тақдиди деб жар солар бу чоқ.
Ҳайҳот, ўшал жойда қайсирид палид
Унинг қисматига қайрайди пичоқ.

Мунис Ўзбекимнинг осойиш чогин,
Кўйламоқ менга ҳам баҳтдир безавол.
Қурашларда ўтган фарзандлар додин
Унутмоқни лекин ким қилас ҳаёл.

Ҳар ким она дейди мушфиқ ерини,
Оҳ, не гам, онани кулфатда кўриш.
Майли, шоир ёзсин сўнгти шеърини,
Фақат бўлмаса бас сўнгти бу уруш!

КУЗ МАНЗАРАЛARI

Яна даалаларга бошлайди ҳавас,
Боғларда ҳаёнлар ёнади лов-лов.
Дўстларим, бу кузнинг барглари эмас,
Менинг юрагимдан тўкилган олов.

Шоҳларда мезонлар ялтирап хира,
Пойида шивирлар менинг кўйларим.
Дўстларим, булар ҳам, мезонмас сира,
Бу менингчувалган, сўнгсиз ўйларим.

Қуёш ҳам фалакда бамисли рӯё,
У энди ёндирилас, ялтирап фақат.
Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло,
У олис ёшликда қолган муҳаббат.

ҚОНУНИЯТ

Оқшом бароқ мүшүк лабини ялаб
Үйкүга кетади сиңғонни үйлаб,
Сассиз қанот қоқар бойқыш тунлари,
Эс-хүшида фақат қүшнинг инлари.
Тулки тұқайларда изгийди гирән,
Хаёлида унинг товуқ ё қүен.
Бургут юксакларда қанот қоқади,
У ҳам үлжа излаб тубан боқади.
Бұ-ку табиатда қонундир азал,
Фойдасиз бу ерда ахтарсанг масал.
Лекин оламда бор үзга бир ҳолат,
Уни шарқ этолмас ҳеч кимса, ҳеч вақт.
Ох, фақат одамзод — фарзанди башар,
Бир-бірин мағәв этиш қасидада яшар.

* * *

Бахтиёр ҳар дилга ошно топилгай,
Гүссали юракка лекин йүк ҳамдам.
Дүстлар эшиги ҳам тақ-тақ ёпилгай
Гүссали қалб у ён гар қўйса қадам,
Хоргин бир йўлчингман, дарвозангни оч,
Бошлиб келди дема кулфат, қайгуни.
Ногоҳ қўзларимда қўрсанг қатра ёш,
Согинч ёшлари деб қабул эт уни.

* * *

Дунё бир гулзордир қенг ва бетимсол,
Юлдузлар гунчадир унинг учидা.
Қўғирчоқ ичида қўғирчоқ мисол,
Гуллар ўстирамиз хона ичида.

Дунё бир боладир, шўх ва бетимсол,
Унинг ахтаргани шодлик ва қулгу.
Қўғирчоқ ичида қўғирчоқ мисол,
Унга эрмак бўлиб қолмасак бўлди.

Туш кўрдим,
 Тушимда бир денгиз эмиш,
 Тўлқинлар сағчирмиш мовий осмонга.
 Манзил йироқ эмиш,
 Уфқ сўнгсиз эмиш,
 Бир кема борармиш ўша томонга.
 Унинг саҳнасида жами дуст-ёрон,
 Умрлик дўстларни кўрган эмишман.
 Жаннат хаёлидай даврада шодон,
 Мен ҳам қаҳ-қаҳ уриб турган эмишман.
 Кема бир соҳилга етгани маҳал
 Мени йўл азоби қўймиш толдириб.
 Кема жўнаб кетмиш йўлида жадал,
 Кема жўнаб кетмиш мени қолдириб.
 Мен унинг ортидан югурдим гирён,
 Ногоҳ айрилиқдан қўзларим ёшлаб.
 Нега сен қоронгу ёқларга томон
 Менинг дўстларимни кетдинг, деб, — бошлаб.
 Танҳо ётар эдим бўм-бўш қирғоқда,
 Теппамда юлдузлар чекар эди оҳ.
 Кема қўздан гойиб бўлгани чоғда
 Атчиқ йигладим-у уйгоңдим ногоҳ.
 Бу бир туш-ку ахир, шунчаки рӯё,
 Тасалли берардим дилга шу замон.
 Бу бир туш-ку, ахир бошқа-ку дунё,
 Лекин туш дердиму йиглардим ҳамон.
 Алам қилмас менга кемадан қолмоқ,
 Уйқу-ку сўнгига бориб етганди.
 Мен-ку бир манзилга тушгандим, бироқ
 Кема дўстларимни олиб кетгаңди.

ИШОНЧ КҮПРИКЛАРИ

Юздан парда кетса,
Дилдан диёнат,
Мехр риштлари зимдан узилса:
Юракларни босса шубҳа, хиёнат,
Ишоғың күпприклари бузилса:

Етимлар ҳаққидан құрқмаса бирор,
Сүкмоққа айланиб кетсалар йұллар;
Қиблагоҳлар осий, туғишиғанлар ёв,
Ғазналарга ұзилса құллар;

Болалар руҳига ҳаёт деган дарс
Манманлық уругини жойласа;
Ошиқлар құчада маъшуқасин әмас,
Кимнингдир қадамин пойласа;

Элнинг шоирлари ғаним зотлар қаби
Бир-бирларин гажиб-есалар;
Минбарларга чиқса құча-құйнинг гапи,
Андишани құрқоқ десалар...

Бундай юртда әнди қирғин шарт әмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа:
Хатто дарёлари қурир басма-бас,
Хатто тупроқлари тушар титроққа.

Халқым бундайларни құргансан азал,
Күп чеккансан улар озорин, дөгін,
Сен енғиб үтгансан, лекин ҳар маҳал,
Халқым, топинаман ұзингта тағин.

Нимадандир ғашдирил күнгиллар,
Тиканакка бурканмиш гуллар.
Боққа ногоҳ адашиб кирсанг,
Ғазаб билан сайрап булбуллар.

Қонга тўлмиш Миррихнинг кўзи,
Уммонларнинг сачрайди тузи.
Аллақачон бол томмас тилдан,
Шоирларнинг заққумдир сўзи.

Йўлга боқсанг иўрингайдир жар,
Гўдакларнинг тушида аждар.
Туни бўйи йигитлар бедор,
Ёстиқларин тагида ханжар.

Билиб бўлмас — кимда бор имон,
Олаговур маҳшардир замои,
Не қиласарин билмай ҳайратда
Денгиз каби қалқир оломон.

Хабар бордир на дуст, на ёрдан,
На дўсту ёр, балки, диёрдан.
Ёлгиз Ҳазрат меҳроб қошида
Мадад тиласар парвардигордан.

УСТОЗЛАРИМ

Марҳум устозларим —
Аҳли шуаро,
Руҳимнинг оҳанги — сурудидасиз.
Бирингиз китоблар багридасиз жо,
Бирингиз Чигатой ҳудудидасиз.

Неларни кўрдингиз?
Олдда нелар бор?
Менга очмадингиз дилларингизни.
Энди мен англадим, Сиз чору ичор
Ўтибсиз у шонли йўлларингизни...

Ҳасаду хусумат
Эзмасин нечоқ,
Сиз шеърдан олибсиз аламни доим.
Олис кечаларда айлабсиз чароқ
Кўйиб қўмир бўлган қаламни доим.

Бахтиёр қунларни кўйла, деган он,
Шиорлар битибсиз қонингиз билан.
Ўзи йўқ қўргонга бўлибсиз қалқон,
Соддадил фидойи жонингиз билан.

Номард бу дунёning кирдикорлари
Яхшиидир, ёмонидир — ишингиздадир.
Армонлар, узрлар кетдилар бари,
Кетдингиз — дардингиз ичингиздадир.

Марҳум устозларим,
Раҳматли зотлар.
Энди сиз тинч ётинг маконингизда.
Ўқинманн маломат қиссалар агар,
Абадий бардош бор имконингизда.

Дунёда диёнат ҳали мавжудлар
 Ҳали мард йигитлар яшаб юриди.
 Оналар оқ сути ҳамон оқ сутдир
 Қуёш ҳам фалакда порлаб туриди.
 Ҳали қай дилларда яшар тангри ҳам,
 Ҳали афсоналар улиб кетмаган.
 Ҳали соғ түйгулар топмаган барҳам,
 Инсон орзусига ҳали етмаган.

ЮЛДУЗ ҚАЗОСИ

Қазо қылди күкда бир юлдуз,
 Коинотда аза очилди.
 Ұзоқ-үзоқ дунёларнинг ўз —
 Таъзия тошлари сочилиди.

Қора кийди бир нафас қуёш,
 Мунгайганча Ой қалтиради.
 Зухра юлдуз беролмай бардош
 Кўзларида ёш ялтиради.

Улар кимга дилларин ёратар,
 Чексиз зулмат ўнгу сўлида.
 Тобутни жим қўтариб борар
 Еуж бўлганча Сомон йўлида...

ГИНА

Пайти келди, бир галимни энди айтайнин,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.
Аввал ичган қасамимдан энди қайтайнин,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Қадамингни боса күрма, ёвуз бу тунроқ,
Чумолининг танига ҳам солгайдир титроқ.
Юраклари муз бўлса ҳам муз егай бироқ,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Ақча берсанг, оғтингни ялайди булар,
Рост гаи ёқмас, ёлгонларни қалайди булар,
Бўш келганда подшосини талайди булар,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Анқайганда қоқиб олар ҳатто тишиигни,
Бузиб берар битиб турган осон ишиигни,
Пайтин пойлаб ўз-ўзингта урар нишингни,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Бир замонлар бу юргда ҳам худо бор бўлган,
Биби Марям, ҳазрат Исо руҳи ёр бўлган,
Пушкиндайин зотни тугиб баҳтиёр бўлган,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Келибдирман-гуноҳкорман ўзим аввало,
Ўз юртидан нари юриш энг катта бало,
Эгаси йўқ ҳар жойда ҳам қўзгалтай вабо,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Улбу шеърни ёзаётган оддий бир жондир,
Оддийгина бир ўзбекдир — фикри гирёндири,
Қолаберса, жумхурият — Ўзбекистондир,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

Сабаб борким, гина қилиб ёздим Московдан,
Ошкоралик шарофати — қўрқмадим говдан,
Дустни қўлла, эҳтиёт бўл ва лекин ёвдан,
Бети қурсин, бу жойларга кела күрма, болам.

БАХТСИЗ ФАРИШТА

Масъум фаришталар —гўдаклар бари
Булутлар устида учиб юрарди.
Жанинатнинг ҳаётбахш шаббодалари
Парқув қанотларин еллиб турарди.
Кунлари кечарди баҳтли ва шодон,
Абадий роҳатга барчаси ноил.
Фақат бир фаришта яшарди нолон,
Фақат бир фаришта қайғуга мойил.
Сира ёзилмасди кўнгил чигитли,
Мунглиг кўзларида дунёвий алам.
Таскии беролмасди беҳиштнинг гули,
Тафтин босолмасди кавсар суви ҳам.
Бир кун сўрадилар: — Маяюссан
нечун?
Ахир сен — бегуноҳ, сен яхлит
савоб!
Болакай фаришта уҳ тортди узун,
Сўнг секин шивирлаб, айлади жавоб:
— Мени ота-онам кетганди ташлаб,
Дўзахда ёнмоқда улар беомон.
Шул сабаб гамгинман, кўзимни ёшлаб.
Уларга тилайман шафқат ва имон.

ВАФО ҚИЛАРМИСАН, БАҲОРИМ

Рұхимда йүқолди қарорим,
Танимда қолмади мадорим.
Бизларни бир йүқтаб келибсан,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Ез ўтди, куз ўтди, қишиңтди,
Бошлардан савдоли иши ўтди.
Юракка изгирин — ниш ўтди,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Ям-яшил қирларни соғиндим,
Чечакзор ерларни соғиндим,
Ү инжак сирларни соғиндим,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Лоланинг лаблари хандадир,
Доги ҳам тубида — андадир.
Ўхшали руҳ ила тандадир,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Интиқмиз дүст билан, ёр билан,
Шеър билан, соз билан — тор билан.
Дийдорлаш бизнингдек хор билан,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Ж А В О Б

Ўзбекларнинг меҳмондустлигини
«пора» дегувчи балыни кимсанларга

Мурувват нелигин билмас меҳмоним,
Қўзи оч, еб тўймас, бекўним гадой.
Пора бўлибдими бир бурда ионим,
Пора бўлибдими бир пиёла чой?

Ҳафталик ёвгонга қаноат қилиб,
Фурурин сақлаган жўжабирдай жон.
Мезбонлик йўригии муқаддас билиб,
Қунишган елкангта ташлабди чопон.

Ўзбекнинг еридан жўнаган неъмат
Сенинг ҳам умрингта етгулик қадар.
Айт, кимининг маҳридир улут бу давлат,
Энди ҳимматимдан қўлдингми ҳазар?

Эгасиз сангиган ҳар дайди жонзот
Бошини силасанг қўлинг тишлайди.
Ногаҳон гингшибсан, инсонсан наҳот,
Муздек юрагингда гараз қишилайди.

Саховат сўзининг маъносин билмай
Меҳмондан минг фарсаҳ қочгувчи бу сен.
Сийлаган кимсани назарга илмай,
Тагин заҳрини ҳам соғгувчи бу — сен.

Тош берса ютувчи эй, нафси ёриқ,
Хайру эҳсонимни майти унугтинг.
Елканг тўй кўрмасин, оғинг чориқ,
Дўстга зор бўлгину бири кам ўтгин.

О, ҳалқум, очиққўл — хотамсан азал,
Атойи худо де майти меҳмонни.
Лекин ионкўлларни учратган маҳал
Оғзига тиқ энди типратиконни.

ЭЪТИҚОД

Шу күннинг ривояти

«Маҳшар яқин қолди,
Қиёмат яқин,
Ота билан ўғил бир-бирига ёв.
Самовот бошида чақса ҳам чақин,
Хеч кимса ҳайқас, қўрқмайди бирор.

Отизда бол каби турган бу тил ҳам
Заҳарга айланган, нишга айланган.
Дилбарлар чашмини куйлаган қалам
Кўзларни ўйишга энди шайлланган.

Ўглим либосимни бурдалаб кеттан,
Тавба, деб ушлашга қолмаган ёқа.
Маломат пичоги суюкка етган,
Қалқонлар тепшилган, отлар бетақа».

Ўт босган қабрнинг тепасида чол
Гарқ бўлиб турарди шундоқ ўйларга.
Дам-бадам ўтмишга элтарди хаёл,
Элтарди курашлар, аза, тўйларга.

Қабрдан бир овоз чиқди-ку шу чоқ,
Ҳазин ва газабинок, дардли, шиддаткор:
«Маҳшар яқин эмас, қиёмат узоқ,
Ҳамма балоларга ўзингсан айбдор.

Ўглингта топилгай қиличу қалқон,
Тақалаб бергайсан бир кун отини.
Лекин ишни бузган сен ўзинг, нодон,
Топтадинг даврлар эътиқодини.

Учиб кетаётги ҳатто қалдирғоч
Борар манзилини фаҳм этар бешак.
Сизлар-чи, бир кун тўқ, бир кун юпун, оч,
Ташвишингиз йўқдир вужуддан бўлак».

Тинди изтиробли қабрнинг саси,
Нима бу? Рўёми? Васвасами? Гумон?
Чол энди, ичига тушиб нафаси
Кетди, уйигамас,райкомга томон.

ТЕМУР БОГЛАРИ

Маглуб бұласанми
ва ёки голиб,
Тарихда қолтайдир оғзинг гарди.
Темурнинг болглари гоҳо йүқолиб,
Гоҳида: — Мен бор, деб зимдан күкарди.
Гарчи Самарқанд бу — аслида меъмор.
Ижоди — Регистон. Шоҳизиндадир.
Лекин, ахли жаҳон, айланғ эътибор:
Темур болглари ҳам ахир, бундадир!
У — Боги беҳишидир, у — Боги шамол,
Барчаси ёдгордир улуг мозийдан.
Авлоҳлар бетиним кўкартди ниҳол.
Болгларин асрари ёвдан, осийдан.
Темурсиз яшайди, мана, Самарқанд,
Лекин чаманлари яшноқдир ҳануз —
Қорасув бўйлари жаннатга монанд,
Порлаб турган чашма минг кўзли юлдуз.
Темурдек зотнинг-ку қайтмоғи гумон,
Лекин не бўлса ҳам изи қолибди.
Қанча чеврилмасин кўхна бу замон,
Боги, иморати, сўзи қолибди.

ҚОР

Бул ажойиб күн әрүрким,
Ялтирап ҳар ёнда қор.
Күкдә офтоб, ерда юлдуз,
Гарчи йұқ осмонда қор.

Бул гаройиб шеър недур деб
Парпирар Юлдуз қизим.
Мен дегайман, боқ, азизим,
Хадраю Дүрмөнда қор.

Еттига тұлмиш, тұқылмиш
Катта қизнинг тишлари.
Оқ садафми ушбу ёнда,
Дур каби дандонда қор.

Сұхбат айлаб турған әрдим
Мен зариф қизчам билан.
Кимдир айди, күп йұтгалманг
Иккингиз, балқонда қор.

Ушбу қорким әрта-индин
Сув бұлар, бустон бұлар.
Сочда құрдим тұртта тола
Бул асл бўстонда қор.

Р У Х И М

Вужуд деганлари асли нимадир?
Дайр денгизида юрган кемадир.

Бир күн бир қояга урилгай кема,
Рұхим, сен вужудниң ғамини ема.

Юксак фазоларда айлагил парвоз,
Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.

Сенга на бүронлар көр қыла отур,
Сени на йүқотиб, бор қыла отур.

Сен мисли камалак — юксак ва сұлмас,
Камалакни эса парчалаб бұлмас.

КУЗ МАНЗАРАСИ

Кечки кузак кирмоқда, нина санчар изгириң,
Деңқон ҳам таштаб кетди қадрдан дағта-қириң.

Хувиллаб қолди мана гавжум боғлар, боғчалар,
Яшил әлларга томон учыб кетди қүшталар.

Кетди қирдан турна ҳам, бұшаб қолди табиат,
Үлік мезонлар кезар совуқ далада фақат.

Қақрабо күз ёш түкиб турар фақат дараҳтлар,
Не қылсын, учай деса, уларда йүқ қанотлар...

Б У К У Н

Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун,
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.

Чехраи заррин сира қўрмакка ҳожат қолмади,
Шамс нарвони уза аг`ёр эрур пайдо бу кун.

Шарҳи дил этмай туриб рад этди ёрим, бўйлаким
Қисмат омин айтди, айтмай зарра бисмилию бу кун.

Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун.

Багри қонлар бирла ёрнинг зарра дарди йўқ, не тонг,
Иблис ила кўкда ҳам машгул эрур Олло бу кун.

Чархи қажрафторнинг шеваси доим шул экан,
Васл уйида гайр эли айлаб юрар ялло бу кун.

Ёр висоли толеингда бўлса, Абдулло, агар
Сенга парво қилсалар ҳам қилмагин парво бу кун.

ЭТГАЛИ

Түлғониб гул очилар, боғларни гулзор этгали,
Бог сари дилдор чиқар, ошиқларин зор этгали.

Бог сари чиқмас эди, чиқди бу күн у қасд ила:
Йұлида муштоқларин ё йұту, ё бор этгали.

Ногақоний саҳни боғдан ҳайқириб чиқди Ҳофиз,
Үл деди, ёйди пари кокилларин дор этгали.

Елбориб гуллар деди: — Кирма бу боққа, эй йигит,
Бунга кирғанлар киурулар, сочини қор этгали.

Не ажаб, майдон топилса мен учун ҳам деб эдим,
Үзға бир дилдор учун арузда бозор этгали.

АЁН БҮЛГАЙ

Агар ёринг хиром этса,
Саболардан аён бүлгай,
Такалтуми чаман берган
Садолардан аён бүлгай.
Агар ёринг қүёш бўлса,
Анга асло боқиб бўлмас.
Камолингми заволинг ё —
Самолардан аён бўлгай.
Агар ёринг ҳусн шоҳи —
Ўтар бўлса шаҳарлардан,
Гузарларда қолиб кетган
Гадолардан аён бўлгай.
Агар ёринг жафокордир,
Жафокор деб отин айтма,
Унинг асли ўзинг чеккан
Жафолардан аён бўлгай.
Агар ёринг садоқат деб
Сенга қўнгил қўяр бўлса,
Кўйиб ағёрларинг, баҳти
Қаролардан аён бўлгай.
Агар ёринг муҳаббатни
Ниҳон сақдар, гумон этма,
У бир ганждири, бироқ ҳадди
Адолардан аён бўлгай.
Агар ёринг бўлиб Ширин,
Агар ўзни десанг Фарҳод,
Қиёсинг чин ва ё лоғдир
Вафолардан аён бўлгай.
Агар ошиқсан Абдулла,
Қаноат қил сабр бирла,
Надур ҳолинг — сенга боққан
Балолардан аён бўлгай.

ОЛОМОНГА

Машраб осилганда қаёқда эдинг?
Чүлпөн отылганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё
Қалқон бұлғанмиднинг келганда бало?

Хукмлар үқильтур сенинг номингдан,
Тарихлар тұқильтур сенинг номингдан.

Нимасан? Қандайин сеҳрли құсан?
Нечун томошага бунчалар ұссан?

Қаршингда ҳасратли үйга толаман,
Қачон халқ бұласан, эй, сен — оломон?!

Бул ажаб хор кимсадин имдод сүрайди хорлар,
Сиз бемор құксига бош урмангиз, эй, bemорлар.

Гар фалак буржида шамс үйқуга солса ўзни,
Етди нағыбат биңга деб чақнар эмиш сайерлар.

Саждага бошиңг уриб фарәд чекма, эй, рафиқ,
Энди сен топгаймидинг, топмабдиқу ағерлар.

Фозилту дониш эли құл ювса бу дунёга гар,
Во ажаб, оқкан сувин нұш этар шайх хұнхорлар.

Нафс ила дунёга дил берган фосиқтар, сиз буқун,
Яссавий хок пойидин айлаб олинг түммөрлар.

Ким беріб дунёга зар, ағтор үлиб қолған ўзи,
Кимки дорни бүзді гар, анга қурилди дорлар.

Кимсалар, бадбин дея боқманғ бу қун Абдуллага,
Тингласа гоҳи юриб мозий әлидин зорлар.

САМОЛЁТДА ЁЗИЛГАН ШЕЛЬ

Чарх урар эрдим фазода, юлдузим йүлдош эди,
Юлдузимга термулиб юлдуз күзимда ёш эди.


Дер эдим: — Жон юлдузим, васлингга бир етказ мани,
Дер эди: — Күк севмагай сендей гунохкор бандани.

Чарх урар эрдим фазода, юлдузим йүлдош эди,
Юлдузимга термулиб юлдуз күзимда ёш эди.


Дер эдим: — Туш, юлдузим, йүкса заминга, сен үзинг,
Дер эди: — Хуш күрмагай ташвишли ерни юлдузинг.

ЕЗАЖАКМАН

Дүстлар, демангиз, мен шеъру достон ёзажакман,
Мен шеъру достон итра бир афгон ёзажакман.
Хайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,
Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон, ёзажакман.
Шоир дилига қылма ҳавас, бут эса бағринг,
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман.
Солди дилима қалға алам ул шүхи бадхү,
Билмамки, ахир қай бири қурбон, ёзажакман.
Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўидир,
Хубдир бариси, равшани-тўлпон, ёзажакман.
Сен шеърга қўлинг чўзмагил, эй, жоҳили нокас,
Бўлсанг-да худо: номингни шайтон ёзажакман,
Бошингга агар қўнса шу қун шарпай иқбол,
Пойингга, элим, бош уриб қуръон ёзажакман.
Қулдир демангиз гарчи номи Абдулла эрурман,
Расул ҳам эмас, йўқ ҳали унвон, ёзажакман.



БЫЛ АСА БҮСТИОН



Күшіларнің тишиға фракат бир ояй,
Чынсан үчүн ҳам ибратидір зияй.
Күшілар дер: - Илейим, қадасга түшімі,
Мүшілак бірсаты агар, чиқсан ніхояй.

* * *

Магар келганда ҳам қиёмат қойим,
Ёр бўлсин йигитга нияти доим.

Табаррук кексанинг гапин эшитдим,
Бошинг тощдан бўлсин, дерди, илойим.

Диловар дардида тортдим узанги,
Мен ким деб адо-ю, кимдир адойим.

Гоҳида сафардош бўлдим ганимга,
Содик дўст тополмай қайтганда ройим.

Бошимга чиқдигоҳ пойим тўзони,
Улуглар қошида гоҳ бўлди жойим.

Қисмат қаҳр билан йўлим пойлади,
Агарчи, баҳт менга боқди мулойим.

Гар муҳаббатнинг ҳаётда
 турфа хил бозори бор,
 Ошиқ аҳлин лек муҳаббатга
 етишмай зори бор.
 Узма кўнгил гарчи ҳижрон
 хор этар бир зум сени,
 Гул тиконсиз бўлмагай,
 ҳар бир чаманинг хори бор.
 Муз каби теккай дилингта
 гар жафо этса санам,
 Яшнаган водий уза
 билки булутнинг қори бор.
 Ошиқ аҳли йтра ўзни
 доимо мардона тут,
 Ишқига восил бўлур
 қайдга йигитнинг нори бор.
 Айб эмасдир гар муҳаббат
 шаънига айтсанг қўшиқ,
 Бахтидир, кимнинг муҳаббатга
 сазовор ёри бор...

Н О М А

Биз томонга, эй, нигоро, не бало, бир келмадинг,
Кўзларимга бўлди дунё тим қора, бир келмадинг.

Кипригинг ўқ, тийги лашкар, шул сабаб садпора дил,
Устига-устак яради минг яро, бир келмадинг.

Менга-ку лутф айламабсан, ўзгалар ҳам ноумид,
Аҳли агёр ҳам бўлибдир, бас, адо, бир келмадинг.

Субҳидамда учди оҳим кавкабистонга қадар,
Келди-ю, тубсиз фалаклардан садо, бир келмадинг.

Сен назар соглан чечаклардан ари бол эмса гар,
Айлар эрдим кўзга гардин тўтиё, бир келмадинг.

Богларимда саъва хомуш, қумрилар ҳам гунигу лол,
Гуфтигўни ўргатурга сен — гўё, бир келмадинг.

Багритошсан, хаста айлаб, ҳам йироқ кетдинг нечун,
Тибда дерлар: гоҳи дардга тош даво, бир келмадинг.

Сенга турфа шеър битибман, йўл қарар Абдулламан,
Яхшиямки, нома бордир ишқ аро, бир келмадинг.

F A Z A L

Бу ишқи сиррин китоб этдинг, китобинг ичра мен борман,
Үқурман деб хитоб этдинг, хитобинг ичра мен борман.
Ярашгайдир, ажаб, сенга ажаб нозу таманинолар,
Кетурман деб шитоб этдинг, шитобинг ичра мен борман.
Юзинг ҳажри била оқкан лаболаб чашм селобин —
Итурман, деб шароб этдинг, шаробинг ичра мен борман.
Умид узгил, дединг, ошиқ, муҳаббат риштасин узгум,
Узурман, деб азоб этдинг, азобинг ичра мен борман.
Каён қолди ўшал сўзким муҳаббат қўшкини, эй ёр,
Тузурман, деб сароб этдинг, саробинг ичра мен борман.
Дилимда қолган ушбу ҳар на манзил кулбай ишқни —
Бузурман, деб хароб этдинг, харобинг ичра мен борман.
Муҳаббат гулшапи ичра олиб Абдулланинг қалбин,
Чалурман, деб рубоб этдинг, рубобинг ичра мен борман.

ДИЛ КҮЗИ

Күзи очиқтарга роҳатдир меҳнат,
Күзи очиқтарга лаззатдир неъмат.

Түй ҳам ярашадир күзи очиқда,
Күй ҳам ярашадир күзи очиқда.

Менинг күз деганим — дил күзи эрур.
У — умид, у — најот юлдузи эрур.

Юрагим тубига чўккан ҳасратлар,
Орзулар, армонлар, қайғу, кулфатлар

Энди кўзларимда қолмоги гумон,
Бу кўзлар бамисли туманли осмон.

Лекин удумини тақрорлар башар,
Ҳар авлод ўз юкин ортмоқлаб яшар.

Армонли у йиллар бирма-бир кетди,
Энди ўзга тўлқин навбати етди.

Болам, пайтинг келмиш, кўзларингни оч,
Энди сен муҳитда ёзгин кенг қулоч.

Руҳингни кишсанлар боғламаса бас,
Дилингни кин, ҳасад доғламаса бас.

Нафасинг сингари пок бўлиб дунё,
Басдир, кўзин очса диёнат, риё.

Ва лекин йўлларинг бўлса ҳам равон,
Оёгинг остига боқиб юр, ўғлон.

У ерда наинки ризқинг экилган,
Балки булоқлар бор — кўзи бекистган.

Назар сол, заҳматкаш бандалар сари,
Мушук боласидек юмуқ кўзлари.

Беманзил чўлларда кезар қарвонлар,
Уларни етаклар сўқир сарбонлар.

Гафлат уйқусида неча-неча жон,
Атъамон, охирги кундан атъамон.

Магарки ҳақ бизни тинглаб ниҳоят,
Бахш этмиш сенга ҳам нури ҳидоят.

Сен ҳам ҳимматингни соча ол энди,
Бошқалар күзини оча ол энди...

АЛИШЕР ВА ТАЛАБА

Сарой йўлга чиқди савлати билан,
Алишер аркони давлати билан.

Ҳирот фазосида янграйди тақбир,
Шаҳар айланмоқда вазири кабир.

Үтуснинг дарди не? Аъмоли нечук?
Бева-бечоранинг аҳволи нечук?

Нечуқдир бошлаган иншоотлари?
Мирни қизиқтирап буларнинг бари.

Гарчи шоирдир у беназир, таинҳо,
Лекин салтанат ҳам дастидадир жо.

Дарёларни бурав имо айласа,
Маглуб музafferдир ҳимо айласа.

Теграсида буқун шоҳона жонлар,
Сергак сарбозлару содиқ аъёнлар.

Вазир ўтиб борар гулзорлар аро, —
Таъзимга чиқмишдир жаъми фуқаро.

Дастори ҳайбатли шайхлар эгар бош,
Бош эгар косибу шоириу наққош.

Алишер барчага тараҳҳум билан,
Ҳурмат кўргазарди табассум билан.

Шундоқ гужгон эди ўнгу сўллари,
Мадраса томонга оғди йўллари.

Юзлаб талабалар мамнун, сарафroz,
Улуг Навоийга чиқдилар пешвоз.

Ҳали лабларидан учмай бирор сўз,
Ҳазрат атрофига ташладилар қуз.

Нигоҳ юритдилар сафларга томон,
Ва бир талабага боқди ногаҳон.

Меҳр ила тикилгач, түшдилар отдан,
Ким ул азиз кимса азиз бул зотдан?

Бориб талабани құчдилар ҳазрат,
Оломон рұхыда янгради ҳайрат.

Сарбозлар, ағынлар ҳайратда эди,
Такаббур боеңлар ҳайратда эди.

Тагин отта минди Вазир бесалом,
Карвон ўз сафарин этказди давом.

...Охир бир мұлозим сабри тугаб, лол,
Алишерга шүндоқ ташлади савол:

— Кимга шу аснода баҳт құлды экан,
Айтинг, ул талаба ким бұлды экан?

Үйчан бир табассум қилди-ю жаноб,
Мұлозимга секін айлади жавоб:

— Эсимда, ёш чогим, күп йиллар нари,
Менга сабоқ берган унинг падари...

ҮЙГОНИШ ЗАМОНИНГ

Үқинма она-юрт, үқинма халқым,
Десалар, дилингда зорларинг бордир.

Аслида, құйнингта сирғалиб кириб
Заҳарлар соғувчи морларинг бордир.

Үтган йұлларингга ташласам назар,
Қайрилмас қанотли сорларинг бордир.

Сенга шул ғанимлар қазмасындар чох,
Ев келса, атаган дорларинг бордир.

Бутун өлгизман деб бошингни әгма,
Тегранға дүст ила ёрларинг бордир.

Балли, истиқболға құзни тикибсан,
Ахир ҳаққа муҳтож хорларинг бордир.

Оққан дарәларинг қайтадан оқсина,
Хали эримаган қорларинг бордир.

Сен санъят үлкәси, шеър диәрисан,
Қанча чертилмаган торларинг бордир.

Үйгониш замонинг муборак бұлсина,
Азалий шиддатинг, орларинг бордир.

Мен митти үғлиигман, лекин юкингни
Күтариб үтгувчи норларинг бордир.

АЙТИШУВ

Аждодлар:

— Самарқанду Бухорони бизлар қурғанмиз.

Авлодлар:

— Бизлар эса сиз қурғанни бориб құрғанмиз.

Аждодлар:

— Шахматни биз үйлаб топдик, шавқаларга тұлдик.

Авлодлар:

— Бизлар эса уни үйнаб чемпион бұлдик.

Аждодлар:

— Ипакни ҳам етиштирдик қадим замонлар.

Авлодлар:

— Бизлар эса у ипакдан әшдик арқонлар.

Аждодлар:

— Тил яратдик, өзув түздик гүзал ҳамда бой.

Авлодлар:

— Биз уларга музейлардан топиб құйдик жой.

Аждодлар:

— Биздан қолди шұх даршлар, күллар мусаффо.

Авлодлар:

— Уларни ҳам қуригтаймиз бир кун, иншолло...

Аждодлар:

— Биз порохни хумга тиқдик кашф әттан они.

Авлодлар:

— Хум устига үтиргиздик бизлар дүнёни.

ФУРҚАТ НИДОСИ

Мен Ватандан кетмаганиман,
Айри түшгәнман холос.
Ажрагандек сув кечарда
Бир нафас тандын либос.
Юрт у өнди, мен бу ёнда,
Үртада ҳижрон сели,
Анга күпrik ташламакка
Байтларим бүлди асос.
Үкейб-үкесиб йигладым мен,
Мисли тил билмас гүдак.
Онаизор құкрагидан
Айрилиб қолган бехос.
Мен Ватанда Холмухаммад
Үғели Зокиржон эдим,
Фурқатий деб ном қозондим,
Бунға ҳижрон иқтибос.
Сүнмаган ишқ, ұлмаган қалб,
Бир уюм тупроқ бұлиб,
Сарзамиидан бош күтарди,
Ушбуға қабрим қиёс.
Ким Ватан деб ёна-ёна
Күл бұліб битмиш магар,
Үт-оловни мендан олсин,
Үт-олов мендан мерос.
Шоирингни ёд этарда үзбегим,
Сендан үтінч:
Бир-бириңгга қыл муруват,
Бир-бириңг бағрингга бос!

КҮНГИЛ

Мендан күнгил уз дейсан,
Қандоқ қилиб узурман.
Сендан күнгил узган чог,
Хазон каби тұзурман.
Топ каби ё құтгайман,
Тогларимни айлаб тарк,
Құш каби ё үчгайман,
Богларимни айлаб тарк.
Ё деңгизсиз қайиңдай
Қолиб кетгүм узлатда,
Карвонидан адашған
Кимса каби күлфатда.
Ё ут түшган дараҳтдай
Ич-ичимдан ёңгайман,
Сен бұлмасаң, муҳаббат
Каъбасидан тонгайман.
Мендан күнгил уз дейсан
Қандоқ қилиб узурман,
Қандоқ қилиб бу күнгил
Иморатин буздурман.
Үзингта ҳам, азизам,
Раҳм этсанг-чи бир қадар,
Не бұлтурин билмассан,
Сендан күнгил узсам гар.
Үйлайсанки, бир тараф
Омон қолур, сог қолур.
Узилған ул жойда ҳам
Чандиқ қолтур, дөг қолтур...

Менга узлат керакдир,
 Издиҳомдан түйганиман,
 Тұда-тұда жойларға
 Энди бормай құйганиман.
 Истиробли турмушнинг
 Савдоси зүр бағоят,
 Инжа, нозик рұхни у
 Енгіб олди ниҳоят.
 Узлат излаб бормаган
 Жойим балки қолмади,
 Ҳеч бир гұша келгін деб,
 Огушига олмади.
 Узлат қайда мен учун,
 Балки йироқ әлларда,
 Қадам етмас тоғларда,
 Ит яшамас чұлларда.
 У еңларға йүлімни
 Бура олмай ҳайронман,
 Нечук үксүк бандаман,
 Нечук бахтсиз инсонман.
 Дүсту ёрдан юрагим
 Айрилар нари-нари,
 Узлатнинг согинчи бу,
 Елғизлик дарди бари.
 Қай әвуз күч дағығатан
 Солди мени бу ҳолга
 Нечук уйғоқ идроким
 Мойил бұлды малолга.
 Замон-замон баҳона,
 Дүстлар юзин бурдилар,
 Энди улар үзга юрг,
 Үзга маскан құрдилар.
 Мен улардан йироқда —
 Таңқо қолдым оқибат,
 Ҳаттоқи, жонзорлардан
 Безган бір дарвешсифат.
 Энди мен қаён бориб,
 Қай йүл билан кетгайман.

Қайга элтиб оғим,
Қай узлатга етгайман.
Билдимки мен, неки бор
Бевафодир ушбу кун,
Кечирганим-құрганим
Бебақодир ушбу кун.
Менинг каби мардуд дил
Топилгайми, билмасман.
Гирәндирман, гафлатни
Кипригимга илмасман.
Мен узлатни элизмининг
Юрагидан ахтаргум,
Үксукларнинг энг пинҳон
Тилагидан ахтаргум.
Дарвозангни чертиб мен
Келсам, жонажон үкам,
Ташрифимни қабул эт,
Меҳмоннавоз, эй бекам.
Юз ўгирма, бу йүлчи
На қувонч, на қулфатдир,
Унинг ёлгиз илинжи,
Узлат эрур, узлатдир...

КЕТМОҚДАМАН

Ихши қол, эй дилбарим, дилда қадар, кетмоқдаман,
Ишк аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман.

На ишончу, на қувончу, на құнғилдан очма гап,
Барчасидан ушбу күн йұқдир самар, кетмоқдаман.

Мен қуёш юзлимга деб, тун кечалар бердим юрак,
Оқибат отганда тонг қондир жигар, кетмоқдаман.

Нече күнлар үтди, лекин, сүрмадинг холимни бир,
Охирида ҳол сұраб келсанг магар, кетмоқдаман.

Кеттанимда дедиларки бу йигит кони зарар,
Кетмагимдан охир, айт, борми зарар, кетмоқдаман!..

* * *

Дейдилар, ит ҳурап — ўтади қарвон,
Ранжу балолардан ёнмасин жонинг,
Лекин алам қиласар бир умр гирён
Итлар орасидан ўтса қарвонинг.

ДОНИШМАНД ДЕДИКИ...

Донишманд дедики, осонни кутма,
Имкондан ортиқ бир имконни кутма.
Дарғдан дарёни талаб айлагил
Ва лекин ҳеч қачон уммонни кутма.

МЕН АНГЛАБ ЕТГАН ФАЛСАФА

Бозорга ўхшайди асли бу дунё,
Бозорга ўхшайди бунда ҳам маъни.
Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло,
Молим ёмон деган бирор кимсани.

* * *

Коинот гултожки инсондир азал,
Ундаридир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам таңдо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

* * *

Оқар дарёга ҳам кимдир банд берган,
Хаёт кимга заҳр, кимга қанд берган.
Эй, гофил, саркаш деб мени, камситма,
Ганим сенга әмас, менга панд берган.

ИСТАК

Оразум шул, ўчмасин ёнган чарогинг,
Юлдуздай нур сочсин чашминг — қарогинг.
Магар чинор бўлсанг чинордай яша,
Бевақт узилмасин бирор япрогинг.

* * *

Бир кун түкін бұлар юпқа дастурхон,
Зарбоф бұлмаса ҳам қийгансан чопон,
Лекин одамлықни унтар бұлсанг,
Уларнинг барчаси ҳайф сенга, инсон!

* * *

Турфа туйгуларни хуш құрдим ғоят,
Дүнёнинг үзи ҳам рангин ниҳоят!
Боқма ажабланиб сатрларимга,
Бахтим ривоятдир, ғамим ҳикоят...

ТААССУРОТ

Табиат кимга күп ә оз берибди,
Кимгадир хала түп ә соз берибди.
Во ажаб, мана бу машшюқ гадойға
Тенги йүқ шоҳона овоз берибди.

* * *

Май асли поқдомон дилға арзирлик,
Заҳматкаш, меҳнаткаш әлға арзирлик.
Байрам-құ ҳар қуни келавермайди.
Лекин завқи қолар йилға арзирлик!

* * *

Дунёнинг галати йўригига боқ.
Кимга айш ташнаю кимга дор муштоқ.
Лекин ҳаммасидан маъно биттадир:
Қурбон олдин кетар, жаллод кейинроқ.

* * *

Баҳор! Сеидан хушбууд жами кор аҳли,
Хусусан шод эрур хокисор аҳли.
Чунки, ташрифингдан дил эриб, зора,
Одамга ухшаса амалдор аҳли.

* * *

Болага үхшайди, дейдилар халқни,
Бу гапни айтганлар, эҳтимол ҳақдир.
Лекин такрорлайман мен ҳам бир ҳақни,
Ахир, болаларнинг ўзи ҳам халқдир.

* * *

Қаҳ-қаҳ урар бўлсам, виждонимдан мен,
Меҳнатим эвазин сўраб олурман.
Бенаф ўтиан дамлар, мен сизнинг учун,
Ҳайҳот, қабримга ҳам йиглаб борурман.

Шудгорда қарғалар тұласын құрсанғ,
Сира ажабланма, бұлма ҳангу манғ.
Сен ерни агадарыб, шудгор қылған чөң
Юзага чиққанды құрту چувалчанғ.

* * *


Қүшларнинг тилида фақат бир оят,
У иисон учун ҳам ибратдир ғоят.
Қүшлар дер: — Илойим, қафасга тушима.
Тушган бұлсанғ агар, чиққыл ниҳоят.

* * *

Эски алифбони дилта қылсанғ жо,
Мана бу ҳикматни унутма асло:
Эгри ниятни ювуқсиз құлни
Сира Әқтиirmайди үша алифбо.

* * *

Бурон, сен шам узра гувлайверма, бас,
Арслондек үкириб чекаверма сас.
Шамни ұчирмоқлик жуда ҳам осон,
Үнга етар битта «пұф» деган нафас.



СЕН ҲАМ ОЧИКМИСАН...



Булбұлар ҳам кейди бүндан күзларын ёшып,
Төвселар ҳам қайлағадыр астыңа йүкөнді.
Дәкәт бир күш бү шахарни кейтінди ташып,
Дәкәт лайлас Бухорода мануға келди.

Маконинг бўлибди тоглар ораси,
Сенсан гўзаликнинг асли, сараси.
Маъюс юрагингда ишқнинг яраси,
Сен ҳам ошиқмисан ёки оҳужон.

Даралар қўйнида нени истарсан,
Нечун доим гамгин, доим мустарсан.
Латиф шижоатинг қайга қистарсан,
Сен ҳам ошиқмисан ёки оҳужон.

Йўқ, сен ахтармассан тоглардан макон
Ва на гўзалигинг учун шуҳрат-шон.
Сайд жабри сенга бермагай имкон,
Сен ҳам ошиқмисан ёки оҳужон.

Қўй, жоним, кўзларинг тўлмасин ёшга,
Тонгда оёгинг қўй баланд бир тошга.
Сени қуёш ўзи кўтаргай бошга,
Сен ҳам ошиқмисан ёки оҳужон.

КАКЛИГИМ

Төглар элчиси деб хуш күрдим сени,
Қүш ичра эңг ажыб қүш күрдим сени,
Инжа дийдорингни туш күрдим сени,
Манзили тог билан даръ, каклигим.

Олис Боботоғдан бир тонг маҳали,
Келдинг дүстим билан мени күргали,
Зиёрат гоҳ инсон, гоҳ қүшнинг гали,
Хүш келдинг, дедим, оҳ, зебо каклигим.

Кафтимдан беҳадик донлар терардинг,
Теграмда товланиб яйраб юрардинг.
Мунҷоқ қўзларингни тикиб туардинг,
Чўмсан хаёлларга гоҳо, каклигим.

Билмадим не бўлди — кетдинг бедарак,
Дурмон боғларини кездим жонсарак.
Қўшдан дўст топгандим қўп қўрди фалак,
Энди қайлардасан, ошно каклигим.

Б У Л Б У Л

Раҳматжонга

Сен — булбулсан, булбулларни маст қила қол, булбулим,
Менинг учун сайрашингни бас қила қол, булбулим.

Шому саҳар тиним билмай шарҳ айладинг дилингни,
Қани, айт-чи, булбулгинам, ким тушунди тилингни?

Бирор сени нола деди, бирор деди оҳ-фигон,
Булбул тилин булбул билар, мен билмасман, булбулжон.

Англарми деб беҳудага роз сўйлама, қушим, ҳай,
Сен — булбулсан, булбулгинам, сени булбул тушунгай.

КАПАЛАК ВА МЕН

Капалакнинг учишин узоқ
Кузатдим ҳам юрдим ортидан.
Қаршимиизда гунчалар порлоқ
Миттири шудринг чаман сатҳидан.

Аллақайға кезиб, тинимсиз
Йигдик роса завқ атиrlарин.
Сұнгра, баҳам күрдик иккимиз.
Менга тегди шу сатрларим.

К У Ш Ч А

Гоҳ бутоққа, гоҳ гулга құнар
Тиним билімас сайроқи құшча.
Нечүн баҳор сени ром этгай,
Қайдың баҳор келгүнчі?
Кел, ишайтык ҳамиша бирға,
Бизда баҳор, гуллар барчаси.
Білсанд, мен ҳам чаман ўлкамнинг
Шұх ва қувноқ, шод ўғилчаси.

МИНОРАИ ҚАЛОН ТЕГАСИДАГИ ЛАЙЛАК

Ташлаб кетди бу шаҳарни беклар, амирлар,
Ташлаб кетди бу шаҳарни Ислом шавкати.
Ташлаб кетди бу шаҳарни шайхлар, кабирлар,
Ташлаб кетди маҳмадона Мангит давлати.

Булбуллар ҳам кетди бундан кўзларин ёшлиб
Товуслар ҳам қайларгадир аста йўқолди.
Фақат бир қуш бу шаҳарни кетмади ташлаб
Фақат лайлак Бухорода мангуга қолди.

Мен бу ҳолга ҳайрон бўлиб боқдим ҳар сафар,
Бир шеър излаб Бухорони кезгандя узоқ,
Ажаб, қушнинг оёқлари гўзага ўхшар,
Қанотлари эса унинг пахтадек оппоқ.

ТИЛЛА БАЛИҚЧА

Түхумдан чиқди-ю, келтириб уши
Шу лойқа ҳовузга томон отислар.
Ташландық ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёштылар.

Дүнёда күргани шу тор ҳовузча
Ва мудроқ толларнинг атчиқ ҳазони.
Менга алам қилас, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни...


Б У Р Г У Т

Еш бургут учмоқда күкда шиддаткор,
Күмүш булутларнинг түзгитиб парин.
Учмоқда, қалбida магрур ишонг бор,
Қақшаган қояттар, түққилар сари.

Учмоқда! Қаерғи?! Чүққига! Нечун?
Бургутнинг шиддатин уйготган нима?
Бўроғти даргоҳда не кутар уни,
Қудратли қашотин қўзгаттан нима?

Ўйноқи шамоллар ила басма-бас,
Ана, қўнди бургут энг юксак жойга!
Чўққи узра магрур турди-ю бирпас,
Яна бўрон мисол қўзголди. Қайга?..

Ахир не бўларди берсанг, табиат,
Шу буюк шиддатга яраша мақсад!



ХАНГОМАЛАР



Күриш көтөсик айқыншык хам
Ким келарға зор зди.
Искесиши үртасида
Бийтің шаш бор зди...

ХАНГОМА

Кор ёгарди буралаб,
Қолишимасди довулдан.
Түйга айтиб кетиши
Шундоқ құшни овулдан.

Йұлға чиқди икки чол,
Түйга бориш қарз, бешілек,
Бирори отта мінди,
Бирори мінди әшак.

Кор-чи, ҳамон ёгарди,
Ёгар эди гүпиллаб.
Йұлни әшак бошлади,
От әргашди лұқиллаб.

Гапға түшди икки чол,
Сұхбат у ёқ-бу өкідан.
Үтгап-кетгап, баланд-паст,
Гоҳ калла, гоҳ туғыдан.

Сұхбат деган соз нарса,
Қолмасанг бас сурғашиб.
Йұргалар әшак ҳамон,
От боради әргашиб.

Аста-секин қун қайтар,
Ұфқаларда үчган ранг.
Кор оралаб қайдадыр
Бир юлдуз чақнар аранг.

Чоллар-чи, ҳамон йұлда,
Сұхбат үша-үшайди.
Бири деди: — Оқсоқол,
Қун ботганга үхшайди.

— Йүт-э, уста, — дер бири, —
Күздан қолибсиз буткул.
Түрт чақырым овулга
Наҳот юрсак бир күн йўл.

Аммо бу гап рост эди,
Юлдузлар чақнар бот-бот.
Олдинда эшак борар,
Орқада лўкиллар от.

Овулдан-чи, дарак йўқ,
Оппоқ эди қир-қия,
«Адашиб кетдикмикан,
Куппа-кундуз куни-я?»

Гап босдими ё гафлат,
Тавба, бу қандоқ ўйин?»
Қор тинди-ю чолларнинг
Ичига кирди қуон.

— Қора қишида тўй қилтмай,
Баттар бўлгур, нокас, гов.
Баччагарнинг аслиям,
Феъли совуқ эди-ёв.

Қайдадир чўзиб-чўзиб
Увлаб қолди-ку қашқир.
Ким ҳам, айтинг бундай чоғ
Ташвишга тушмас, ахир?

Хусусан, кексайганда
Хафа бўлиб кетасан.
Айтайлик, ўша қашқир
Ғажиб кетса нетасан?

Қора совуқ тиш қайраб
Қовургани эзарди.
Кенг сайҳонда икки чол
Йўл ахтариб кезарди.

Йўл қаёқда, тўрт тараф
Қалини, оппоқ қор эди.
Энг баттари — совуқда
Жон сақлаш душвор эди.

Қайтағы деса изига —
Белгі ҳам йүқ, из ҳам йүқ.
Қалтирайди икки чол,
Таскин ҳам йүқ, сұз ҳам йүқ.

— Не бұлса ҳам топширидик
Яраттанинг үзига!
Таваккал деб от болин
Қайирдилар изига.

Пешонада борини
Құрап инсон деган зот.
Йүл солдилар қайгадир,
От бошин қүйиб озод.

Бир көр-хол бұлмай энди,
Үйни топиб борсак бас.
Сургалади от ҳоргин,
Орқада эшак бесас.

То тонггача икки чол
Юрди, турди, суринди.
Үзоқтарда бир маҳал
Қора нарса күринди.

Бұтоти бор, ҳайтовур,
Ұхшаб туар қишлоққа.
«Худога минг шукур», деб
Юрдилар ўша әққа.

Туман иңра дөв-дараҳт,
Туар әди ялтираб.
Тонгга яқин қишлоққа
Киришдилар қалтираб.

Тугаганди бардош ҳам,
Тугаганди бор сабот.
Етмай бир дарвозага
Тұхтаб қолди шүрлик от.

— Жой сұрайлық, нарғи
Бир ган бұлар, оқсоқол, —
Қамчи билан тақа-туқ.
Дарвозани қоқди чол.

Изгиринчи, изгирди,
Еру күкда ҳоргии тус.
Бир кампир чиңди шу тоб,
Қулида хира фонус.

Сұз бошлади чол титраб,
Халқумига келиб жон:
— Бир кечага биаларға
Жой берсангиз, яңгажон.

Қора қуюн чарх уриб
Күз олдини туттарди.
Кампир келиб яқынроқ
Фонусини күттарди.

— Ҳой, сенми бу, ер юткур.
Именингдан кечдингми,
Алжираисан ё түйда,
Ароқ-пароқ ичдингми?

Алқисса шу: от йүлни
Үй томон бурган экан.
Чол-чи, үз кампиридан,
Жой сұраб турған экан.

ШАРҚ ҲИКОЯСИ

Аниқ йиلى эсимда йүқ,
Аллақайси замонда,
Бир қишлоқда ота-үгил
Яшар экан омонда.

Улар гоят тутув экан,
Үртада мол, жони бир.
Минг қылса ҳам ота-үгил,
Минг қылса ҳам қони бир.

Бир куни денг шу икковлон
Қайгадир йүл олишди.
Минай деса от-улов йүқ
Үйланишиб қолиши.

Күриб кетсин йүқчilik ҳам
Ким недарга зор эди.
Икковининг ўртасида
Битта әшак бор эди.

Гарчи у ҳам бир оз ягир,
Гарчи андак бедармон.
Шу әшакни минсакми деб,
Үйлаб қолди икковлон.

Ота деди: — Ўглим, бундан
На сен, на мен тингаймиз.
Үгил деди: — Ота, буни
Галма-галдан мингаймиз.

Ота доим ота ахир,
Яъни мудом иззатда,
Эшакка у минди дастлаб,
Ўгли яёв, албатта.

Бир қишлоқдан ұтардилар
Иккөн секті тиқырлаб,
Ортларидан түрт-беш одам
Кулиб қолди пиқырлаб.

— Аҳмоқ әкан манови чол,
Аҳмоқ ҳаддаи зиёда.
Үзи улов миниб олған,
Үели әса пиёда.

Галати бир ҳисин туйиб
Шартта настга тушди чол.
— Кела қолғин, үглем, — деди, —
Эшакка сен минақол.

Әңди үгүл тұқымдаю,
Ота яёв кетарди.
Әнді улар бошқа қишлоқ
Күчасидан ұтарди.

Борардилар сұзсиз, секин,
Аста-аста тиқырлаб,
Ортларидан түрт-беш одам
Яна күлди пиқырлаб.

— Аҳмоқ әкан манов бола,
Аҳмоқ ҳаддан зиёда.
Үзи улов миниб олған,
Отаси-чи, пиёда.

Еш эмасми, бирдан унинг
Орияти құзғоғди.
Шартта настга тушди у ҳам,
У ҳам яёв йұл олди.

Юриб-юриб иккаласи
Нече адир, қир ошди.
— Бор-е, — деда сүнг әшакка
Иккови ҳам минғашди.

Аммо тағин бир манзилдан
Ұтар бұлды икковлон.
Не кулфатки, бу жойда ҳам
Тинч қўймади оломон:

— Аҳмоқ экан булар роса,
Инсофи йүқ, лаванглар,
Икки одам бир эшакни
Миниб опти, қаранглар.

Маломатдан ота-үгил
Тамом ҳориб толдилар.
Газаб билан бир-бирига
Термулишиб қолдилар.

— Айтмабмидим, — деди ота, —
Гап уқмадинг, тирранчча,
Элу юргни уртасида
Бўлдик роса бўлганча.

Қул силташди бир-бирига.
Қолди фойда зиён ҳам.
Ота у ён кетиб қолди,
Бу ён кетди ўғлон ҳам.

Қондошликнинг миллион йиллик
Ришталари узилди.
Үртага бир эшак тушиб
Оралари бузилди.

ТУЛКИ ФАЛСАФАСИ

— Устоз, — деди бир кун тулки тулкига,
Не-чун биз нишонмиз доим қулкига?

Үрмонда бўри ҳам, ҳатто жаноб шер,
Бир-бирин туртишиб: — Тулкисан-а, дер!

Бошқалар устидан қулмаслар не-чун,
Бу ҳол қоронгудир биз ўшлар учун.

— Ука, — деди шунда тулкига тулки,
Бундай ҳодисотнинг сабаби шулки:

Касбини эплолмай қолса аксари
Тулкилик қиласди ҳайвонлар бари.

Қўпинча иложсиз қолган фурсатда
Тулкилик қиласди шер ҳам, албатта!

Лекин бизнинг ишни эплолмас улар,
Шу сабаб ўрмонда масхара бўлар.

Сен-чи бундай ҳолдан асло ўкинма,
Бошқалар сингари четга бекинма.

Тулкисан, бундай чоғ тулкилик қилгин,
Тулки деб қулсалар, қўшилиб қулгин...

САМОВИЙ МЕҲМОН, БЕШ ДОНИШМАНД ВА ФАРРОШ КАМПИР ҚИССАСИ

Хабар келди Фан шаҳрига
Олис Жунгли томондан.
Ўтган кечада алланарса
Ёниб тушмиш осмондан.

Юлдуз деса юлдуз эмас,
Ё йўзиши бир дайди.
Ҳар ҳолда у шов-шув соглан
Тарелкага ухшайди.

Бу хабардан илм аҳли
Бир зум ўйга толдилар.
Яна бирор миш-мишдир деб
Шубҳага ҳам бордилар.

Чархлаб туриш керак аммо
Туйгу билан ақлни...
Ҳар эҳтимол жўнатдилар
Жўнглига беш вакилни.

Бешови ҳам тенгсиз олим,
Беш қитъадан бўлмиш жам.
Дунёдаги барча илм
Шул бешовда мужассам.

Илми нужум, тиб ва тарих,
Жўнглия, ҳандаса.
Ўликни ҳам тирилтирас
Агар улар хоҳлаписа.

Дунёдаги тилларни-ку
Беш бармоқдай билишар,
Керак бўлса қўашлар билан
Хандон сұҳбат қилишар.

Хуллас бешов йигилишиб
Жунгли томон еддилар.

Ҳатто фаррош кампирни ҳам
Бирга олиб келдилар.

Дарҳақиқат, Жүнгли нотинч,
Не дарахтлар шалпайған.
Үрталықда алланарса
Етар эди ялпайған.

Ойнакларин тутиб бешов
Үегидан үтдилар.
Бу қанақа гап бұлды деб
Бу ёғидан үтдилар.

Ва ниҳоят сирли уйни
Уриб очиб олишди.
Иткарига қараб бирдан
Анграйишиб қолиши.

Етар эди үриндиңде
Аллақандай бир махлук.
Бир күзи бор... манглайида,
Иккінчиси мутлақ йүқ.

Лаб-даҳани одамга ҳам
Үхшаб-үхшаб кетарди.
Құл оғөнгі узун-узун,
Сап-саригдир ранг зарди...

Беш донишманд үзни эңди
Йүқотиши тамоман.
Ҳазилақам галми ахир,
Меҳмон тушмиш самодан!

Мана буни айтса бұлар
Энг олий, зұр муаммо!
Үраб олди уни бешов,
Миқ этмасди у аммо.

Күрсатиши үнға дастлаб
Чексиз олам тархини.
Сомон йұли, альфа, бета
Буржларининг фарқини.

Меҳмон әса қимир этмай
Ётарди жим сулайиб.
Манглайида битта құзи
Боқар эди дұлайиб.

Күрсатдилар унга яна
Езув, шақт, формула.
Мозийни ҳам күрсатишиди
Кино қилиб бир йұла.

Дүнедаги тилларни-ку
Лұғат қылтыб үйишди.
Шу жумладан, үзекча ҳам
Бир икки сұз дейишиди.

Меҳмон ҳануз қимир этмай
Ётарди жим, сулайиб.
Манглайида битта құзи
Боқар эди дұлайиб.

Кармиқан деб қулогига
Бақыриб ҳам құрдилар.
Соқовми деб имо билан
Чақыриб ҳам құрдилар.

Таҳдид билан ҳатто бир оз
Сиқувга ҳам олишди.
Охир тарчаб, үzlари ҳам
Сулайишиб қолишиди.

Иш чиқмади, демак бизни
Тушунмади у тараф!
Үша пайт деңг фаррош кампир
Кириб келди тентираб.

Фаррошда у, уни-буни
Йигиштирмоқ унга тан.
Үриндиқда ётган зотни
Кұрди кампир дағъятан!

— Вой, бечора болагина,
Дард заптига опти-ку!
Холдан тойиб бошқа құзи
Юмисиб ҳам қопти-ку!

Рангини күр, сомон дейсан,
Сувданмикан ё ўтдан!
Шундоқ дея фаррош кампир
Бўла кетди гиргиттон.

Азбаройи меҳр билан
Бошгинасин силади.
Тиканақдай тикка ўсган
Сочгинасин силади.

Кампир билмас, ким бу маҳлук,
Ё билса ҳам унуди.
Ичақолгин, жон болам, деб
Ҳатто унга сув тутди.

Ўшанда дент, ҳалигининг
Қон чопди-я юзига.
Дувва-дувва ёш ҳам келди
Биттагина кўзига.

Жон киргандай бўлди бирдан
Оёқ-қўли қимиirlаб.
Жилмайгандай бўлди ҳатто
Гапиргандай шивирлаб.

Айлантириб битта кўзин
Боқди уёқ-буёққа.
Бир маҳал денг, дабдурустдан
Меҳмон турди оёққа.

Олимларнинг ушбу ҳолдан
Чимирилди қошлиари.
Бу қанақа сир бўлди деб
Тамом қотди бошлари.

Кор қилмади шунча илм,
Этди қанча саргардон.
Фаррошларнинг юлдузидан
Тушдимикан ё меҳмон.

Не бўлса ҳам мурод ҳосил,
Фан шахрига елишди.
Фаррош кампир сирин эса
Сал кейинроқ билишди.

Олимларнинг хизматлари
Йўқ, бекорга кетмалти.
Шунгиде ишни қилишибди,
Фақат Мехр етмалти.

ШОИР ВА ИЛҲОМ

Айни тонг чогида кўз очди Илҳом,
Боқди атрофига солланиб, кушод.
Порларди чашмида Илҳомий пайгом,
Илҳом кайфияти эди буткул шод.

Адо этмоқ учун эзгу хизматин
Илҳом каби сўнгсиз шавқ билан тўлди.
Ўша ажиг ҳамда хуш кайфиятин
Таниш шоирига етказмоқ бўлди.

Шуълага чулгади қанотин аввал,
Юлдузлардан осди бўйнига маржон.
Тугиб юрагига ҳисларин тутал,
Илҳом замин сари йўл олди шодмон.

Умидвор эди у, заминда бу кун
Бунёд бўлажакдир ажиг бир ижод.
Сатрида юлдузлар сочажак учқун,
Ўқиган ҳар бир дил фаровон, обод.

Илҳом пайдо бўлди таниш қўчада,
Ўшандоқ безанган — қанотлари зар.
Аммо бу гал уни хилват гўшада
Кутиб туар эди осий Иғвогар.

Зарра очирмасдан Илҳом қўзини,
Иғвогар ненидир гапириб солди.
Шоир ўтирган деб сендан юзини,
Маржонларин бир-бир юлқилаб олди.

Тортиб олди ҳатто зирақларин ҳам,
Илҳомнинг бошига солди қиёмат.
Илҳом нари кетди маъюс, боши ҳам,
Бу қандай қўргилик? Бу не маломат?!

Илҳом шоир томон йўл олди ночор,
Дилида минг шубҳа, бошида минг уй.
Аммо дарвозанинг тагида бу бор
Кутиб тараф эди уни Ҳасадгўй.

Чўлтоқ ҳассасини ўқталиб Ҳасад
Илҳомнинг бошига туширди тунон:
— Ким қўйибди сенга парвозни, номард,
Бизлар ер юзида юрсак саргардон.

Шундоқ деб Илҳомнинг нозик ва майин
Қанотларин Ҳасад юлиб ташлади.
Бу ҳам етмагандек шафқат қилмайин,
Илҳомнинг юзига лойлар чаплади.

Ҳайҳот! Не қиларин билмайин Илҳом,
Илк бор кўз ёш тўқди шу тонг аслида.
Беқанот, белибос, дийдираф тамом
Турарди қандайдир маҳлуқ шаклида.

Илҳом дарвозани чор-ночор қоқди,
Билолмасди шўрлик ҳануз айбини.
Шоир дарвозани очди-ю ёпди:
Танимайман, деди, сендай дайдини.

АДИ-БАДИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Хотин бир күн эрига:
— Манов иш қандоқ, — деди.
Эри эса жавобан:
— Үндоқмас бундоқ, — деди.
Хотин деди: — Болани,
Бундоқ қилиб боқамиз.
Эри деди: — Үндоқмас,
Мундоқ қилиб боқамиз.
Хотин деди: — Мәхмөнни,
Кутмоқ керак бунақа.
Эри деди: — Йұқ, асло,
Менинг гапим мунақа.
Хотин охир чарчади,
Ҳаётдан түйди ҳатто,
Бола-чақа, молу мұлк,
Бисектан түйди ҳатто.
Үзимни осаман деб,
Әълон қилди сүзини...
Бунақа осмаслар деб,
Эри осди үзини.

Мен ҳангома
талабгори,
Яъни ўша-ўшаман.
Бор галларнинг ёнига
гоҳ
Хаёлотни құшаман.
Яна шеърий йўл
танладим,
Ёзолмадим насрда.
Ахир шитоб устуб
керак
Бизнинг учқур асрда.
Шу денг, замин
олимлари
Йигилдилар бир куни.
Ва дедилар: —
Токайгача
Бўламиз ер тутқуни.
Илмимизнинг меваларин
Пайти келди —
терайлик.
Келинг, йироқ, юлдузларга
Ёзма хабар берайлик,
Борлигимиз билдирайлик,
Садо чиқсин биздан
сал.
Хабаримиз етса-етар,
Етмаса ҳам
таваккал!
Олим ҳалқи ғалати
халқ,
Бир келмасин
жунбушга.
Ҳамма гапни
йигиштириб,
Киришдилар шу ишга.

Энг аввало ёзув учун
Магнит тахта топишиди.
Силлиқ қилиб
тарашлаши,
Ортиқ жойин чопишиди.
Заминдаги
овозларнинг
Йигиш керак
барчасин.
Тузиш керак ўзига
хос
Шовқин-сурон
картасин.
Атай бориб,
денигизларнинг
Гувуллашин
ёздилар.
Жүнглидаги
хайвонларнинг
Угуллашин
ёздилар.
Қайд этдилар,
япроқларнинг
Шитир-шитир
сасини.
Хансираган
тулпорларнинг
Пускурган нафасини.
Баҳор чоги
гулдуракнинг
Садосини ёздилар.
Тонгда ёниқ
булбулларнинг
Навосини ёздилар.
Гұдакларнинг
кулгусию
Йигиси ҳам битилди.
Чигирткалар чириллаши...
Бари муҳр этилди.
Хеч унугиб бұлармиди
Бастакорни,
куйчини.
Құшишдилар
Чайковский

Хамда Мұлла
Түйчини.
Ер юзиңде не сурон бор
Бир-бир санаб
 үтишди.
Хатто мілтиқ овозин
 хам
Мактубға зарб этишди.
Худлас, иштар бажо
 бұлиб,
Йигисидилар сұнгти
 бор.
Хурсанд әди ақді илтм,
Насиб этса — умид өр.
Кимдир деди: —
Хұп ҳоридик,
Чарчоқни сал
 кувайлик,
Келинг, дүстлар,
 қадақ олиб,
Шу ишни бир
 ювайлик.
«Күлт-қүлт» қилиб
 майи нобдан
Қүйишдилар,
 тап тамом!
— Салом, йироқ
 юлдузлар, — деб
Ичишдилар,
 вассалом.
Сұнг магнитли
 ракетанинг
Қопқогини ёпишди.
Оқ йұл тиляб,
 шартта уни
Коинотга отишиди.
Йиллар үтди
 мунгайишиб,
Йиллар үтди
 чопишиб.
Шу орада не-не олим
 ерга кетди
 қапишиб.
Манзили йүк саёқ
 мактуб

Фазони хұб
айланди.
Охир бориб,
алтақаңдай
Сайерага бойланди.
Шубха йүкки,
энди уен
Күчар мавзұ-темамиз.
Хуллас, ўша бир
юлдузға
Бориб түшди кемамиз.
Бахтии қаранг,
У жойнинг ҳам
Фуқароси бор экан.
Илму урфон,
онг, тафаккур
Уларга ҳам
ेр ақан.
Етук экан улар гоят,
Не-ие сирлар дастыда.
Ажаб, лекин,
яшар экан
Улар ернинг остида.
Қайбирови
сайхонликка
Чиңіб қолиб бир
куни.
Ногоҳонда топиб
олмиш
Биз юборган
кутини.
Ваҳимани кўринг
энди,
Юлдузликлар
бўлмиш жам.
Ахир йироқ самовотдан
Хабар келмиш
чинакам!
Бу тұхфанинг нелигини
Улар дарҳол
туймишлар.
Матоҳимиз
оласолиб
Патефонга қўймишлар.

Бироқ ҳеч не
англашмабди,
Ажаб, ажаб, ажабо!
На бирор бир таниш
сас бор

Ва на таниш
бир садо.

Ха, оламда
овоzlар мүл,

Саногин ким
биларкан.

Шу соҳада улар
биздан

Тамоман фариқ
қиласаркан.

Гувиллашни
англашмабди —

Уммоиляри йўқ, демак.

Увиллашни
англашмабди —

Ҳайвонлари йўқ
демак.

Демак улар миттиқ
отмас,

Тулпор миниб
чопмайди.

Мусиканинг ўрнини
ҳам

Бошқа нарса
қолпайди.

Гудаклари
йиглашмайди,

Гулдураклар бермас
сас,

Булбулларнинг
сайраши ҳам

Улар учун йўқ, абас.

Ўзимизга қиёс қилиб

Камситмайлик
барчани.

Дейлик, биз ҳам
бильмаймиз-ку,

Иисоф деган
нарсани.

Юлдузликлар
жим қолищи,
Хафсаласи тамом
пир.
Ахир қанча
кавлашмасин
Гап чиқмади, бари бир.
Сүнгги бора
айланганда
Патефоннинг
бурови.
«Құлт-құлт» деган
бир товушни
Илғаб қолди бирори.
Тұхтанг! — деди,
Гап буеңда!
Таниш садо топилди.
Энди бирдан
түшкүнликнинг
Эшиклари ёпилди.
Юлдуз бүйлаб
үша заҳот,
Тарқалди-ку бу хабар:
— Оламшумул
янгиликдан
Қолманг, дүстлар,
бехабар.
Минг-минг шукур
әлгизмасмиз,
Гушадошлар бор экан.
Аллақайси бир
пучмоқда
Шишаудошлар бор экан.
Жавоб йүллаш керак
энди,
Улар ҳам хұб чопиши.
Үзларининг
конларидан
Магнит тахта топиши.
Бироқ бошқа
овоzlарни,
Улар четлаб ўтдилар.
Фақатгина үзларининг
«Құлт-құлт»ини
битдилар.

Шу күнларда ўша
мактуб
Елаётир биз томон,
«Құлт-құлт» деган
таниш садо
Келаёттир биз томон.

МАЙМУНИЯТ

Туриб-туриб маймун бир күн бошин қашлади,
Ва маймуний режаларни тұза бошлади.
Деди: — Шукур, үлиб кетмиш Гулханий бобо,
Демак бизнинг давримиз ҳам келмиш мутлақо.
Крилов ҳам марҳум эмиш аллақачонлар,
Үзимизга қолған демак әнді замонлар.
Не қылсақ ҳам құлымизды инон-ихтиёр,
Бизнинг йүлни тұссолгувчи әнді ким ҳам бор?
Шундоқ дея маймун ширин үйтарға борди,
Сұңг таваккал... шоирликни ғ ылаб і борди.
Маймунаға фикрлардан назм тизди у,
Үрмон бүйлаб кечә-күндүз изгиб кезді у.
Қарасаки ишлар тузук, итқомлар равон,
Мушугини «пишт» демайды бирорта ҳайвон.
Маданият соҳасида керак бұлар дер,
Уни бир күн қабул қылды ҳатто жаноб шер.
Сийланди у, ибрат утун үнвон берилди,
Маймун эса керилгандан әнді керилди.
Ҳайвон зотин менсимиайн құйди у бутқул,
Биз маймұнлар, деб бошларди нутқини нұқул.
Лабларида камтарона бир мамнуният,
Дерди: — Олам гүлтожимиз биз маймуният,
Оҳ, инсонлар. Қылолмасман уларға тоқат.
Шу борада маймун чора изларди фақат.
Охир үйлаб маймун топди шундоқ нақлни:
Инсонларнинг орасида Дарвин, ақылли,
Топиб күринг. Улут олим бизни алқаган,
Гулханий ҳам, Крилов ҳам биздан тарқаган.

ИЛГОР ИШЧИ ВА ЧАҚҚОН МУХБИР ҚИССАСИ

Ишчи тонгда туриб олиб
Күрилишга боради.
Фишт теради, тош йұнади,
Шагалини қоради.

Құл ишда-ю, аммо үзға
Хаәл кезар бошида,
Богнадаги қызасининг
Лентаси йұқ бошида.

Телшагини йұқотибди,
Үйинқароқ кенжаси.
Яңгисини оббер, — дейди,
Йиглаб чиқди кечаси.

Бирорынан папка керак
Үйлаб ҳамма-ҳаммасин,
Ишчи шу күн икки ҳисса
Бажаради нормасин.

Күн ярмидан оғмай туриб
Мухбир келиб қолади,
«Илтор», — дея уни, дарров
Суратини олади.

Эртасига газетада
Хабар чиқар бир қулоч:
«У яңги йил шарафига
Меңнат қылди...» На илож!

Газетани үқиб ишчи
Кулибина құяди,
Илгорлыгин сабабини
Яңги йилга йұяди.

Кунлар бир-бир ўтиб борар
Қамчилашиб отини.
Вақти етиб бир күн унинг
Тугиб қолар хотини.

Ким ҳам ахир толеидан
Кувонмайди бу чогда.
Үгил күрдик, деб құяди,
Оғзи унинг қулогда.

Ұлмай бир күн катта бұлса
Одам бұлар чақалоқ.
Аммо ҳозир бөкіш керак
Оч қолмасин бақалоқ.

Ахир жиндай чиқим керак,
Үйлаб ҳамма-ҳаммасин,
Ишчи шу күн уч баравар
Бажаради нормасин.

Күн ярмидан оғмай туриб
Мухбир келиб қолади.
Пешқадамнинг тагин боллаб
Суратини олади.

Эртасига газетада
Хабар чиқар бир қулоч:
«Балиқчилар қунига у
Мехнат қилди...» На илож!

Газетани үқиб ишчи
Кулибгина құяди.
Илғорлигин сабабини
Балиқчига йұяди.

Кунлар яна ўтиб борар
Бир-бирини қувлашиб,
Ҳозирчалик ёмон эмас
Яшайдилар қувнашиб.

Аммо одам ҳәётида
Бордир күннинг қораси,
Ажал етиб бир күн унинг
Қазо қылар онаси.

Мархұм деган үзи бориб
Кирмайды-ку қабрга.
Чиқим керәк күмишга-ю,
Майда-чүйда тадбирга.

Онасининг улишини
Қайдан билмиш у гарип,
Йүқса аввал озроқ нарса
Қўймасиди жамгариб.

Қабр устига лавҳа керак...
Ўйлаб ҳамма-ҳаммасин,
Ишчи энди тўрт баравар
Бажаради нормасин.

Кун ярмидан оғмай туриб,
Мухбир келиб қолади.
Нешқадамни қаққайтириб
Суратини олади.

Эртасига газетада
Хабар чиқар бир қулоч:
«Май байрами шарафига
Меҳнат қилди...» На илож!

Газетани энди ишчи
Бир бурчакка отади.
Бу мақтовга нима дейсиз?
Ўйлаб боши қотади.

Үйда бундоқ таъзия-ю,
Бу ёқда бу масхара.
Наҳот одам аҳволини
Сўрамаса тасқара.

Энди иш ҳам қолиб кетиб
Сўка боштар гурбатни:
«Биламиз-ку биз ҳам ахир
Байрамларга ҳурматни.

Майли, баҳор байрамидек
Яшнатайлик оламни,
Лекин, ука, ёшлиқ қилиб
Ранжитдинг-ку одамни».

Үйлаб ҳамма-ҳаммасини
Хуллас тинчи йүқолар,
Хумпарни бир боптай, — дея
Газетага йүл олар.

Кейин билса мухбирнинг ҳам
Бор экан ўз иоласи,
Чиқим учун ёзган экан —
Туқдан экан холаси.

ТУРГУНБОЙ

Иш ахтариб Тургунбой
Неча қунки сарсондир.
Омадининг тескари
Юришидаи ҳайрондир.

Йўқса, бажо қилинган
Барча тартиб-қоида!
Ҳужжатлари бир талай,
Прописка жойида.

Қайга борса келинг, деб
Хушнуд қарши олишар.
Лекин сұхбат сұнгтида
Үйланишиб қолишар.

— Афсус, афсус, —
дейишар, —
Тагин бир оз күтгайсиз
Ваъда берган бўлсан гар
Бизни маъзур тутгайсиз.

Иш ахтариб Тургунбой
Неча қунки сарсондир.
Омадининг тескари
Юришидан ҳайрондир.

Тургунбойга шум тақдир
Сира шафқат қилмайди.
Пора берай дер, аммо
Усулини билмайди.

Охир дадил бостириб,
Кирди бир идорага.
Зора энди баҳт қулса
Тургунбой бечорага.

Тик турганча бошлиққа
Шикоятин сўзлади.
Кўрган-кечирган барча
Хикоятин сўзлади.

Деди: — Айбим, шимадир,
Билолмайин ҳайронман.
Шу мушкулнинг чорасин
Қизолмайин ҳайронман.

Бошлиқ узоқ ўйланди,
Хужжатларни варақтаб
Сўнг хазина тонгандай
Сўз бошлади чарақтаб:

— Ҳужжатлар-ку жойида,
Тупиа-тузук жисмингиз.
Фақат бир гап: бизларга
Тўғри келмас исмингиз.

— Афсус, қайта қуришнинг
Ўтмабсиз йўлларини,
Тургун исми эслатар
Тургунлик йилларини.

Тургунбойнинг ногаҳон
Еришди ўксуқ дилти.
— Бор-йуқ айбим шуми, —
деб,
Каломга келди тили.

Деди: — Наинки исмим
Оlamдан ҳам тонурман.
Ирим билан ном қўйган
Онамдан ҳам тонурман.

Менга фақат иш керак
Кечгум дарё, сой бўлсин.
Исмим Тургунбой эмас,
Майли, Ургунбой бўлсин.

Ургунбойга муносиб
Вазифани топдилар.
Тургунликнинг яна бир
Саҳифасин ёпдилар.

Мажлисларда энди у
Фурсат пойлаб туради.
Ур, деса бас, Ургунбой
Дуч келганинн уради.

И Б Л И С

Обрў керак бўлар иблисларга ҳам,
Уларга ҳам довруқ, шон-шуҳрат
даркор.

Бир куни осмондан Иблиси Олам
Ерга тушмоқликни қўлди ихтиёр.
Гўзал либосларни танлади роса,
Кўрган-бигланларин йигди кўписин,
Аввал ўзбеклардан олди андоза,
Яъни кийиб олди тўн ва дўпписин.
Бошдан бозорларга кирди у атай,
Турфа жамоага келай деб тўқнаш.
Боқса — ҳар каллада дўппи ўшандай,
Кийган тўнлари ҳам бир хилда,
 ўхшаш.

Қайтиб кетди Иблис фалакка дилгир,
Ўзин оқламади дўппию чопон.

Эътибор қўлмади ҳеч кимса ахир,
Қайрилиб боқмади ҳеч битта инсон.
Иблис бошқа фириб қўлида энди,
Танлади Кавказнинг нопок буркини,
Келиб чўпонларнинг ёнига қўнди,
Кўз-кўз қилганича қомат, кўркини.
Чўпонлар Иблисни олди ўртага,
Дедилар: —Мизлатинг надир, эй
 қўноқ.

Аслингни яширсанг агар жўрттага,
Ўзингдан кўргайсан, билиб қўй бироқ.
Иблис шоша-пиша учди осмонга,
Гангид қолган эди шўрликнинг боши,
Назар солди обдон барча томонга,
Деди: ҳиндуларнинг бўлай йўлдоши!
Белида лунгию оёқда сандал,
Ҳинду тупрогига Иблис қўнди жим.
Кимлардир бепарво, кимлардир
 танбал,
Иzzат қўрсатмади хулласи ҳеч ким.

Иблис қаргай кетди қасби-корини,
Ахир бу хүрлилкә борми ниҳоя.
Кимдир эшитгандай оху-зорини,
Бошига ярқ этиб келди бир гоя.
Бежирим шляпа кийди у дархол.
Сержун гарданига илди буйинбог,
Камзулу шимига юргизди дазмол,
Зархал күзойнакдан күнгли эди тог.
Дуч келган манзилга шүнгиidi энди,
Во ажаб! Бу не ҳол? Бу не каромат?
Уни күрган заҳот шовқынлар тинди,
Юришиб кетди-ку ишлар аломат.
Иблисни раҳбар деб қарши олдилар.
Балки сийладилар ундан ҳам ортиқ,
Пойига ипакдан палак солдилар,
Сүнг юксак бир тахтни этдилар

тортиқ.

Ҳиндую ўзбек, рус, булгору қавказ,
Барчаси саломгага келди дафъатан.
Иблис жами халқға гүе бегараз,
Бепоён заминни айлади ватан.
Хўкму фармонини юргизар пинҳон,
Қошу қабогига кекса-ংш қарар.
Эзгулик гафлатда қолгани замон,
Одамлар ҳаётин Иблис бошқарар.

САБАБЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Одамлар от,
Колбаса лекин
Күчукларга едирилмоқда.
Шарх этамиз бу ҳолни секин:
Сабаблари қидирилмоқда.
Үлдирмокда ака-укани,
Оилалар емирилмоқда.
Сабабини ким айтар, қани?
Сабаблари қидирилмоқда.
Самолётни опқочди бирор,
Норозилик билдирилмоқда.
Жавобимиз тайёрdir дарров:
Сабаблари қидирилмоқда.
Ер юзидан улуг бир давлат
Шитоб билан сидирилмоқда.
Биз-чи, мажлис қиласыз фақат:
Сабаблари қидирилмоқда.

ОЙИСИННИГ ФОНДИ

Ишчи йигит маош пойлаб
Турар эди наебатда,
Бу биринчи моянаси,
Завқи ҳам зўр, албатта.

Бармоқларин букиб-букиб,
Режаларин тузарди.
Қўз олдида алвон-алвон
Орзулари сузарди.

Ойисига гижим рўмол,
Қайлигига исирга.
Пешайвонга битта илгич, —
Кийим-пийим осурга.

Эҳ, орзунинг чеки борми,
Санаб етмас бахшиям.
Кассир аёл: — «Хой, овсар», деб
Чорлаб қолди яхшиям.

Бўйдоқмисан, дея зимдан
Кулимсираб турибди,
Тугилмаган бола учун
Маошидан урибди.

Майли деди, йигит қувноқ,
Савоби кўп оламнинг,
Жўжабирдай фарзанди бор
Ахир катта холамнинг.

Йигит яна ойлик ҳақин
Санаб қўрар бир бошдан,
Касабалар уюшмаси
Чегирибди маошдан.

Хұп ажайиб бир ҳодиса
Юз берди денг ұша он,
Аллақандай тұда уипи
Құршаб олди иогағон.

Жазавага тушиб үлар
Алмасди үзини.
Ва, ниҳоят чечанроли
Бошлаб қолди сұзини:

— Маданият фондиданман,
Уқа, бизни бир құлта.
Вилоятда раҳбаримиз
Ұша, шоир Абдулла.

— Ма, ол, дея сұлқавойни
Чүзді йигит шошмасдан,
Маданият ривожлансын,
Тушунаман, ёшмасман.

Ұша заҳот бошқа бири
Құлга олди шитобни:
— Яхши йигит, назаримда,
Хуш күрасан китобни.

Ха, китобдан күчирасан,
Мактуб ёссанғ қызларга.
Модомики, шундоқ әкан,
Ақчадан чұз бизларга.

Баён этди кимдир шу он
Гоят мунгли бир ҳолни:
— Уқажоним, асраш керак,
Үлаёттан Оролни.

Ишчи йигит күзларида
Милтирайди шұртанд өш.
Деди: — Мадад бұлақолсın
Битта әмас, үн маош.

Унга چұзди, бунга چұзди,
Ҳамен озди озғанча.
Яқын келди тагин бири
Қулочини өзғанча:

— Навоийни биласан-а,
Халықта маълум ҳар иши,
Шу күнларда сал ёрдамга
Мұхтожидилар у киши.


— Ҳазратимнинг қалам ҳаққин,
Айтынг, кимлар олади?
— Улушлари Давлат деган
Төғасига қолади.

Ихтирооти болалару
Бағынчилар келдилар.
Яна қанча номи мавхум
Солиқчилар келдилар.

Йигит ғоят мамнун эди,
Құтаринки кайфият,
Чүнтагида үн беш тийин
Ортиб қолмиш, хайрият.

Үз-үзини юпатди у,
Үқинмади армонаңда.
Олай деса, барыбир ҳам,
Хеч вақо йүк дүконда.

Ойисига келиб деди:
— Хоҳ ютинг, хоҳ ютқазинг,
Үн беш тийин маош олдим,
Фондингизга ўтқазинг.



ЖАННАПГА ИЧЛ



ЖАННАТГА ЙҮЛ

(Драматик достон)

И штирок этувчи дар

Йигит	Фариншталар
Она	Дүст
Ота	Үзгә одам
Тарозибон	Үспириш
Югуртак	Кария
Чол	Кимса
Хүр қыз	Садо
Фариншта	

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

*Маҳшар салғосыда гүжгон оломон. Тарозибон ҳузурила
Йигит ва Үзгә одам*

Й и г и т

Маҳшар тонгги аста-секин оқариб келар,
Күз олдимда содир бүлди Улуг Қиёмат.
Нече юз йил давом этди билмам, бу йүллар,
Тарозибон қошига ҳам етдик, ниҳоят.
Тарозига тушар эмиш гуноҳ ва савоб,
Қайси бири құпроқ экан пешонамиза?!
Не бұлса ҳам, тарозиси булмасин нобоп.

Ү з г а о д а м

Тарозибон не деса шу, ишонамиз-да!
Қайси куни йиглаб кетди бир мүйсафид чол,
Етти бора ҳаж савоби бұлмабди қабул.

Й и г и т

Нечук энди?

Ўзга одам

У дунёда юз бериб қай ҳол,
Отасини сансираган экан бир бор ул.

Й и г и т

Минг мартаба шукур бўлсин парвардигорга,
Мендан рози кетган экан қиблагоҳларим.
Эс билмаган гудактикни йўйсак бекорга
Сенсираган ғасман мен, йўқ гуноҳларим.
Дўстлар би. и к. ялашган чоғларим бўлган,
Ҳар хил куфр ишларим ҳам кўпdir, билмадим.
Балки менинг гуноҳ ҳалтам лиммо-лим тўлган,
Лекин ота ҳурматини канда қилмадим.

Т а р о з и б о н

Билдик, сипо зот экансан, на хору на хас,
Навбатинг ҳам етиб қолди, титрама, юр сен!

Ўзга одам (титраб тарозибонга яқинлашади)

Салом, тақсир, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Т а р о з и б о н (қўлида дафтарчасини варақлаб)

Бу ёққа тур. Исминг нима? Ҳожати ҳам йўқ,
Тамга босиб қўйган экан сенга оллоҳим.
Сенинг жойинг аросатда. Қўнглинг бўлсин тўқ.

Ўзга одам .

Тақсир, агар рухсат бўлса, бир саволим бор,
Умрим ўтиб илк мартаба сўз сўрашим бу.

Тарозибон

Ха, түшүндим. Дұзахдан ҳам бўлма умидвор,
Сенинг жойининг аросатда, тайин дедим-ку?

Үзга одам

Тақсир, менинг сүнгти бир арназм шулки. —
Наҳот бекор кетаверса шунчалик танофф?!

Тарозибон

Ганини чўзма, аросатга борасан, чунки,
Сен на гуноҳ қилгансану, на зарра савоб.

Қани ким бор?!

Үзга одам тарозибондан узоқлашиди

Иигит

Хайр, биродар. Нима бўлди?!

Үзга одам

Аросатга.

Иигит

Худо сақласин!

Тарозибон (Иигитга)

Ҳой, йигитча, имиллама, кармисан баттар.
Чидаб келган бизнисиг жонни худо ёқласин.
Минг йилмикан тарозунинг бошида жойим,
Жаннат, дўзах тўлса тўлар, тўлмас бу дўкон.
Марҳаматин дариг тутмай қодир худойим,
Одамзотни санамасдан яратгай экан.
Кошки булар фариштага ўхшаса сал-пал,
Шулар келиб бу дунё ҳам бузилиб кетди.

(иҷкаринга қараб)

Ҳой, югурдак, қара дейман, чилимга сув сол!

Й и г и т

Амакижон, мен келувдим, наебатим етди.

Та р о з и б о н

Амакингни толиб бўпсан, жиндек сабр қил,
Бизларнинг ҳам жонимиз бор, биз ҳам мутеъмиз.
Наинки сен, ишлайверсак бизларнинг ҳам, бил,
Оғзимизга келиб қолар она сутимиз.
Сен қаёққа шошмоқдасан? Шунча йил кутдинг, —
Қора гурда кўкрагингни босганча захга,
Пайт келганда барчасини наҳот унудинг?
Шошма, йитит, ултурасан ўша дўзахга.

Й и г и т

Балки жаннат кутмоқдадир...

Та р о з и б о н

Қайдан биласан?

(иҷқарига)

Ҳой, чилимни келтир дейман!

Ю г у р д а к ф а р и ш т а
(иҷқаридан)

Ҳозир, хўжайин!

Та р о з и б о н
(Й и г и т г я)

Сендайларга дўзах яхши, мулла бўласан.

Йигит

Агар ёрдам қиласангиз-ку жаннат ҳам тайин.
Анча-мунча савобим ҳам бордир, ўлдими?!
Карасангиз бўлар эди тезроқ, амаки.

*Югурдак фаришта чилим келтиради.
Тарозибон чилимни пештайди*

Тарозибон

Шу ҳам ахир кайф бўлдими, чилим бўлдими,
Билтасман ҳеч, бергандари хасми, тамаки.
Бир озгина ҳордиқ олай,

(Югурдақ фариштага)

Ҳой, сен болакай,
Ҳисоблаб кел менга бунинг қўлмишларини.
Сал янглишсанг, билб қўйгин, ҳолинг бўлар вой,

(Бир дафтарча узатиб)

Шу дафтардан топажаксан бор ишларини.
Бугунги кун ҳисобидан ўн мингингчн бу.
Дафтарчада қалам билан белги қўйганман,
Бир озгина дам олайлик, ҳориб бўлдим-ку.
Ростин айтсам, шу ишлардан чарчаб тўйганман.

(Йигитга)

Қани, ўтири, яқинроқ кел, сен ҳам ҳорибсан,
Омад келиб тушиб қолсанг беҳиштга шояд,
Бу оламга анча эрта келиб қолибсан?
Боиси не фалокатми ёки жиноят?

Й и г и т

Фалокат юз берганди тошқин маҳали,
Қизалоқни сой сувидан қилгандим ҳалос.

Тарозибон

Шунақа де? Аммо, лекин ётмас бу ҳали,
Баъзи ишлар бўладики тасодиф, холос.
Савоб деган нарса ахир тасодиф эмас,
Етмиш икки томирдан у оқиб келгуси,
Яхши одам яхшилигин англамай қолмас,
У виждонни бир вазифа дея билгуси.
Қайси куни бир ношукур дўзахга кетди,
Мен узим ҳам бир мушт урдим, ростин айтганда.
Қуриб кетган, суягига ёпишган эти,
Қалби тўла ҳасад экан — ношукур банда.

Қанча-қанча бегуноҳнинг бошига етган,
Ҳатто бола-чақасига урмиш гуноҳи.
Ким билсин у дўзахга ҳам чап бериб кетган,
Ҳа, болакай, кенг экан-да худо даргоҳи.

Й и г и т

Бизларнинг ҳам маҳаллада бор эди бир зот,
Ўша қайга борган экан, айтсангиз билиб.

Тарозибон

Ким эди у? Текинхўрми, кофирми, шаддод?

Йигит

Салом берсанг ҷўнтағинги кетарди шиљиб,
Кимдан зарра фойда чиқса ўша заҳоти
Бориб ётиб олар эди остонасига.
Товламачи одам эди, ўтди ҳаётни,
Тавқи лаънат осилтасдан пешонасига.

Тарозибон

Ким билади, унақалар кўп ахир, укам.
Ким ҳам ахир бундайларни йўлга солибди...
Қайси куни биттасини дўзахга ёсам.
Гўринг кўйгур нақ жанинатга ўтиб олибди.
Қайта олиб келишади, ёзиб юбордим.
У нокасни тиқажакман дўзах қаърига.
Инобатга ўтар ахир менинг ҳам қаҳрим,
